

**МЕНГЛИБОЙ МУРОДОВ**

# **ГУНОХ**

*Роман*

Тошкент  
«Янги аср авлоди»  
2009

84(5Y)6

М 81

Муродов, Менглибай.

Гуноҳ: Роман: / Менглибай Муродов. — Т.: Янги аср авлоди, 2008. — 304 б.

ББК 84(5Y)6

Инсон айниҳса, ўзининг ёшлик йилларида баъзан ўткинчи ҳисстүйгулар таъсирида, баъзан ҳақиқий ишқиниг ўрнини босган ҳавас ва ёки эҳтирас оқибатида билшиб-бильмай катта-кичик ҳатоликларга йўл қўйиши ҳам мумкин. Афсуски, бундай адашншлар беиз кетмайди. Ахир бејиз қайтар дунё дейишмайди-ку.

Истеъоддли ёзувчи Менглибай Муродовнинг мазкур «Гуноҳ» романидаги айнан ёшлик даврларида қалтис хатога йўл қўйган Шамсиддин ва Гулсарапанинг умрлари чуқур изтироблар гирдобида, афсус-надоматлар қийногига ўтганлиги ёрқин бўёқларда тасвирлаб берилган. Энг ачинарли томони, ота-оналарнинг хатолари бегуноҳ фарзандлар ҳаётини ҳам издан чиқариб юборади...

Ўйлаймизки, асар китобхонларга манзур бўлади.

ISBN 978-9943-08-253-3

© «Янги аср авлоди», 2009.

## МЕНГЛИБОЙ МУАЛЛИМНИНГ ДИЛ СЎЗЛАРИ

Кўп ҳолларда истеъодд чархланишига, яхши-яхши асарлар пайдо бўлишига қаламкашнинг бой ҳаётий тажрибаси жуда аскотади. Навоийлик Менглибой ака Муродов мана шундай ижодкорлардан.

Менглибой ака деярли қирқ йил мобайнида болаларга таълим берди. Бу йиллар мобайнида озмунча йигит-қизни катта ҳаёт қучонига учирма қилдими! Уларнинг ҳар бири бир тақдир, бир қисмат, бир... роман! Мен бежизга «роман» деган сўз олдидан андак ўйланниб қолганим йўқ. Гурунгларимиздан бирида Менглибой ака айтган бир гап сира ёдимдан кўтарилимайди. «Мактабда ўзим таълим-таҳсил берган ўқувчиларимни кўз ўнгимдан ўтказаман, кейинги ҳаётлари билан қизиқаман. Уларнинг ҳар бирининг ҳаёти алоҳида романга ўхшаб кетади...» Тажрибали муаллим қўлига қалам тутикасан туйғу ҳам мана шу бўлса не ажаб?!

Ҳаловат «ўғриси» бўлган бу туйғу, мана, сал кам зллик йилдирки, Менглибой муаллимга тинчлик бермайди. «Меҳр», унинг изидан дунё юзини кўрган «Хосиятли кун», «Дийдор», «Юрагимда борин айтдим» китоблари ана шу бедорлик, ана шу тиниб-тинчиласлик меваси.

Шубҳасиз, бадиий адабиётнинг мезонини, вазнини белгиловчи насрдек оғир жараёнда ижод қилиш осон эмас. Айниқса, роман жанрига қўл уриш ёзувчидан масъулият билан бир қаторда жасоратни ҳам талаб қиласди. Бежиз катта-катта ёзувчилар ҳам бу жанрга эҳтиёткорона муносабатда бўлиб, ҳаттоқи йирик-йирик асарларини ҳам камтарлик ила «қисса» деб аташмайди. Қўлингиздаги китоб муаллифи адиблик масъулиятини ҳам, жасоратини ҳам тўла юракдан ҳис этади, «Мен роман ёзиб қўйдим!» деб кўксига урмайди, аксинча, «Кунда, кун бўйи ёзаверибман, ижод столидан нари жилгим келмайди, ёзганим сайин роҳат оламан», дейди у киши камсуқумлик билан. Дилядаги, қалбидаги ўйларини, сўзларини ёзган одам учунгина ижод машақати роҳатга айланади.

«Гуноҳ» деярли чорак асрлик воқеаларни қамраб олган бўлсада, воқеалар хронологик тарзда, ой-кунларига қадар аниқ тарзда кечади. Ушбу ҳолат ҳам асар сюжетининг ўйлаб топилмаганлигини, балки ҳаётнинг ўзидан олинганинги кўрсатади.

Асарнинг ютуғи шундаки, ёзувчи ҳаётда юз берган анчайин чигал ва айни пайтда қизиқарли воқеаларни шунчаки қофозга кўчириб қўя қолмайди. Абдулла Қаҳҳор таъбири билан айтганда, унга «кўнглидаги гапларни» қўшиб ёзди. Шу сабабли «Гуноҳ» ҳаяжон ва қизиқиш билан мутолаа қилинади, то сўнгги нуқтага қадар ўқувчини «Кейин нима бўларкан?» деган савол таъқиб этади.

Асар — ёшлар ҳақида. Уларнинг ўй-қизиқишлари, интилишлари, орзу-армонлари, саъй-ҳаракатлари, мақсад йўлида адашишлари ва, табиийки, муҳаббатлари ҳақида.

Бир мулоҳазанинг ўрни келиб қолди.

Инсон табиатан ўзининг катта-кичик қусурларини беркитишга, ҳеч бўлмаса салгина пардалашга мойилроқ бўлади. Шу мақсадда ҳаттоқи «Ҳаммамиз ҳам ҳом сут эмган бандамиз» ё бўлмаса «Ёшлик — бебошлик» сингари нақлларни ҳам ўйлаб топиб қўйган. Аслида эса...

Келинг, фикримизни асардан олинган бир чимдим кўчирма билан давом эттирайлик:

«Азалдан оғир табиатли, гапиришдан кўра тинглашни хуш кўрадиган Эргаш ота қудасининг ҳам, ўғлининг ҳам сўзларини диққат билан эшитиб, бош ирғаб маъқуллаб ўтиради. Қудасининг «Ёшлик — бебошлик!» деган сўзини эшитиб эса энсаси қотганини яшириб ўтирмади:

— Бебошлик — кўп ёмон нарса! Бебошлик ёшликни хароб қилади. Одам умрининг эгови ҳам шу бебошлик! Бебошлик кўпроқ отонасиз, яъни тарбиясиз қолган ёшларда бўлғувчи эди. Шамсиддиннинг эса сизлардек эсли-хушили ота-оналари бўла туриб шу ҳолатга тушиб қолганига тушунолмай турибман. Ёлғон сўзлаш, иккизламачи бўлиш, саёқ юриб-таёқ ейиш ҳам бебошликтининг оқибати эмасми?.. Бебошлик — бир кун келиб бошга етадиган бало!..»

Қаранг, шу биргина жумлада халқимизнинг болалар тарбияси борасида нақадар донолиги, нақадар масъуллиги акс этган! Ахир бежиз «Бир болага етти қўшни ота-она» демаймиз-ку.

Умуман олганда ҳам, «Гуноҳ» ёшлар ҳаётидан ҳикоя қилса-да, унда бир қатор донишманд оқсоқоллар, оқила кампирларнинг жонли образларини учратасиз. Яна бир мисол: «— Бола тойса, — деди ўғлининг мунгайиб қолганини кўрган Рисолат ая меҳр билан, — ота-она йиқилади, улим».

Ёки бўлмаса бошига кўп савдолар тушган Маматқул отанинг мана бу сўзларини эслайлик: «— Ерга қараган кўзга чанг тушмайди, болам...»

Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин.

Умуман олганда, муаллиф қишлоқ одамларининг мулоҳазага ҳамда турли-туман, аммо ўз ўрнида ишлатиладиган нақларга бой нутқини топиб, саралаб, ўрни-ўрнида ишлата олган. Қаранг, куёвинг бошқа оиласи ҳам бўлғанилигини, ундан фарзанд кўришга ҳам ултурғанилигини эшитган меҳрибон, гамхўр aka нима дейди: «Куёвнинг бу гаплари ҳақоратдай туюлган Олимжоннинг кўзларида нафрат олови ёнди:

— Нарвонни қўл ушламаса, осёқ чиқа олмайди... Лойқаланган сув тиниши мумкин, бироқ синган қалб шишасини аввалги ҳолатига келтириб бўлмайди-ку, қуда бобожон!..»

Муаллиф қишлоқ одамларининг жонли нутқидан фойдаланиши жуда ўрнига қўяди: «— Ўғлизимзининг тарафини олиб, уни бутунлай оқламоқчи эмасман, — деди босиқлик билан Маматқул ота.

— Шамсиддин ақлли, фаросатли, узоқни ўйлаб иш қиласидиган бўлганида биз ҳозир бундай оғир вазиятга тушиб ўтирумаган бўлардик. Той суринмай от бўлмас, деган гап бор. Мана, ўзиям суринганидан пешонасидан юрагигача қашқа қилиб ўтирибди-ку!..»

Мен Шамсиддин билан Гулсаранинг фожиали кечмишлари, Ойсаранинг изтироблари, айбсиз айборларга айланишган Меҳриддин билан Гўзалойнинг ўкувчи қалбини ларзага соладиган қисматлари хусусида батафсил тўхталмайман. Зеро, бунинг учун асар мазмунини тўла ҳикоя қилиб беришга тўғри келарди...

Менглибой муаллимнинг дилидан, қалбидан қоғозга роман шаклида тўкилган «Гуноҳ» асари «Ёшлиар йили»да ёшлиарга ўзига хос муносиб совғаси бўлди. Умид қиласизки, асар ёшлиарнинг ҳам, кексаларнинг ҳам — кенг омманинг севимли китобига айланади.

**Хуршид ДЎСТМУҲАММАД**

## Ташланып өткөн күндер

### Ташланып өткөн күндер

Баңор фасли ўз ўрнини ёзга бўшатиб бера бошлаган кунларнинг бири эди.

Намозшом палла.

Юзига билинар-билинмас дод тушган, сочини турмаклаб боғлаган, ўрта бўйли, озғин, одмигина қизғиши кўйлак кийган йигирма ёшлар чамасидаги жувон оқ чойшабга ўралган қўғирчоққа ўхшашибир нимани маҳкам бағрига босганча шаҳарнинг паст-баланд биноларига синчковлик аралаш ваҳима билан кўз ташлаганча катта кўчага туташ йўлакчадан илдам кетиб бораради.

Нидоят аёл пештоқига «Шаҳар болалар уйи» деб ёзилган бинонинг дарвозаси олдига келганда тақа-тақ тўхтади. Сўнг юрак ютиб оёқ учидаги бир неча қадам олдинга юрди ва дарвоза тирқишидан ичкарига ўғринча мўралади. Шу аснода аёл қўлидаги юки ўралган чойшабнинг бир четини озгинана кўтариб қўйган эди, муштдеккина чақалоқнинг шолғомдай қип-қизил юзи кўриниб қолди.

Аёл катта дарвозани секин итариб кўрди, аммо у ичкаридан қулфланганми, очилмади. Худди шу маҳал дарвозадан икки-уч қадам наридаги бир тавақали эшик очилгандай бўлди. Бола кўтарган аёл шу томонга «ялт» этиб қаради. Кейин шоша-пиша эшикка яқинлашди ва жон ҳолатда ичкарига бош суқди. Каттагина ҳовлининг спорт майдончасида ўн-ўн бир ёшлар чамасидаги бир тўп болалар волейбол ўйнашарди.

Аёл ҳадиксираган кўйи эшикдан ичкарига кирди. Аввал ҳар томонга хавотир аралаш аланглаб олгач, секин ҳовли томонга юра бошлади. Кейин қадамини теззлатди. Нигоҳи арча дарахтининг остидаги ўриндиққа тушган жувон шо-

шиб шу жойга етиб борди-да, бағридаги гүдагини ўриндиққа оқиста ётқизди. Аёл құрқувга тұла күзларини бундан кейинги тақдиди номағын, әхтимол бир умрга бағридан ажралиб қолаётгап нораста гүдагига тиқди.

Аёл шошилаётганиң қарамай боласининг митти юзидан үпмоқчи бўлди, бироқ унинг үйғониб кетишидан қўрқдими, дарҳол фикридан қайтди. Аёл яна ва яна гүдагининг юзкўзларига суқланана-суқланана термулди. Кўзларига ёш тўлибтўлиб термулди... Шу пайт гўдак кулимсираб қўйди.

Бу ҳолат аёлнинг юрагини баттар хуружга келтирди. Ўзини йўқотаётган аёл шу онда гүдагини бағрига олиб тўйибтўйиб эркалагиси, муаттарлик ва мафтункорликда бу дунёда ўхшаши йўқ чақалоқ исидан маст бўлгиси келди.

Бироқ рўпарадаги бино зинапояларидан эшишилган оёқ товушлари аёлни бирдан сергаклантириди. Аёл шошиб шу томонга қаради. Қирқ-эллик қадамча наридаги зинадан оқ халатли, ёши эллик бешларга яқинлашган кўзойнакли, басавлат хотин шошилмасдан, аммо шу томонга диққат билан қараган кўйи тушиб келарди. Гўдаги ёнида турган аёл аввал сесканиб кетди, сўнг гўё бир сонияда эсини йифиб олган каби чаққонлик билан елкасига осиб олган қора сумкасини титкилаб буқлоқлик бир парча қофозни олди ва уни апил-тапил йўргакнинг ичига тиқди. Шундан кейин аёл гүдагини ўриндиқда қолдирганча жон ҳолатда ўзини эшикка урди.

Воқеанинг бунаقا ривожланишини кутмаган бўлса керак, аввал анг-танг қолган кўзойнакли ҳодима дарҳол зипиллаб қочиб кетаётган аёл орқасидан югурди ва йўл-йўлакай қичқирди:

— Ҳой, сингли-и-им, тўхтанг, шошманг-ей!..

Албатта, аёл бу чақириқни эшилди. Лекин ўзини эшишмагандай тутган кўйи эшикдан отилиб чиқсан заҳоти катта кўчада у ёқдан-бу ёққа ўтиб турган йўловчилар оқимига қўшилиб, кўздан ғойиб бўлди.

«Болалар уйи» эшигидан изма-из отилиб чиқсан кўзойнакли ҳодима эса гоҳ у ёққа, гоҳ бу ёққа аланглаганча қизил кўйлакли аёлни қидирди, тополмагач, эшик олдида лол туриб қолди.

Худди шу маðал ўриндиқда қолдирилган гўдакнинг аввал секин, кейин чинқириб йиглай бошлагани эшишилди ва бу йиги ходимани ҳушёр торттириди.

Ходимадан ҳам бурун ҳозиргина овқатланиб чиққан беш-олти бола йиглаётган боланинг овозини эшишишган заðоти аллақачон югуриб етиб келишганди. Улар бири олиб, бири қўйиб гўдакни йигидан тўхтатмоқчи бўлишарди, лекин чақалоқ «онами топиб беринглар» деёғандай зорланиб йиглашини қўймасди.

Кўзойнакли аёл дарҳол изига қайтди. У етти-саккиз ёшли дўмбоқ болаларнинг қий-чув қилиб чақалоқни қўлма-қўл олишаётганини кўргач, қадамини янада тезлаторкан, олисаноқ уларга қараб хитоб қилди:

— Ҳой-й, тиниб-тинчимаганлар, болани йиқитиб қўйманлар тагин!

Шошиб етиб келган ходима ҳамон «инга-инга» қилаётган чақалоқни болаларнинг қўлидан авайлабгина олди-да, бағрига босиб, аллалашга тушди. Гўдак йигиси бироз пасайди. Аёл гўдакнинг козига тикилганича чуқур «уҳ» тортди. Сўнг:

— Эссиэгина бола, — деб пичирлаб қўйди.

Чақалоқ оғзини очди, бошини гоҳ у томонга, гоҳ бу томонга буриб тамшаниб-тамшаниб олди-да, йигисини келган жойидан давом эттириди. Аёл яна аллалаганди, гўдак жимиб қолди. Сўнг тилининг учини юпқа лабларига тегизиб-тегизиб олди-да, тамшана бошлади.

Ходима гўдакнинг очиққанини сезди.

Шу пайт иккинчи қаватдаги дераза очилиб, ундан бўйланган бир ёш аёл ходима қараб:

— Роҳила опа, сизни директор опа сўрайтилар, — деди.

— Хўп, ҳозир бораман, — деганича Роҳила опа деганлари гўдакни опичлаб, аста ўрнидан турди.

## «Нима қилиб қўйдим?..»

Гўдагини болалар уйига ташлаб қочгандан бери ортидан ёв қуваётгандай шошиб-ҳаллослаб кетаётган қизил кўйлакли аёл ногаён йўл ўртасидаги тошга суриниб кетди-ю, муккасидан тушишига бир баҳя қолди. Мабодо уни қарши тарафдан келаётган иккита қиз ушлаб қолмаганида, йиқилиши аниқ эди.

Қизлардан бири:

— Гулсарамисиз, мунча шошилиб қаёққа бораяпсиз? — деди ҳайрон бўлиб.

Гулсара «ялт» этиб қизларга қаради-да, уларни қўшни ётоқхонадаги толибаларга ўхшатди, лекин исмларини дарров эслай олмади. Бунинг устига ҳозир ўйлаб ўтирадиган, улар билан суҳбатлашиб кетадиган вақт эмаслигидан минфирилаб қизларга миннатдорчилик билдирган бўлди-да, йўлида давом этди.

Гулсара муюлишгача шу тахлитда боргачгина қадамини бироз секинлатди. Сўнг чўнтакларини қайта-қайта кавлаштириди; қўлига илингани 7 сўм 55 тийин бўлди. Бу пул билан уйига аранг этиб бориши мумкин...

Гулсара тақдирини, бугунини, келажагини ўйлагани сайин ўзини дунёдаги энг бахтсиз аёллар қаторига қўяр ва айни пайтда ўзидан-ўзи нафратланиб кетарди. Шу топда жувон ўзининг фариб бошини қаёққа уришини билолмай гаранг эди.

Гулсарани бир хаёли ётоқхонага, бир хаёли ўзини шу куйларга солган Шамсиддиннинг олдига, яна бир хаёли эса қишлоққа — ота-онаси бағрига боришга ундар эди. Бунинг устига пулиям тугаб қолган...

Ётоқхонадаги қизларга кўринса сири очилиб қолишидан, Шамсиддинга борса, ундан натижа чиқмаслигидан, қишлоққа — ота-онасининг ҳузурига жўнаса «Ёзги имтиҳонлар даврида нима қилиб юрибсан?» қабилидаги саволларга дуч келишидан хавотирланган Гулсарачувалашган фикрларини бир жойга йиголмай, хаёл сурга-сурга одамлар гавжум бекатга яқинлашиб қолганида шундоққина олдидан чинқириб ўтган трамвай-

нинг овозидан юзига совуқ сув сепилгандай чўчиб кетиб, дар-  
ров ўзини четга олди...

Гулсара тез юрганиданми, қаттиқ қўрқувдан ва умидсиз-  
ваҳимали ўй-хаёлларга берилганиданми, қора терга ботгани-  
ни бекатда туриб қолганида, эсаётган елвизак шамол забти-  
дан сезди. Сезди-ю сумкасидан дастрўмолчасини олиб, юз-  
кўзларини артди. Аёлнинг назарида ҳамма унга жирканиб ёки  
нафратланиб қараётгандай эди. Ўзаро гаплашиб, қиқирлаша-  
ётган анави йигит-қизлар ҳам гўё шу топда унинг устидан ку-  
лишаётгандай, уни масхара қиласпаётгандай. Шуларни ўйлаб  
турганида таниш раҳамли автобус келганини кўриб қолдию,  
бу ердан тезроқ кетишга шошганиданми, Гулсара дарҳол унга  
чиқиб олди. Бироқ... автобус ичидаги йўдовчилар ҳам унга  
ёмон кўз билан қарашаётгандай туюла бошлади...

Гулсара автобус вокзалига кириб келганида кабоб ва со-  
мсанинг иштаҳани очадиган ислари димогига урилиб, ке-  
чадан бери туз тотмагани учун кўнгли бироз беҳузур бўлиб  
кетди. У чеккароқдаги сомсапазлардан иккита картошкали  
сомса харид қилиб, сумкасига солиб қўйди.

Сал ўтмай карнайлардан чиқаётган манқаланган овоз Бу-  
хорога автобус жўнаётганини эълон қилди.

Гулсара автобусга чиқди ва бир семиз аёлнинг олдидағи  
бўш ўринга бориб, аста ўтириб олди.

Зум ўтмай автобус орқасига озгина тисарилиб олгач,  
шиддат билан олдинга интилди.

Гулсара ёнида ўтирган аёлга секин кўз қирини ташлади:  
икки юзи шиширилган қизил шардай дум-думалоқ, семизли-  
гидан ҳансираиди, оғзидан мурчли кабобнинг хуштаъм ҳиди  
анқийди. Семиз аёл юз-кўзларидан сирғалиб тушаётган тер-  
ларини тез-тез артиб, орасида олтин узуклари ялтираб тур-  
ган тўмтоқ бармоқларида тутган қаттиқ гулли қофоздан  
ясалган елпигичини елпиб-елпиб қўяди.

Семиз, гавдали бу аёлнинг ёнида Гулсара катта ва семиз  
она қўйнинг олдидағи кечагина туғилган кўзичноқдай қим-  
тинибгина ўтиради.

Мурчли кабобнинг ёқимли ҳиди кечадан бери туз тот-  
маган Гулсаранинг иштаҳасини очиб, безовта қилди.

Гулсара энди йўлда олган сомасини емоқчи бўлганида ўзидан икки қатор олдинги ўриндиқда ўтирган бир ёш келинчакнинг қўлидаги чамаси тўрт-беш ойлик чақалоқ чин-қираб йиглашга тушди.

Келинчак эса гўдагининг йифисини эшишмагандай ёни-даги қора кўзойнакли барваста йигитта ниманидир куйиб-пишиб уқтиради. Ниҳоят келинчак гапини тўхтатмаган ҳолда боласининг оғзига сўрғич тутди. Чақалоқ уни бир тамшаниб чиқариб ташлади, шекилли, яна йифи овози ку-чайди. Гулсара гўдакнинг овозини эшиши билан шу та-рафга термулиб, чақалоқ ва онанинг ҳар бир ҳаракатини хавотирланиб кузата бошлади.

Гўдакнинг «инга-инга»лаб йиглаши Гулсаранинг изти-робга тўла қалбини баттар эзиб юборди. Баногоҳ жувонга шу топда ўзининг боласи йиглаётгандай туюлиб кетдию, бу туйгу унинг тирсиллаб турган кўкракларини беихтиёр ий-дириб юборди. Қалбида ва вужудида пайдо бўлган ғалати бир туйгу жувонни ўз забтига олди. Гулсара ўзи сезмаган ҳолда кафтларини борган сари нам тортаётган сийналари учига босди, кўзларини юмиб, ўзини болалар уйида қолди-риб келган гўдагини мириқиб эмизаётгандай ҳис этди.

Икки қатор олдиндаги келинчак ҳамон боласини эмизиш ўрнига, унинг елкасига қўли билан секин уриб-уриб қўйиб, «ў-ў-ў» дэя юпатмоқчи бўлар, чақалоқ эса йифисидан тўхта-мас эди.

Гулсара кўзларини юмиб олди... Назарида ўзининг гўда-ги очиқиб, чинқириб-чинқириб йиглаб иккала кўкрагини би-рини олиб, бирини қўйиб эмаётгандай... Ногоҳ ютоқиб-юто-қиб эмаёттан чақалоқ бирдан ғойиб бўлдию, жувоннинг тир-силлаб турган кўкраклари бўшашиб қолди.

Шу пайтгача ҳис қилиб кўрилмаган тушунарсиз туйгу-лар Гулсаранинг нотинч қалбини бўғма илондай чулғаб олди: жувоннинг бақириб йиглагиси, ўзини шу кўйларга солган Шамсиддинни, кейин эса ўзини қаттиқ жазолагиси келиб кетди. Жувон бехосдан шангиллай бошлаган қулоқ-ларини маҳкам чангллади, кўзларига қуйилиб келаётган алам ёшларини артди, автобус деразасидан пардани суреб

қўйиб, тобора қоронғилашиб бораётган далаларга ҳеч нарса кўрмайтган нигоҳини тикди...

Ҳайдовчи ёнида тикка турган йигит билан янги чиққан автобусларнинг афзаликлари тўғрисида суҳбатлашиб борар, йўловчиларнинг аксарияти эса уйқуга кетишган. Ҳалиги келинчак ҳам, унинг йифлоқи боласи ҳам ухлаб қолишиди.

Биргина Гулсара ўз дарди, ўз хаёли билан оғир ҳисстуйғулар оғушида, музтар ҳолатда ўтиради. Ахийри азобли ўй-хаёллар уни ҳоритгандай бўлди-да, аёл ўзини уйқуга чоғлаб кўрди: кўзларини юмди, бошини орқага ташлади. Бироқ барибир уйқуси келмади. Қайтага кўнгли янада ғаш бўлди. Боши фувлаб, юрагини ит тирнай бошлади. Ўз ғамига ғарқ бўлди. Эриган қўргошиндай қайноқ дард унинг юрагини ўярди: «Нима қилиб қўйдим?.. Нега бошқа бирор тузукроқ чора излаб кўрмадим?.. Нега бунчалик шошдим?.. Маслаҳатлашай десам ҳақиқий сирдошим, дардкашим, жоначирим ҳам йўқ ёнимда. Қаёқдан ҳам шу ярамас хотинбозга учрадим-а?.. Севаман, ўламан... деса унинг алдовларига учеб, ишониб кетавераманми мен аҳмоқ... Наҳотки энди умр бўйи виждан азобида қийналиб яшасам?! Ит ялаган товоқнинг кимга ҳам кераги бор?.. Наҳотки шунчалар қисматим қора бўлса? Наҳотки биринчи севгим, биринчи бахтим, биринчи фарзандим тақдиди пешонамга шундай ситамкорона битилган бўлса?! Эй художон! Мендан ҳам бахтсиз она, боламдан ҳам бахтсиз бола бормикан бу дунёда?.. Эҳ, Шамси, Шамси, дунёдан бошқа фарзанд кўрмай, бефарзанд ўткур Шамси!.. Менга барча бахтиқароликни сен келтирдинг-ку!.. Танамга қўл теккизманг деб худонинг зорини қилдим. Кўнмади. Ялинаверди... ёлвораверди. Ундоқ қилди, мундоқ қилди. Илондай авраб ақлимни олди... Мана оқибати!.. У-ку, ҳеч нарса кўрмагандай айшини суриб, ўқишини ўқиб, ялло қилиб юрибди... Мен бўлсан ит азобидаман... Шамси боласига оталик қилганида, олам гулистон эди... Ўртада бегуноҳ гўдаккайм жуда қийин бўладиган бўлди. Туғилиши билан етим бўлди-қолди!.. Гўдаккинамга ачинаман!.. Мен-

ку бу ишни иложсизликдан қилдим. Отасиз болани кимга ҳам «Шу менинг болам», деб күрсата оламан: ота-онам-гами, қариндошларимгами ёки дугоналаримгами?.. Улар «Күёв қани, исми ким?» деб сўрашса нима дейман?.. Бу балои азим совчи қўйган бўлмаса, тўй қилиб, ёр-ёр айттириб қоидасини келтирган бўлмаса, менинг эрли бўлган-лигимни эл-хешим билмаса, кимга, нима деб бораман, қайси юз билан уларга боламни кўрсатаман!.. Эй, худо!.. Юрап йўлини билмаган мендек ғўр ва аҳмоқ бандангни ўзинг кечир!.. Менга баҳтсизлик келтирган ва алдаб-авраб шу кўйга солган Шамсиддинга ҳам ўзинг жазо бер! У хотинбоз мендан ҳам баттар шармандаю шармисор бўлсин!..»

Бир маромда ҳаракатланаётган автовуснинг аввал қаттиқ силкиниб-силкиниб, кейин «пуф-пуф»лаб тўхташи Гулсарани сергак тортириди. Ҳаёл суриб бораётганлиги учун автобус тўхтаган маҳал мувозанатини сақлай олмай пешонасини олдинги ўриндиқнинг бироз қия ётқизилган тутқи-чига уриб олди.

Ҳайдовчи ўрнидан туриб йўловчиларга юзланди ва эълон қилди:

— Ҳурматли пассажирлар, шу ерда яхши ошхона бор, тушинглар, ярим соатгина ҳордиқ чиқариб, овқатланиб оламиз.

Йўловчилар ғимирлаб ўринларидан туришиб автобусдан туша бошлишди. Гулсаранинг аввал тургиси келмади. Бунинг устига иштаҳасиям, овқатланишга пулиям йўқ эди. Йўлга олган иккита сомса ҳалиям сумкасида турарди. Шуларни ўйлаб турганида ёнидаги семиз ва басавлат аёл ўрнидан турди-да, уни ҳам чойга таклиф қилди. Гулсара автобусдан тушиб, шариллаб оқиб турган сувда юз-қўлини ювди. Муздаккина сув унинг қалбидаги тинчлик бермай келаётган ҳис-туйғуларини ҳам бирозгина ювиб кетгандай бўлди.

Гулсара навбатда туриб бир чойнак чой олгач, келиб столга ўтириди. Сўнг сумкасидаги сомсаларни олиб, бирини оғзига олиб борди. Егиси келмасаям бироз куч бўлсин учун ўзини зўрлаб еди. Икки-уч пиёла қайноқ чой ичди. Шунда

чарчоқлари ва юрагидаги хижилліккleri бироз ёзилиб, та-насига озгина құвват кирғандаі бўлди.

Йўловчиларга қўшилган Гулсара ошхонадан чиқиб, автобусга ўтирди. Ҳамма жамулжам бўлиши билан автобус яна силкина-силкина катта йўлга тушиб олди ва шиддат билан юриб кетди.

Беш-үн дақиқалик ғовур-ғувурлардан сўнг ҳамма уйқуга кетгандай жим бўлиб қолди.

Гулсарани эса яна ўша ҳис-туйғулар ва хаёллар ўз оғушига олди. Яна хаёлида болалар уйидаги ўша манзаралар так-рор-такрор жонланаверди...

Жувон ўзининг бу хил ўй ва кечинмаларини шу топда дил ёриб, ҳадди сифиб кимга ҳам очиқ айта оларди?!

Гулсара қишлоғига етиб келгач ҳайдовчига бор пулини берди, камига узр сўраб, қайта-қайта миннатдорчилик билдиргач, тушкун бир кайфиятда автобусдан тушиб қолди. Ҳайдовчи ҳам баҳтига яхши одам экан, унинг талабалигини билгач, камини сўраб қийнаб ўтиrmади.

Ёз бўлишига қарамай, тонг олди эсаёттан салқин шаббода автобусдан бироз терлаб тушган Гулсарага ёқмади. Шунда у костюмини ёки жемперини олиб чиқмаганини ўйлаб ўкиниб қўйса-да, дилидаги ззгин ўй-хаёллар таъсиридан ҳамон чиқолмай оҳиста йўлга тушди.

Гулсара тор ва эгри-буғри, тупроқ йўлдан бораркан бе-ихтиёр ҳаётини шу кўчага таққослади: «Менинг умр йўлим ҳам шу йўлларга ўхшайди: тор ва эгри-буғри, чанг ва ифлос. Бу йўлларни-ку кенгайтириш, созлаш, обод қилиш мумкиндирип. Лекин менинг умр йўлларимни-чи? Уни тузатиш мумкинмикан? Қандай қилиб, қачон?!»

Гулсара қалбига чирмовуқдай ўрнашиб-ёпишиб олган бу оғир ўй-хаёлларидан қутулишнинг чорасини тополмай болалиги ўтган қадрдон қишлоғи кўчасидан ота-онаси яшаетган уйи томон зўрға борарди. Бу пайтда тонг анча ёришиб қолган, хўроzlар қичқириб-қичқириб чарчаган, энди эриниб-гина «қу-қу»лаб қўйишишмоқда, келинчаклар ҳамда бўйи етган қизлар дарвозалари ва эшиклари олдиларига сув сепиб супуришишмоқда, молларни қир-адирларда боқишига одатланган по-

дачилар эса қўй-эчкиларни, сигир-бузоқларни «чуҳ-чуҳ»лаб бир машина сифадиган қумлоқ йўлни чангитиб кетишмоқда.

Гулсара сўқмоқ йўлдан чиқиб, уйи томон буриганида маҳалла гузарига ўрнатилган радиокарнайдан Комилжон Отаниёзовнинг «Ёр қаро кўзларинг на тилар маннан...» дея нола қилувчи гўзал ашуласи баралла янграб турарди. Бу ашулани эшитиши билан негадир Гулсаранинг тунд қалби ёришгандай, фам-ғуссалари тарқагандай, қизлик давридаги шодликлари қайтиб келгандай бўлди. У қадамини тезлатиб, уйига яқинлашаркан, Нормўмин акасининг ўн ёшлардаги ўғли Ботиралини кўриб қолди. Болакай қўлидаги иккита кичкина че-лакчани боши узра айлантириб, уйлари ёнида ўтган катта ариққа қараб югуриб борарди.

Ботирали аммасига кўзи тушиши билан қўлларидағи че-лакчаларини бирининг устига бирини тарақлатиб қўйди-да, унга қараб югурди. Гулсара жиянини қучоқлаб, ўлиб бағрига босди. Ботирали аммасининг бағридан чиқиши билан иргишлаб че-лаклари томон бораркан, дарвозаларидан чиқиб келаётган бувиси Ҳалима аяга қараб бақирди:

— Бу-ви-жо-он... Гул-сара ам-мам кел-ди-лар!..

Ёши олтмиш бешлардан ошганлигига қарамасдан ҳамон хушсурат, ўзига доим қараб юрадиган, кўзлари катта-катта, лаблари юпқа Ҳалима аянни қўшни кампирлар ҳазиллашиб «Сулув момо» деб чақиришарди. Онасининг ҳали ҳам кўркам ва хушсурат юзига қараган Гулсара қўшниларнинг шу сўзларини эсладиу, жилмайганича ўзини чопқиллаб келган онасининг иссиқ бағрига отди.

Сўрашаётгандарни маҳал аянинг кўзи қизининг юзидағи билинар-билинмас доғларига тушди-ю, шу онда нохуш бир нарсани сезгандай юраги беихтиёр «шиғ» этиб кетди. Ая кўнглига келган фикрларини шу топда қизига дабдурустдан айтишдан ўзини тийди ва қизига сездирмасдан енгил «үҳ» тортиб қўйди.

Ҳалима ая қизини бошлаб дарвозадан ичкарига кирапкан, ҳамон қайта-қайта сўрарди:

— Эсон-омон келдингми, қизим! Ўқишлиаринг яхшими? Кейинги пайтда хат ҳам ёзмай қўйдинг. Ишқилиб пулдан

қийналмадингми? Аканг ҳам ишлари билан бўлиб, сендан хабар ололмай қолди. Ишқилиб, тани-жонинг соғми?..

— Шукр, ойижон, ёмон эмас. Стипендия олиб турибманку. Ўқишиларим кейинги пайтда бироз қийинлашиб, сизларга ҳат ҳам ёзолмадим. Сизларни соғиниб, мана, ўзим кела-вердим, ойижон!

— Тўғри қилибсан, қизим. Ўзим ҳам сендан хавотир олиб юриб эдим. Шу десанг, қизим, бундан бир ҳафта-ўн кун бурун тушимга жағалати бўлиб кирдинг. Тушимда сен менга қараб: «Ойижон, олтик соғли ўтқир ханжар топиб олдим», деб қувониб гапириб, кулдинг. Биласанми, қизим, куни кечаям сени тушимда кўрдим. Бу сафар ҳам тушимда сен яна менга қараб: «Ойижон, ханжарнинг қини бўлмаса сақлаб бўлмас экан. Шунинг учун уни қин ясаш учун устага бердим», деб яна қаттиқ кулдинг...

Онаси кўрган тушларни эшитган Гулсаранинг юраги шувиллаб кетди.

Ҳалима ая эса юришдан тўхтаб, қизига юзма-юз турган ҳолда тушларининг таъбирини айти бошлади:

— Насиб этса яхши ердан совчи келиб турмуш қурсанг, биринчи фарзандинг ўғил бўлишини художоним менга олдиндан сеззидирди-ёв, дейман, қизим. Бироқ ханжарни қин ясатиш учун устага бердим, деган жойингга сал кўнглим хижил бўлиб турибди-да. Ишқилиб бало-қазолардан худонинг ўзи асрасин-да, қизим.

Гулсара онасининг зийрак кўнглига ичидаги қойил қолиб, буни юрак-юрагидан чуқур ҳис этиб турган бўлса-да, бу ҳақда ҳеч нарса деёлмасди. Шунинг учун ҳам онасига далда беришга, ҳам туш ҳақидаги фикрларидан чалғитишга уринганча:

— Ойижон, тушга нималар кирмайди дейсиз. Ўзингиз соғинган одам кўп туш кўради дердингиз-ку ёшлигимизда. Бу тушингиз ҳам шунақаларнинг биридир-да... Дадам уйдамилар? Ўзингизнинг соғлиғингиз яхшими? — деди ва дарвозадан ўтиб туриб қолган онасини ичкарига бошлади.

Ботирали сув тўла челякчаларини кўтарган ҳолда ошхонага қараб пилдираб ўтиб кетди. Ҳалима ая боғнинг этаги-

даги қовун-тарвузларга сув тарататын чолига қараб ово-  
зини баландлатди:

— Ҳо-ой, дадаси, қизингиз келди, келинг.

Шундан кейин ая йүлакда ётган дастаси синиң супурги-  
ни четта олиб қўйди.

### «Бу ерда бошқа бир гап бор...»

Роҳила опа гўдакни кўтариб котиба қиз ўрнида газета  
ўқиб ўтирган директор қабулхонасига кирди ва очиқ  
эшикдан мўралади. Оппоқ юзли, қора қошли, латофатли  
чекрасига билинар-билинмас кексалик нуқси ура бошла-  
ган, тўлиқ ва пишиқ гавдаси ўзига ярашган эллик-эллик  
беш ёшлардаги аёл — болалар уйи директори Гулруҳсор  
Самадовна Ойсанам исмли ҳамшира қизга алланималар-  
ни тушунтираётган экан. Уларнинг гапи узилиб қолма-  
син, дея одоб юзасидан Роҳила опа гўдакни кўтартганча  
дераза олдидаги бири-биридан чиройли ва нафис, қара-  
ган кўзни қувонтирадиган ва чарчогини оладиган турфа  
рангдаги гулларга разм солиб турди. Зум ўтмай Ойсанам  
директор қабулидан чиқиб, Роҳила опага салом берган-  
ча ўтиб кетди.

Роҳила опа чақалоқни у қўлидан бу қўлига алмаштири-  
ган эди, гўдак уйғониб кетди ва аста ингалаб йиглай бош-  
лади. Хонасида ўтирибоқ чақалоқ йигисини зиштган Гул-  
руҳсор Самадовна илдам чиқиб келди-да, Роҳила опага са-  
вол назари билан тикилиб қолди.

— Бу гўдаккинани ҳозиргина биттаси ҳовлидаги ўрин-  
диқлардан бирига ташлаб қочиб қолди. Шунга андармон  
бўлиб тургандим, — деди Роҳила опа йиглаётган чақалоқ-  
ни бағрига босганча секин аллаларкан.

Аллалаш гўдакка таъсир этмасди. Бундан безовталанган  
Гулруҳсор Самадовна зудлик билан котиба қизга бир шиша  
сўргичли сут келтиришни буюрди-да, шоша-пиша Роҳила  
опанинг қўлидан чақалоқни олди. Сўнг гўдакнинг митти юз-  
ларига ва йўргакларига эътибор билан кўз ташлаганча хо-  
насига киаркан:

— Ов-ов-ов!.. Ҳали бунинг киндиги ҳам тушмаган-ов, — деди оқ йўргакдаги қон доғларига кўзи тушиб. — Жуда нораста экан. Ов-ов-ов! Ширин бола-ей!

Директор опа шу дамда суюкли неварасини овутаётган меҳрибон буви ҳолатига кирган эди. Гулрухсор Самадовнанинг эркалашлари гўдакка хуш ёқди шекилли, йифисини қўйиб кўзларини катта-катта очдию, сўнг киприкларини пирпирата бошлади. Шу орада котиба қиз ўлчовлари кўрсатилган сут тўла сўргичли шишани келтирди. Роҳила опа чақалоқни Гулрухсор Самадовнадан олиб, бағрига босди ва унинг оғзига сўргичли шишани тутди.

Бола аввалига сўргични эплаб ололмай бироз хархаша қилди. Бироқ гўдакларга сўргич тутишнинг обдон ҳадисини олган Роҳила опа тезда чақалоқни бунга ўргатиб олди. Чақалоқ анча очиқкан ва чарчаган экан. Сутнинг ярмини ютоқиб-ютоқиб ичди-да, юзи терга ботганча ухлаб қолди. Уни кузатиб турганлар мулойим жилмайиб қўйишиди.

Гулрухсор Самадовна чала қолган суҳбатини давом эттириш учун Роҳила опага юзланди.

— Роҳилахон, шундай қилиб, чақалоқнинг онаси сут эмма гўдагини бизларга ташлаб кетди, денг-а. Бу ҳол қандай юз берди? Сиз кўриб қолдингизми у хотинни? Сизга бирор нарса деб кетдими ё сизни кўриши билан «қуён» бўлдими? Хотинларга нима бўляяпти ўзи...

Роҳила опа қўйидаги сўргичли шишани стол устига аста қўйди-да, директорнинг устма-уст ташлаган саволларига ўйчан тарзда жавоб бера бошлади:

— Алижонни ухлатиб, энди иккинчи қаватдан пастга тушаётган эдим. Арча остидаги ўриндиқда тугунчасини тутиб куймаланаётган нотаниш аёлга кўзим тушди. Аввалига у мени сезмади. Яқинлашганимдан кейин тугунчанинг йўргакланган бола эканлигини билдим. Дарров қадамимни тезлатдим. Шунда аёл оёқ товушларимни эшишиб қолди-да, ҳовлиқиб менга қаради. Кўзларимиз бир зум тўқнашгандай бўлди. Аёл қаттиқ саросимада эди. У кўзларини мендан қандай тез яширган бўлса, худди шундай тезликда ўзини ташқарига отди. Бу ҳолдан менам жуда шошиб қолдим. Мен паст-

га тушаман дегунча у дарвозадан чиқиб улгурди. Мен «шошманг, синглим» деганимча қолавердим. Изидан чиқиб қарасам, у аллақачон узоқлашиб кетган экан. Билиб қолганим шу бўлники, у буғдой рангли, ўрта бўйли, чап юзида холи бор, йигирма-йигирма бир ёшлардаги қизил крепдешин кўйлакли ориқцина аёл эди.

— Ҳм... Шунақа денг, Роҳилахон. Бу аёл нега бундай қилди экан-а? Ниманинг жабри ўтдийкан бу аёлга? Балки бу бола ногирондир?

— Гўдакнинг тўрт мучаси соппа-соғ. Ҳалигина тагини тозалаганимда эътибор бериб қарадим. Йифлашиям соғлом болаларникдай.

— Ўғилми, қизми?

— Ўғил.

Гулруҳсор Самадовна ҳайрон бўлиб қолди.

— Ундоқ бўлса, бу ерда бошқа бир гап борга ўхшайди, — деди ниҳоят директор опа жиддий тус олган юзларини оҳиста силаб.

— Масалан...

— Масалан, — нигоҳини бутун дунёни унугтан кўйи мириқиб ухлаётган гўдакка тикди Гулруҳсор Самадовна, — бу боланинг онаси ҳали турмушга чиқмаган қиз бўлиши мумкин...

— Балки ундоқ эмасдир, тагин билмадим. Менимча бу боланинг онаси ё телба, ё ичкиликка берилиб кетган енгилтак аёл. Ё бу болани бирор жойдан ўғирлаб қочиб, кейин қўлга тушишидан қўрққану, бизга ташлаб кетдимикан?!

— Нима бўлгандаям бу гўдак энди бизники. Бу боланинг отасиям, онасиям ўзимиз энди. Биз ўзимиз тарбиялаб, ўзимиз катта қилиб оламиз. Роҳилахон! Ташвиш тортманг. Бу шўрлик гўдак йифлоқи бўлмаса бўлгани.

— Катта қилишга-ку, катта қиласиз, лекин етимлар кўпаймаса эди, дейман-да, ўртоқ директор. Бугиналарнинг мунгли кўзларидағи соғинч аломатларини юрагимда туювериб, эзилиб кетаман. Бугиналарнинг ҳар бири бир дунё!..

— Буларни кўриб менинг юрагим эзилмайди дейсизми, Роҳилахон?!. Бизларнинг қилаётган ишларимиз савоб ишку аслини олганда...

Икки аёлнинг суҳбатини чақалоқнинг йигиси бузди. Иккала аёл ҳам бирдай сўзлашдан-эшитишдан тўхтаб, диваннинг бир бурчида дунёни бошига кўтариб чинқира бошлаган гўдакка талпинишиди. Роҳила опа болага яқинроқ бўлгани учун биринчи бўлиб етиб борди-да:

— Таги ҳўйл бўлгандир, — деганча йўргакни ечиб оқ чайшабни силкиган эди, унинг ичидан тўрт буқлоғлик бир қофозча диванга сирғалиб тушди.

— Ие, бу нимаси? — деди Роҳила опа қофозчага ҳайрон бўлиб тикилганича.

Қофозчага директор опаям қизиқиб қолди. Роҳила опа қофозни Гулруҳсор Самадовнага узатиб:

— Опа, кўринг-чи, бу нима экан, — деди.

Гулруҳсор Самадовна ажабтовур ҳайрат ичидан буқлоғлик қофозни тез-тез ёйиб, ундаги ёзувни овоз чиқариб ўқишига тушди:

«*Бу боланинг исми — Мехридин, фамилияси — Тешабовев... Отa-онасидан кўрмаган меҳрни яхши одамлардан кўрсин деб... отa-онасидаи қаҳрли эмас, меҳрли бўлсин деб... шундай исмини боласига оналик қилишини хоҳлаган, лекин бунинг уддасидан чиқолмаган нобакор аёл қўйди... Илтимос, иложи бўлса исмини ўзгартирманглар деб*

*Г.Т. 1978 йил 19 май».*

Қофозчадаги гапларни диққат билан тинглаб, ўзича мулоҳазага берилиб ўтирган Роҳила опа чуқур хўрсинди ва яна бир бор оғир «үҳ» тортиб қўйди.

Гулруҳсор Самадовна қўлидаги қофозчанинг орқа-олдими айлантириб кўрди-да, стол четига ташлагач, бир зум чуқур ўйга толди.

Роҳила опа бу орада гўдакни қайта йўргаклаб, уни овқатлантира бошлади.

— Мен фолбин эмасман-у, лекин бу норастанинг онаси, ёзганлари рост бўлса, ҳаётда ўз йўлини тополмай қаттиқ қоқилиб-суриниб юрган бир баҳтиқаро аёлга ўхшайди. Бундай фикрга келишимнинг сабаби, эътибор берган бўлсангиз, у хатида «боласига оналик қилишини хоҳлаган, лекин бунинг уддасидан чиқолмаган аёл» деб ёзибди, — деди Гулруҳсор

Самадовна «хоҳлаган» ва «уддасидан чиқолмаган» сўзлари-га алоҳида ургу бериб.

— Фикрингизда жон бор, директор опа. Шунингдек, у хатида ўзини «нобакор аёл» деб ҳам ёзган. Шунга таяниб айтадиган бўлсак, бу боланинг онаси оналик шаънига доғ туширган юзи қоралардан бўлса ажабмас, — деди Роҳила опа гўдакни бағрига босганча.

— Ҳар ким қилса, аввало, ўзига қиласди, Роҳилахон. Бу дунёда ҳар ким экканини ўради. Тариқ экиб, буғдой олган одам йўқ бу дунёда, — деди Гулруҳсор Самадовна норастанинг эртароқ врачлар кўригидан ўтиши зарурлигини ўйлаб ушбу суҳбатга якун ясаркан.

Шу орада телефон жиринглаб қолди.

Гулруҳсор Самадовна гўшакни кўтарди.

Роҳила опа эса чақалоқни ювинтиргани ва врачларга кўрсатиш учун олиб чиқиб кетди.

Шифокорлар кўригига бола соғлом деб топилди.

Бундан мамнун бўлган Роҳила опа болани чақалоқлар хонасига жойлаштируди.

Бир ойча бурун болалар уйига қабул қилинган Алижон исмли гўдак Роҳила опанинг келганини сезгандай уйғониб ингалай бошлади. Бунга Меҳриддин ҳам қўшилди. Роҳила аввал Алижоннинг тагини тозалаб, сўнг оғзига сўргичли сутли шишани тутиб эмизган эди, чақалоқ очиқдан экан, сўриб-сўриб ухлаб қолди. Шундан кейин Роҳила опа Меҳриддинга ўтди. Чақалоқ тинчийвермагач, каравотдан бағрига олди. Аллалаб осма бешикка солди. Оғзига оддий сўргич тутди, шундан сўнггина Меҳриддин тинчили. Кўзларини юмиб уйқуга кетди.

Роҳила опанинг кўнгли бироз тинчиб ташқарига чиққани маҳал уч-тўртта олти-етти ёшдаги болалар «Ойижон, ойи-жо-он!» дея уни ўраб олишди.

Болалар бири олиб-бири қўйиб тарбиячи опани саволларга кўмиб ташлашди:

— Яна бизларга укача келдими?

— Ўғилми, қизми?

— Исми нима?

— Кимга ўхшайди?  
— Күрсак бўладими?  
— Ўғил бўлса, менга ўхшайди-а? — деди кўзлари кулиб турган думалоқ юзли шўхчан бола иргишилаб.

— Қиз бўлса, менга ўхшайди-а? — бўш келмади кокилчалари селкиллаб турган лўппи юзли қизча қўғирчоғини бағрига босганича, жовдираған кўзларини Роҳила опага қадаб.

Роҳила опа болаларнинг саволларига кулимсираган кўйи қисқа-қисқа жавоб қайтараркан, дилидаги оналик меҳри жўшиб, тўлқинланиб кетди. Тарбиячи болаларнинг ҳар бирининг пешонасидан ўпид қўяркан:

— Айланай сизлардай синчков ва укаларига меҳрибон чироқларимдан! — деди ҳаяжон билан. — Шундай қилиб укачаларинг яна биттага кўпайди. У ҳозир ухлаяпти. Сизларга уни эртага кўрсатаман. Энди боринглар, ўйнанглар.

Ўта мураккаб ҳаёт йўлларининг ўнқир-чўнқирларидан бутунлай хабарсиз бўлган, беғубор қалблари билурдай соф, гавҳардай тоза, булоқ сувларида тиниқ бу болалар ўз уйларида ўз оналари уларга укача туғиб берганидай чин дилларидан севинишиб «Ура! Ура!... Укачамиз яна биттага кўпайди!» деганларича қийқиришиб, чопиб кетишиди.

Роҳила опа уларнинг орқасидан қараб қоларкан, шу топда қувонишини ҳам, йиғлашини ҳам билмасди. Опанинг кучи «уҳ» тортишга етди, холос.

Роҳила опа шу дамда ўзини бироз ҳорғин сезди ва ҳозиргидай мажҳул кайфиятга тушганида ҳар доим келиб ўтирадиган кекса мажнунтолнинг бағридаги суюнчиқли ўриндиққа аста чўкди.

Сал ўтмай опанинг ёнига ўзининг синчковлиги, ақллилиги, фаросатлилиги, кичикларга меҳрибонлиги билан болалар уйидаги барча энагаларга, ўқитувчи-ю тарбиячиларга танилиб қолган, ёшига нисбатан бўйи ҳам, ақл-фаросати ҳам ўсган, ўзи аслида энди ўн бир ёшга қадам қўяётган Оқила исмли қиз келиб ўтириди.

Роҳила опа қизалоққа саволомуз қаради.

— Ойижон, сиздан бир нарсани сўрасам май... ? — деди Оқила.

Роҳила опа шу топда ўзининг тушкин кайфиятини ҳам унутди.

— Айтақол, қизим, — деди опа Оқилани бағрига тортиб.

Оқиланинг маҳзунлиги аввал юzlари ва кўзларида кўринган бўлса, энди сўzlаридаям ошкор бўла бошлади:

— Бугун келган боланинг онаси ҳам роддомда ўлибдими, Роҳила опа? — деди у яқинда келган Алижон деган боланинг онасиям, қолаверса ўзининг онасиям роддомда ўлгани ҳақидаги эшигтан узун қулоқ гапларни эслаб.

Оқиланинг чин дилдан сўраётгани ва янги келган чақалоқ тақдирига ачинаётгани болаларча маъсумона жавдираған юз-кўзларидан шундоққина билиниб туради.

Роҳила опа аввалига нима дейишини билмай қолди: «Тўғрисини айтсанми ёки «Ҳа, ўлиб қопти» дессанмикан?».

Сўнг бесабрларча жавоб кутаётган Оқилани қучиб олди:

— Эҳ, соддагина Оқила қизим! Дунёда нималар бўлмайди, дейсан. Дунёда не бир тошбағир одамлар бор.. Қизим, сенгаям бир савол. Улғайиб, бағофатга етиб турмушга чиқсанг, оиласи бўлсанг ва худо бериб фарзандли бўлсанг, шу фарзандингни ўзинг тарбияламай, оналик қилмай болалар уйига ташлаб кетармидинг?

Оқила бу сўzlарни эшитиб, чўчиб тушди ва:

— Йўғ-е, ойижон, нималар деяпсиз?! Мен сира-сира бундай қилмайман. Ўлсам ўларман, лекин бундай қилмайман, ойижон! — деди болаларга хос беғуборлик ва ҳаяжон билан.

— Унда сен сўzlаримга янада эътибор билан қулоқ тут, қизим. Бугунги боланинг онаси фарзандини менинг кўз олдимда ташлаб қочиб кетди.

— Наҳотки?

— Ҳа. шундай қилди у аёл.

— Балки онаси эмасдир. Оналар бундай қилмас.

— Ҳа, болам, мен ҳам шундай ўйлар эдим.

— Наҳотки дунёда боласидан безган бешафқат оналар бўлса?!

— Афсуски, минг афсуски, қизим, дунёда боласидан безган оналар ҳам бор экан. Кўрдик, кўраяпмиз буни...

— Бу ниҳоятда адолатсизлик эмасми?

— Шундайликка шундайку-я, бироқ сен билан бизнинг иложимиз қанча. Буни бири кам дунё дейдилар, қизим. Яна бир етимчага кўпайишдик...

Оқила қизалоқ шу топда ўзини яна бир бор ғам-алам ичидаги қолгандаи сезди. У бугун келган боланинг қисмати ҳам ўз тақдирига ва оиласига ўхшаган бўлса керак деб ўйлаган эди.

Шу онда Оқила онаси туғруқхонада ўзини дунёга келтиргандан сўнг вафот этганини, отасининг эса ўғрилик қилиб қамалиб кетганини ва ўзини сўроқлаб ҳеч бир киши келмаганини, чақалоқлигидан бери шу болалар уйида яшаб келаётганини, ота-онасини согинавериб дийдаси қотиб кетганини ўйлади. Бироқ «етим» сўзини эшилса кўнгли чўқади... Ҳозир ҳам ойисидай бўлиб қолган Роҳила опасидан узр сўраб, кўнглини бироз ёзиш учун ҳовли ўртасидаги ранг-баранг тусда кўкка кўтарилиб, сўнг шаршарадай пастга отилиб тушаётган фаввора сувлари олдига борди-да, ўриндиқлардан бирига оҳиста ўтириди.

Оқила хаёл дарёсига чўмгани ҳолда ичидаги нола қилиб ёлвора бошлиди: «Эй, художон! Дунёда ҳеч бир бола етимлик кўрмасин!.. Ҳеч бир ота-она ўз фарзандини болалар уйига қолдириб кетмасин!.. Эй художон! Шу ноламни, шу илтижойимни қабул қил. Бола кўраётган оналарнинг кўнглига меҳр-муҳаббат нурларини агадий ўчмас қилиб бер...

Оқила болалар уйига ҳар бир янги бола келганида, албатта, унинг бу ерда қандай пайдо бўлиб қолганини суришириарди. Шундан сўнг эса фаввора олдига келиб худди шу йўсинда худога ёлвориб дилдан нола қилар эди. Бугун ҳам шундай бўлди...

Фавворадан отилиб тушаётган сон-саноқсиз сув томчилари қизалоқнинг атрофидаги чироқлар ёғдусида етти хил рангда товланар, фавворанинг ўзи эса пицирлаб «Буни бири кам дунё дейдилар, қизим!» дейтгандай эди.

Оқила анча пайтгача ўз хаёллари ва туйғулари исканжасидан чиқолмай ўтириди. Сўнг бағри юлдузларга тўлаётган

осмондаги бири нурли, бири нурсиз юлдузларга узоқ термуди. Осмоннинг бир бурчидаги мўлтираб турган ярим ойга анча вақт қараб ўтири. Шу дамда унинг мурғак дилида бири-биридан мураккаб саволлар ғужғон ўйнарди: «Нега барча юлдузлар бирдай нурли ва ёруғ эмас?.. Нега кўплаб юлдузлар тўда-тўда бўлишади-ю, айримлари ёлғиз яшаётган одамлардай ҳар жой-ҳар жойда туришади?.. Нега ой бирда тўлиқ, бирда ярим-а?..»

### Гулғула

Гулсара йўлдан ҳориб келишига қарамасдан кечаси билан ухломай чиқди. Энди ухлай деганида кўз олдида зорзор йифлаётган Мөҳриддини пайдо бўларди. Ҷақалогини ўйлаган сайин Гулсаранинг юрагини нимадир кемираётгандай бўлар, икки-уч кундан бери боласи эммаган кўкраклари тўлишиб, ундан баъзида сизиллаб сут томчилар, баъзан эса шу кўкракларида пайдо бўлган кучли оғриқ безовта қиларди. Гуларнинг таъсирида жувон ўзини анча нохуш сезар, ўксиб-ўксиб, тўйиб-тўйиб йифлагиси келар, аёл бўлиб дунёга келганидан нафратланар, гоҳ ўзини, гоҳ уни шу кўйларга тушишига бирдан-бир сабабчи бўлган йигит, кўз очиб кўргани — Шамсиддинни қарғар, ўзининг тақдиридан нолир, тубсиз аччиқ хаёллар тизгинидан қутулишнинг чорасини тополмай зорланар, сиқилаётган юрагини фижимлаб чуқур-чуқур «үҳ» тортар, борган сайин устига янада залворли ва оғир юкларни ортар, шунда ўзини шу беадад юкларнинг остида нажотсиз қолиб кетаётгандай сезиб нафаси қисилар, айни пайтда бедаво начорликдан қутулишнинг энг тўғри йўлини хаёлан бетиним излар, гўёки топган чорала-ри эса уни сароб сингари алдаб кетаверарди...

Гулсара ҳаётда қаттиқ алданди.

Иккала кўзи очиқ ҳолда, иккала оёғи бутун ҳолда нога-ҳон суриниб йиқилди. Йиқилганда ҳам жуда ёмон йиқилди. Бу йиқилишидан кейин қайтиб ўрнидан туролмайдиган ҳолга тушди. Ўзининг назарида бу йиқилишдан пешонаси ёрилди, юз-кўзлари лат еди, қулоқлари том битди, юраги дарз

кетиб ҳувиллаб қолди, құл ва оқшлари шолдан баттар бўлди, руҳияти синди, бутун вужуди кар ва караҳтлик балосига йўлиқди.

Буларни Гулсара шу бугун, шу топда, шашқатор оққан кўз ёшлари томавериб, ҳўл бўлган қизил баҳмал ёстиғидан бошини кўтараётганида сезди. Буларни у намиққан кўкракларига ёпишган кўйлагини ушлаб кўраётганида сезди. Буларни у қафасдан чиқиш учун жон-жаҳди билан уринаётган, лекин қутулиб кетишининг йўлларини тополмай жон ҳолатда типирчиладётган нотавон қушдай нотекис ураётган юрагини қўшқўллаб тутамлаганида сезди. Буларни у, аслини олганда, гўдагини болалар уйида қолдириб қочиб чиққан ўша машъум дақиқалардан бери ҳис этиб келмоқда эди. Буларни у Шамсиiddиннинг «Ёрингман!» деб алдаб, қўйнини пуч ёнғоққа тўлдирганида, ҳомиладор бўлиб қолганини ҳис этганида эса эр бўлмишининг «Болани олдириб ташла, болани нима қиласиз, ўзимиз ҳали боламизку!» деб дағдаға қилғанларида озми-кўп сезган эди... Буларни у туғруқхонада қийналиб, эрини оч-наҳор, илҳақ бўлиб кути-и-иб ётганларида, Шамсиiddин эса бирор марта ҳам орқасидан сўроқлаб бормаганида сезгандай эди. Буларни у палатада ётган ҳамхоналарининг эрлари гулдаста-ю совға-саломлар кўтариб боришиб, хотинларини ва гўдакларини авайлаб-эъзозлаб енгил автомашиналарда олиб кетишганларини томоша қилганида сезган эди. Буларни у туғруқхонада бечораҳол ҳолатда тўлғаниб ётганида атрофида юрган врачу ҳамшираларнинг «Сизнинг эрингиз қачон келади?» деб кесатиқли саволлар бериб, таъмали кўз қарашлари билан юрагини эзиб-эзиб юборганларида ҳам сезганди. Бироқ Гулсара буларнинг ҳаммасига шу пайтгача тишини-тишига қўйиб бардош бериб келаётган эди. Энди бўлса сабр косаси тўлди, дил яраси газак олди, ўксик қалби нотинч, юраги эса аллақандай ваҳимали тарзда сиқилмоқда эди.

Гулсара ўзининг бу ҳолатини ёнида ухлаётган онасига ва сингилларига билдириб қўйишдан қўрқиб тез-тез уларга кўз қирини ташлаб қўяр, айниқса онаси у ёнидан бу ёнига

ағдарылғанида эса «Сезиб ётибдимикан?..» деб ҳадиксира парва ўзини гүё қотиб ухлаёттандек тутишга ҳаракат қиласарди.

Бузилган имаратни ундан-да чиройли қилиб қайта қуриш мумкиндир, бироқ чил-чил синган шишани қайта бутунлаб бўлмас. Гулсаранинг ҳаётини қайси бирига ўхшатса бўлади? Унинг ҳаётини қайта тиклаб бўлармикан?!

Гулсаранинг ўзи асрари зарур бўлган ҳаёти билиб-бильмай, разилона равишда топталди. Турмуш қурмай фарзанд кўрди. Тўй, гўшангага кўрмай, келинликнинг оппоқ либосини киймай, ота-онаси ва эл-юрт дуосини олмай дуч келган жойда Шамсиддин билан учрашиб юрди. Оила деган муқаддас тушунчага иснод келтирди. Удумларни менсимади...

Пинқона учрашувлар, аслини олганда бир пулга қиммат бўлган ўткинчи кайфу сафолар бошини айлантириб, кўзларини кўр, қулоқларини кар қилди. Қалбига эса қулоқ тутмади. Бунга ким айбдор?.. Нега бошқа қанчадан-қанча қизлар бундайин уятли, номақбул йўлдан ўзларини тийиб юришибди? Улар ўқишиларини ўқишиб, вақти соати келганда рисоладагидек оила қуришаётган, ота-оналарининг барча орзу-ҳавасларини жойига қўйишиб, ўз бахтларини топиб кетишаётган бир пайтда Гулсара бу қабиҳона йўлга қандай қилиб кириб қолди?

Хўш, ким уни зўрлаб, шу йўлга кирсанг ҳам кирасан, кирмасанг ҳам кирасан деб мажбур этди?.. Тўғрисини айтганда, ҳеч ким! Бундан кейинги тақдирни қандай бўлишини эса Гулсаранинг ўзиям билмайди. Ҳали бошидан не-не қийинчиликлар ўтишини тасаввур ҳам этолмайди. Зоро у қилган хато — қиз бола учун дунёдаги барча хатоликларнинг даҳшатлиси эди.

Йигит киши «Сени севаман!.. Сенсиз яшолмайман!..» деса бас, қиз бола дегани бу сўзларга лаққа ишониб, ўзининг хону-монини, ор-номусини бахшида этиб кетавериши керакмиди?..

Нега Гулсара ўз бахти-саодатини, ор-номусини, ўз келажагини, қолаверса, қизлик иффати-ю, аёллик фурурини, бир умрлик бахтини қаттиқ туриб ҳимоя қилмади, қилолмади?..

Шамсиддиннинг ҳаддан зиёд келишган қомати, қора кўзларию ширин сўзларига ёки ҳар учрашганда тақдим эта-

диган совға-саломларига учдими?.. Нима бўлди? Нега Гулсара бунчалик паст кетди? Нега ўзининг аёллик шаънини, шавкатини шунчалар хор қилди?..

Гулсара ана шундай изтиробли туйғулар ва ўйлар оғушида бедор ётиб-ётиб, тонгта яқин ухлаб қолди.

Ҳалима хола ўз одатига кўра тонг бўзармай уйғониб, аввал ёнида ётган Гулсарага, кейин ундан нарида ухлаётган қизларига разм солди.

Улар қимир этмай ухлашарди. «Сингилларини уйғотсан, Гулсара ҳам уйғониб кетар, яхшиси индамаёқ қўяй», деб ўйлади-да, Ҳалима хола секин ўрнидан туриб ташқарига чиқди.

Сал ўтмай Гулсаранинг сингиллариям бирин-кетин ўринларидан туриб кетишиди. Хонада Гулсаранинг ёлғиз ўзи қолди. Қўшни конада мусиқа товуши эшитилиши билан Гулсара ҳам ўрнидан турди. Юз-кўзларини сийпалаб кўриб қовоқларининг бироз шишганини ҳам сезди. Кайфияти бўлмаса ҳам кўрпа-тўшакларини тахмонга йифиб қўйди. Юваниб келгач, тошойна олдига ўтириб соchlарини таради, юз-кўзларига сумкаласидан у-бу нарса олиб бўяб-бежаган бўлди. Бу орада уни Ботирали чойга чақириб кетди.

Эрталабки нонушта тугаб, қизлар дастурхон йиғишитиршга турғанлари маҳал Тешабой ота рафиқасига қараб:

— Онаси, Гулсаранинг бироз тоби йўқча ўхшайди, — деб қолди паст овозда. — Рангида ранг йўқ. Ўзинг бирга олиб бориб Санобарга бир кўрсатиб кел. Ундан кейин жавобини менга айтарсан. Мен ишга борай...

Ҳалима хола дарров чолининг сўзини маъқуллади:

— Ўзим ҳам шуни ўйлаб туриб эдим.

Ботирали молларга қараш бўйича ишга кетаётган бобосидан етарли кўрсатма олгач, чопқиллаб ташқарига отилди. Қизлар мактабга кетишиди.

Үйда Гулсара онаси билан ёлғиз ўзи қолди.

— Ўтири-чи, қизим, — деди Ҳалима хола.

Гулсара чойнак-пиёлаларни токчага олиб қўйди-да, юраги дукиллаб урган ҳолда бирдан жиддий тортган онасининг ёнидаги юпқа майда қизил гулли кўрпачага ўтириди. Ҳали-

ма хола қизининг юзига синчков тикилиб тургач, гапни узоқдан бошлади:

— Уйга келмай қўйганингтаям етти-саккиз ой бўлди-ёв, қизим. Үқишиларинг ҳам жа оғирми, дейман. Икки-уч ойда бир хат ёсанг ёзасан, бўлмаса йўқ. Почтадан аканг ҳар ойда 30 сўм юбориб турибман деб эди. Шуларни олиб турибсанми, ишқилиб?.. Отанг ҳам сезибди, рангингда ранг йўқ. Авваллари юзинг қип-қизил олмадай бўлиб юарди. Бу келишингда рангинг сарғайиб, аллатарз бўлиб кетибди. Бетоб бўлиб касалхонага ётиб чиқдингми ё?.. Нима бўлди сенга, қизим? Ё бирор жойинг қаттиқ оғриб юрибдими? Худди олти ойдан бери касал бўлган одамга ўхшайсан. Эрталабки овқатланишингга қарадим. Иштаҳанг ҳам йўқ... Кейин юз-кўзларингни кўпам билиб-билимай бежайвермагин. Шунинг таъсириими, ойнага бориб бир қарагин, юзингни озгина доғ босибди... Нима қиласан шу сабил қолгур бўёқ-мўёқларни. Шуларсиз ҳам юзи-кўзинг бип-бинойи-ку, қизим!..

Гулсағонасининг дашномли сўзларини тинглаб ўтиракан, гап орасида берилган ҳар бир танбеҳнинг қалбига ўқдек қадалаётганини ҳис этгани сайин ўзини янада ич-ичидан қарғар ва ўз гуноҳининг нақадар оғир эканлигини яна бир бор ҳис этиб, пинқона эзилар эди. Бор ҳақиқатни айтишга эса Гулсаранинг юраги дов бермасди. Шу сабаб онасининг олдода бош эгиб туришдан бошқа чораси ҳам йўқ эди.

Минг хил изтиробли-армонли ўйларга ғарқ Гулсаранинг юзи алам ва қўрқувдан бир зумга титраб кетди.

Ҳалима хола қизининг юзида содир бўлаётган ўзгаришларни, айниқса Гулсаранинг ўйчан ҳолатини ё бетоблик аломати, ё аёл-қизларгагина хос бўлган танадаги ўзгаришлар таъсиридан деб ўйлаб, дилидаги ҳадикли тахминларини шуларга йўйди.

— Айтганларингиз тўғри, онажон, — дея ниҳоят ўзини бироз қўлга олиб сўзлай бошлади Гулсара йўталгиси келмаса ҳам бир-икки йўталиб олгандан кейин, — кейинги пайтда ўқиш қийинлашди, имтиҳон-зачётлар кўпайиб қолди. Оз қолди, бу йил ўқиши битираман, онажон. Акамнинг юбор-

ган пулларини бўлса ойма-ой олиб турибман. Шунча яхшиликлар қилаётган акамга ҳам минг раҳмат!.. Сўнгти пайтларда бироз тобим қочиб қолгани ҳам рост. Сизларни беъзовта қилмайин деб бу ҳақда хатларимда ёзмаган эдим. Шаҳарлик курсдош дугоналаримга эргашиб юз-кўзларимни бўяшга ўрганиб қолганим ҳам бор гап. Энди билаяпман, буларнинг кўплари одамнинг юзига доғ-дуғ тушириркан. Бундан кейин бундай қилмайман. Буни ўзим ҳам яқинда сезиб қолдим, онажон.

Қизидан бу гапларни эшитган Ҳалима ҳоланинг хижил бўлаёзган кўнгли бироз хотиржам тортди. Ўз наъбатида Гулсаранинг ҳам дилини қоплаб турган ваҳм булути анчагина сийраклашгандай бўлди.

### Ётоқхонадаги можаро

Институт ётоқхонаси олдидағи ўриндиқлардан бирида оқ ипак кўйлаги, ялтироқ қора шими, чўғдек қип-қизил бўйинбоги ва ингичка қилиб қўйилган қоп-қора мўйлови, орқага қараб таралган силлиқ қора соchlари ўзига ярашиб турган қора кўз, қора қошли, йигирма икки-йигирма уч ёшлардаги кўркам йигит оёқларини чалиштирганча, бир қўлини ўриндиқ суюнчиғига ташлаган ҳолда босиб-босиб сигарета тутатар, кимницир кутаётгандай атрофга ўқтин-ўқтин аланглаб қараб қўяр, ёнига ташлаб қўйилган қалин кўк муқовали китобни бармоқларида оҳиста чертганича ўтган-кетгандарни хафаҳол, айни пайтда бироз талвасали қиёфада кузатарди.

Гўёки йигитнинг қалбига монанд ҳавонинг авзойи ҳам бузилди. Эрталабки очиқ осмонни кечки баҳорнинг ўзгарувчан қорамтири булутлари қоплади. Зум ўтмай дараҳтларнинг баргларини енгил шитирлатиб ёмғир томчилай бошлади.

Йигит ёмғирга ҳам бепарво ўтираверди. Шу маҳал рўпарадаги ётоқхонанинг иккинчи қаватидаги ярим очиқ деразадан узун соchlари бошига турмакланган думалоқ юзли, қуралай кўзли, спорт кийимидағи йигирма тўрт-йигирма беш ёшлардаги бир қиз бошини чиқариб, пастга қаради ва:

— Шамси! — деб чақирди.

Аввалига йигит бу чорловни яхши эшитмади, шекилли, зътибор ҳам бермай құлидаги бүшаб қолган сигарета қутисини ғижимлаб-ғижимлаб ёнидаги ариқчага улоқтирди-да, ўрнидан тургач, китобини құлтиқлаганча шошилмасдан кета бошлади. Йигитнинг бу қилиғидан қизнинг аччиғи чиқдими, овозини кучайтирди:

— Ҳо-о-й Шам-си, қулоғинг том биттәнми?

Шамсиддин орқасига ўгирилиб, овоз келган томонга бир муддат зеҳн солиб тикилиб турди. Сўнг:

— Ҳа-а, нимага бунча бақирасиз, Ибош опа, бирор жойга ўт тушдими? — дея кулимсираб қўйди.

— Бу ёққа чиқ, муҳим гап бор, — деди Ибогул ўқтамона оҳангда.

Шамсиддиннинг дилига ваҳиманинг қоп-ҳора булути соя солди. «Ибош опа мени бекорга бу тахлитда чақирмайди. Менда қанақа муҳим гапи бўлиши мумкин? Бирор билан жанжал қилмасам, имтиҳонлардан қарзим бўлмаса? Ё қишлоқдан бирор шошилинч хабар келдимикан. Ёки Гулсара келиб дардини дастурхон қилдимикан? Қайданам шу қизга илашиб қолдим-а?.. Гулсара боласи билан шу ерда ўтирган бўлса-я... Эрталабдан бери кутаман шу лақма қизни. Балки бошқа масаладир? Ё домлалардан биронтаси бирор муҳим топшириқ бердимикан?.. Ишқилиб Гулсара масаласи бўлмасин-да!..»

Шамсиддин шундай ўйларни дилидан ўтказганча Ибогулнинг хонасига стиб борди ва эшикни секин тақиллатди. Ичкаридан қизнинг товуши чиқди:

— Ҳозир.

Зум ўтмай эшик очилиб, аввал Ибогул кўринди, унинг ортидан узун-қисқа бўлиб чиқиб келаётган икки қиз.

Ибогул Шамсиддинга:

— Сен киравер, мен ҳозир келаман, — деганича қиқир-қиқир кулаётган қизларни зинагача кузатиб қўйди.

Шамсиддин хонага кириб, стол устида турган янги газеталардан бирини титкилаб турганида Ибогул қайтиб келди.

— Шамсижон, яхши юрибсанми, кайфиятинг қалай? — ҳол-аҳвол сўради қиз.

— Яхши, — гапни қисқа қилди Шамсиддин.

— Шунача де. Дарвоҳе хотини ўғил туқдан йигитнинг кайфияти нега аъло эмас, яхши бўларкан? — пичинг гап қилди Ибогул.

Титраб кетган Шамсиддиннинг бутун вужудини совуқ тер қоплади.

— Нега гапиргилари келмаяпти ота бўлган жанобларининг?.. Гапир! Ё Ибогул опа бу гапларни билмайди деб юрибмидинг? Ўзинг айтмасанг ҳам, шукрлар бўлсинки, қулоғимизнинг супраси кенг, эшитамиз, ука!

Шамсиддин гарангсиб қолди. Ибогул Шамсиддинга бегона эмас, анчагина яқин қариндош. У холасининг қизи. Ибогул ўтган йили қишлоқ хўжалик институтининг агрономлик факультетини битириб, ўзи ўқиган факультетда асистент бўлиб ишлаб, аспирантурага кириш учун тайёргарлик кўраяпти. Ўзининг уйи бўлмагани учун Ибогул вақтинча қизлар ётоқхонасида яшаб турарди.

Шамсиддиннинг ўқишига ҳам Ибогул сабабчи бўлган. Қиз Шамсиддинни молия институтининг иқтисодчи-ҳисобчи факультетига бир амаллаб киритиб қўйган эди. Имтиҳонлардан қийналганида ҳам, бирор муаммоли масалага дуч келганида ҳам ҳамиша Шамсиддинга балогардон Ибогул эди. Бироқ бу узоқча чўзилмади. Учинчи курсдан бошлаб Шамсиддин ўз кунини ўзи кўрадиган бўлиб қолди. Бу бир томондан Ибогулга ҳам енгиллик берган бўлса, иккинчи томондан қиз яқин қариндошлар бир-биридан узоқлашаётганидан хафа эди.

Шамсиддиннинг кўркамлиги ва мағруона юриши кўплаб қизларнинг ҳавасини келтиради. Ўз навбатида йигит уларнинг эҳтиросли кўз қарашларидан фойдаланиб, ҳар йили битта-иккита соддадил қиз билан тил топишиб оладиган, ҳатто дон олишиб юрадиган, кейин эса ташлаб кетаверадиган одат чиқарди. Шамсиддин уч-тўртта ўзига ўхшаган шаҳарлик йигитларга эргашиб, босар-тусарини билмай

қолган, мудом гердайиб юрар ва шундай енгил ҳаётга одат-ланаетган эди.

Шамсиддин иккинчи курсда ўқиётганида Гулнора деган қиз билан илашиб қолганида ҳам ана шу Ибогул опаси жонига оро кирган эди: ўртага тушиб, қизнинг розилиги билан ҳомиласини олдириб ташлади ва Шамсиддинни босиб келаётган «бало-қазо»лардан асраб қолди.

Ибогул ўтган йили Шамсиддиннинг Маданият институтининг кутубхоначилик факультетида ўқийдиган Гулсара деган қизга илакишиб юрганини кўргандаёқ «Ҳой бола, ҳушёр бўл, қишлоқда унаштирилганинг бор-а!» деб огоҳлантириб қўйган эди. Ўшанда Шамсиддин: «Бу қиз билан юраётганим йўқ. Ундан ўзимизнинг кутубхонада йўқ китобларни олиб турибман, холос. Бу қизнинг ўзимас, китоби керак», деб қутулган эди.

Ибогул ўшанда Шамсиддиннинг гапларига ишониб но-тўғри қилган экан. Гап ётармиди! Куни кеча «Гулсара Шамсиддиндан ўғил кўрибди!..» деган хабарни Насибадан эшитганида аъзойи-бадани титраб кетди ва беихтиёр «Бу Шамси қурғурни яна нима жин урди!» деганча чуқур ўйга толди. Шу аҳволда қўли ишга бормай ўтириди-ўтириди-да, охири чидай олмай, ётоқхонасига шошилди.

Ибогул хонасига отилиб кириши билан орқасидан қандайдир масалада маслаҳат сўрагани икки талаба қиз келиб қолди. Уларнинг саволларига жавоб бериб бўлиб деразани очган ҳам эдики, кўзи арча дарахти остидаги ўриндиқда ўтириган Шамсиддинга тушди.

Ибогулнинг юрагини шу дамда эриган қўрғошиндай қайноқ дард бетиним куйдираётган бўлса-ю, бу боқибекам эса ҳаётида ҳеч қандай нохушлик бўлмагандай бамайлихотир безрайиб ўтган-кетганни томоша қилиб ўтиrsa-я! Қиз шу онда Шамсиддинни тергашни ҳам, қарғашни ҳам қўйиб, бирдан асл мақсадга ўтишга аҳд қилди:

— Энди нима қилмоқчисан? Иккита Саранинг қайси бири билан тўй қилмоқчисан? Гулсара биланми, Ойсара биланми?

— ...

— Бир нима десанг-чи? Нима, оғзингга талқон солиб олгансанми?.. Ё гапни бошидан бошлаймизми? Сенинг юзкүзингта одам қараб түймайды, бип-бинойи йигит деб ўйлады. Қилиб юрган ишингни билғанлар эса сени керак бўлса одам қаторига ҳам қўшгиси келмайди. Шуни биласанми, укагинам?!

Шамсиiddиннинг аввал юзи қизарди, кейин лаблари гезарди. У беихтиёр ўрнидан туриб кетди. Асабийлаша бошлади. Муштумларини тугиб бир-бирига урди. Сўнг Ибогулга тик боқди:

— Менга нима бўпти? Ҳали бизлар одам бўлмай қолдикми? Бу сизнинг фикрингизми ё бирорлардан кўчирма гап қиласяпсизми? Ким сизга мени одаммас деди?

— Қизишка. Шаллақилик ҳам қилма! Йигит киши мард бўлиши керак! Мард бўлиб гапни эшит. Сен аввало дадил туриб менга шуни айт-чи, агар ростданам одам бўлсанг бирорнинг гулдай қизини шунчалик хўрлашга сенга ким ҳуқуқ берди? У қиздан сен ололмаган қандай қасдинг бор эди?

— Нима қилибман хўрлаб?

— Шунга ҳам фаҳминг етмайдими? Бундан ортиқ у бечора қизни яна нима қилмоқчи эдинг? Ота-онасига совчи юбормай, уларнинг розилигини олмай, тўй қилмай, Гулсарага келинлик либосини кийдирмай, никоҳдан ҳам ўтказмай қиз бечора билан эр-хотиндай юриб фарзандли бўлганинг, нима, бу уни хўрлаш эмасми? Бунинг устига хотинингни хотиним, болангни болам демасанг. Шунчалик бирорни топтаб ташлайдиган кимсан ўзи сен?!

— Ўзи рози бўлгач... шундай бўлди.

— Хўп! Сенинг наздинг билан айтганда, бўлар иш бўпти... Гулсара туфруқхонада ётганида бирор марта ҳол-аҳвол сўрагани уни излаб бордингми?.. Биламан, бормагансан! Оталик бурчингни бажармагансан! Хўш, нега шундай қиласяпсан? Ор-номусинг, йигитлик шаъннинг борми ўзи?

— Опа! Ўйлаб гапирайпсизми ўзи?! Мен қандай қилиб унинг изидан туфруқхонага бораман. Таниш-билишлар кўриб қолса нима деган одам бўламан! Мен сизга айтсам, менда айб йўқ! Биринчи бўлиб кўзини сузган ҳам, сизни

яхши кўраман деган ҳам ўзи. Ҳа, энди йигит киши бўлгач, менам яхши кўраман деган бўлсам дегандирман... Бола ма-саласига келсак, мен уни олдириб ташла деганимда ўзи кўнмади. Ўламан саттор туғмасам бўлмайди, деб туриб олди. Шундан сўнг «бор-е, билганингни қил» деб менам аччиқланиб кетвордим. Бор гап шу. Энди ўзидан кўрсин!..

— Ҳамма сенга Гулнора эмас-да, бу бир. Иккинчидан, кетвордим дейсан, кетиб қаёқча борардинг? Мен билган Гулсара бўлса, энди сени тинч қўймайди. Осмонга учсанг оёғингдан ушлаб пастга туширади, ерга кирсанг қулогингдан ушлаб тепага олиб чиқади, ҳа!

Шамсиддиннинг ғазаби аланга олди:

— Қилиб бўпти! Қўлидан нимаям келарди?

Ибогулнинг ғазаби ундан ҳам ошиб тушди:

— Шошма, бола! Сен ҳали аёлларни яхши билмайсан. Ёмонига, ўз ор-номуси учун курашадиганига дуч келсанг мени айтди дерсан, билганини қилади... Сўзимдан адаштирмай тур. Учинчидан, бу гаплар унаштирилган қизинг Ойсарага, унинг не-не орзу-умидлар билан юрган ота-онасига, қолаверса, ўзингнинг ота-онангта етиб борса нима деган одам бўласан? Булар тўғрисидаям, дўппингни ерга қўйиб би-ир ўйлаб кўрдингми? Ўйламаган бўлсанг ҳалиям кеч эмас, яхшилаб ўйлаб кўр.

— Демак, бу ҳақда умуман ўйлаб кўрмагансан. Ўйлаб кўрган одам бундай лоқайд юрмайди. Ҳўш, энди кейинги гапга ўтсак. Ўғлингнинг исмини нима қўйдиларинг?

— Билмайман. Ўзи бирор исм қўйса қўйгандир-да...

— Улар ҳозир қаерда туришибди?

— Билмайман. Хабарим йўқ.

— Сен ўзи нимани биласан? Болангнинг исмини билмасанг, уларнинг қаердалиги билан қизиқмасанг?! Жаҳлинг чиқмасин-у, очишини айтсан, худойим сенга чиройдан берибди-ю, ақлга, мәҳроқибатга қолганда бироз хасислик қилганми дейман.

— Сиз бу билан мени бутунлай аҳмоқча чиқариб қўймаяпсизми?

— Ундоқ демоқчи эмасман, бироқ сени, Шамсийон, шу гаплардан кейин яна ким деб аташ мумкин? Қани, ўзинг холисанилло айт-чи.

Шу топда Ибогул Шамсиддин укасидан, Шамсиддин эса Ибогул опасидан ранжиётган эдилар. Ўпка-гина айтиш анчагина чўзилди.

Гапнинг якуни яна Гулсара билан болага келиб тақалди.

— Болангга оталик қиласанми?

— Йўқ! Бу қўлимдан келмайди.

— Гулсара билан турмушларинг нима бўлади?

— Ҳаммасини билиб туриб сўрайсиз-а.

— Сен туфайли содир бўлаётган ёки энди бўладиган воқеаларнинг қанчалик даҳшатли эканлигини наҳотки ҳалим ҳис этмаётган бўлсанг?

— Ҳис этганда нима қиласай? Қўлимдан нимаям келарди? Бутун оламга ўт қўяйми ё ўзимни ўлдирайми? — жаҳл билан бориб деразани ёпгач, опасига титраб-қақшаб тикилди Шамсиддин. — Сиз бугун қаттол терговчиниям йўлда қолдираяпсиз-ку!.. Бошга тушганини кўз кўрар. Тақдиримда нима бўлса шу! Қанча тергаб, қанча уришсангиз ҳам пешонамга ёзилгани бўлади. Шундоқ ҳам кейинги икки-уч ойдан бери дилим хуфтон, сиртим бутун, ичим тутун, опа-а!.. Сизга айтай десам, ҳозиргига ўхшаб уришиб кетасиз деб қўрқдим... Гулсаранинг ўзиям мендан баттар содда экан. Гаҳ десам, қўлимга қўнди. Буёғи, ёшлиқ — бебошлиқ... йигитчилик, опа!.. Сизнингча, нима қилишим керак эди? Тиши тушган итдай ҳуриб юраверишим керакми? Опа, эркакман, ахир. Озми-кўпми менинг ҳам фурурим бор. Ҳуллас, опа, шунаقا гаплар. Оссангиз ҳам, чопсангиз ҳам мен тайёрман. Бироқ, афуски, бу билан энди ҳеч нарса ўзгармайди. Сиздан ўтиниб сўрайдиган ягона илтимосим, бу гапларни асло қишлоққа етказа кўрманг. Қариндошсиз, ахир. Менга раҳмингиз келсин!.. Гулсарадан келадиган барча балоларга эса ўзим балогардон.

— Сен шундай дейсан-ку, бироқ Гулсарагаем осон тутма. У энди қишлоғида, ота-онасининг олдида қандай бош

күтариб юради? Гулсаранинг ота-онасига-ку, бунданам оғир бўлади. Буни тасаввур қилишнинг ўзи даҳшат... Бегуноҳ туғилган болангни-чи, униям ўйлайсанми? Унинг тақдири нима бўлади? Биласанми, энди у бир умр тирик етим деган тавқи-лаънатни күтариб юради. У шунга мажбур. Болангни шунга мажбуrlаган эса сен!.. Ҳа, сен ва Гулсара!.. Икковларинг ҳам бир гўр!.. Сенлар на оталикни, на оналикни биласанлар...

Кейинги сўздан сўнг Шамсиддиннинг дили бироз ёриш-гандай бўлди.

— Энди ҳақиқатга яқинлашаяпсиз, опа, қарс икки қўлдан чиқади.

Ибогулнинг сўзлари Шамсиддиннинг суяқ-суягидан ўтиб кетаётган эди. Опасининг Гулсарагаям айб қўяётгани дилига далда бўлаётган бўлса-да, шу дамда хаёлида «Сен етим эмассан» фильмидаги етим болаларнинг аянчли ҳолатлари кўз олдига келиб, юрагининг аллақаери беихтиёр «жизз» этиб кетди. Ёрқинлашишдан кўра тундлашаётган қалбida нораста боласига нисбатан оз бўлса-да раҳм-шафқат ҳисси қўзғалди. Шу топда Гулсарани излаб топгиси, боласини бир кўргиси келиб кетди. Кўнглида учқунлаган бу ҳис-туйғларнинг муқим ёки ўткинчилиги эса ҳозирча номаълум эди.

Шамсиддиннинг чуқур ўйга толганини кўрган Ибогул яна уни заҳарли гаплар билан чаёндай чақа бошлади:

— Сен ўйламай ташлаган ифлос қадаминг билан бир вақтнинг ўзида учта тинч, беташвиш, бегам яшаётган оиласа катта ғам-андуҳ, азоб-уқубат, чексиз изтироб келтирдинг. Агар сен мендан «Энди нима қилишим керак?» деб маслаҳат сўрасанг, сенга шундай дер эдим: «Укагинам, энди сенинг олдингда иккита жуда масъулиятли йўл турибди. Биринчиси Ойсарадан воз кечиш, Гулсарани, кўз очиб дунёга келган ўғлингни излаб топиш, оила қуриш!.. Иккинчиси эса уларга зътибор бермаган ҳолда, кўзларингни кўр, қулоқларингни кар қилиб қишлоқдаги унаштирилган қизинг — Ойсарага уйланиш!.. Учинчи йўл ҳам бор, лекин бу йўл яна-да хатарли, оғир. Учинчи йўл сен учун сўнгги йўл, сўнгти чора...

Шамсиддин ҳовлиқиб Ибогулнинг хаёллар гирдобидаги ўйчан кўзларига тикилди:

— Бу қанақа йўл экан?

— Бу йул аввал Ойсара билан тўйни ўтказишингни, орадан уч-тўрт ойлар ўтгандан сўнг Гулсара билан ҳам тўй қилишингни тақозо этади.

Шамсиддиннинг юраги ҳаприқиб кетди:

— Йў-йў... йўқ! Мен бундай қилолмайман. Буни тасаввур ҳам этиб бўлмайди.

— Нега сапчийсан!.. Қилғиликни қилиб қўйгач, оғирлигиниям кўтарасан-да энди. Сен энди уч оиласининг ғам-ташвишлари, дил изтироблари билан яшашинг керак. Ахир, бегона эмас, ўзинг шунга сабаб бўлдинг-ку.

— Йўқ, мен бунга тайёр эмасман.

— Қачон тайёр бўласан?

— Билмадим, бил-ма-дим!

— Билмаган одам тинч юради, ўзиниям, ўзгаларният ташвишга, надоматга қўймайди. Биласанми, сенинг айбинг билан учта оила ҳаёт зарбасига учрайдиган бўлди. Биринчи оғир зарбага Гулсаранинг оиласи дуч келади. Балки ҳозир улар шуни бошларидан ўтказашаётгандир ҳам. Иккинчи зарба сенинг оиласига тушади. Учинчи зарба эса Ойсаранинг оиласида бўлади... Сен энди тушунаётгандирсан, қанчалик даҳшатли, кўнгилсиз иш қилиб қўйганлигини!

Шу топда Шамсиддин эрталаб ташқаридаги суюнчили ўриндиқда гердайиб ўтирган йигитга ўхшамасди. Ибогулнинг хонасида қизил бўйинбоги бўйнидан пастга беўхшов шалвираб тушган, адл қомати букчайган, ғамгин ўйлар ва ваҳималарга фарқ бўлган йигит мўлтайиб ўтиради...

### Очилмай қолган сир

Май ойининг охири одатда иссиқ, кунлар эса чароғон бўлгуси эди. Бугун эса эрталабданоқ чарақлаб турган қуёш юзини бирдан қорамтирип қуюқ булувлар қоплаб олди. Осмон тундлашиб бутун борлиқ аста-секин қорайди-қолди. Зум ўтмай ёмғир қўйди.

Енгил кийинишиб йўлга тушишаётган Ҳалима хола билан Гулсара дарвозага ҳам етмай изига қайтишди. Улар уйга кириб, ёмғирпўшларини излаб топгунича ўтган ярим соат вақт ичида ёмғир ҳам ўчакишгандай тинди.

Она-бала яна йўлга тушишди.

Улар қишлоқ медпункти биносига кириб келишганида қирқ беш ёшлардаги, қирмизи юзли, кўзлари мулойим боқувчи Санобар дўхтир ҳовлидаги барглари ёмғирда шалвираб қолган гулларга ачиниб қараб турарди.

Ҳалима хола салом-аликдан кейин дарҳол:

— Ҳечқиси йўқ, дўхтир, ҳозирги ёмғир ўткинчи, гуллар қуёш чиқиши билан ҳеч нарса кўрмагандай бўлиб кетади,  
— деди кулимсираб.

Дўхтирнинг ийманиб турган Гулсарага кўзи тушиб:

— Студент қизимиз ҳам кеб қоптилар-да, — дея уларни ичкарига таклиф этди.

Санобар опа Ҳалима холанинг илтимосига кўра Гулсаранинг соғлигини бир кўриб қўйиш учун қизни ўз кабинетига олиб кириб кетаркан, имо билан холани залда қолдирди.

Санобар дўхтир аввалига Гулсарани саволга тутди:

— Ўқишлиринг битай деб қолдими, қизим?

— Ҳа, оз қолди. Охирги курсман.

— Мутахассислигинг...

— Кутубхоначилик.

— Қандай яхши! Истаган пайтингда истаган китобни, газета-журналларни маза қилиб ўқиб ўтиаркансан-да. Китоб менинг жону дилим! Бироқ иш тифиз, бунинг устига болачақа, уйнинг ташвиши. Хуллас, ўқийман дейман-у, вақт то полмайман. Сенга ҳавасим келаяпти.

— Менинг эса сизга ҳавасим келади. Сиз қанчадан-қанча одамларнинг дардига малҳам бўласиз, ахир.

— Икковимиз ҳам касбимизни тўғри танламаганга ўхшаймиз, — дея кулиб қўйди Санобар.

— Йўқ, сиз ундан деманг.

— Синглим, сени нима безовта қиласди, энди шундан гапир...

Санобар дўхтири Гулсаранинг қон босимини ўлчаб кўра бошлади.

Гулсара ўзини дадил тутишга уринаркан:

— Бироз иштаҳам йўқроқ. Гоҳо-гоҳо бошим оғриб турди. Юрагим сиқилади, — деб юборди беихтиёр.

— Шунақами? Ундоқ бўлса ҳозир аниқлаймиз-да.

Санобар дўхтири уни маҳсус каравотга ётқизиб, қоринларини, кўкракларини қўллари ва маҳсус асбоблар билан текшириб кўриш жараёнида ўзича бир хulosага келди. Аммо бу одамни чўчитадиган хulosса эди.

Дўхтири чуқур ўйга толди. Зеро, Гулсаранинг организмидаги физиологик ўзгаришларни кўрган Санобар опанинг кўнглига ҳар хил яхши-ёмон фикрлар келаётган эди.

Дўхтирининг фикрлари кўп йиллик иш тажрибасига, чуқур билимга асосланган бўлса-да, буларни дабдурустдан Гулсарага айтольмай, иккиланиб қолди. Ахир Гулсаранинг танасидаги ўзгаришлар, аломатлар унинг ё фарзанд кўрганини ёки яқин орада бола ташлаганини кўрсатарди. «Кўкраклари тирсишлаб сутга тўлиб турибди. Шунга қаранганди, бунинг чиндан ҳам эмизикли боласи борга ўхшайди-ю, бироқ эмизикли аёлнинг кўкраклари бунчалик таранглашиб, тўлишиб турмаслиги керак эди! Балки боласини эмизмаётгани учун шу аҳволга тушаётгандир. Бу гапларни ўзидан сўраб билишдан ўзга илож йўқ...»

Дўхтири шуларни дилига тукканича, ўрнидан турди ва келганидан бери оғир хаёллар, ваҳима гирдобидан чиқолмаётган Гулсаранинг ёнига бориб ўтириди.

Гулсаранинг дардли юраги гуп-гуп ура бошлади. У ўз сирининг очилиб қолишидан қўрққани ва шунинг таъсирида қаттиқ ҳаяжонланиб ўтиргани учун дўхтирининг бу ҳаракатидан бир чўчиган бўлса, Санобар опа томирини ушлаб, қон босимини ўлчаганидаям худди шундай бир чўчиб тушган эди.

Дўхтири Гулсаранинг ўзини тутишиданоқ бир нимани сезди ва ўзининг хulosаси тўғри чиқишига ишонгандай бўлди. Шундай бўлса-да, бу гапларни Гулсаранинг ўз оғзидан эшитиш мақсадида ўзини унга яқин тутиб, меҳрибонлик билан гапирди:

— Ҳаётда нималар бўлмайди дейсан, синглим! Ўзингнинг хабаринг бордир, ҳамма мени «Дўхтири опа» деб чақиргани билан мен аслида оддий ҳамшираман. Лекин озми-кўпми иш ва ҳаёт тажрибасига эга бўлган ҳамшираман. Кўп нарсани тушунаман, сезаман. Шунинг учун бор гапни мендан яширишинг бефойда. Барибир ҳам билиб турибман. Хўп десанг, сен ҳам аёл, мен ҳам аёл, уялмай, ҳамма гапни очиқ айтиб, бир-биримизни яхши тушунишга ҳаракат қилишимиз керак. Очиқасига гаплашсак дейман. Бу мендан ҳам кўпроқ ўзингга яхши бўлади. Учинчи одам йўқ. Сир-сирилича қолади. Билсанг буям биз тиббиёт ходимларининг ўзиға хос қоидаси.

Гулсаранинг кўзларида беихтиёр ёш ҳалқаланди.

Санобар Гулсарани меҳрибонлик билан бағрига босди.

Шу топда жони азобда ўтирган Гулсарани оғир вазиятдан чиқариш, унинг изтироб тўла дардига малҳам бўлиш Санобар дўхтирнинг зиммасида эди. Шуни дилдан ҳис этган дўхтир, қизнинг онаизори эшитиб қолмасин, дея ҳар эҳтимолга қарши шивирлашга ўтди:

— Сингилжоним, ўзингни тут. Руҳиятингни сезиб турибман. Она бўлганлигинги айтольмай қийналиб турибсан. Сенгаям қийин. На чора... Тўғрими?

Гулсара ўзини қанчалик маҳкам тутаётган бўлмасин, барибир сири очилиб қолаётганини сезиб, ваҳимага тушдию, қўрқа-писа кафтларини оғзига босди ва:

— Опа-ажо-он, мен ўли-шим керак! — дея ҳиқиллаб, нафаси чиқмай қолди.

Гулсара тобора танг аҳволга тушаётганини сезгани сайин ўзини ёмон ҳис этар, бўғзига тиқилиб келаётган йиги таъсирида юз-кўзлари бўғриқиб, бўзараарди. Кўпчиётган дарду алам гарип кўнглида ачиётган хамирдай шишиб борарди. Бу ҳолати Гулсарани шу кўйи узоқ ўтиришга қўймади. У ич-ичидан унсиз йиғлаганча, оғзини кафтлари билан маҳкам бекитиб, буқчайганча хона бўйлаб тез-тез юришга мажбур бўлди. Ахийри босиб келган йигини, ўкирикни шу тариқа амаллаб ўтказиб олган Гулсара бир ҳолатда келиб дўхтирнинг ёнига ўтиrdi.

Дўхтири Гулсарага қанчалик ачинмасин, барибир, унинг дардини ичидан сугуриб олишдан ожиз эди. Нима бўлгандаям дўхтири-да, касбига яраша иш тутиши лозимлигини ўйлаган Санобар опа Гулсаранинг дардини енгиллатиш учунми, уни яна суҳбатга тортди:

— Сингилжоним, унақа дема. Ҳар бир сўзгаем фаришталар «Омин» дейишади. Яхшиси мен билан дардлашгин. Шундоқ қилсанг дардинг анча енгиллашади.

Гулсара аввалига индамасдан, ердан кўз узмаган кўйи ўйланиб қолди. «Дўхтирга ҳамма сиримни айтсам қандоқ бўларкан? Сиримни билиб олгач, онамга етказиб шармандамни чиқармасмикин? Дўхтирини яхши билмасам. Аввал бошда сирлашиб юрмаган бўлсам...»

Санобар опа Гулсаранинг ўзига ишонмаётганини дарров сезди. Шунинг учун:

— Сенга бор сирингни менга айтгин деб, мажбур қилишга ҳаққим йўқ, — деди юмшоқ оҳангда. — Сезаяпман, сен менга ишонмаяпсан! Сен мени яхши билмасанг ҳам, мен сенниг ота-онангни, қолаверса, ўзингниям анча-мунча биламан. Сизларнинг оиласарингизда шу пайтгача номаъқул ишлар бўлмаган. Лекин бу ҳаёт. Ҳаётда инсон ҳар хил воқеа-ҳодисаларга дуч келиши мумкин. Бироқ ҳеч қачон инсон тушкунликка тушмаслиги керак. Тушкунлик — умрнинг згови. У одамни адойи тамом қиласди...

Бу сўзлардан таъсирланган Гулсара сал тетиклангандай бўлди-да, дўхтирга кўз остидан қараб-қараб қўяркан, ниҳоят тилга кирди:

— Болам тирик, у шаҳардаги болалар уйида...

— Болангнинг отаси қаерлик?

— Навбаҳорлик.

— Менинг сезизимча, бу гапларни ота-онанг ҳам, қариндошларинг ҳам билишмаса керак.

— Шундай... Уларга айтадиган тилим танглайимга ёпишиб қолган, опажон! Билишса, мени ўлдиришади.

— Энди нима қилмоқчисан?

Гулсара «уф» тортганича дўхтирга илтижоли тикиларкан, бироз шишинқираган ва қизаринқираган кўзларида яна юракни ззадиган ёш ҳалқаланди.

У барибир ўзини тутиб олиши керак эди. Қийилиб кела-  
етган кўз ёшларини арта-арта дўхтирга термуларкан,  
мўлттайган ҳолда юрагини ёзи:

— Билмадим, опажон, билмадим. Юрагим чексиз азобу  
уқубатлар ва туганмас дарду аламлар ичидагарқ бўлаётиди.  
Нима қилишимни билмайман. Боши берк кўчага кириб қол-  
гандайман. Дардларимни ота-онамга ёки қариндошларимга  
дастурхон қилипдан жуда-жуда кўрқаман. Уларга сездириб  
кўймайни деб шаҳардан келгандан бери жоним ҳалак. Ўз ёгим-  
га ўзим қоврилиб ётибман... Опажон, сиздан минг бора ёлво-  
риб сўрайман, бу гапларни зиндор ва зиндор бирор кимсага  
айта кўрманг. Айтсангиз уволимга қоласиз!.. Мен ўзимни бир  
нарса қиб кўяман. Шундоқ ҳам зўрга юрибман, опажон! Жон  
опажон, мендай баҳтиқарога раҳмингиз келсин!.. Биласизми,  
шу пайтга я ҳеч кимга айтмаган юрак дардларимни фақатги-  
на сизга айтаяпман, холос!.. Ёшман! Яшашни истайман, ле-  
кин сирим очилса, бундан кўра ўлганим яхши! Имкон бўлиши  
билан боламни бағримга олсан дейман-у, бироқ бу мен учун  
фақат орз! У амалга ошадими-йўқми, буни биргина худонинг  
ўзи билади. Ҳозир эса ҳаётим қил устида. Ростини айтсам,  
ҳаётим ва баҳтим қурбон қилинган ўша машъум кундан бери  
ўзимни тубсиз жар ёқасидан ойдинликка чиқолмай нажот из-  
лаб юрган нотавон ғарибга ўхшатаман!..

Гулсара юрагидаги барча дардларини дўхтирга айтол-  
ганча айтгач, яна ёлвориб-ялинишга тушди.

Санобар дўхтир иш тажрибасида бундан аввал ҳам икки  
марта худди шунга ўхшаш ҳолатга дуч келган эди. Роса туш-  
кунликка тушган бир қиз, кейинчалик эса бир бева қолган  
жувон ундан ёрдам сўраб келишгани ҳамон ёдида. Ўшанда  
у иккаласиниям ўзларининг жонларига қасд қилишдан ас-  
раб қолган, уларнинг йўлини топиб, яна яшаб кетишларига  
йўл-йўриқ кўрсатган эди.

Санобар опа шу воқеани эсларкан, Гулсарага ҳам ачи-  
нар, ҳам куйиннарди. Албатта, дўхтир шу дамда Гулсарага  
яна кўп насиҳатлар қилиши мумкин эди. Бироқ вақтнинг  
зиқлиги ва Ҳалима холанинг хавотирга тушиб қолмаслиги  
учун опа гапни қисқа қилди:

— Кўпам эзилаверма. Бу дунёга ҳар бир инсон бир марга келади. Дадил бўл! Ҳаётда хато қилмайдиган одамнинг ўзи йўқ. Беайб парвардигор. Сўнгти пушаймон — ўзингга душман. Тўгри йўлни эса вақтнинг ўзи кўрсатади. Соғлиғингни асра. Ўзингта ўзинг қасд қиласан дема. Ўлсанг итдай ўлиб кетаверасан-да. Бу билан фақат отанг-онангта, фарзандингта ва ўзингта жабр қиласан, холос. Ваъда бераман, сирингни ҳеч кимга айтмайман. Пайти келиб, ҳаммаси жой-жойига тушиб кетади. Бироқ бунинг учун сенда албатта тоғдек ирода бўлиши керак. Бўлмаса ҳаммаси бир пул...

Санобар дўхтирнинг сўzlари Гулсарани сал ўзига келтирди. Бу ерга келиб юраги дардлардан бироз халос бўлгандай ўзини анча енгил сеза бошлади.

Гулсара то юз-кўзини ювиб, ўзига келгунча дўхтир унга иштаҳани очадиган икки-учта дори ёзиб берди.

Гулсара Санобар опага қайта-қайта миннатдорчилик билдиргач, дўхтир билан хайрлашди.

Кутиб ўтирган онасини кўриши билан Гулсара:

— Онажон, дўхтир иштаҳани очадиган дори ёзиб берди,  
— деди ўзини қувноқ ва бардам тутиб.

Ҳалима хола қизидан анча хавотирда эди. Шунинг учун дарров:

— Бошқа ҳеч нарса демадими, ишқилиб, — деди гўё қизи ниманидир яшираёттандай.

— Йўқ, онажон! Соғлиғим яхши экан.

— Хайрят-ей, қизим!.. — енгил нафас олди она. — Ишқилиб, ҳамиша соғ бўлгин.

Ҳалима холанинг дилига қора булутдай ёпирилиб турган дардли-ҳадикли ўйлар бир зумда тарқалиб кетгандай бўлди. Онанинг юзи қувончга тўлди.

Гулсара йўлда онаси билан ундан-бундан гурунглашиб бораркан, кўнглидан «Санобар дўхтир нега чиқиб онам билан хайрлашмадийкин?.. Юз амри ширин қабилида иш тутдими? Ё ёлғон гапиришдан қўрқдимикин?» деган ўйлар кечар эди.

Ҳалима холанинг эса димоғи чоғ: «Қизимнинг юзидаги доғлари мен ўйлаганчалик қўрқинчли эмас экан, минг шу-

кур!.. Эй, художон! Ишқилиб қизимга яхши жойлардан баҳт адо эттин-да! Юзи атир-упадан, тагин алламбало суртгичлардан зардоб еб шундай бўлгандир-да. Бу тиниб-тинчимаган қизлар нима қилишади юз-кўзларини пардозлайвериб?! Бизлар ҳам вақтида қиз бўлганимиз. Бироқ бир мартаям бундай номаъқулчилик қилмаганимиз. Шундоқ бўлсаям ҳалигача юзимида айтарлик дөғ-дуғ йўқ!.. Муҳими — отасининг олдида уялиб қолмайдиган бўлдик. Қолгани бир гап бўлар... Мендан ҳам кўра чолим сезгир-да. Келганидаёқ дөғ-дуғларини кўрган экан. Бироқ чолим бечора бир одми эркак бўлса, бу қизи тушмагурнинг алламбало юз суртгичлар билан безаниб-бўяннишларини қаёқдан ҳам билсин?!.»

Она-бона уйларига кириб келишганларида кун чошгоҳ бўлган эди. Ҳар доимгидек Тешабой ота томорқасида ишлаётган экан. Отанинг қаҳриниб, томогини қириб йўталган товушлари гоҳо-гоҳо эшитилиб турарди.

Ҳалима хола сўридаги кўрпачага ўтириб чой ҳўпларкан, қизининг қушдай учиб юрганини кузатган кўйи «Кўнгил — душман деганлари шудир-да», деб қўйди ўзича. Сўнг тердан намиқсан кўйлагини алмаштириш учун қонасига кириб кетди.

Гулсара эса ўзидан ўтаётганини ўзи билар, жисмида ўз кучини кўрсатаётган ўзгаришларни: ҳолсизликни, паришонликни ва ҷарчоқни уйдагиларга сездириб қўймаслик учун астойдил тиришарди. Шунинг учун у ўзини шу топда ўқча ҳам, чўқча ҳам уришга тайёр эди.

Айни дамда у илдамлик билан ўчиқча чойдўшни қўйиб, остига ўтинни қалади-да, токчадаги гугуртни олиб ўт олдирди. Шу орада кийимларини ҳам алмаштириб чиқди. Елиб-югуриб тушлик овқатга уннай бошлади. Гулсара иш билан андармон бўлса-да, хаёли ўзининг аҳмоқона ва гаринона кечмишларида эди. Келиб-келиб дўхтирга чорасизликдан айтиб қўйган сири ҳақида ўйлай бошлади. «Бекор айтдим!» деб ўзини-ўзи айблади. «Санобар дўхтир ўзининг берган ваъдасининг устида туармикан?» деб шубҳаланди. «Бирорга гуллаб қўйса-чи!» деган қўрқувдан юраги ҳаприқиб кетди. «Ялиниб-ёлвордим-ку. Инсофли, иймонли аёлга

үхшайды-ку, бало урдими, айтмас!» деб ўзига-ўзи тасалли ҳам берди.

Аччиқ әқиқаттинг шу тариқа ёпиқлик қозон ёпиқлигиги-ча қолишига умид боғлаб, шунга ўзи ишонгани учун Гулсаранинг изтиробларга тұлған күнгли бироз күтарылғандай бұлса-да, барибир діл хижиллигидан батамом қутуолмади.

Изтироблар оламининг ўргимчак уясидай тараң тортилған торлари Гулсарани ҳамиша ўз сиқувига ўраб, чирмаб олаёттандай бўлаверар ва у бундан чиқишининг йўлларини излаб тополмаёттанидан баттар қийналар эди. Ҳозир ҳам унинг қалбида шу жараён ҳукмрон эди: «...Қалтис бир синовдан ўтаёттандайман. Лекин энди буёғи нима бўлади? Бу ёпиқлик қозон қачонгача очилмайди? Кутимаганда очилиб қолса-чи, унда нима қиласман? Наҳотки мен энди бир умр эзилиб яшасам? Эҳ!.. Қайданам шу сирти ялтироқ бетамизга, бебурдга, номардга учрадим-а? Мени бу ярамасга дучор қилған бехосият кунгаям, шайтоннинг васвасасига-ям минг-минг лаънатлар бўлсин-да!..» Бундай адоқсиз ўй-хаёллар тизгини Гулсаранинг ағбор бўлган ярадор дилини янада аёвсиз эзар ва шафқатсизларча куйдирар эди.

Худди шу пайт унинг жизғанак бўлаёттган ўй-хаёlinи ён қўшиносининг уйидан чиққан чақалоқ йифиси бузди. Чакалоқнинг йифиси кучайган сайин Гулсаранинг ўз фарзандига бўлған соғинч ҳисси ҳам тобора ортар эди. Назарида шу топда шу қўши ҳовлида унинг Мөҳриддини зор қақшаб йиглаёттандай туюлиб, Гулсаранинг мунг тортаёттган қалби янада титраб кетди. Сал ўтмай бу йифи товуши зорлана-зорланна пасайди ва ниҳоят сўнди.

Ногаҳон Гулсаранинг кўз олдида чақалогининг, ўша ўзи ташлаб кетган болалар уйи ҳовлисидағи ёғоч ўриндиқда очлиқдан ва таги ҳўл бўлиб, қаровсиз қолганидан зор-зор йиглаёттган жигарбандининг сиймоси пайдо бўлди. Шу дақиқада Гулсаранинг зориқаёттган, азоблар ўтидан ҳовжираган қалбига оташин оналик меҳри бир лаҳза беомон соя ташлаб ўтди. Ўзи сезиб улгурмаган ҳолда жувоннинг кўзларидан қайноқ ёш потраб лабларига сизиб тушди...

Гулсара бундай ўй-хаёлларни бир жойда ўтирганидаги на эмас, балки хамир қораётганида ҳам, чой дамлаётганида ҳам, ўчоқта тараша синдириб солаётганида ҳам ва ҳатто дастурхон тузасётганида ҳам қалбидан кечирар зди.

У оғир хаёллар гирдобига шўнгир, ўзини дунёдаги энг баҳтиқаро аёллардан бири деб ҳисобларди. «Қизлик пайтимдаги шириндан-ширин орзуларим қаерда қолди? Ерга кирдими, осмонга учдими? Ўша жўшқин орзуларим нега саробгэ айланди? Нега уларни ўзим асрай олмадим? Нега... нега? Келиб-келиб мен ўзимга-ўзим душманлик қилдимми? Ўзимни-ўзим тирик дўзахга солдимми?!»

Хаёллар тўзони ва бўрони Гулсарави борган сайин талвасага солар, ғашланган юрагини янада ғашлар, хаёлида одам қиёфасидаги қўш қанотли бир маҳлуқ уни олиб учганича борсан-келмас бир қўрқинчли жарликка улоқтириб ташлайдигандай бўлаверар зди...

Чақалоқ Йигисидан тўхтаса ҳам Гулсарапинг ўй-хаёли тўхтамас, балки тобора кучайиб, уни минг хил қийноқли саволлар ги ғардига тортар эди.

Ногоҳ дарвоза олдига келиб тўхтаган моторли велосипеднинг кучли пат-пати хаёллар оғушидаги Гулсарапинг ҳушини ўзига келтиргандай бўлди.

— Ким бо-ор! — деган товуш қулогига чалиниши билан Гулсара юваёттан коса-товоқларини жойида қолдириб, дарвозадан ташқарига мўралади.

Ўн беш ёшлардаги, спорт кийимлари ўзига ярашиб турган узунчоқ юзли, сариқ сочли ўспирин унга тикилганча шоша-пила:

— Ассалому алайкум, опа. Мен тўй хабарчиман! Бобом билан момомга айтинг, эртага Жўра бобоникига тўйга борсинилар. Эрталаб наҳор ош, кечқурун базми жамшид. Келин олаяптилар, — деб изига қайтмоқчи бўлди.

Аммо Гулсара :

— Қайси ўғлини уйлантираяпти? — деб сўраб қолди.

— Кенжа ўғли Сафар акани Султон тоганинг қизи Зулхуморга. Сиз ҳам боринг, — деди-да тўйхабарчи бола илдамлик билан велосипедини судраб қўшни ҳовлига ўтиб кетди.

Гулсара синфдошининг тўйини эшишиб юраги ҳаприқиб кетди. Унинг ҳаяжонли қалбida дугонасига нисбатан алла-қандай бир қудратли ҳис-туйғу пайдо бўлди: Гулсаранинг шу топда Зулхуморга чунонам ҳаваси келиб кетдики, қаттиқ таъсиранганидан «Дугонажон, қандай баҳтлисан!» деб юборганини ўзиям сезмай қолди. Шу топда Гулсаранинг дилида севинишгаям, куйинишгаям ўҳшамаган ўзгача бир кайфият жўш уради...

Анчадан кейин Гулсара тўйхабарни онаси билан отасига етказди.

Тешабой ота «яхши!» деб қўйди-да, уйга кириб кетди.

Ҳалима хола эса ҳаяжонга тушди:

— Қандай яхши! Мана, қизим, сен тенгилар ҳам оила қуришиб, тўйларини нишонлашайтги. Худо ҳодласа, сенинг ҳам тўйингни ўтказамиш, қизим! Ўқишингни омон-эсон туғатиб олсанг бўлди. Қишлоғимизда сени келин қиласмиш деб юрганлар қанча. Ўқишинг ҳам яқинлаб қолгандир, — дей онаси қизига гурур билан тикилди.

Бу гаплардан юраги пора-пора бўлиб, ич-ичидан эзилаетган Гулсара бўғиқ товушда:

— Яқин қолди, — деди чўчинқираб.

Ўз орзу-умиди билан ширин хаёллар оғушига чўмган Ҳалима хола қизининг бу ҳолатини яхшиямки сезмади-да:

— Қандай яхши, қизим, — деб қўйди.

Ҳалима ҳоланинг фикри шу дамда зартага тўйи бўлиб ўтадиган Зулхуморда ҳам эди.

— Зулхумор дугонанг зап яхши, одобли қиз чиқди-да! Ўн бармоғи ҳунар. Икки йиллик педтехникумни битириб келиб, ўқитувчилик ҳам қиласмишти, барака топкур! Илойим баҳтли бўлишсин-да! Икки қудаям бир-бирларига жуда муносиб. Унгандай бамаъни оиласлар!

Онаси дугонасини мақтаб, алқагани сайин Гулсаранинг ичини ит тирнарди.

Кун тиккага келганда оила аъзолари дастурхон атрофида жам бўлишди. Гулсара уларни ўзи пиширган чўзма лағмон билан меҳмон қилди. Ҳаммалари лағмонни мақтаб-мақтаб тановул қилишди.

Овқатдан сүнг Ҳалима хола чолига қизини Санобар дүхтирга олиб борганини, дүхтирнинг қизига иштаҳани очадиган дори ёзиб берганини, Гулсаранинг соғлиғи яхши эканлигини айтиси берди.

Тешабой ота хурсанд бўлиб қолди.

Шу билан чол-кампирнинг кўнгли тинчиди.

Эртаси куни эрталаб Гулсара уйдагилари билан хайрлашиб, ўқишини давом эттиргани Тошкентга кетди.

### Яхшилик

Бу масалада Роҳила опа билан узоқ кенгашган Гулрухсор Самадовна охири бир қарорга келди:

— Биз ҳам она. Уям она!.. Оналар оналарга яхшилик қилишмаса, уларнинг оналиклари қаерда қолди? Келинг, шу болакай онасининг қўйган исм-фамилиясида қола қолсин! Мөҳриддин Тешабоев бўлсин! Пайти келиб, мабодо она-бала бир-бирини излаб қолишса сарсону саргардон бўлиб юришмасин!

Гулрухсор Самадовнанинг бу гаплари Роҳила опага жуда маъқул келди.

— Жуда яхши иш қилдингиз, ўртоқ директор, — деди Роҳила опа тўлқинланиб. — Зора...

### Дуст ачитиб гапиради

Шамсиддин кейинги тўққиз ой мобайнида амакисининг ўтган йили институтга ўқишга кирган ўғли Самаджон билан институтга яқин мавзедаги уч хонали уйда ёлғиз яшайдиган бир рус кампирницида ижарада турарди. Шамсиддин қизлар билан, айниқса, Гулсара билан учрашувини сир сақлаш мақсадида Самаджонни ўзи билан бирга олиб юрмасдан кўпинча уни «Сен дарсингни қил», деб уйда ёки институт кутубхонасида қолдириб кетарди.

Бугун ҳам Шамсиддин шундай қилди. У Гулсаранинг қишлоқдан келганини эшилтганди. Гулсара билан кўча-кўйда учрашиб қолгудай бўлса, албатта, бир кўнгил қорачилик бўлиши-

ни билар, бу нарса укасининг олдида содир бўлишидан эса кўрқарди.

Дам олиш куни бўлгани учун кўчалар анча гавжум эди. «Учратсам ҳам Гулсарани кўчада учратай-да», деган ўйда Шамсиддин институт атрофидаги йўлларда юра-юра охири зерикди. Хаёлига лоп этиб фаргоналик курсдоши Голибжон келди-ю, йўлни улар яшайдиган институт ётоқхонаси томон бурди.

Ҳаво дим. Физ этган шамол эсмайди. Эрталабдан кун қизимоқда.

Шамсиддин кўланкали йўллардан юриб ётоқхона рўпаратасидаги дўкондан иккита нон, кўча бўйидаги бозорчадан бир кило олма олди-да, ётоқхонага ўтди. Иккинчи қаватга кўтарилиб таниш эшикни тақиллатди. Жавоб бўлавермади. Аста тортган эди, эшик очилиб кетди.

Шамсиддин ҳайрон бўлиб хонага кўз ташлаганча эшик олдида туриб қолди. Хонада юпқа яшил, кўк одеяллар қопланган тўртта темир каравот, ўртада битта алюмин стол ва иккита стул, столнинг устида тўрт-бешда китоб, у ер-бу ери учган битта рангиз чойнак, иккита пиёла.

Шамсиддин қўлларидаги нарсаларни каравотга қўйиб, энди орқасига ўгирилганида, бир тўп газета кўтариб олган Голибжон кириб кеди.

— Э, бормисан, Голибжон!

Икки дўст бир-бирини минг йил кўрмагандай қучоқлашиб кўришишди.

Голибжон дўстини очиқ юз билан кутиб оларкан, севинчини ичига сифдиролмай:

— Юз сўмликдай кўринмай қолдинг. Сениям кўрадиган кун бор экан-ку-а, Шамси! — деди стол устини тартибга келтириб, дастурхон солишга ҳаракат қиларкан.

— Ўзлари нима иш билан банд экан десам, диссертация ёзаётган эканлар-да, — Шамсиддин китоб-дафтарларга ва газеталарга ишора қилди. — Э, яш-ша-вор, дўстим!

— Жа унчаликмас, шунчаки бир эрмак-да, бунинг устига...

Шамсиддин дўстининг сўзини бўлди:

— Оддий эрмагинг шунча бўлса, диссертациянгта киришсанг хонангта киролмай ҳам қоларканмиз-да, а?

Икки курсдош самимий кулишиб, дастурхон атрофига ўтириши-да, қизгин суҳбатлаша кетиши.

Гап-гапга қовушиб турганида Шамсиддин кейинги пайдада негадир юраги тез-тез сиқилиб юрганини айтди-ю, Голибжоннинг тилини қичитиб юборганини ўзиям сезмай қолди.

Голибжон дўстидан худди шуни кутиб тургандай гапни ила кетди:

— Дарвоқе, юрак жуда нозик нарса. Уни кўз қорачигидек асраш керак! Кўзга нисбатан юрак полвон деймиз-у, бироқ юрагимиз полвон экан деб унгаям ортиқча юқ ортавериш ҳам ноҳақликми дейман. Шунисиям борки, уям бекордан-бекорга сиқилавермайди. Унга озор берадиган нимадир иш қиласизки, у безовта бўлади, сиқилади!.. Бўлмаса, у бечорага нима, эгасини соғлом қилай деб куну тун тиним билмай ишлаб ётибида-да, қон билан олишиб, жонимизни асраб...

Голибжон гапнинг бундай буромадидан ҳайрон бўлиб қолган Шамсиддинга бирров кўз ташлаб олди-да, илмоқли мулоҳазаларини давом эттириди:

— Шамсижон, келиб-келиб юраккайм кун бермаётган бўлсанг, унда билмадим чораси не экан?..

Шамсиддиннинг дилидан «Гулсара ҳақидаги гаплар бунгаям етибида-да» деган фикр ўтди-ю, каловланиб қолди. У Голибжоннинг ҳозир бир нимани бошлаб қолишини сезаётган бўлса-да, гапни яна қазилга олди:

— Голибжон, ҳали айтганим тўғри чиқаётibi-ёв! Дарвоқе, илмий ишинг фалсафаданми, тиббиётданми?

— Олим бўлмасак ҳам аввало одам бўлайлик, дўстим! — деди Голибжон насиҳат оҳангида. — Одам бўлганимизнинг ўзи улуғ бир баҳт эмасми?

Шамсиддин яна ўзини соддаликка олиб:

— Худога шукур, одаммиз леб юрибмиз, — деди. — Ё сенинг ўзингдан, ё мендан гумонинг борми?

Голибжон жаҳлини олмадан олди. Олмани гарч-гарч тишлаб:

— Бор! — деди маъноли кўзларини Шамсиддинга тикиб.

— Кимдан? — деди Шамсиддин чой ҳўплаб.

Фолибжон «Кимдан бўларди, сендан» демоқчи бўлди-ю, бироқ, «Нуқиб айтганимдан кўра, бўяб айтсам-чи» деган қарорга келиб:

— Хотини билан боласини тан олмай, уларни кўчада қолдириб, ўзи бамайлихотир юрган одамдан! — деди.

Шамсиддин гап кимга тегишли эканлигини кўнгли сеза-ётган бўлса-да, мени назарда тутаётибдими, деб ўйлаб турди-да, кейин «Балки бошқа бирор бордир-да? Бу Гулсаранинг туққанини, унинг қаерда, нима қилиб юрганини, менинг унга муносабатимни қаерданам биларди?» деган ўйга бориб :

— Ким экан у номард? — деди овозининг шу онда ишончиизроқ чиққанини ўзиям сезган ҳолда.

Таажжуланган Фолибжон Шамсиддинни танимайроқ тургандай унга диққат билан қаради. Фолижоннинг миясида «Нега бу ўзини олиб қочаяпти?» деган савол ғужфон ўйнаса-да, бир мунча вақт сукут сақлаб турди. Сўнг ғалати бир тусда аччиқ жилмайиб қўйди.

Шамсиддин қўлига олган олмани ушлаганча ҳайратланиб, унинг оғзига тикилиб турганида Фолибжон ниҳоят тилга кирди:

— Одамнинг тез ўзгариб, айниб қолиши ҳеч гапмас экан. Шу онда, дўстим, сени ҳечам таний олмай қолдим. Сен бундан ҳайратланма. Чунки мен сенга топишмоқ айтиётганим йўқ. Иккинчидан, сен ўзингни бунчалик ҳам гўлликка солмагин. Сен гўл эмассан. Гўл одам ҳеч қачон сен қилиб юрган ишларни қилолмайди. Кўнглингта оғир олмагин-у, сен бор-йўғи содда муғомбирсан.

Шамсиддин эсанкираб қолди. Сўз ханжарларидан ўзини қанчалик ҳимоя қилишга уринмасин, эплай олмади. Ўзи таслим бўлмаса-да, сўзи таслим бўлди. Энди у бўлиб ўтган гап-сўзлардан, воқеалардан Фолибжоннинг ҳам озми-кўпми хабари борлигига бутунлай иқрор бўлди.

Шамсиддин чўнтағидан гугурт олиб оғзидағи сигаретани тутантирди-да, ўйга толганча, бурнидан бурқситиб турун чиқараракан:

— Сиқұлған юрагимни сенам сиқаверма, жүра, — деди қовоғини уюб. — Ўзи шундоқ ҳам Гулсара масаласида бoshim қотиб юрибди.

Голибжон дўстининг отдан тушмаса-да, шаштидан тушганини кўриб:

— Энди ўзингта келаяпсан! Одам деган бундай бўлмайди, — деди ўпкалаган қиёфада. — Ҳар хил миш-миш гапларни эшишиб, ўзим сеникига бориб, би-ир гаплашмоқчи эдим. Келганинг яхши бўлди. Билсак бўладими, Гулсара билан болангнинг тақдири нима бўллаяпти? Биласанми, йўқми, кўплар сени номардга чиқариб юрибди. Эшигтганимда бу гаплар менгаям оғир ботди. Шунинг учун аччиқ гаплар айтаётган бўлсам мени кечиргин. Аслидаям, дўст бўлгач, ачитиб гапиради-да.

Шамсиддин аввал Голибжоннинг танқидидан ранжиган бўлса, энди анча мулойим тортиб қолди. Бироқ барibir, яқиндагина Ибогул спасидан еган даккилари камлик қилгандай, бугун Голибжон дўстидан ҳам дашном эшишиб, изза бўлиб ўтиргани жон-жонидан ўтиб кетгандай бўлди. Жаҳли қўзиб, вужуди қизиди. «Насиҳатларинггаям, таъна-дашномларинггаям зор эмасман!.. Менинг нима иш қилиб юрганим билан сенларнинг неча пуллик ишларинг бор! Хотин ҳам, болаям ўзимники. Уларнинг тақдири билан ишларинг бўлмасин!» демоқчиям бўлди-ю, бироқ «Булар ким учун шунчалик куйиб-пишишяяпти?.. Қош қўяман деб кўз чиқариб қўймайин тағин», деган ўйга бориб, истиҳола қилди.

Охири Шамсиддин ўзини қўлга олиб, тилга кирди:

— Дўстим, билмайин босдим тиконни, тортадирман азобини! Гулсарага минг марта: «Олдириб ташла, ўзимиз ҳали боламиз-ку, болани нима қиласмиш?» деб худонинг зорини қилдим. У деб-бу деб мени алдаб юрди-юрди-да, ўз билганини қилди. Тугиб олди. Эшитишимча, боласини детдомга ташлаб, ўзи қишлоғига бориб кепти. Қишлоғига нима деб борган, ота-онасига нима деган — буни худо билади...

Голибжон унинг сўзини бўлди:

— Роддомдалигида хабар олибмидинг?

— Қандай бораман, күрганлар нима дейди, деб ўйладим. Бунинг устига, бундан кейин бирга яшамайдиган бўлганимдан кейин, бориб овора бўлишнинг нима кераги бор, дедимда, бормадим.

— Никоҳдан ўтганмисизлар ўзи?

— Гулсара йиглайвериб, ақлимни олавергач, бундан учтўрт ой илгари яширинча бир муллага никоҳимиизни ўқитган эдик.

— Яхши бўлган экан. Ҳар ҳолда, мусулмончиллик. Бола насоқдан қутилибди, ишқилиб. Энди нима қилмоқчисан? Бирга яшамайман деганинг нимаси?

— Ё қишлоқда хотининг борми?

— Унаштирилган қизим бор.

— Ана холос!..

Фолибжон Шамсиддиннинг номақбул ишларидан қанчалик кўп хабардор бўлаётган бўлса, унинг ҳайрати ҳам шунчалик кўп ошаётган ва ич-ичидан унга нисбатан қаҳри ҳам шунчалик кўп тошаётган эди.

У шу топда Шамсиддиннинг чўккан кўнглини кўтаришниям, ўн гулидан бир гули очилмасдан бева бўлиб қолаётган Гулсара ҳамда тирик етим мурғаккина бола учун дўстини ҳақоратлашниям билмай аросатда қолгандай сезарди ўзини.

Шамсиддин «Қишлоғимда унаштириб қўйилган қизим бор!» деб кўзини лўқ қилиб тургандан кейин Фолибжоннинг назарида гап тамом бўлгандай, ҳар қанча аччиқ-тизиқ таъна-дашномлар ҳам энди фойдасиздай туюлди.

### Насибаннинг меҳри ва қаҳри

Гулсара ўтирган автобус тонг саҳарда Тошкентга етиб келди. Автобусдан тушган йўловчиларнинг бири у ёқقا, бири бу ёқقا қараб тарқалиб кетишиди. Айримлари кутиш залига киришди.

Эрта саҳар палласи бўлгани учунми, ёз эканлигига қарамай, ҳаво салқин эди. Гулсара сумкасидаги яшил жемпери-

ни олиб кийди. Сүнг тонг отишини кутиш мақсадида дам олиш залига ўтиб, бўш ўриндиқлардан бирига ўтирди.

Зал одамлар билан гавжум: бирор кириб, бирор чиқади, ўтирганларнинг кўпчилиги ўриндиқ суюнчиқларига бошлирини қўйиб ухлашар, бу ерга яқинда кириб келганлар эса секин сұҳбатлашиб ўтиришарди.

Гулсара мириқиб ухлаётган одамларга ҳаваси келиб, ўзи ҳам озгина бўлса-да мизғиб олмоқчи бўлди. Кўзларини юмди. Бўлмади... Қишлоқдан чиққанидан бери ҳаёlinи чулғаб олган тубсиз ўй-хаёллар унга тинчлик бермасди. Болалар уйидаги гўдаги ва Шамсиддин акасини ўйлайвериб Гулсаранинг тинкаси қуриган эди. Бу изтироблардан қутилишнинг бирдан-бир йўли, ҳарна қилганда ҳам болагиначасининг отаси – Шамсиддин билан ярашиш эди. Гулсара шуни жуда-жуда истарди. Бироқ истак билан иш битиб қолмайди. Истакнинг амалга ошиши йўлида муаммо етарли эди. Ахир ҳаммаси энди Шамсиддинга боғлиқ. Шамсиддин эса Гулсаранинг ҳомиласи олти ойлик бўлганида «Энди менга боланг ҳам, ўзинг ҳам керак эмас», деб чақалоқни вақтида олдириб ташламагани учун уни қаттиқ койиган ва аразлаб кетган эди. Ўшанда Гулсара ҳомиласига раҳми келиб олдирмаган ва «Шамсиддин акам ҳам одам-ку, боласининг кўзига кўзи тушса ўзига келиб қолар, меҳри жўшиб фарзаидидан возкечмас», деб умид қилган ва шу илинжига ўзини ишонтирган ҳам эди.

Шунинг учун ҳам Гулсара минг азоб билан гўдагини соғомон дунёга келтирди. Туғруқхонада ётганида ҳеч бўлмаса бир марта ҳолимиздан хабар олар, деб тунлари зор-зор йифлади, интиқлик билан, кўзлари тўрт бўлиб кутди Шамсиддинни. Хонасидаги аёлларнинг эрлари гуллар кўтариб келиб, хотинлари билан чақалоқларини енгил машиналарда тантанаю асьасалар билан олиб чиқиб кетганларини кўрганида уларга жудаям ҳаваси келиб кутди Шамсиддинни. Шамсиддин барибир келмагач эса чидаб бўлмас даражада эзилган эди. Хотинлар ажабланиб, ундан: «Нега сенинг орқангдан ҳеч ким келмаяпти? Эринг ҳам йўқми?» деб сўраш-

ганларида ёлғонлар тұқишиңа мажбур бўлди, ёлғон айтаётib эса дор остидаги жиноятчидай минг бир азобга туши.

Ўшанда ҳам Шамсиддиннинг ўзидан бутунлай воз кечганига сира ишонолмади.

Мана энди яна ўзи ичидан қиринди ўтиб, изтироблар оламига ғарқ бўлиб юрибди...

Қайтар дунё деганлари шу бўлса керак. Аввал Шамсиддин Гулсаранинг висолига етгунча унинг изидан қолмай югуриб-елди, энди Гулсара Шамсиддинни излаб югурибелишга мажбур бўлаётиди.

Гулсара ўзининг аччиқ қисматини юрак-юрақдан чуқурроқ ҳис этган сайин ўз ёғига ўзи қоврилиб, ўз этини ўзи еб борарди. Гулсара анча пайтгача оғир хаёллар оғушидан чиқа олмай ўтирди. Бир тўп йўловчиларнинг ғала-ғовур билан ташқарига чиқа бошлишларигина Гулсаранинг изтиробли хаёлларини бузиб юборди. Жувон юрагидаги бордарду аламларини ўпкаси орқали чиқариб юбормоқчидай чуқур «уф» тортди-да, аста ташқарига юрди.

Қўёшнинг илиқ нурлари ҳам, йўл бўйларидағи турфа-турфа муаттар очилган гуллар ҳам, юз-кўзларини силаб-сийпалаб эсаётган енгил шабада ҳам шу топда Гулсаранинг тунд қалбини ёритмасди. Одам тирбанд троллейбусга чиққанида ҳам, Насиба турадиган ётоқхона олдига келиб тушганида ҳам Гулсаранинг хаёли паришон эди.

Талабалар ётоқхонасидағи магнитофондан тараалаётган бир шўх қўшиқ Гулсаранинг дилини бироз ёритиб, андуҳли губорларини учирив юборгандай бўлди. Жувон шу ашула-нинг кучи ва сеҳри билан Насибанинг хонаси эшиги ёнига қандай етиб борганини ҳам билмай қолди.

Эшикни қоқди. Ичкаридан Насибанинг «ҳозир» деган таниш овози жаранглаб чиқди. Хиёл ўтмай эшик очилиб, енги калта кўйлак кийган Насиба чиқди-да, серрайиб туриб қолган Гулсарани қучоқлаб бағрига тортди.

Дугонасининг юзларидан лаблари бўшаган Насиба:

— Тушимми, ўнгимми, дугон, — деди Гулсаранинг қўлидаги сумкаларни олиб столнинг устига қўяркан. — Қандай, яхшимисан, яхши келдингми? Бир ўзингми?

— Шошилма, Наси, — деди Гулсара эшикни ёпиб, ўзини каравотта ташларкан, — бироз ҳориб келдим, чойинг борми?

— Бор, бироқ сал совуқроқ-да, майлими? — деди Насиба илдамлик билан пиёладаги чойни дугонасига узатаркан.

— Ҳозир иссиқ чой дамлайман.

Гулсара устма-уст икки пиёла совуқ чой ичгандан кейингина бироз ҳовури босилғандай ва хаёли жойига тушгандай сезди ўзини.

Шундан кейин у ўрнидан турди ва қизил күйлагини ечиб, майда гулли сарғиши күйлагини кийди-да, юз-күзларини ювив келиб, тараниб олди. Унгача Насиба иссиқ чой дамлади.

Гулсаранинг қишлоқдан олиб келган ширмой кулчалари, туршак, майиз ва ҳолвалари дастурхонга қўйилди.

Чой устида Гулсара ўртанаётган дилини ёзи: гоҳ йифлаб, гоҳ куйиниб гўдагини болалар уйига ташлаб қочиб кетганидан бошлаб, то ҳозиргача ҳаётидаги бўлиб ўтган барча воқеаларни бирма-бир айтиб берди. Одам тафтини одам олади-да. Гулсара ҳам ўзининг азоблари ва қалб изтиробларини сўзлаб бергач, бироз енгил тортди.

У ҳикоясининг охирида:

— Бу гапларни сенга энг яқин сирдош дугонам бўлганинг учун айтаяпман. Тағин бирорга гуллаб қўймагин, — деб тайинлади.

Насиба Гулсаранинг сўзларини тингларкан, ачинишни ҳам, айблашни ҳам билмай дугонасининг дардли кўзларига тикилиб ўтираверди.

Зеро Гулсаранинг фамилияни сўзларини эшиктан Насибанинг кўнглида икки хил ҳис-туйғу пайдо бўлганди: биринчидан, Шамсиддинга ўхшаган хотинбоз, алдоқчи, вафосиз, иккюзламачи йигитларга нисбатан қаҳр-ғазаби ва нафрати ошди; иккинчидан эса Гулсарага ўхшаган соддадил, бўшанг, ўз қизлик иффатини асрашга қурби етмайдиган, ибо, ҳаёдеган улуғ туйғуларни қалбига муҳрлаб тутолмайдиган қизларга нисбатан қаҳри тошди. Қалбини ларзага солаётган бу ҳис-туйғуларни Насиба шу топда узоқ йўлдан

ҳориб-чарчаб келган, минг хил ўй-кечинмаларни бошидан кечираётган, ўз ёғига ўзи жизғанак бўлиб қоврилаётган дугонаси Гулсарага тўкиб солишдан ўзини зўрға тийди. «Барчасига, Гулсара, ўзинг айбдорсан!» деган ҳукмни Насиба дилида бир неча марта такрорлади, лекин тилига чиқариб айтольмади. «Бироқ барибири бу гапни бир кунмас-бир кун ўзига шартта айтаман», деган ниятни дилига туғиб қўйди.

### Ҳадик

Фолибжон билан шаҳар айланиб ҳам, кинога тушиб ҳам Шамсиддиннинг кўнгли ёзилмади. Кўнглидаги бу ўзгаришлардан йигитнинг ўзиям ҳайрон эди. «Менга нима бўлаяпти?» деб қўярди у ўзига-ўзи.

Фолибжоннинг очиқ ва аччиқ сўзлари унинг ҳалигача қилт этмаган қалбига қаттиқ таъсир этгани учунми, ўзини-ўзи қўлга олишга қанчалик тиришмасин, бунинг удласидан чиқолмай гаранг бўларди. Аммо ўйламайин деса ҳам бўлмаётганди. Иродаси бўшашган сайин ғамнинг қафасида қолгандай сезарди ўзини. Атрофида гўё шу дамда уч нафар беҳаловат жон ундан нажот кутиб турарди: ғўр муҳаббати қурбони бўлган Гулсараси «Энди нима қи-ла-ма-ан?» деб бўзламоқда; севги шаробини ичишга шай турган Ойсараси «Ҳали сиз шундай ярамас одаммисиз?» деб таъна қилмоқда; гулдай нозик, мурғак зурриёди эса «Да-да-жо-он, менинг гуноҳим ни-ма-а?» деб йигламоқда... Бири фарёд чекиб, сочларини юлиб, ҳақ-ҳуқуқини талаб қилади; бири алам ўтида ёнаётган бегуноҳ кўзларини пирпиратади; бири нолафон билан чинқириб, дунёни бошига кўтаради...

Бунинг устига кечаги эшитган хабариям дард устига чипқон бўлди. Нима эмиш: Гулсара бир аҳволда уни излаб юрган эмиш...

Шамсиддин ўйлаб, ўйининг тубига етолмасди.

Ётоқхона олдидан ўтаётисб курсдошларининг ташқаридаги ўриндиқларда жойлашиб олишиб, электр чироқлари ёруғида китоб ўқишаётганиларини кўриб қолдию, имтиҳонга тайёрланиши кераклиги эсига тушди.

Шамсиддин шоша-пиша ижарадаги уйига йўл олди.

Хонага кириши билан конспектларини титкилаб ўтирган Самаджонга бир чойнак аччиқ чой дамлашни буюрдида, кийимларини алмаштирасола мутолаага ўтирди. Китобни варақлаб икки-уч саҳифа ўқиган бўлди. Аммо кўзлари китобда бўлса-да, ўй-хаёли ҳамон бошқа жойларда эди. Устма-уст ичилган аччиқ чой ҳам кўмак бермади: хавотирли ўйлар сира нари кета қолмасди.

Шамсиддин китоб ўқиётиб чуқур «уф» тортиб қўйгач, тез-тез учайтган чап қовоғига тупугини суртди – онасининг шунача одати эсига тушиб кетганди. Эркак кишининг чап қовоғи учса хафа бўлади, ўнг қовоғи учса қувонади, деган иримига бир ишониб, бир ишонмай юрса-да, ҳозир «Ишқилиб, яхшиликка бўлсин-да», деб қўйди ичида. Шундан кейин ҳам чап қовоғининг учаверишидан Шамсиддиннинг дили баттар хижил бўлди.

Ўзининг бу ҳолатини Самаджонга билдириб қўймаслик учун Шамсиддин бошига сочиқни боғлаб, китобни ёстиқнинг тагига қўйди-да, секин ўрнига чўзилди.

У яна беихтиёр Гулсара билан тил топишишни, орани очиқ қилишни ими-жимида бежанжал амалга оширишнинг минг хил йўлларини излар, хаёли минг хил кўчага кириб чиқарди.

Самаджон акасининг безовта тўлғонишларидан хавотирланди шекилли:

— Кайфиятингиз йўқми, ака? — деб сўради.

Шамсиддин бунга жавобан:

— Сал бошим оғриб турибди. Йўлда дори олиб ичдим. Безовта бўлма. Ўтиб кетади, — деб қўйди-да, юпқа оқ чойшабни ёпиниб девор томонга ўгирилди ва ўзини ухлаётганга солди.

Шамсиддиннинг хўрсиниб, кетма-кет «уф» тортаётгани бежиз эмасди. У ёқда ота-онаси Ойсарани келин қилиб тушириш ташвишида бир олам қувонч билан елиб-югуриб юришгани ўзи тугул Самаджонгаям маълум эди.

Шунинг учун ҳам Шамсиддин Гулсара ҳақидаги гапларни укасидан сир тутишга ҳаракат қиласарди.

Ўзини уйқуга солиб ётган Шамсиддиннинг кўз милкларининг чети тиришди. Ётиб-ётиб Гулсара билан бўлган илк учрашуви бехосдан ёдига тушди. Ҳисоблаб қараса, шунгагам бир йилу етти ой бўпти...

Эсида, ноябрь ойининг охирлари эди. Тез-тез қор, ёмғир ёғар, қиров тушар, кунда-кунора гала-гала олачалпоқ бу-путларга тўла осмон тундлашар, ишқилиб етти яшардан етмиш яшаргача пахта теримига сафарбар этилган кунлар эди. Ўшанда Шамсиддин курсдошлари билан Сирдарё ви-лоягининг қўриқда янгидан ташкил этилган совхозларидан бирида пахта теримида эди. Ҳеч эсидан чиқмайди. Туман шифохонасига тушиб қолиб, операция бўлган куни 22 но-ябрь эди. Шу куни танасига жарроҳ тифи тегди: кўричаги олиб ташланди.

Шамсиддин жони ором топганининг учинчи куни эрталаб ўрнидан туриб, ювиниб-тарангач, кўтаринки кайфиятда залга чиқиши билан рўпарасидаги кутиш залида ёлғиз бир ўзи аллақандай китобдан кўзини узмай ўтирган, зангор кўйлаги устидан шифохонанинг рангсиз халатини ташлаб олган, оппоқ болдиrlари алюмин стол ёнбошидан кўриниб турган, сулувгина, юз-кўзлари ҳусн, малоҳатга тўлиқ қизга кўзи тушди.

Бозор кўрган йигит эмасми, қизнинг ёнига этиб боргунча Шамсиддин қилт этиб товуш чиқармади. Қиз китобга берилиб кетган эди.

Шу пайт рўпарадаги хонадан қаттиқ аксирган товуш эшишилди. Қиз ялт этиб китобдан бошини кўтарди, атроффа аланглаб, ёнида кулиб турган йигитга кўзи тушди. Шуни кутиб турган Шамсиддин дарҳол ширин табассум билан ҳужумга ўтди:

— Кечирасиз, салом, яхши қиз, ёнингиз бўшми?

Ўшанда Гулсара йигитнинг келишган қадди-қоматига ва салобатига қараб домлалардан бири деб ўлади, шекилли ўрнидан тура-сола ҳурматини жойига қўйиб кутиб олди ва:

— Ака, келинг, марҳамат, бу ерда бўш жой кўп, ўтилинг,  
— деб, кетмоқчи бўлди.

Шамсиддиннинг эса бу гўзал қизни танишмасдан бурун қўйиб юборгиси келмасди. Шунинг учун у қизга хушомад қила бошлади:

— Сизга халақит берган бўлсам, узр. Ўтириңг. Кўп ўтири-маймиз. Менам ҳозир турман. Ҳали-замон ҳамишира кела-ди, — дея маънодор тарзда халатининг устидан ўнг биқини-ни босиб-босиб қўйди.

Гулсара ноилож жойига қайтиб ўтиаркан, одоб юзаси-дан беморнинг аҳволини сўраган бўлди:

— Нима бўлди, ака, операция қилишдими? Энди тузук-мисиз? Чоғимда кўричак бўлгансиз-ов?

— Топағон экансиз. Раҳмат, анча тузалиб қолдим. Синг-лим, шу ерликмисиз, исмингиз ким? — деди Шамсиддин қиз-нинг шаҳло кўзларига тикилиб.

— Иссим Гулсара. Маданият институтининг учинчи курсида ўқийман. Асли бухороликман. Қўлимга яра чиққан эди. Шуни даволатаяпман. Ўзингиз қаерликсиз, ака?

— Менам студентман, синглим. Молия институтида ўқийман. Навбаҳорликман. Уч кундан бери хонамдан би-ринчи марта чиқишим эди. Атрофга қараб сизга кўзим тушди. Китоб ўқишингизга ҳавасим келди. Жудаям кўп китоб ўқийсизми дейман. Сизга халақит бермайин деб секин юриб ёнингизга келдим.

Ўшанда қиз нимагадир қизариб кетди ва қўлидаги китобини йигитга кўрсатаркан, хижолатомуз:

— Ёнимда ётган ўқувчи қиздан олдим. «Ўзбек халқ эртаклари» экан. Ёшлигимда ўқимаган эканман. Қизиқ экан, — деди.

Йигит билан қиз шифохонада бўлган икки ҳафта давомида деярли ҳар куни учрашиб юришди. Меҳр кўзда деганлари рост экан. Улар ўтган шу икки ҳафта ичида бир-бирига шунақаям меҳр қўйишдики, бу меҳр охир-оқибат севги-муҳаббатга айланиб кетди.

Биринчи муҳаббат...

Биринчи дил изҳори...

Энтикиб «Севаман» дейишлар...

Биринчи бўса...

Ўтган фурсат ичида ҳамма-ҳаммаси саробга айланди...

Мана энди Шамсиддиннинг кўнглига ғубор солаётган ҳадик ва ғулғула ҳеч тинчлик бермасди: Гулсара боласини кўтариб келиб, мени олсангиз ҳам оласиз, олмасангиз ҳам оласиз, бўлмаса сизни судга бераман деб оёғини тираб туриб олса-я?! «Унда нима қиласман?» деган ўйга борган йигит ўз ҳадигидан ўзи ваҳимага тушди. Ҳимоя йўлларини излай-излай боши қотди. «Муллага никоҳимизни ўқитганимиз бўлмаса, ЗАГСдан ўтганимиз йўқ-ку!.. Никоҳ гувоҳномасига қараб боланинг фамилияси ёзилиши керак. Гувоҳнома бўлмагач, бола Гулсаранинг фамилиясига ёзилади. Демак, бу томондан гап бўлиши мумкин эмас». Шуларни ўйлаб Шамсиддиннинг кўнгли бироз таскин топгандай бўлди. Шундоқ бўлсаям Ибогулнинг танбеҳлари-ю, Фолибжоннинг таъналари сира хаёlinи тарк этмасди.

Ўзига маъқул бўлган-бўлмаган фикрлар, ўй-хаёллар дилида ғужғон ўйнаётган Шамсиддин маҳзун бир ҳолатда тонгни оттириди.

Гулсара билан бирга ўтказган ширин дамларини эсларкан, тундлашган қалби бирдан сесканиб, ёруғ деб ёруғмас, қора деб қорамас бир ҳолатга тушди. Шунда унинг дардли дилига ғалати фикр келди: ўзи билан Гулсаранинг айбларини, нуқсонларини адолат тарозисига солиб кўрмоқчи бўлди. Бироқ бундай қилса, ўзининг айб-нуқсонлари тош босиб кетаверадигандай туюлди. Шунинг учун дарҳол бу фикридан қайтди. Дида бўлса ўзини ўзи оқлай бошлади: «Менга нима?! Гулсара билганини қилсин!.. Унинг ўзи орқамдан қолмади. Ҳумор кўзларини кўзларимга тикиб, ноз-карашма қилиб ақлимни олган ўзи. Ўзи суйкалмаганида балки бу ишлар, бу ташвишлар, бу сиқилишлар бўлмасмиди?! Йигит киши «севаман» деб айтса қиз бола шунга ишониб кетавериш керакми?! Қиз бола деган ўзига-ўзи ниҳоятда маҳкам бўлиши керак-да...»

Шамсиддин бундай бош-кети йўқ ўйлардан анча толиқди. Тонг саҳарда туриб, ювениб, кийиниб олди-да, уйлари ёнидаги бекатга чиқди. Пешонасининг бир томонига «Чорсу» деб ёзилган автобус келиб тўхташи билан, одамлар тирбанд бўлса-да, бир амаллаб чиқиб олди.

Шамсиддин йўловчиларга кўз ташлади. Бирор билан бирорнинг иши йўқ; кимдир хаёл суриб, бошқаси деразадан ташқарига боқиб, учинчилари ўзаро сұхбатлашиб кетишапти.

Шамсиддин Чорсу бозори бекатида автобусдан уриниб-суриниб эўрга тушиб олди.

У ўз изтиробли ўйларидан озгина бўлса ҳам қутулиш мақсадида одам гавжум, ола-ғонур бозорни айланиб чиқди.

Ниҳоят бозордан чиқиб кетаётуб, муюлишдаги йўлда кетаётган бир ёш эркак билан жувонга кўзи тушди-ю, негадир уларнинг ортидан юра бошлади.

Эркак, афтидан ёш ота бўлса керак, бир ёшлар чамасидаги тийрак кўзли, лўппи юзли, кулгичлари ўйнаб турган қўғирчоқдай бежирим кийинган қизчасини дамо-дам даст кўтариб олар, эркалатиб қучар, хурсандлигини яширомай хандон отиб куларди. Жувон, афтидан ёш она эса «Дадажониси, ҳушёр бўлинг, йиқилиб тушмасин!» деганича эркакнинг қўлтиғидан тутар, беҳад баҳтиёргили юз-кўзидан шундоққина билиниб турган ҳолда эрига эргашарди.

Бу эр-хотин шунақаям очилиб яшнаб-боришардики, Шамсиддиннинг уларга ҳаваси келиб кетди. Бундайин ҳавасни у авваллари бирор мартаям бугунгидек қалбдан туйиб, юракдан ҳис этмаган эди. Фақат ҳозиргина бу ҳавасни у бутун вужуди билан сезди-ю, ўзини қўярга жой тополмай қолди.

Шамсиддиннинг ҳавасини келтирган ёш оила эса алла-қачон сон-саноқсиз йўловчилар орасида кўздан узоқлашиб кетиб бўлишганди.

Шамсиддин ёш келин-куёв ва уларнинг боласига маҳлиё бўлганича турган жойида бир муддат серрайиб қолди. Сўнг шитоб билан чўнтакларини ковлай-ковлай бир дона сигаретани топиб олди-да, уни шиддат билан ўт олдириди. Кўпдан бери шу матоҳни излаб зўрга топган одамдай оғиздан туширмай сўриб-сўриб тортиди. Шу аҳволда йўл чеккасидаги қалин дараҳтзорлар оралаб бориб, суюнчиқли ўриндиқлардан бирига ўзини ташлади. Оғзидағи сигаретани охиригача сўриб-сўриб тугатгачгина нафасини рост-

лаб, чуқур хўрсинди. Шу топда дилидаги ички бир товуш унга далда беришга ўтди: «Қўрқма! Ўзингни қўлга ол, Шамси!. Бўшашма, баҳтнинг келиши осон эмас!. Иродангни маҳкам тут! Йигитмисан, йигитлигингни қил! Тушкунликка тушма! Бу ёғи энди таваккал: ё пукка, ё чикка!..»

Шамсиддин кўнглига қулоқ тутишниям, ўз билганини қилишниям билолмай бир ҳолатда ўрнидан туриб, уйига қайтмоқ ниятида йўлга тушди. Йўлдаги дўкондан егуликка у-бу нарса харид қилгач, бекатга келиб, автобусга ўтирди.

Самаджон «Акамга нима бўлди?» деб хавотирланиб ўтирган экан, уйга кириб келаётган Шамсиддинни кўриб севиниб кетди-да:

— Тузумисиз, ака, — дея унинг қўлидаги нарсаларни олиб столга қўйди.

Шамсиддин ўзини қувноқ ва бардам тутишга ҳаракат қилди. Нонуштадан сўнг иккала талаба конспенктларини титиб, мутолаага ўтиришди.

Эртага ҳар иккаловида имтиҳон.

### «Менинг кўксимда доғ бор...»

Ёзининг ойдин оқшоми. Кўкда тўлин ой институт ётоқхонаси ҳовлисига паст-баланд дарахтларнинг қуюқ шохлари тепасидан мўралаб-мўралаб қўяди.

Ойга суқланиб боқаётган Гулсара шу топда бир янгилик топгандай дугонасининг биқинига аста туртди:

— Наси, сенам ойга қарайпсанми?

— Ҳа, нима эди? — деди Насиба.

— Ойга диққат билан қараб туриб, уни ўзимга ўхшатгим келаяпти, — гапида давом этди Гулсара ойдан кўзларини узмасдан узоқ тикилганича.

Гулсаранинг бу сўзлари Насибага эриш туюлгани учунми, гапни ҳазилга олди:

— Ўзинг ҳам, Гул, ойдай сулувсан-да!

Гулсара Насибага ўқрайиб қараб:

— Мен боғдан келсам, сен тоғдан келасан-а?! Менинг кўксимда доғ борми десам, ойнинг кўксидаям доғ бор экан,

демоқчи эдим. Сен бўлсанг... Э, бор-е... Менда сулувлик қолдими, — дер экан, кўзлари ҳасратли-ҳасратли сузилди.

Насиба бехосдан Гулсаранинг ярасига тегиб кеттанини сезиб, дарҳол ўзини оқлашга тушди:

— Нима, ҳалитдан қариб, кампир бўп қолдингми? Дунёда чорасиз нарсанинг ўзи йўқ. Ювилса кетар... а, нима дединг?

Гулсара ёнидаги ўриндиққа ўзини ташлади-да, тўнғиллади:

— Айтасан-а!.. Доғдаям доғ бор. Ҳалигача дунёда бунақа доғларни ювиб кетказадиган сеҳрли сув ёки сеҳрли совун борлигини агар сен билмасанг, мен билмас эканман.

Насиба Гулсаранинг ёнига ўтиаркан, унинг ҳолатини шу топда янада чуқурроқ ҳис этгандай бўлди. Дугонасини бу ҳолатдан чиқариш осон бўлмасада, уриниб кўрмоқчи бўлди:

— Биласанми, Гул, асл чиройга унга-мунча доғ-дуг соя сололмас экан. Мисол учун, ойга қара, қанчалик доғлари бўлсаям, ҳусну малоҳатига гап йўқ!

Гулсара ички бир дард билан оғир хўрсиниб қўйди:

— Афсуски, мен ойнинг ўзи тугул, бир заррасигаям арзимайман. Чуқурроқ ўйлаб, шунга амин бўлаяпман. Ойнинг доғи доғ эмас, холга ўхшар экан. Хол эса ҳусн. Меникининг эса йўриги бошқа, Наси.

Насиба нима дейишни билмай иягини қашлаб кўйди. Гап тамом бўлгандай иккаласиям жимиб, сукут сақлаб қолишиди.

Жимликни Гулсара бузди. Ўйга толган ҳолида:

— Наси, ойнинг ой бўлишида қуёшнинг хизмати бор-а?  
— деди ўримига тушмаган калта соchlарини бармоқлари билан қулоқлари томон суриб қўяркан.

— Бўлганда қандоқ! Ойни ой қилган қуёш-да, ахир, — деди Насиба «қуёш», яъни «шамс» сўзига алоҳида ургу бераб. — Қуёш мунтазам нур сочиб турмаса, ой ой бўлармиди? Ой қуёш нури билан гўзал-да!..

Насибанинг сўзлари Гулсарага қаттиқ таъсир этди. «Менинг қуёшим ким? Шамсиддинми? У менга қуёшлиқ қилар

микан? Унда менинг қалбимни ёриттулик нур борми? Нима деяпман ўзи. Мени абгор қылган одамдан яхшилик чиқармикин? Йүқ, йүқ! Шамсиiddин қуёш тугул, унинг бир заррасигаям арзимайди. У бор-йўғи хира чироқ, холос! Мен аҳмоқ уни қуёшим деб ўйлабман-а? Унга парвона бўлиб-бўлиб, охир-оқибат мана нимага эришдим?..»

Насиба дугонасининг хаёlinи бузмаслик учун секин ўрнидан туриб ётоқхона эшиги томон бурилиши билан Гулсараям ҳуд-беҳуд аҳволда дугонасига эргашиди.

Улар изма-из Насибанинг хонасига киришди. Гулсара стол устидаги чойнакни сириқтириб бир пиёла чойни симирдида, дугонаси кўрсатган, эгаси ўқишини сиртқи бўлимга ўткашиб, уйига кетганлиги учун бўш қолган каравотга чўзилди.

Насиба чала қолган курс ишини икки соатларда ёзиб битиргач, чироқни ўчириб, ўрнига ётди.

Эрта ётгани билан ҳадеганда Гулсаранинг кўзи илинавермади. Юрагининг бир бурчидаги уйғонган чидаб бўлмас алам ва андуҳ уни тағин ғам ботқоғига бошлиётгандай бўлаверди. Маҳзун хаёллар исканжасидан чиқолмай алламаҳалгача қийналиб ётиб-ётиб ниҳоят тонгга яқин ухлаб қолди.

Эрталабки нонушта устида Гулсара Насибага ўн тўрт кун сабабсиз ўқищдан қолганини, бу ҳақда курс раҳбарига ҳам ҳеч нима дейлмаганини, энди буёғи нима бўлишини ҳам билмай қийналиб турганини айтиб, ундан маслаҳат сўради.

Насиба ўйланиб қолди.

— Тушунаман... — Ногоҳ қиз хазина топгандай севиниб кетди. — Қўрқма, иложини топамиз. Биласанми, шаҳар қасалхонасида бир опахоним бор. Шу опага илтимос қилсанм, йўқ демас-ов. Яхши аёл. Эсингдами, ўтган йили ошқозоним оғригандаги ўша опанинг қўлида даволанган эдим.

— Ҳа, ҳа, эсладим, ўрта бўйли, жингалак сочли дўхтирими? Сени кўргани борганимда кўзим тушган эди.

— Ҳа, худди ўша, — деди Насиба соатига қараб олиб. — Соат энди еттидан ўнта ўтибди. Хўп десанг, ҳозир бориб келамиз.

— Консультацияядан кечикмаймизми?

— Йўқ! Тезроқ ҳаракат қилсак, етиб келамиз.

— Сенинг боринггаям шукур, — деди Гулсара дугонаси-  
нинг меҳрибонлигидан кўнгли тоғдек кўтарилиб.

Иккаласиям илдамлик билан ҳаракатга тушишди. Насиба дастурхонни йиғиштириб, яқинда дадаси юборган пулга сотиб олган хонатлас кўйлагини кийди. Сочларини тараб, турмаклади. Юз-кўзларига ойначасига қараб бироз оро берган бўлди.

Гулсара эса ўша қизил кўйлагини кийди, эрталаб сочларини турмаклагани учун, ойнага қараб, қўллари билан уён-буёнини ушлаб-ушлаб кўрди-да, сумкачасидан у бу нарса олиб юз-кўзларини бўяди, юзидағи доғларини билинтирмаслик учун анча уриниб сал эпақага келтиргач, ўрнидан турди. Шундан кейин иккала дугона йўлга тушишди.

Дўхтири билан гаплашиб чиққан Насиба кўзлари жовдираб ўтирган Гулсарага:

— Опага бир кўйлак қарздор бўлдинг, — деди қўлидаги «справка»ни ўйнатганча.

Гулсара севиниб кетди.

— Раҳмат сенга, Насижон... Кўйлак бўлса кўйлак-да. — Сўнг яна ўйланиб қолди. — Пулини берсак-чи, барибир эмасми. Ҳозир кўйлакни қаердан топамиз?

— У киши пул олмайди. Лекин совфани яхши кўради. Ўшандан менам шундай қилган эдим. Бу дўхтири керакли одам. Тағин ишимиз тушиши мумкин. Мана шу муюлишда дўкон бор. Пулинг бўлса оламиз-келамиз.

Улар ишни битказишиб, институтта етиб келишганида консультация энди бошланган экан.

Машғулотдан сўнг Гулсара дугонаси билан курс раҳбарини излаб, деканатга борди.

Фармон Шодиевич учинчи курсдан бери уларга курс раҳбари эди.

Қизлар деканат олдида кутиб ўтиришганида доим оқ kostюм-шим кийиб, қора портфел кўтариб юрадиган ёши элликлардан ошган ориқ, новча, сийрак сочли сўзамол дом-ляям келиб қолди.

Гулсара домласини кўриб ҳовлиқиб қолди. Саломдан сўнг қўлидаги омонат қоғозни домласига тутди. Фармон

Шодиевич маълумотномани ўқиб кўриб, Гулсарага юзланди-да:

— Энди яхшимисан? — деди бамайлихотир.

— Раҳмат, бироз яхшиман, — деди Гулсара ийманган ҳолда кўзлари жовдираф.

Фармон Шодиевич шошиб турган эканми, Гулсарага қоғозни қайтариб бергач:

— Старостангга бериб қўй, журналга тикиб қўйсин, — деб тайнилади ва деканатга кириб кетди.

Гулсара бир муаммосининг ҳал бўлганидан қувониб, Насибанинг қўлини сиқиб қўйди.

### Ҳамма нарса бор бу уйда...

Ёз. Саратоннинг олов пуркаётган қуёши тиккага келган. Бугун кун кечагидан ҳам тафтлироқ. Дарахтларнинг барглари тугул нозиккина гулларнинг енгил ва юпқа баргчалияям қилт этмайди.

Барваста қоматли, кенг пешонали, оқиш кўркам юзли, қошлари қалин ва қора, ўткир нигоҳли қирқ-қирқ беш ёшлилардаги қора шим ва оқ кўйлакли киши кумуш ранг дарвоза олдига келиб тўхтаган мовий рангли «Москвич» машинасидан тушгач, юзидағи терларини ҳўл бўла бошлаган рўмолчаси билан арта-арта дарвоза томон икки қадам ташлаган эди, ичкаридан ўрта бўйли, оқ-сарғиши юзли, бодом қовоқли, тўлароқ жуссали, оқ жийда гулли ипак кўйлак кийган 35-40 ёшлардаги аёл кулимсираб чиқиб келди. Жувон:

— Ортиқали ака, яхши келдингизми? — деди-да, илдамлик билан қуёш нурида қизиб турган темир дарвозани соя томонидан итариб очди.

Ортиқали машинасини ичкарига киритиб, дарахтлар соясига тўхтатгач, ундан тезликда тушди ва дарвозани ёпмоқчи бўлаётган хотини томон юрди:

— Лобархон, сиз келаверинг, ўзим ёпаман.

— Бугун, кун роса исиди-да, ўзиям, — деди Лобархон барibir қизиган дарвозанинг бир томонини авайлаб ёпаркан, — қўл тегизиб бўлмайди-я.

— Машинани айтмайсизми, стоянкада туриб, олов бўптия, олов!.. Ичида ўтириб нафас олиш қийин. Зўрға ҳайдаб келдим, — деди Ортиқали дарвозанинг иккинчи тавақасини ёпиб, ичкарига йўл оларкан. Сўнг ўзини кутиб турган хотинига қараб кулимсиради: — Муздакқина чойингиздан бўлса...

— Ҳозир олиб чиқаман.

Лобархон бир зумда уч лите́рик совуқ чой солинган шиша банкани олиб чиқиб чорпоядаги иккита пахта гулли пиёлаларга қуя бошлади.

Ортиқали устма-уст икки пиёланиям бўшаттагач:

— Бу бошқа гап, — деди ҳузур ила ва кийимларини алмаштириш учун икки тавақали зшикнинг каттасини очиб, ичкарига кириб кетди.

Ортиқали душдан роҳатланиб чиқиб келганида Лобархон салқин ҳавоза остидаги чорпояда дастурхон тузаб, уни кутиб ўтирарди. Зум ўтмай Лобархон ошхонадан икки коса мастава олиб чиқди-да, каттароқ косани эрининг, кичикроғини ўзининг олдига қўйди.

Эр-хотин у-бу мавзуда гурунглашиб ўтиришиб, тушликнинг қандай ўтганинням сезмай қолишиди.

Бу икки кишидан иборат мўъжазгина оиласда ҳамма нарса етарли: барча жиҳозларга эга бўлган олти хонали уй, снгил машина. Булардан ташқари ҳам бир оиласнинг яхши яшаши учун неки зарур бўлса, барчаси муҳайе: ҳаммом, душ, бассейн, уч ярим сотихли боғ, гулзор. Богнинг атрофи айланана ҳавоза. Ҳавозаларда ўнлаб хил узумлар турфа хил рангларда товланиб кўзни оламан дейди. Чайқалиб ва ёқимли хушбўй ҳид таратиб турган настарин гуллар дилга ўзгача ором ва хушкайфият баҳш этади.

Бу оиласдаги биргина етишмовчилик ва кемтиклик — фарзандсизлик.

Уларнинг оила қуришганларигаям шу йил августда ўн саккиз йил тўлаётган бўлса-да, ҳалигача фарзанд кўришмади. Ортиқалининг бу масалада ўзиниям, хотининиям кўрсатмаган жойи қолмади; табиблар ҳам, дўхтирлар ҳам, фолбинлар ҳам, қушночлар ҳам, муллалар ҳам кўришди — натижка бўлмади...

Авваллари бунинг фарқига унчалик боришмай юришди. Йиллар ўтиб, ўзлари тенгиларнинг болалари ўрта мактабларни битиришганларида, олий ўқув юртлариға ўқишига бораётганларни эшитганларидә ёки кўрганларидә қалблари зириллайдиган бўлиб қолишди. Лекин мазкур ҳолатни бу икки ўта садоқатли, меҳрибон жонлар асло бир-бirlарига сездирмасдан, ҳар бири ўз юрагида туйиб, ҳис этиб, изтироб чекарди. Шу сабабли бундай туйгулар шу пайтгача ҳар иккалови учун ошкора эмас, пинҳона кечарди.

Эр ҳам, хотин ҳам бу масалада бир-бирини аяр, бири иккинчисининг кўнглини бехосдан синдириб қўйишдан қўрқарди.

Айнан бугун улар қўшниларининг уйида ўтказилган битирувчи синф ўқувчиларининг хайрлашув кечасига боришмаганларида, балки бу ҳолатнинг қачонгача пинҳона давом этиши номаълумлигича қолиб кетаверармиди?!

Ортиқали билан Лобархон тушки овқатни тановул қилиб, дастурхонга фотиҳа ўқиб бўлишганларида дарвозахонанинг қўнғироги чалиниб қолди. Лобархон илдам бориб дарвозанинг ёнидаги кичик темир эшикни очди. Қўшнининг ўн ёшлардаги ўғли шошилиб саломлашди-ю, жувоннинг қўлига «Таклифнома» деб ёзилган шапалоқдай қофозчани тутқазиб кетди.

Лобархон қофозчани очиб ўқиди. Бугун соат еттида ўтказиладиган битирувчи синф ўқувчиларининг хайрлашув кечасига эр-хотин таклиф этилган экан.

Лобархоннинг юраги беихтиёр «шиғ» этиб кетди.

Ортиқали:

— Ким экан? — деди хотинининг ушланиб қолганидан ажабланиб.

— Қўшнимизнинг ўғли Алишержон-ку, — деди Лобархон қўлидаги қофозчани эрига кўрсатиб, — «Таклифнома» бериб кетди.

— Кимнинг тўйига экан?

— Мана, ўзингиз ўқий қолинг.

«Таклифнома»ни ўқиб Ортиқалининг ҳам юрагида нимадир «қилт» этиб кетгандай бўлди.

— Кечқурун ўтамиз-да, — деди Ортиқали ўз ҳолатини хотинидан яшириб.

Лобархон сезгирлигига борди. Эрининг овозиданоқ унинг ҳолатидаги ўзгаришларни сезиб, юраги турсиллаб ураётгандай бўлса-да, индамай дастурхонни йифиштира бошлади.

Ортиқали Лобархоннинг ҳам ушбу «Таклифнома»дан таъсиранганини ҳис этди.

Ортиқали қўшниси Самандар билан қарийб тенгдош. У билан мактабда ҳам бирга ўқиди. Самандар пединститутни битириб келиб ўқитувчи бўлди. Шаҳардаги мактабда она тили ва адабиёт фанларидан дарс беради. Ортиқали эса молия институтини тугатиб шаҳар молия бошқармасига ишга келди, аввал ҳисобчи, иқтисодчи бўлиб ишлади, ҳозирги кунда бош ҳисобчи лавозимида. Тўйлариям бир йилда ўтган эди. Фақат Самандарларники мартда, Ортиқалиларники августда. Самандарнинг отаси урушда ҳалок бўлиб, қабри Белоруссияда қолиб кетган. Онасининг бутун умри мактабда фаррошлик билан ўтди. Бир ўғил, икки қизига ҳам оналик, ҳам оталик қилиб нене қийинчилик билан уларни вояга етказди. Зулайҳо юмо саксондан ошсаям тиниб-тинчимайди. Невараларинин, ямоқ-самоғини қиласди, уларнинг егулик-ичгуликларини ҳам тайерлаб ўтиради. Ортиқалига исбатан Самандарнинг ҳовлиси бироз торроқ. Тўрт-беш ҳонали ихчамгини уйларида улар беш ўғил, беш қизини баҳоли-қудрат вояга етказишмоқда. Фарзандлариям ёшлигидан меҳнатга берилганиданми, эсли-ҳушли, камтар, камсуқум. Ҳозирдаёқ қизлари онасига, ўғиллари отасига қўл-қанот бўлиб қолишган.

Ортиқалининг отаси урушдан ярадор бўлиб қайтиб келиб, турли катта-кичик ташкилотларда ҳисобчи, бошлиқ вазифаларида фаолият кўрсатиб келди. Онаси ҳамишира эди. Кўп йиллар давомида шаҳар поликлиникасида ишлади. Иккаласиям анча йиллар пенсия гаштини суриншиб юришган эди. Бундан беш йил бурун отаси етмиш тўқиз ёшида, онаси етмиш олти ёшида вафот этишди.

Ортиқалининг отасиям, онасиям жаннати одамлар эди. Бирон мартаям Ортиқалига хотининг ундоқ, хотининг

бундоқ деб Лобархоннинг бола кўрмаганини айтиб но-  
лишмади, бу нарсани келинининг юзигаям солишмади.  
Ортиқали ота-онасининг учинчи фарзанди. Ўзидан катта  
икки акасининг олти-еттитадан, ўзидан кичик икки синг-  
лисининг эса уч-тўрттадан фарзандлари бор. Отаси би-  
лан онаси иккинчи фарзанд билан бир ҳовлида яшаб, ўша  
ерда бандаликни бажо келтиришди.

Ортиқалини худо фарзанддан қисди.

Шу пайтгача билинмаган бўлсаем, энди билинаяпти бу...

Ортиқали оғир хаёлларга чўмганди.

Лобархон ўзи тенги дугоналарининг оилалари, уларнинг  
болалари ҳақида ўйлар, дилида уларга нисбатан беқиёс  
ҳавас уйғонарди. Эриннинг дилгир аҳволини сөзган Лобар-  
хон аста ўрнидан турди ва кутубхонага ўтиб, дуч келган  
биринчи китобни олиб ўқишига тутинди.

Кечга яқин қўшнининг ҳовлисига ўрнатилган овоз кучай-  
тиргичдан жўшқин мусиқа садолари янгради.

Гулзор оралаб келган Ортиқали хотинининг чорпояда  
китоб ўқиб ўтирганини кўрди.

— Келинг, ўтириңг, чой қайнаб турибди. Ҳозир дамлай-  
ман. Қуймоқ ҳам тайёр, — деди Лобархон.

Ортиқали хотинининг кайфиятини ҳис этиб турса-да,  
буни билдирамасликка уриниб:

— Ҳозир келаман, яна озгина айланай, — деди-да, яна эса-  
ётган беозор шабадада енгил тебраниб, хушбўй ҳид тара-  
тиб, гўзал чиройини кўз-кўз қилаётган турфа ранг гулзори  
томон кетди.

Дастурхон тузалгунча Ортиқали гулзордан чиқиб ўзи-  
нинг ҳар доимги қалин баҳмал кўрпача тўшалган ўрнига  
келиб ўтирди.

Дастурхонда икки ликопчада қуймоқ, асал, қанд-қурс ва  
иккита ширмой нон, дастурхоннинг бир четига эса хотини  
ўқиётган китоб — «Болалик» турарди.

Лобархон қўлидаги янги дамлаб келган чойни столга  
қўяётган маҳал Ортиқали уни гапга тутди:

— Самандарнинг ўғли ғанишер бу йил мактабни бити-  
раётган экан-да, а?

— Ҳа. Билишімча, Дўстмат жўрангизнинг қизиям бу йил ўнинчи синфни битираётиди-ёв.

— Шундайми?.. Яхши-и, — деди Ортиқали беихтиёр ўйга берилиб. — Кечагина эмасмиди буларнинг боғчага бориб юрганлари? Яшин тезлигига улғайиб қолишганми булар!

— Бизларга шундай туюлади-да, аслида ўн йил ҳам оз муддат змас, — деди Лобархон чойни пиёлага қуйиб эрига узатаркан. — Қўймоқдан олинг. Ёзинг бир куни бир йилдай гап. Очиқандирсиз?

— Ганишернинг синфдошлари йигилса керак-да.

— Ҳа, шундай бўлади. Болаларнинг ота-оналариям бўлади, — деди Лобархон қўшнисининг ҳовлисидағи одамларнинг ғовур-ғувур товушларига диққат билан қулоқ тутиб.

— Меҳмонлариям келиш аётиби-ёв, чамаси. Ён қўшни бўла туриб ке: қолиб ўтирмаийлик тағин...

Ўн дақиқалар ичиди Ортиқали билан Лобархон кийинишиб, қўшнисиникига ўтишди. Уларни Самандар азиз меҳмонлари ёнига олиб бориб ўтиргизиб қўйди.

Ҳовли. Ӧртасидаги каттакон ўрик дарахтининг атрофига икки-уч қатор стол ва стуллар қўйилган, бироқ ҳали уларнинг асосий қисми бўш эди. Дастурхон устини эрта пишган узумлар, ўрик, гилос ва ранг-баранг ичимликлар безаб турарди. Ҳар жой-ҳар жойга дид билан қўйилган атиргуллар дастурхонга янада файз киритган.

Очиқ дераза олдидағи иккита столнинг бирида икки-уч йигит мусиқа асбобларини ўрнатишар, иккинчисида эса тўрт-беш йигит гурунглашиб ўтиришарди.

Ўтиришга битирувчи синф ўқувчилари, уларнинг ота-оналари, мактаб раҳбарлари, ёши улуф ўқитувчилар ва уй эгаларининг ён қўшнилари чақирилган экан.

Чақирилганлар соат етти яримларда йигилиб бўлишилию, базмга файз кирди. Даврабоши даврани бошлаб юборди. Шўх мусиқа, қўшиқ янгради. Ёшлар гоҳ бир-бирларининг, гоҳ ота-оналарнинг қўлларидан тортиб ўйинга туширишди. Шундан кейин навбат табрик сўзларига берилди. Сўзга чиққанлар яхши тарбия берган устозларга раҳматлар айтишди. Йигилганлар қарсакка зўр беришди...

Даврани вужудларини кўз қилиб кузатиб, қулоқ қилиб тинглаб ўтиришган Ортиқали билан Лобархонга осон эмас эди. Уларнинг фарзандсизликлари шу жойда аниқ билинди-қолди. Эр-хотиннинг қалбларини тўлдирган ички дард ва оддий сўз билан ифодалаш қийин бўлган аламли туйфулар кўзларини нам, дилларини ғам, юракларини сўнгсиз алам билан сийлади. Иккаласиям тенгдошлари орасида ҳеч бир учиримли ёки шамали гап эшитмаган бўлсалар-да, ўзларини қўярга жой тополмай, алланечук дилгир бўлиб қолишиди. Албатта, улар бу ҳолатларини ҳеч кимга билдиришни истамас эдилар. Аммо фарзандсиз ўтган ўн саккиз йиллик умрлари саробга ўхшаб изсиз йўқолганини улар шу куни росмана ҳис этишди. Базм оқшоми улар бир-бирларига пинҳона қаттиқ ачинишди.

Ён-атрофидаги бахтиёр ота-оналарга, уларнинг шодликлари ичларига сифмаётган фарзандларига ҳавас билан суқланиб боқаётган, чиройли кўзларида билинар-билинмас кўз ёшлари қалқиб ўтирган Лобархонига нигоҳи тушиши билан Ортиқалининг юраги ўткир тиф билан тилингандай оғриб кетди.

Ортиқали шу топдагина ўзи билан хотинини дунёдаги энг бахтсиз одамлар қаторига қўшиб қўйди. У яна ўн саккиз йиллик энг азиз қадрдони — Лобархонни шу бахтсизликдан қутқаришнинг энг тўғри ва энг тезкор йўлини ўйлаб ўйлаб ўйига етгандай ҳам бўлди: ажралиш!..

Йўқ-йўқ! Ахир ўтган йиллар давомида бирор марта бўлсин у билан сан-манга боришимаган, бир-бирларидан кўнгиллариям қолишимаган бўлса!.. Қандай қилиб ажралишади?! Ундан ташқари, Лабархоннинг ҳам ўз фикри, ўз орзу-умиди бор! Балки уям шу хил ўй ва хаёлларга бораётган бўлса-чи?.. «Агар Лобархон фарзанд кўриш учун ажраламан деса, унинг бахтини ўйлаб, ўзимни мажбур қилиб бўлса-да, мен розилик берардим...»

Ортиқали шу онда Лобархонга ер остидан қараб-қараб қўяркан, ўзи учун дунёдаги энг азиз бўлган кишиси бахтисаодати учун керак бўлса жонини ҳам беришга тайёр эканлигини яна бир бор ҳис этди.

Эрининг кўнглидан нималар кечәёттанини Лобархон ҳам сезди шекилли, юзи гулоби тусга кирди, кўзлари пирпиради.

Бироқ Ортиқалининг юзида авваллари ҳеч кузатилмаган ғалати ўзгаришларга кўзи тушганида Лобархоннинг юраги бирданига нотекис уриб кетди. Зеро, Лобархон ҳам эрига ўхшаб кўпроқ ўзининг эмас, эрининг баҳтини ўйларди. «Илойим эримга оллоҳим фарзанд ато қилсин-да!» дея ички бир интиқлик билан илтижолар қиласин...

Бироқ улар бу оғир, маҳзун ўй-кечинмаларини бир-бир-ларига сездирив қўйишдан истиҳола қилишарди.

Зиёфат тугаб, уйларига қайтиб келишганларида ҳам бу тўғрисида лол-мим дейишмади.

Вақт алламаҳал бўлгани учун иккаласиям бир-бирларига яхши ётиб туришни тилашиб ўринларига чўзилишиди. Эри сал ўтмай ухлаб қолса-да, Лобархоннинг уйқуси келмади. Бироқ «Ортиқали акам ухлай олмай ётганимни билиб қолмасин», деган хаёлда кўзларини юмиб, яна оғриқли ўй-халлар гирдобига қулади.

Орадан бир соатлар шу алпозда ўтди. Ногаён Ортиқали (ишдан жуда чарчаб келганида ёки спиртли ичимлик ичганида уйқусида гапирадиган одати бор эди унинг) икки маратаба «Бо-лам-м, бо-ла-жо-ним» дея нолакор ингранди-да, жимиб қолди.

Бу нидо, бу фарёдга муштипар аёл дош беролмади. Лобархон ётган жойида оғзини кафтлари билан босиб, унсиз йиглади, кўз ёшлари болишини ҳўл қилди. Ўзининг шундоқ ҳам азобларга гирифтор дили янада аёвсиз тилкаланди...

Лобархон эри каби ухлаб қолганида, балки ҳозиргидай хун бўлиб, эзилиб ўтирасмиди... Ёки бир умр қийналиб юргандан кўра эрининг дил ноласини эшигтаниям бир ҳисобда яхши бўлдими?..

Лобархоннинг шу дамда дили вайрон эди.

Ортиқали аҳён-аҳёнда ўёнбошидан, бу ёнбошига ўгирилиб, инграшга ўхаш ноаниқ паст товуш чиқариб қўяр, кейин яна уйқуга кетарди.

Лобархон ўйғонганида тонг ёришган, эри эса диванда янги газеталарни ўқиб ўтиради.

— Қандай, яхши ётиб турдингизми? — деди Ортиқали қўлидаги газеталарни стол устига қўяркан.

— Бугун дам олиш куни деб ухлаб қолибман, шекилли, — деди-да, жувон ўрнидан туриб жойни чаққонлик билан йиғиштира бошлади.

Нонуштадан сўнг Лобархон йиғилиб қолган кир-чирларини ювмоқчи, Ортиқали эса уйлари олдидаги томорқада ишламоқчи бўлди.

Уларнинг қўллари ишда бўлса-да, диллари кечаги ўтиришда туғилган ўй ва армонларида эди.

Лобархон «Нега Ортиқали акам дилини очмаяпти?!» деб ўйласа, Ортиқали гоҳ хотинининг бардоши ва иродасига ичидага таҳсин ўқиса, гоҳ «Лобархон дилидаги гапларини айтишдан ийманаётган бўлса керак», деган тахминга бораради.

Ташқаридан назар солган кици уларни орзу-армонлари ушалиб яшаётган баҳтли оила экан, дейиши аниқ эди. Бир томондан олиб қаралганида, чиндан ҳам шундай: иккаласи ҳам олий маълумотли ҳисобчи-иқтисодчи, яхшигина ташкилотларда обрў билан ишлашади. Иш жойларида ҳам, маҳаллада ҳам катта-кичик уларни иззат-ҳурмат қилишади.

Лекин бири кам дунё, деган гапда катта маъно бор экан. Бирор унга, бирор бунга зор. Буларнинг оиласи эса тирноққа!..

Оила тинч. Аммо хонадон сокин. Бу ерда хандон кулгудан кўра, сукунат ҳукмрон. Бу хонадонда сукунатни ўзининг шўх қий-чуви билан бузадиган болажон йўқ, болажонлар йўқ!

Шу пайтгача бу ҳол оиласи тил ёриб эсланмаган. Бугунгидай дилларини изтиробга солувчи аччиқ ҳиссиётлар ғалаён қилмаган.

Мана ҳозир ҳам бу хонадондагилар ўз ишлари билан ўзлари овора. Тиллари ҳали бу мавзуда ўз кучини ишга согланича ҳам йўқ.

Ҳамон уларнинг дилларида ва қулоқларида ўтиришда айтилган «Адажоним... Ойижоним... Болажоним!» деган нақадар сеҳрдор, одангдор ва жарангдор сўзлар дунёдаги энг гўзал қўшиқдай тенгсиз жаранглайди.

Шуларнинг орасида уларнинг фарзандлариям булганида эди нақадар баҳтиёр бўлишарди-я?! Бироқ, нима қилишин? Минг афсуски, бундай баҳтга эга бўлиш насиб қилмаган экан... Энди чидашади. Чидамаганда, нима, дунёга ўт қўйишармиди?! Осмон — олис, ер — қаттиқ!.. Яхшиям қўшнининг ўғли ғанишер келиб бир чеккада етимчалардай ажралиб қолган эр-хотинни ўйинга тақлиф этди. Барибир бу нарса ҳам уларга ботмади, ғамга чўкаётган кўнгиллари ни кўтара олмади.

Ҳозир иккаласиям шу хил ўй ва кечинмалар билан банд эдилар.

Садоқатли, меҳр-оқибатли бу эр-хотин «Нима азоб бўлса, ўзим кўрай», дея бир-бирларини қаттиқ аяшар ва дилларидаги барча ғам-аламларини мардона туришиб ичларига ютишарди.

Улар бир-бирларини энг меҳрибон ота-оналар ўз фарзандларини аяганидай аяшарди.

Ортиқали ўйлай-ўйлай, ниҳоят бир фикрга келгандай бўлди: «Болалар уйидан ҳали ёшига етмаган бирорта бола олиб, уни ўз боламиздай меҳр-муҳаббат билан тарбияласак, балки оиласиздаги бу кемтиклик ўрни тўлиб кетармиди?!

— Сўнг яна хаёлга берилди: — Бунга Лобархон кўнармикан. Ахир бунақа пайтлари кўпроқ оғирлик аёл кишининг гарданига тушади-ку... Бу фикримга у нима деркан? Бу гапларни айтиб, унинг дилини оғритиб қўймасмиканман?!»

Шу топда Лобархоннинг дилида ҳам шунга ўхшаш айқаш-үйқаш фикрлар ғалаён қилаётган, жумладан, болалар уйидан бола асраб олиш нияти ўтмоқда эди.

Шунда бирдан жувон бундан икки-уч ой бурун шаҳар болалар уйида энага бўлиб ишлайдиган Роҳила опа исмли таниш аёлнинг гапини эслаб қолди. Ўшанда Роҳила опа: «Лобархон, ҳаётда нималар бўлмайди дейсиз. Яқинда бир ёш аёлмиди, қизмиди, билмадим, оппоққина ўғлини бизнинг болалар уйи ҳовлисига ташлаб кетди. Шу болага ўзим энагалик қилаяпман. Ширингина бола. Соғлиғиям яхши!» деган эди. Шуларни эслаб Лобархоннинг дили равшанлашиб кетди: кечадан бери қалбини бир тутам қилиб кемириб ёт-

ган ғам ва алам дардлари тарқагандай бўлди-да, шу болани фарзандликка олиш тўғрисидаги ширин хаёлларга чўмилди. Кўнглида: «Ортиқали акам кўнармикан?! Бўпти деса-ку, бошим осмонга етарди-ку-я!.. Бу тўғрида сўз очиб, Ортиқали акамнинг дилини оғритиб қўймасам бўлгани!.. Бирор нинг боласи бола бўлармиди, деса неча пуллик одам бўла-ман?! «Ўз пушти камарингдан бўлмаган бола болалик қиласмиди?!» деса-чи?! Демас-ов!.. Тағинам, билмадим! Орзула-рим яна армон бўлиб қолмаса эди, ишқилиб!..»

Иккаласиям ғамнинг қафасида тилкаланган диллари билан кўнгилларининг мунозара алансида ҳарорат ва қуч олган орзу-умидлари ила бўлишиб куннинг туш бўлганини ҳам сезмасдан қолишидилар.

Лобархон ювилган кийимларни дорга тез-тез осиб чиқди-да, тушки овқатга уннаб кетди. Ортиқали гулзорнинг ўқариғида ётган кетмонини ва сабзи пайкали четидаги уни лойга ботган ўроғини челяқдаги сув билан ювди-да, занглаб қолмаслиги учун керосинлаб, ҳар доимги ўрнига саранжомлаб қўйди. Сўнг бурчакдаги устма-уст қўйилган иккита столдеккина чорхона симтўр катакда қақақлаётган товуқларининг сувини янгилаб, дон сепди. Томорқа четига уюб қўйилган хашакларни қопларга жойлаб айвоннинг бир бурчига тахлаб қўйди.

Ортиқали устига илашган хас-чўпларни бармоқлари билан қоқиб тушираётганида, ҳавоза остидаги салқин ва баҳаво чорпояга иштиёқ билан дастурхон тузаттган хотини унга қараб:

— Ювениб кела қолинг, ошни сузаяпман, — деб қолди.

Ортиқали хотинининг ҳамиша саранжом-саришталиги-дан фуурланар ва шундай аёлга эр бўлганидан фахрланиб юрарди. Ҳозир ҳам шу туйғу унинг қалбидан ўтди. Ошхонага кириб бораётган хотинининг ортидан суқланиб қараб кўнгли товланиб кетди-да, «Хотингинам чиганоқ ичидаги дурдай покиза!» деб қўйди ичида.

Шундай гўзал табиатли хотинига бир нима деб бўладими? Ҳеч нима демади. Ош устидан аччиқ чой ичишди. Ундан-бундан гурунглашиб ўтиришди.

Бирон соатлардан сўнг Ортиқали бироз ётиб дам олгани уйга кирди.

Идип-товоқларни ювиштирган Лобархон ҳам сёкин эри ётган хонага ўтди.

— Ухлаб қолмадингизми? — деди Лобархон эри ётган диванинг бир бурчига ийманибгина келиб ўтиаркан.

Ортиқали ёйилиб кулди ва:

— Ошдан қўпроқ еб қўйдимми, чанқаяпман, — деб ўрнидан турди-да, стол устидаги совуқ чой қуйилған чойнакни бошига кўтариб қўлтилилатиб ичди.

Уй ним қоронги бўлса ҳам Ортиқали рафиқасининг ўй тўла чарос кўзлари чақнаётганини илғаб, Лобархоннинг ёнига ўтириди.

Лобархон шу дамда қаттиқ ҳаяжонда эди. Юрагини бе-зовта қилаётган хаёлларини ифода қилишининг йўлини то-полмай эрига жовдираб боқсанча ахийри дилидагини ти-лига кўчиришга журъат этди:

— Ортиқали ака, аввало узр, — домласига имтиҳон топ-шираётган нўноқ талабадай гап бошлади у, — агар қўнглин-гизга оғир олмасликка сўз берсангиз, сизга айтадиган бир оғизгина гапим бор эди.

Ортиқали хотинининг нима дақида гапирмоқчи бўлаёт-ганини озми-кўп сезиб турган бўлса ҳам, ҳар эҳтимолга қар-ши буни билдиргиси келмади ва кулимсираб қўйди:

— Лобархон, мени хафа қиладиган гап айтмаслигингизни биламан. Шунинг учун сиз ҳозир айтадиган гапни қўнглимга оғир олмайман деб сўз бераман.

«Бир оғизгина» гапини айтишга чоғланаётган Лобар-хоннинг ўйчан кўзларидан ширин бир орзу ва энтикувчан табассум ўйнади. Жувон шу топда юзининг ловиллаб ёна-ётганини ҳам ҳис этарди. Юрагини эса эриган қўрғошиб-дай қайноқ дард ўярди.

— Ортиқали ака, биламан, сиз жуда меҳрибон, ҳаётнинг пасту баландини яхши биладиган, ҳалол одамсиз. Сиз, ай-ниқса, мен учун энг қадрдон, энг севимли, энг садоқатли ин-сонсиз, бегим!.. Бу дунёга ҳар бир киши бир марта келади. Умримизнинг бўлса анчагина қисмини яшаб ҳам қўйғандай-

миз. Яратганга шукур, туриш-турмушимиздан камчилигимиз йўқ. Фақат... фақат... бир кемтиклик...

Лобархоннинг томоғига бир нарса келиб тиқилгандай гапини давом эттиролмай қолдию, ўпкаси тўлган жувон ўзини эрининг бағрига отди.

Ортиқали елкалари силкиниб-силкиниб, пиқ-пиқ йиғла-ётган хотинини бағридан бўшатгиси келмай, қалби эзилган бир ҳолатда, анча пайтгача бесўз, begap ўтириб қолди.

Лобархон ўзининггина эмас, эрининг ҳам кўйлакларини кўз ёшлари билан ҳўл қилганини англаған заҳоти аста бошини кўтарди ва рўмолининг бир учига кўз ёшларини артиб-артиб қўйди.

Ортиқалининг ҳам шу топдаги ҳолати Лобархонницидан кам эмасди. Бироқ у ўзини тутиб турарди. Шунинг учун Ортиқали хотинига қараб беозор кулиб қўйишга ўзида куч тополди:

— Лобархон, азизим, ўзингизни қўлга олинг. Тушунаётгандайман... Чўчиманг. Агар оқилона ўйлашиб олсак, ҳаммаси яхши бўлади.

Лобархон ўзига нисбатан ҳамиша шундай ўта меҳрибонлиги ва ғамхўрлиги учун ҳам эрини қаттиқ севарди, ҳурмат қиласарди, ўрни келса бошига кўтаргиси келарди.

Ҳозир ҳам Лобархон дилидаги бор гапини эрига тўлиқ айтмасдан бурун кўнгли бўшаб кетди. Бошини эрининг кўксига қўйгани ҳолда:

— Ортиқали ака, сиз мендан яширманг, — деди энтикиб.  
— Кечаги ўтиришдан бери сиз нима бўлсангиз бўлиб юрибсиз. Фақат кўнглингиздагини менга айттолмаяпсиз. Буни мен ҳам тушунаман!.. Сиз мени аяксиз, мен эса сизни!.. Баридир, бугун бўлмаса бошқа куни бу гап айтилиши керак эди. Сиз эр одамсиз! Бардошингиз, иродангиз жуда кучли, мустаҳкам. Мен ҳам ўзимни шундай тутаман деб кўп уриниб кўрдим. Эплолмадим... Мана, охири дилимдагини Сизга тўкиб солаяпман. Бунинг учун, бегим, мени кечиринг....

Шундай дея Лобархон зерини маҳкам қучиб олди.

Улар бир-бирларини маҳкам қучганлари кўйи бир муддат жим қолишиди. Ниҳоят яна ҳиқиллай бошлаган Лобархон узилиб қолган гапини давом эттирди:

— Ортиқали ака, сиз билан менинг олдимда иккита йўл турганга ўхшайди, назаримда. Биринчиси, бир-биримизга бўлган ҳурматимиз ва садоқатимиз ҳаққи болалар уйдан бир ёшга тўлмаган бола олишимиз керак!.. Иккинчиси... иккунчи-си... Йўқ!.. Йўқ!.. Буни айтишга юрагим дов бермайди... — деди-да, яна томоғига нимадир келиб тиқилгандай бўлиб, ортиқ сўзлай олмай қолди.

Ортиқали хотинининг «иккинчиси» деганида ажралиши ни назарда туваётганлигини сезди-да, Лобархонни ўзининг бағрига янада қаттиқроқ босди:

— Лобархон, жоним айлансан сиздан! Иккинчисини айтмай қўя қолинг! Бу йўл менгаям маъқулмас. Биринчиси...

Эрининг ҳаяжонли эътирофи Лобархоннинг дардли дилига шифо бергандай бўлди. Жувоннинг кўнгли ёришиб, бутун вужудига ёқимли илиқлик югурди.

### Гулсаранинг қарори

Кейинги пайтлари Гулсаранинг бугун фикри-зикри, ўйхәли Шамсиддинда бўлиб қолди. Ўзининг шу кўйларга тушишига эса ёлғиз ўша айбдор деган тўхтамга келди. Йигитга нисбатан нафрати ошди. Гоҳо-гоҳо Шамсиддинни ғажиб ташлагудай ҳолатларгаям тушиб турди. Шундай кунлардан бирида у эскириб, ранги кета бошлаган қизил чамадонини каравотининг тагидан тортқилаб олди-да, унинг ичидаги альбомни апил-тапил титкилаб Шамсиддиннинг бундан бир ярим йилча бурун эсдалик учун берган рангли фотосуратини топди. Сўнг суратни қўлига олганча, унга узоқ тикилиб хаёлга чўмди. Айни дамда Гулсара бундан бир ярим йилча аввал Шамсиддин билан Сирдарё вилояти пахта далаларida бўлган иккинчи учрашувини эслаётганди.

Унутмаса, севги ўғриси Шамсиддиннинг унинг гулдай нозик қалбига муҳаббатнинг ўчмас оловини ёққан кун 3 декабр эди.

Ўша куни молия институти талабалари туришган катта-кон дала шийпонида «Кулгу ва рақс кечаси» ўтказилган эди.

Ерда олаачалпоқ қор бўлса-да, осмон очиқ, тўлишаётган ой кўкда балқиб турарди.

Кечага турли институтлардан қизиқчилик ва рақс тушишга салоҳияти бор талабалар ҳам таклиф этилган эди. Шу-

лар қаторида маданият институти гурӯҳи билан Гулсара ҳам қатнашганди. Кечамисан кеча бўлганди ўшанда. Кулгиям, рақс ҳам роса авжга чиққанди.

Уч соатга мўлжалланган кеча тонг отгунча давом этди.

Эсида, кеча айни қизиган пайтда Шамсиддин «Бир оғизгина гапим бор!» деб қизлар билан берилиб рақсга тушаётган Гулсарани қўярда-қўймай бир чеккага олиб чиқди. Шамсиддин қизга аввал тилла сирға совға қилди, кейин ширингина суҳбатлашиб туришганларида аввал Гулсаранинг юзидан ўпди, сўнг лабларидан устма-уст бўса олди. Буям етмагандай анча пайтгача бағрига босиб қайноқ қучоғидан чиқармай энтикиб-энтикиб тураверди, севги изҳор қилди, қоп-қоп ваъдаларга кўмиб ташлади... Сўнг иккаласи ҳам бирдек ширин-ширин орзу-умидлар дарёсига шўнғишиди... ўша орзулар қанотида учишди...

Йиғим-терим тугаб, шаҳарга қайтишганидан сўнг ҳам Шамсиддин Гулсарани тез-тез йўқлаб турадиган, Гулсараям унинг келишини интизорлик билан кутадиган бўлиб қолди. Бора-бора улар ўртасидаги севги-муҳаббат чўғи аланга олди. Бора-бора улар Лайли ва Мажнунга айланишиб қолишиди гўё.

Шундай эҳтиросли кунларнинг бирида Шамсиддин Гулсарасиз яшолмаслигини айтиб, унинг ақлини олди. Оила қуришга ваъда берди. Гулсаранинг соддалигидан, ишонувчалигидан, мулоийм табиатлилигидан фойдаланиб уни бутунлай ўзига ром қилиб олди.

Охир-оқибат ана шу фазилатлари Гулсаранинг ўзига қаттиқ панд берди. Билиб-бilmай оридан, номусидан ва бутун борлигидан ажралганилигини сезмай қолди. Ҳам дили, ҳам тили кесилди. Кўнгли чил-чил синди. Юраги қонга тўлди.

Хотиралар эзиз ташлаган Гулсаранинг қон талашган кўзлари чўғдек қизарди, сомондек сарғайган юзи янада сарғайиб кетди. У мажолсиз ҳолда ўрнидан туриб, дераза токчасидаги гугурт қутисидай кичкина кўзгучага қарадию, ўз кўринишидан ўзининг хўрлиги келиб кетди.

Қизлик иффати топталганидан кейинги ўзининг бошидан кечирган изтиробли кечмишлари Гулсаранинг вайрон

бўлаётган дилини борган сари бетиним кемирав, куя тушган ҳаётини изга солиш ҳақидаги орзу-умидлари болалигига бувиларидан эшиштган сеҳрли эртакларига ўхшаб кетарди. «Қанийди ўша эртак қаҳрамонларига ўхшаб сеҳргар бўлолсам ва сеҳримни ишга солиб, ҳозироқ баҳтиёр қизлик давримга қайтиб олсанм, ўша ифлос ўтмишими йўқ қилиб ташласам?! Шундай қилолсам эди, кейин ҳечам адашмасдим, ўзимнинг баҳтга элтувчи энг тўғри йўлимни топиб олган бўлардим!..»

Гулсара шу куни ҳам дардчил ҳаёллари билан бўлиб ўзини ёмон ҳис этди. Кечасиям ухлай олмай, оғир ўйлар уммонида суза-суза ҳориб-чарчаб тонг оттирди.

Гулсара эрталаб қуш уйқусидай бир мизғиб уйғонганида Насиба аллақачон чой дамлаб, дастурхон тузаб, дугонасининг туришини кутиб ўтиради.

Гулсара ўзини қанчалик дадил тутишга уринмасин, бутун умиди пуч чиққан одам каби лоðас, бўшашган эди. Насиба унинг қизарган кўзларига ва шишинқираган қовоқларига қараб тураркан, дугонасининг кўнглини кўтариш учун бир ҳазиллашгиси келиб, қошларини чимирди:

— Қовоқларинг осилиб, кўзларинг қонталашиб кетибди. Нима бало: мени ухлатиб қўйиб, кечаси билан китоб титкилаб илмий иш қилиб чиқдингми?

Гулсара гапиришгаям мажоли йўқ одамдай қовоғини очмасдан чуқур «үҳ!» тортиб қўйди-да, каравотини тартибга келтира бошлади. Унга шу топда дугонасининг ҳазили ҳам ботмаётган эди.

— Гул, — леди Насиба чой қайтараркан, — ўй-хаёл ёмон нарса. Унга кўпам берилаверсанг, ичингни кемириб, адойи тамом қиласди. Уҳ тортаверишдан, туну кун ётиб ўйланаверишдан энди фойда йўқ! Аввал шундай ўйлапинг керак эди. Энди бошга тушганини кўз кўрар. Ўзингни қўлга ол. Бўшашма, лаллайма! Нима бўлгандаям, Шамсиддин сенга бегона эмас. Болангнинг отаси. Шундай бўлгач, олма пиш, оғзимга туш, деб ўтиргмагин. Қандай бўлмасин, сен уни излаб тол, гаплай. Кўз очиб кўрганинг-ку, ахир. Яхши гапирсанг кўкрагингдан итариб, кўчага улоқтириб ташламас. Дардингни ётиғи билан айт. Бирдан олов бўлиб ёниб

кетма. Сен аёлсан, у эркак. Эркаклар мағур бўлади. Тил топиб ярашиб олсанг, марра сеники!..

Ерга тикилганча мунгайиб ўтирган Гулсара бу гапларни эшитиб, қаддини ростлади. Руҳан тетикланди. Бироқ ҳали ҳам унда жасорат ва дадишлик етишмасди.

Шунинг учун у:

— Бунга кўзим етмай турибди, — деди хаёлинини бир жойга тўплай олмай.

— Нега?

— Узун қулоқ гапларга қараганда, унинг қишлоқда унаштириб қўйилган қизи бор эмиш.

— Йўғ-а, ростданми?

— Ҳа, дугон, бу гап ростга ўхшаб қолди.

— Буни аввалроқ билмаганимидинг?

— Оҳ, куйган юрагимни куйдирасан-а... Билсам унга яқинлашармидим, шу аҳволда шумшайиб ўтиармидим?

— Балки ёлғондир...

— Ёлғонмас. Бу ишончли одамнинг гапи.

Насибанинг жиги-бийрони чиқди. Ўтирган жойидан ирғиб туриб кетди. Дағ-дағ титраб, жаҳл билан:

— Шунчалик ҳам содда, шунчалик ҳам лақма, анқов, латта бўласанми, дугонажон! Мен сени тушунолмай қолдим. Сўраб-сuriштирай ҳам демаган экансан-да, а?! — деди қизига танбеҳ берәётган онага ўхшаб.

Гулсара каравотга ўзини ташлаб, пешонасига қўшқўллаб муштлай кетди:

— Тақдиримга шу ёзилган бўлса нима қилай? Кимга дод дей?!

Насиба жон ҳолатда телбавор ҳолатдаги Гулсаранинг бошига етиб келиб, унинг қўлларидан ушлаганча ўзига тортди ва маҳкам бағрига босди. Насиба дугонасининг тўзғиган ва битта-ярим оқ тушган майин соchlарини силаб, кўз ёшларини бармоқлари билан оҳиста артганча далда бера бошлади:

— Тентаклик қилма, Гул. Менинг гапларимни ҳам кўнглингта оғир олма. Яқин дугонангман. Ачитиб айтишга ҳаққим бор. Кеч бўлса-да, кўзинг очилаяпти. Ўз хатойингни ўзинг англайсан. Бу яхши...

Гулсара асабий равишида дағ-дағ титраган күйи ўрнидан туриб кетди:

— Нимаси яхши? Ёнғиндан сўнг сув кўтариб юрганимми? Гирдобга тушиб қолиб, чиқолмай ётганимми?.. Кўзи очиқ кўр эканман. Муҳаббатнинг кўзи кўр деганиям рост гап экан. Севги-муҳаббат деганлари шунаقا бўларкан-да, деб лаллайиб, ўзимни-ўзим аҳмоқ қилиб юраверган эканман. Охири ёлғон ваъдалар-у, шайтоний ҳирснинг қурбони бўлдим...

— Бу гапларни қўй. Ҳадеб ўтган кунингни кавлаштира-верма. Энди нима қилмоқчисан, шундан гапир.

— Билмадим... Дилим доғлик, қўлим боғлиқ, йўлим тоғлик!..

Гулсара «уҳ» торта-торта кўзларидан қуйилиб келаётган кўз ёшларини кафтларининг олди-орти билан артди. Ўйчан кўзларида билинар-билинмас чақнаётган чўф унинг нимагадир азму қарор қила бошлаганидан шоҳидлик берарди. Шу куч таъсирида ўзининг ўнглаётган Гулсара юз-кўзларини ювди, кийинди ва ботинида илдиз отаётган кўз илғамас жасоратини қалбан ҳис этган кўйи нонушта қилишга ўтириди. Иштаҳаси бўлмаса-да, дугонасининг қистови билан убу нарса еган бўлди.

Насибанинг аччиқ сўзлари қаттиқ таъсир қилгани Гулсаранинг дадиллаша бошлаган ҳаракатларидан ҳам билиниб турарди.

«Энди бахтим учун ўзим курашишим керак!..» Шу сўзлар, шу аҳд Гулсаранинг дилида жанговар шиордай янгради. Гулсара Шамсиддин билан юзма-юз гаплашиб олмоқ қасдига уни излаб йўлга тушди.

### Учрашув

Шамсиддин кечаси кўрган ёмон тушидан чўчиб уйғониб кетди-ю, шундан кейин уйқуси қочди.

Тушидан чўчиб уйғониши ҳаётида биринчи марта бўлаётгани учунми, анча маҳалгача ҳадиксираб ўтириди. Ахир, тушиям сал ғалатироқ эди-да. Умрида ўғирлик қилишни ха-

ёлига ҳам келтирмаган одам, тушида ажабтовур ўғирлик қилиб ўтиrsa-я?! Қандайдир ўгри болаларга қўшилиб, бирорвнинг йўл четида қолдирган қизил олмадай ялтираб турган қип-қизил янги «Волга»сини олиб қочганмиш. Буни қарангки, машинаним ўзи ҳайдармиш. Юриб-юриб бир қишлоқ йўлидан ўтишаётганида, уларнинг йўлинин бир қора мушук кесиб ўтганмиш. Бунинг касофати ёмон бўлади, деган ирим эсига тушиб, машинани шиддат билан орқасига олса, йўқ ердан ўнқир-чўнқир ва балчиқ пайдо бўлибди, ўтаман деса машинасиям, ўзиям қоп-қора балчиқли лойга чапланиб ботиб қолибди. «Машинани итаринглар!..» деб орқасига қараса, ўгри болаларнинг ўртасида қизил кўйлак, қизил лозим кийган, соchlари тўзғитан, кўзлари чақнаган Гулсара хандон отиб кулармиш. Ёнидагилар машинани олдинга итарса, Гулсара орқага тортармиш. Шамсиддин ғазабланиб машинадан тушмоқчи бўлса, йўл ўртасидаги қора балчиқда усти-боши лойга беланган тўрт-беш ойлик бир гўдак лойли қўлчаларини чўзганча «А-да-жо-он!.. О-йи-жо-он!» деб типирчилаб чинқиравмиш. Шунда Шамсиддин Гулсарага қараб «Болангта қарасанг-чи!..» деб қаттиқ бақирган эди, ўз товушидан ўзи чўчиб уйғониб кетди...

Шамсиддин кўрган тушини ўзича қайта-қайта таъбирлаб кўргани сайин юрагига тушган ғулғуласи орта борди. Ўрнидан туриб атай муздайроқ сувга ювинди. Ташқарига чиқиб, у ер-бу ерга айланиб келди. Устма-уст сигарета тутатиб, дилини ёзишга уринди. Барибир бетоқат бўлаверди: Гулсаранинг ёмон йигитлар ўртасида хо-холаб кулганча машинани олдинга эмас, орқага тортиб тургани, балчиқда ётган боласининг типирчилаб «Ада-жо-он... О-йи-жо-он» деб чинқиргани унинг кўз олдида гавдаланаверди.

Самаджон бундан икки кун бурун имтиҳонларини топшириб уйига кетган, Шамсиддин эса касалхонадан тузалиб чиқаётган уй эгаси — кекса кампирни уйига обкелиб қўйгач, эртага кечки поездда уйига жўнамоқчи эди. Бунинг устига диплом ишини топширишга ҳам улгуриши керак.

Шамсиддин аччиқ кўк чой ичгиси келиб электр чойнакни ювиб тозалади, янги сув қўйиб, токка улади. Столга да-

стурхон ёзди. Унгача биқирлаб қайнаган сувни чойнакка қуиди. Чойни қайтариб бир-икки пиёла ичди. Аччиқ чой таъсирида кўнгли бироз ёришгандай ҳам бўлиб, хонани тартибга келтираётган эди, бехосдан эшикнинг қўнгириғи жиринглаб қолди. Шамсиддин йигиштираётган кийимларини апил-тапил шкафга итқитиб ташлади-да, «Ким?» деганча эшикка йўналди. Ташқаридан жавоб бўлмади. Қўшни уйда ўзи билан гоҳо-гоҳо шошқол ўйнашга келиб турадиган бир қулоғи оғир татар таниши яшар эди. Шамсиддин ўша келгандир деб ўйлаб индамай эшикни очди-ю, ҳайратланиб, илон авраган бақадай қотиб қолди.

Гулсара эса калтар боласидай ўйнаётган юрагини чап кафти билан босиб, ўнг қўлини ўзига қараб бақрайиб қолган Шамсиддинга чўзаркан, иложи борича хушқол кайфиятда:

— Салом, Шамсиддин ака, -- деди. — Қўрқманг, еб қўймайман. Чақирмасангиз ҳам келавердим сизни соғиниб. Қабулингизга кирсак бўладими?

Гулсара «ака»сининг уни хушламай турганини ва келишини қутмаганини сезса ҳам ўзини ҳеч нарсани сезмаганликка олди.

Шамсиддин Гулсарага бошдан-оёқ разм солиб тураркан, нигоҳи унинг синиқсан юзларига, салқиган қовоқларига ва киртайган кўзларига тушибди. Гулсара бу вақтда устидаги ранги бироз униқсан қизил кўйлаги ва оёғидаги пошнаси ейилган пойабзалида бечораҳол бўлиб турарди.

Шамсиддин ўзини қўлга олиб, орқага тисарилди-да:

— Хуш келибдилар, хоним! Қани, ичкарига марҳамат қиласинлар, — деди.

Қўл бериб кўришиб, стулга ўтиришга чоғланаётган Гулсарайм бўш келмай:

— Хушвақт бўлинг, бегим! — деди назокат билан. — Ўзим изламасам, сиз излайнин ҳам демайсиз. Жудаям жонингизга тегиб кетган эканмизда-а, Шамси ака! Суқсурдай ўғлимизга сиз ота бўлдингиз, мен она бўлдим. — Жувон ўпка-гина қилишга ўтди. — Сиз эса ота бўлиб табриклиш ўрнига, ақали бирор марта бориб ҳолимиздан хабар ҳам олай демадингиз-а! Насибдан неча марта хабар юбордим бўлмаса...

Шамсиддинда Гулсаранинг дарди-дунёсини эшитиш истаги йўқ эди. Шунинг учун дарҳол унинг сўзини бўлди:

— Вақтида сўзимга кирмаганингдан кейин... Бунинг устига қишлоқда унаштириб қўйилганим бўлгани учун, — атайлаб сирини очиб қўйгандай талмовсиради у, — ишлар ўз-ўзидан тескари қараб кетди.

Гулсара бир чўчиб тушди, араз-гина билан лабларини асабий қимтиб, бошини беўхшов ликиллатди. Эр бўлмишига қаттиқ ўқрайиб қаради. Вужудини титроқ қоплади.

— Аввал-бошда нега шундай демадингиз? Сизга кўзим учиб тургани йўқ эди-ку. Мени нега алдадингиз? «Ишонинг, сизни севаман, сизга уйланаман! Сизсиз бирон кун ҳам яшолмайман», деб ортимдан қолмаган, соядай эргашиб, ақл-ҳушимни олган сиз эмасмидингиз?! Мен сизга нима ёмонлик қилувдим? Менинг гуноҳим нима? Сизга кун-тун парвона бўлиб, борлифимдан айрилганимми? Сўзларингизга ишониб, сизга пойи-пatak бўлганимми? Менда нима қасдингиз бор эди ўзи? Мен энди қандай яшайман?!

Гулсара кўзларидан тирқираб чиқаётган кўз ёшларини бармоқлари билан сидириб, кафтлари билан артиб тугатолмасди.

Шу топда Шамсиддиннинг Гулсарага раҳми келиб, уни юпатишни, дардига малҳам бўлишни истаса-да, паст кетгиси келмади: «Ҳозир унга ширин гапирсам, кетмай туриб олади. Қолаверса «Ярашамиз, тўй қиламиз! Боланиям обкелиб бирга яшаймиз!» деб бошимни қотиради. Йўқ! Бунга йўл қўядиган аҳмоқ йўқ! Яхшиси, ҳамма айбни унинг ўзига тўнкаб қутулишим керак...»

— Йигит киши қизга сизни севаман, сизга уйланаман, сизсиз яшолмайман, деб ҳар ҳил илмоқли гапларни айтаверади. Бу гаплар, билсанг, йигит кишининг қўлидаги қармоғи!.. Бироқ бу қармоққа ҳамма қизларниям илинтириб бўлмайди. Гап орасида бўлсаям, маълумот учун айтиб қўяй: сен билан юра бошлаганимизда бу гаплар йўқ эди. Унаштириш тадбири яқинда бўлди, бор-йўғи уч-тўрт ой... Ўзинг ҳам яхши биласанки, мен сени бу қармоққа зўрлаб илинтирганим йўқ. Сен қармоқнинг учидаги совғаларга маҳлиё

бўлиб, бошқа нарсаларга эътибор ҳам берганинг йўқ. Бунинг учун мендан эмас, аввало ўзингдан ўпкала, тузуми? Барибир ҳам шу феъл-авторинг билан мен бўлмасам бошқа бир йигитнинг қармоғига сўзсиз илинардинг. Мен бунга юз фоиз кафолат бераман! Чунки сенда қатъият, жасорат, матонат, ирова ва фақат қизларгагина хос бўлган бошқа хислатлар етишмасди ўшанда. — Бир нима ёдига тушгандай ногоҳ ўрнидан учиб тура-сола эшикни қулфлаб келган Шамсиддин қўшиб қўйди: — Энди сен қандайсан, билмадим.

Шамсиддиннинг эшикни қулфлаб келганлиги Гулсарани сергаклантирди, лекин у буни билдирамди. Жувоннинг ҳозир ғазаби юқори чўққисига етган бўлса-да, дугонасининг «Бирдан олов бўлиб ёниб кетма!» деган сўзларини эслаб, босиқлик билан гапиришга уриниш асносида аччиқ кулди:

— Бек ака, кўпам ерга ураверманг мен бечорани. Мен сизга ўхшаб бу соҳада тажриба орттирган эмасман-ку, ахир! Ёшлиқ қилиб шу кўйга тушганимни ўлганни тепган қилгандай юзимга соловерманг. Билсангиз, сиз менинг одамларга ишонувчан, содда, оқкўнгил эканлигимдан фойдаландингиз. Ё йўқми? Билсангиз, биз оиласда шундай тарбия олғанмиз. Агар дунёдаги ҳамма йигитлар ҳам сизга ўхшаб бевафо, алдоқчи, баҳт ўғриси ва ишратпараст бўлганларида эди, дунёда биронта баҳтли аёл топилмасди. Яхшиямки сизга ўхшаганлар мингтадан битта, балки юз мингтадан биттадир! Истардимки, сизга ўхшаганларнинг уруғига қирон келсин!. Ундан кейин, сизга ким айтди содда, оқкўнгил, ишонувчан қизларнинг баҳтини ўғирласа, ўзларини истаганча поймол қилса бўлаверади деб?..

Шамсиддин Гулсаранинг олдида ўзининг қадри ва ҳурмати буткул тушиб кетаётганини, қизга нисбатан номардлик қилаётганини дилдан сезиб, ҳис этиб турса-да, буни тан олгиси келмади. Шамсиддин учун шу топда Гулсаранинг ўзиям, унинг кўтариб келган муаммосиям, дарди-дунёсиям бир пулдек бўлиб туюлди. Зеро йигитнинг хаёлига қишлоқдаги унаштирилган қизи, тўй тарафдудида юрган ота-онаси келганди.

Шамсиддин таҳқиромуз кулди-да, нописандлик билан Гулсарага юзланди:

— Гапни арқон қилма, хонимча. Бас қыл бўлмағур сафса-талалингни! Бўладиган гапдан, асл мақсаддан гапир! — Йингит устунликни қўлдан чиқармаслик учун янада кескинроқ ҳужумга ўтди: — Вақтим зиқ. Сенданам муҳимроқ ишларим кўп. Бир жойга ҳозир кетишим керак.

Гулсара анчадан бери шу учрашувга тайёрланиб, бор гапини юрагига туғиб юрган эди. Бафуржা гаплашиш, Шамсиддинни яна ўзига оғдириб олиш ниятида эди. Бироқ вазиятнинг бирданига ўзгача тус олиб кетгани Гулсарани бутунлай шошириб қўйди. Шамсиддиннинг ҳақоратлари эса уни тамомила карахт аҳволга солиб қўйди. Шунинг учумми, Гулсара ўйлаган ўйларидан адашди. Қанча тиришсаям, ёнаётган юрагини очиб кўрсата олмади. Йиғилиб қолган дарду аламини тўкиб сололмади.

Гулсара ўзига нисбатан номардларча муносабатда бўлаётгани учун Шамсиддинни, бўшанглиги, қўрқоқлиги, сўзга нўноқлиги учун ўзини ичидагаттиқ койиди. Борган сари чил-чил бўлаётган кўнгли янада баттар синди. «Дадил бўламан!.. Ўктаам бўламан!..» деган қарорлари иш бермади.

Бунинг устига бир кўнгли «Қаттиқ гапириб, Шамсиддин акамни ўзимдан баттар совутиб қўймайин! Уни имкон қадар ўзимга илтишиб олайнин. Нима бўлсаям боламга оталик қиласин. Кеч бўлсаям, тўй қилиб эл қатори яшайлик!..» дерди.

Шамсиддиннинг ҳозирги важоҳатини кўриб, дилига тошдай оғир ботаётган зил-замбил сўзларини эшишиб, шўрлик аёлнинг ҳилвираб турган юраги туб-тубидан зирқираб кетди. Шундай бўлса-да, Гулсара барбод бўлаётган оила ришталарини сақлаб қолишининг сўнгги чораларини кўраётгани учун ўзини янада босиқ ва жиддий тутишга ҳаракат қила бошлади. Мағлублик кишани нозик билакларини сиқиб қўяётгандай, юзи ҳам бўғриқиб кетди.

— Мақсаддан гапир, дедингиз. Эшигинг, мақсадимни айттайин!.. Мақсадим: Меҳриддинжонни тирик етим қилмаслик! Сиз билан ростакам оила қуриш ва эл қатори яшаш!

Боласининг исмини эшигтан Шамсиддиннинг беихтиёр эти жимиirlаб, юрагининг аллақаери жизиллаб кетди. Осилиган қовоқлари очилгандай бўлди.

— Исмини ким қўйди? — деди у шаштидан бироз тушиб.

— Ким бўларди? Сиздан нажот бўлмагач, ҳолим танг бўлди. Ўйлаб-ўйлаб, шу исмни маъқул кўрдим-да, қўя қолдим. Ёмон исм эмас-а? — деди Гулсара ним табассум билан.

— Исмини топиб қўйибсан. Бир марта бўлсаям калланг зўр ишлабди!

Шамсиддиннинг сал бўлса-да юмшаётганини кўрган Гулсаранинг қалбига илиқлик кирди.

— Ўғлимиз бизга ўхшаб тошбағир эмас, меҳрли инсон бўлсин, деб яхши ниятлар билан шу исмни қўйдим.

— Меҳриддин ҳозир қаерда?

— Қаерда бўларди?! Шаҳардаги болалар уйида. Сизнинг ўшандаги «Болангни олдирмасанг униям, ўзингниям ўлдирман» деб ўшқирганингиздан қўрқиб, болагинамни не азоблар билан болалар уйига... қўйиб келдим, — деди «ташлаб қочдим» дея олмаган Гулсара ҳазин бир овозда.

Орага оғир сукунат чўкди.

Шамсиддиннинг асаблари таранг тортила бошлади. Чой қуйилган пиёлани ва чойнакни ўнг кафтининг орқаси билан дастурхон ўртасига итариб қўйди. Дастурхон четидаги сочиқни юлқиб олиб, бармоқлари билан эзғилаб ўтирганча Гулсарага ер остидан кўз ташларкан, бирдан жаҳли қўзиди:

— Шунаقا де. Демак, бола бехавотир жойда. Яхши бўпти. Давлатнинг ўзи боқиб олади!.. Энди сен менинг бoshимни қотирма. Менинг муҳимдан-муҳим ишларим кўп. Мени йўлдан қолдирма. Мана, дастурхон очиқ, нон е, чой ич. Ҳурматингни бил!..

Гулсаранинг Шамсиддинга умидвор тикилган кўзлари бирданига чақнаб кетди:

— Шамси ака, сиз муҳим ишим бор деб мени шошилтирмасангиз ҳам ётиб қолмайман, ҳозир кетаман! Бироқ, тушунсангиз-чи ахир, мен сиздан туз ёки қалампир, нон ёки пул сўраб келганим йўқ! Сиздан нафрат тўла қаҳринизни эмас, балки шафқат тўла меҳрингизни сўраб келдим! Билсангиз, мен сиздан бегонага эмас, ўз ўғлингизга оталик қилишингизни, барбод бўлаётган оиласизни сақ-

лаб қолишиңгизни сүраб келдим!.. Сиз бўлса, менинг дардларимга шерик бўлиш ўрнига, муаммоларимизни биргалашиб ҳал қилиш ўрнига, нуқул муҳим ишларим кўп деб гапни бурасиз! Сиз билан менга, билсангиз, жар ёқасига келиб қолган оиласизни сақлаб қолишдан ҳам кўра муҳимроқ иш борми ўзи ҳозир?! Мен-ку аёлман. Сизга нима бўлди? Қачонгача бебурд, номард қочоқ бўлиб юрмоқчимиз? Сиздаям юрак, виждон, оталик меҳри, менга нисбатан озгина севги-муҳаббатингиз, ҳеч бўлмаса оқибатингиз борми ўзи?!. Сизда инсоф, дўёнат ва иймон деган нарсалар борми ўзи?! Мен, яхшими-ёмонми, сизнинг хотинингизман-ку ахир!

Кўзлари жиққа ёшга тўлган Гулсаранинг чинқириб йифлаб юборгиси келди. Бироқ қандайдир куч уни бундай қилишга йўл қўймади.

Гулсаранинг чин юрагидан чиққан гаплар Шамсиддинга ҳақоратдай туюлди. Шунинг учун у Гулсарага юзландида, баттарроқ бақира кетди:

— Йўқ! Йўқ!.. Ҳамма нарса сенда бор! Менда эса ҳеч вақо йўқ!.. Агар шунчалик ақлли бўлсанг йўлингни топиб юр эди! Менинг сендай хотиним йўқ! Ундан кейин, мен ҳали ҳеч ким билан қонуний никоҳдан ўтиб, тўй қилганим йўқ! Билмасанг — билиб, тушунмасанг — тушуниб ол! Мен бор-йўғи бўйдоқман. Бўйдоқларнинг эса хотиниям, фарзандиям бўлмайди. Эшитдингми? Энди обрўйингнинг борида иссиқ жойингни топ! Менинг йўлимга тўсиқ бўлишни хаёлингга ҳам келтирма, жиғимга тегсанг, оқибати ёмон бўлади!..

Шамсиддиннинг дағдағали сўзлари Гулсарага тошдай оғир ботди. Юзи ловиллаб ёнаётган, қулоқлари шанғиллаётган Гулсаранинг фифони фалакка чиқди. Йифидан шишган кўзлари олайди, юзи ғазабга, дили азобга, ситамкор қалби туғёнга тўлди; юраги қонга, кўнгли хуфтонга айланди. Кимдир келиб унинг ғувваётган бошига аввал совуқ, кейин қайноқ сув қуйғандек бўлди. Кўз олди қорайиб, боши ғувуллаб айланиб кетди, сўнг ўзини тутолмай, бир қўли билан рўпарасида жаҳлини босолмай ўтирган Шамсиддиннинг ёқасидан тутиб юлқиларкан:

— Қувмасанг ҳам кетаман! Сенинг ҳақиқий башарангни энди кўрдим! Кимлигинги билдим! Сен одаммас экансан! Э, садқаи хотин кет, садқаи бола кет, садқаи одам кет! — дея бақириб йиглаганча иккинчи қўлида Шамсиддиннинг юзига устма-уст шапалоқ тортиб юборди.

Гулсарадан буни ҳечам кутмаган Шамсиддин юзига қиздирилган ёғ сачрагандек нафаси тиқилиб, гапиролмай қолди. Сўнг беихтиёр жон ҳалпида Гулсарани елкасидан итариб юборган эди, жувон тисарилиб бора-бора орқаси билан каравотга йиқилдию, «оҳ» дея белини ушлади. Сўнг Шамсиддинни астойдил қарғай бошлади: ётган жойида қарғади, ўтириб қарғади, туриб қарғади, юриб қарғади, ер муштраб қарғади.

Гулсаранинг чидаб бўлмас қарғишига жавобан Шамсиддиннинг чидаб бўлмас нафрати кучга кирди. Йигит тутоқ-қанча шкафдан эски бўйинбогини шартта юлқиб олди-да, ҳалқа шаклига келтириб, ҳамон тинмай йиглаб қарғанаётган Гулсаранинг тўзғиган соchlари билан қўшиб бўйнига солди. Бундай бўлишини кутмаган Гулсара ҳам шошиб, ҳам қўрқиб қолди. Шамсиддиннинг бақувват қўллари билан таранг тортилаётган бўйинбог эса аллақачон жувоннинг бўйинини қисиб бормоқда эди. Гулсара курашда енгилган полвонга ўхшаб жон ҳолатда қўлларини ётган жойида каравотга устма-уст ура кетди. Юзлари қизариб, кўзлари қинидан чиқиб кетаёди.

Шамсиддин Гулсарани бу ҳолатда кўргандан кейингина сал ўзига келдию, дарҳол бўйинбогни бўшатди. «Ўлиб қолмадими?» деган ваҳимали ўйда аёлнинг юз-кўзларига тикилиб қаради. Йўқ, сал ўтмай Гулсара ўзига келиб, кўзларини очди. Ўриндан туриб, каравотга ўтирди. Чуқур нафас олди. Бўйинларини уқалади, оғриқ азобига чидай олмай ингради, сўнг деразадан ташқарига қараб турган Шамсиддинга бир ҳолатда тикилди.

Шамсиддин қўл соатига бир қараб қўйди.

Гулсара Шамсиддинга қараб турди-да, қалтираб-титраб:

— Қотиллиқдан ҳам хабарингиз борга ўхшайди, — деди ўлкасини босолмай ҳиқиллаб. — Менинг икки шапалогим

шунчалик ҳам ўтиб кетдими сизга? Бўғиб ўлдириб қўйай де-дингиз-ку! Ярашмасангиз ярашманг! Лекин билиб қўйинг, танамда жоним бўлса, боламни ўзим топиб, ўзим тарбия қиласман. Садқайи бола кет, аблад!..

Шамсиддиннинг юрагида ловиллаган ғазаби кучайиб, ранги қув ўчди, юзи қиличининг тифидек ингичка тортди.

Улар ўртасидаги вазият тамоман танглашди. Гулсара ўтирган жойида йиглаб-йиглаб ўйга толаркан, Шамсиддиннинг тамоман ўзгариб-айниб кетганига, у билан энди муро-са қилиб бўлмаслигига кўзи етди. У чуқур «уҳ» тортганча кутилмаган олишув пайтида оғриб қолган бўйинни уқалай-уқалай оғир бир кайфиятда ўрнидан турди. Гулсара ҳалиям жаҳлидан тушмай, хона тўридаги каравотда асабийлашиб, хўмрайиб ўтирган Шамсиддинга кўз остидан бир назар со-либ қўйди-да, ювиниш хонасига кирди. Жўмракни бураб илиқ сувга юз-кўзларини ва бўйинни ювди. Кир-чир сочиқларга бир ижирганиб қараб қўйгач, ўзининг рўмолчасига артинди. Сочларини тараб, уст-бошини қоқди ва хонадан чиқди.

Шамсиддин аллақачон эшикнинг қулфини очган ва тор йўлакчани аччиқ тутунга тўлдириб, тажанг ҳолда серрайиб турарди. Бутун орзу-умидлари чилпарчин бўлган Гулсара йигитга бир кўз ташлади-да, мунгайтанича ўзини ташқари-га олди.

Гулсара то ётоқхонасига етиб келгунча ўтган ярим соатлик вақт мобайнида бутун ҳаётини алғов-далғов қилиб юборган йигит билан бўлган учрашув тафсилотларини ўзи-ча таҳлил қилишга кўп уриниб кўрди-ю, бироқ қалбини тит-ратган, фарёдлар чектирган, гирдобрларга чўқтирган, изти-роблар орттирган бу масалада ким ҳақ-у, ким ноҳақ деган саволга жўяли жавоб тополмади.

Гулсара қоровул аёлдан хонасининг калитини сўраб:

— Дугонангиз шу ерда, — деган жавобни эшилди.

Гулсаранинг юрагига яна ғулғула тушди: «Насибага нима дейман? Дугон, ҳаммаси тамом! Расво бўлдим! дейманми?..»

Гулсара яна оғир ўйлар оғушида хонасига келиб қолга-нини ҳам сезмади. Эшикни очиб ичкарига кирди. Насиба уни кутиб ўтирган эди.

Насиба Гулсарани кўриб қанчалик қувонган бўлса, ҳамхонасининг ёш тўла кўзларини кўриб шунчалик хафа бўлди.

Гулсара:

— Бўлмади-и! — деганча ўпкасини ёсолмай, изиллаб ўзини дугонасининг бағрига ташлади.

Насиба дугонасининг кўз ёшиларини кўрибоқ аҳволни тушинган бўлса, унинг бўйнидаги қизил, кўкиш изларни кўриб қўрқиб кетди.

— Ейнингта нима қилди, тегажоқлик қилдими? — деб сўради Насиба ҳайратланиб.

Гулсара «бўғди» деб айтишдан тийди-да:

— Нима бўлса бўлди, дугон, — деди аламзадалик билан.

Насиба уни ҳоли-жонига қўймай сўрайвергач, Гулсара бор гапни айтишга мажбур бўлди. У бўлиб ўтган олишув тафсилоти: ний айтаттани Насиба «Наҳотки... Наҳотки...» деганча дугонасига ачиниб, дили ўртаниб ўтиради.

Гулсара бирдан гапини тўхтатди-да, каравотининг остига эгилиб ўша эски қизил чамадонини олиб очди. Альбомни апил-тап: титкилаб Шамсиддин эсдалик учун берган рангли фотосуратни қўлига олди ва суратга ижирганиб, нафратланиб тикилди.

— Мараз!

Гулсара суратни бош томонидан ушлаб аввал қоқ иккига бўлди, кейин тўртга, кейин саккизга, кейин бурдалаб-бурдалаб хона бурчагидаги кичкина ахлат челакчасига бор кучи билан итқитди. Гўё шу билан Гулсара суратига қўшиб Шамсиддиннинг ўзиниям юрагидан бутунлай суғуриб юлиб ташлагандай бўлди.

Гулсаранинг таранг тортилган асаблари бўшаши: унинг бор овозда ўкириб-ўкириб узоқ йиғлагиси, дод солиб дунёни бошига кўтаргиси келди.

Шундай оғир пайтда дугонаси шўрлик Гулсаранинг жонига оро кирди. Насиба кўзига ҳеч нарса кўринмаётган ҳамхонасининг қалб ярасига малҳам бўлишга уринди. Уни тушкунликка тушишдан, эҳтимолки алам ичида ўз жонига қасд қилишдан асраб қолди.

## Тараддууд

Кузнинг ўртасига келиб кунлар анча салқинлашиб қолди. Офтобнинг тафти сусайди, дараҳтларнинг эртанги япроқлари яшил рангини ўзгартириб тўқ қизил тусга кира бошлади.

Бугун дам олиш куни бўлгани учун эрталабданоқ болалар уйи ҳовлиси ҳар доимгидан ҳам болаларнинг шовқинсуронига, ўйин-кулгуларига тўлган.

Роҳила опа митти қўлчаларининг бирини иягига, иккинчисини ёнбошига қўйиб, ярим очиқ кўзларини узун киприкчалари билан тўсганича чамбаракли каравотчада беозор ухлаётган Меҳриддинни бир зум кузатиб тургач, четга бироз сурилиб қолган оқ чойшаб қопланган одеялчани унинг устига астагина ёпиб қўйди. Худди шу маҳал опанинг ёнига оёқ учида юриб қелган тарбиячи директор чақираётганини шивирлаб айтди.

Қабулхонада пича ўтиришганидан сўнг Лобархон эрига:

— Сиз ўтира туринг, мен ҳозир келаман, — дея залга чиқди.

Жувоннинг нияти директор ҳузурига киришдан олдин шу ерда ишлайдиган эски таниши – Роҳила опани топиб, имкони бўлса ўзи айтган ўғил болани фарзандликка олиш бўйича маслаҳатлашиш эди. Нияти холис экан. У залга чиқиши билан, янги хонатлас кўйлаги устидан оқ халат кийган Роҳила опанинг шу томонга секин қадам ташлаб келаётганини кўрди.

Лобархон ўз нажоткорини кўргандай қувониб кетди. Даҳол опага пешвоз чиқиб саломлашди, қучоқ очиб, ўпишиб кўришди. Ҳол-аҳвол сўрашиб бўлгандан сўнг Лобархон даҳол мақсадга кўчди:

— Опажон, сизга ўша масалада келувдик. Ишқилиб, сиз айтган боланинг изидан ҳеч ким келмадими?

— Келмади... Ўзингиз ким билан келдингиз?

— Хўжайним билан. У киши қабулхонада ўтирибдилар. Ўзингиздан қолар гап йўқ. Ўзингиз ёрдам берарсиз деган умидда, шуни сизга бир шипшитиб қўйгани чиқувдим. Ўзин-

гиз энди бир құллаб юборсанғыз директор опаям йүқ демаса керак, деб үйлаб...

Роҳила опа жилмайиб қўйди. Лобархоннинг бу ерга чин дилдан, ихлос билан келгани кўриниб турарди.

— Сизлардек фарзандталаб одамларнинг раъйини ким ҳам қайтарарди, синглим! Асло ўйланманг. Ҳудо ҳоҳласа, ҳаммаси яхши бўлади.

Лобархоннинг кўнгли тоғдек кўтарилиди.

Роҳила опа жувонни қабулхонаага бошлади.

Қабулхонада эшикдан ким кирса, кўз тикиб ўтирган Ортиқали Лобархоннинг оқ халатли аёл билан очилиб-сочилиб кириб келаётганини кўрдию: «Айтган таниш опаси шу бўлса керак,— деган тахминга борди. — Кайфиятига қаранганд, иш ҳал бўладиганга ўҳшайди». Бу ўй ўзичинг ҳам умидвор ҳўнглига илиқлик югуртириди.

Ортиқали ўрнидан тура-сола опага салом берди. Опа бир қараашдаёқ Лобархоннинг эрини таниб, «Яхшимисиз, ука!» деб қўйди-да, котиба қизнинг ишораси билан директор кабинетига кирди.

Телефонда ким биландир жиддий гаплашаётган Гулрух-сор Самадовна гўшакни қўйиб, Роҳила опага савол назари билан юзланди.

— Шуларми?

— Ҳа, шулар.

— Бу кишиларни яхши танийсизми?

— Хотинини яхши танийман. Яхши аёл. Эриниям сиртдан эшитганман. Яхши инсон, дейишади. Иккаласням олий маълумотли, иқтисодчи-ҳисобчи. Молия институтининг иқтисодчи-ҳисобчи факультетида ўқишганида севишиб турмуш қуришган экан.

— Фарзандлари йўқ эканми?

— Ўн саккиз йилча бўпти турмуш қуришганларига. Лекин шу пайттacha фарзанд кўришмалти бечоралар...

— Ҳа-а, оллоҳ бермаса, инсоннинг қўлидан нима келарди, — деб қўйди Гулрухсор Самадовна. — Буларнинг келганига бирон соатча бўлди. Ўзимам анча гаплашиб кўрдим. Дардларини эшитиб эриб кетай дедим. Жудаям фарзандта-

лаб одамлар экан! Булар сиз энагалик қилаётган Мәҳридинжонни фарзандликка олишмоқчимиш. Бунга сиз нима дейсиз?

Роҳила опа қўлларини икки ёнга ёйди:

— Нимаям дердим, Мәҳридинжоннинг бахти бор экан. Яхши бола яхши оиласа тушса янада яхши бўлади-да! Мәҳридинжон, худо хоҳласа, ўз ота-онасининг бағрида ўстгандай усади, менимча. Бунга асос шуки, она бўлаётган аёл ҳам, ота бўлаётган эркак ҳам обдон фарзандсизлик азобини кўрган, ёши бир жойга борган, оқ-қорани таниган, ўқимишли ва зиёли одамлар. Буларга беҳадик ишонса бўлади.

— Демак, сиз рози, — деда Гулруҳсор Самадовна қўнғироқ тугмачасини босди.

Қия очилган эшиқдан котиба қиз мўралади.

— Ҳалиги кишиларга айтинг, киришсин, — деди директор опа.

Хонага оқ кўйлак, қора костюм-шим кийган, тўлиқ гавдали, ўрта бўйли, думалоқ юзли Ортиқали билан қора вилюр кўйлаги устидан оқ-қорамтири жемпер кийган кўркам чеҳрали Лобархон яна бир бор салом бериб кириб келишиди.

Роҳила опанинг ишораси билан улар хона ўртасидаги узун столнинг икки четидаги стулларга ўтириши билан, директор уларга юзланди:

— Демак, қарорларингиз қатъий. Фарзандликка ўғил бола олмоқчисизлар, шундайми?

— «Тухум ширин, лекин у туз билан таъмли», деган экан бир донишманд, — ҳаяжонланаштагани шундоққина сезилиб турган Ортиқали иложи борича хотиржам гапиришга уринди. — Мен бу гапнинг маъносини энди тушунаётганга ўҳшайман. Менимча ўша донишманд бу гапи билан «Ҳаёт ширин, лекин у фарзанд билан янада ширин», деган бўлиши керак.

— Бу гапдан кейин бошқа гапга ўрин йўқ, — деди Гулруҳсор Самадовна вазминлик билан. — Ҳаммаси тушунарли. Сизлар аризаларингизда Мәҳридинжонни сўрабсизлар. Майли. Биз рози. Фақат бунинг битта нозик жойи бор,

холос. Нозик жойи шуки, бу боланинг онаси бизга ёзиб қолдирган хатида боласининг исмини ва фамилиясини ўзгартирмасликни ўтиниб илтимос қилган. Шунга нима дейсизлар? Биз ҳам буни вақтида ҳисобга олган эдик. Яхшими, ёмонми уям она, ахир. Тўққиз ой, тўққиз кун бағрида кўтариб дунёга келтирган боласини.

Бу гапларни бутун вужудини қулоққа айлантириб тинглаб ўтирган Ортиқали шошиб сўради:

— Меҳриддин — чиройли исм! Бизларга ҳам жуда ёқди. Фамилияси қанақа экан?

— Фамилияси Тешабоев, — дея Гулрухсор Самадовна Роҳила опага қаради: — Тўғри айтдимми, опа?

— Тўппа-тўғри. Сизга қойилман...

— Раҳмат. Энди асосий масалага ўтсак. Ҳар бир ишнинг қонуний бўлгани яхши. Қонун талаб қилган ҳукуқий ҳужжатларни тайёрлаб келган кунингиздан бошлаб Меҳриддин-жонни олиб кетишларингиз мумкин.

— Меҳриддинжонга қаттиқ меҳр қўйган эканман, — деди Роҳила опа эр-хотинга жовдираб қараб. — Бир томондан сизларга бергим ҳам келмаяпти. Бироқ сизларниям қиймаяпман. Сизларга ишонаман! Сизлар уни албатта яхши одам қилиб тарбиялайсизлар...

— Албатта, албатта, — шоша-пиша маъқуллади кўзлали жиққа ёшга тўлган Лобархон, — бор меҳримизни берамиз!

— Яхши! Биз сизларга қаттиқ ишонганимиз учун ҳам шу қарорга келиб турибмиз-да, — деди Гулрухсор Самадовна мамнун бўлиб. — Энди боланинг исми, фамилиясини нима қилмоқчисизлар? Шуниям билсак яхши бўларди.

Лобархон «Сиз нима дейсиз? Ҳамма гап сизда», дегандай эрига ўгирилди.

— Бу тасодифни, бу баҳтни қаранглар! — деб юборди беихтиёр Ортиқали ёш боладай қувнаб. — Ахир менинг ҳам фамилиям Тешабоев-ку!

Директор билан Роҳила опа сингил нафас олишиди.

— Онасиям сизлардан бир умр рози бўладиган бўлди, — деди Роҳила опа дилидагини тылига чиқазиб.

Эр-хотин болалар уйидан чексиз қувонч ва ҳаяжонга тўлиб чиқишиди...

Ортиқали Лобархонни уйга ташладио, дарҳол Меҳридиннин фарзандликка олишга доир ҳужжатлар масаласида маслаҳатлашгани юрист дўстининг уйига жўнади. Лобархон эса тўйга ҳозирлик кўраётган уй бекасидек ҳаяжонли ҳис-туйғулар оғушида ҳовлини супуриб-сиришга киришиди.

Айни чоғда жувоннинг ўт чақнаган кўзларига барглари сарфая бошлаган мевали дарахтлар ҳам, ҳосилини кўтаролмай шоҳлари эгилиб турган хурмо ва кечки олмалар ҳам, уруғлари пишиб тўкилаётган турфа ранг гуллар ҳам, ҳатто чорпоя биқинидаги кичкина супачада чўзилиб ётганча икки ойлик болаларини эмизаётган мушукдан тортиб гаражнинг дарвозаси олдида чўнқайиб ўтирган Олапар кучугигача бекиёс гўзал ва ёқимли кўринарди. Лобархоннинг шу топда кўзига хуш кўринаётган ҳар бир нарсани қучоқлаб бағрига босгиси, эркалаб, силаб-сийпаб қўйгиси келарди.

Кўпдан бери боланинг шўх-шодон товушига зор бўлган ана шу қадрдон ҳовлисига бугундан бошлаб ўзгача шукуҳ ва ўзгача файз кириб келаётганини ўйлаб энтикиб кетаётган Лобархон гайрат билан шундоқ ҳам тоза қип-қизил гиламларни, қараган кўзни қамаштиргудек асл хорижий мебеларини ҳам наинки тозалади, супириб-сириди, балки ялаб-юлқади. Авваллари бундай ишларга хушлаб-хушламай, беҳафсала киришадиган Лобархон бугун ҳамма ишни ўзгача иштиёқ билан, илҳомланиб бажаарди.

Жувон кўча томонга қараган деразаларни артаётганинида, қўшниларининг йўлда қий-чув кўтариб футбол ўйнаётган етти-саккиз ёшлардаги беш-олтита болаларига кўзи тушди-ю, хаёлига дафъатан ғалати фикр келди: «Бир кун келиб булар Меҳриддинжон бизнинг фарзандимиз эмаслигини билиб қолишса, буни унинг юзига солишмасмикан, ишқи-либ? Шундай қилишса-чи? Сен асранди боласан деб камситишишса-чи? Унда Меҳриддинжоннинг ҳоли нима кечади?..»

Лобархоннинг хаёлини машинанинг таниш гуриллаган овози ва сигнали бузди. Жувон қўлидаги фижимланган эски

газета бўлақларини дераза раҳида қолдирганча эрини кутиб олгани шошди.

Лобархон апил-тапил дарвозани очди. Ортиқали машинани ҳайдаб ҳоалига киритди-да, дарвозани ёлиб келаётган Лобархонни имлаб ёнига чақирди.

— Ҳа, дадаси, яхши келдингизми? — деди Лобархон эрига эрка табассум билан қарапкан.

«Дадаси» деган ўзига хос оҳанграболи сўзни умрида биринчи марта иштиёқ билан айттаётганидан жувоннинг жон томирлари жунбушга келиб, энг жўшқин, энг азиз қўшиғини илк бора куйлаётган санъаткордек энтикиб кетди.

Ортиқали ҳам бу сўздан ҳаяжонга тушди. У рафиқасига меҳр-муҳаббат билан тикилганча:

— Онаси, бугун сизга айтмай бир иш қилиб қўйдим, — деди машинанинг орқа эшигини очиб, ичидаги нарсларга ишора қиласкан. — Болалар уйига қуруқ қўл билан бормайлик деб анча-мунча ўйинчоқ, юзтacha китоб ола келдим. Ҳозирча машинадан тушириб қўямиз-да, эртага борганимизда ола кетамиз. Нима дедингиз?

«Онаси» деган сўздан мойдек эриб кетаётган Лобархон ўзини эрта-индии фарзандли бўлаётгандек ҳис этиб, бўшашибди.

— Яхши ўйлаб, яхши иш қилибсиз, дадаси, — дея олди ахийри жувон товуши тиграб. — Болалар хурсанд бўлишади... Дадаси, сиз ҳориб келдингиз. Буёғини менга қўя беринг. Сиз кийимингизни алмаштириб, ювениб бироз дам олинг. Аччиқ кўк чой ҳам дамлаб қўйганман. Ош ҳам тайёр. Буларни ўзим ҳозир жой-жойига қўяман-у, ошни сузаман.

Ҳолбуки, Ортиқали бугун қанча югуриб-елса ҳам чарчаш нималигини билмаётганди. Ҳозир ҳам у болалар китобларидан катта дастасини кўтариб оларкан:

— Ҳали чарчагим келмаяпти, онаси, — дея жилмайиб қўйди.

## Фарзанд қувончи

Ортиқали елиб-югуриб, бир ҳафта деганда Мәхриддин-жонни фарзандлар олишлари бүйича зарур бўлган барча ҳужжатларни тайёрлатиб олди-ю, кўнгли сал тинчигандек бўлди,

Қувончли ташвишлар билан бўлиб Ортиқали ҳам, Лобархон ҳам бир ҳафтанинг қандай тез ўтиб кетганини сезмай қолишиди.

Лобархоннинг душанба куни саҳардан уйқуси қочди. Бироз ширин хаёллар оғушида ётгач, жувон аста ўрнидан турди ва оёқ учидаги юриб ўзи элбурутдан тайёрлаб қўйган болалар хонасига ўтди.

Лобархон ишни Мәхриддинжоннинг кийимларини ҳозирлаб қўйишдан бошлади. У боласига атаб олинган ҳар бир кийимни алоҳида мәҳр билан силаб-сийпаб бағрига босгач, қизлик вақтида бўлғуси турмуш ўртоғига атаб ўз қўли билан тиккан шоҳи белбоққа тутиб қўярди.

Бу юмушини туттатгач, жувон ошхонага ўтди. Камдан-кам ишлатилгани учунми, болалар хонасининг эшиги Лобархон ёпаётганида «ғийқ» этиб товуш чиқарди. Жувоннинг назарида бу чақалоқнинг «Инга-а» деб йиглашига ўхшаб кетди. Қанча чарчаса ҳам, қанча кеч ётса ҳам ҳамиша эрта туришга одатланган Ортиқали эшикнинг гийқиллашидан уйғониб кетди. У аввал ён-верига, кейин болалар хонасининг эшигига қаради. Хотинининг аллаҳачон туриб кетганини, болалар хонасигаям бир кириб чиққанини сезгандай бўлди-да, ўрнидан туриб деразани очди. Сўнг кийиниб, ташқарига чиқди.

Бу вақтда Лобархон газ плитасига чой ва тўртта тухум солинган алюминий кастрюлни қўйиб, ошхонадан чиқиб келаётган эди.

— Қаттиқ ухлаб қопман, шекилли, туриб кетганингиз ниям сезмай қопман. Уйғотай ҳам демабсиз-а? – деди Ортиқали хотинига жилмайиб қараб. — Соат неччи бўлдийкин?

Лобархон ошхонасидаги девор соатга қараб олди.

— Энди олти бўпти. Ширин уйқунгизни кўзим қиймади. Болалар уйига соат саккиздан кеч қолмай етиб борсак бўлди.

Кечаке телефонда гаплашганимизда опанинг ўзи шундай дебди. Ҳамма нарса тахт. Олиб борадиган нарсаларни, хўп дессангиз, ҳозир машинага юклаб қўямиз. Чой ҳам тайёр. Но нушта қиласиз-у, бораверамиз.

— Ундоқ бўлса, жуда яхши!.. Мен ҳозир.

Ортиқали илдам бориб машинаси эшигини очиб қўйди.

Шундан сўнг иккаласи ўйинчоқлар билан китобларни машинага юклаб бўлишгач, нонуштага ўтиришиди.

Эр хотин нонуштани тугатганларида соат энди ўн бешта кам етти бўлаётган эди.

Ортиқали оқ кўйлак ва қора костюм-шим, қора ялтироқ туфлисини кийгач, бўйнига қизил бўйинбогини тақди-да, дарвозани очдию, рулга ўтирди.

Хонатлас кўйлак ва қизғиш жемперда, оқ туфлида уйдан чиқиб келган Лобархон эшикларни қулфлади.

Ортиқали машинани йўлга олиб чиқиб, хотинини кутиб турди, Лобархон тезликда дарвозани қулфлади ва келиб, эрининг ёнига ўтирди.

Машина бир силкинди-ю, ғизиллаб юриб кетди.

Ортиқалининг қўллари рулда, қўзлари йўлда, хаёллари эса болалар уйида эди. Шу маҳал кутилмагандан уни ғалати ҳиссиёт чирмаб олди. Гўё шу топда Ортиқали ой-куни яқинлашган умр йўлдошини шошилинч равишда туғруқхонага олиб бораётгандек, бориши билан рафиқаси ўғил туғиб бераётгандек... Ортиқалининг юраги ҳаприқиб кетди...

Ҳафта-ўн кундан берин булоқ сувидек тиниқ, тоғ чўққисидек юксак орзу-умидлари қучоғида сеҳрланиб яшаётган Лобархон ҳам гўё ҳозир ҳаётида илк бор «ҳомиласи пишиб», тўлғоги тутгану, туғруқхонага не-не умидлар билан бораётган аёлдек ширин саросима, ажаб талваса ичида қолган эди.

Жувоннинг назаридаги машинани секин ҳайдоётгандек; агар тезлик ошмаса, йўлдаётқўзи ёриб қоладигандек...

Ортиқалининг назаридаги эса қўзлаб бораётган манзили негадир бугун анча узоқлашиб қолгандек...

Ўтирган жойида типирчилаб, бетоқатланиб келаётган Лобархон болалар уйининг таниш дарвозаси кўринган маҳал севиниб кетди:

— Хайрият-ей, стиб келдик.

Машина дарвоза ёнида тұхтади.

Лобархон машинадан қизиқ мультфильмни күришга ошиқаётгап боладек қовлиқиб, илдамлик билан тушаркан:

— Дадаси, сиз ўтира туриңг, аввал мен бир хабар олиб келай-чи, — деди.

Ортиқали машинасини сал чеккароққа олғач, унинг салонидаги тахланган ўйинчоқлар ва китобларни тушириб, деворга сүяб қўя бошлади.

Иккинчи қаватдаги деразадан ташқарига кўз ташлаётган маҳал Ортиқалини бу исп устида кўриб қолган Гулрухсор Самадовна ёнига иккита ёш тарбиячи қизни олиб пастта тушди.

Уларнинг изидан чиройли кийинтирилган Мәҳриддинни кўтариб олган Роҳила опа билан боласини тезроқ бағрига олишга интилаётган, бенхтиёр иккала қўлини интиқлик билан чақалоқ томон чўзиб-чўзиб қўяётган Лобархон келишарди.

— Кам бўлсаям, кўп ўрнида кўрасизлар-да, — деди саломлашиб, сўрашиб бўлишганидан сўнг Ортиқали нарсаларга ишора қиларкан. — Қўлимиз қуруқ бўлмасин деб...

— Асло кам демант, — дея жилмайиб қўйди Гулрухсор Самадовна. — Ҳимматларингизга балли!

— Болаларбоп совға бўпти, — деди Роҳила опа ниҳоят Лобархонга Мәҳриддинни авайлаб тутқазаркан.

Лобархон... ўзининг бутун меҳр-муҳаббати билан чақалоқни бағрига маҳкам босганча, унинг юз-кўзларидан энтикиб-энтикиб ўпди. Жувоннинг шу пайтгача болага зор қалби титраб, жунбушга келди, вулқондай портлади; кўзларидан қуйилиб келаётган қувонч ёшлари юзини қоплади. Лобархон гўё шу дамда минг хил ширин азоблардан сўнг кўзи ёригандек енгил тортмоқда эди. Жувоннинг нигоҳида бутунлай ўзгача нур порларди. Соғинч ёшлари эса унинг юз-кўзларига бошқача, таъбир жоиз бўлса ҳақиқий оналик чиройини бахш этарди.

Лобархонни дикқат билан кузатиб турган Гулрухсор Самадовна Роҳила опага қараб мамнунлигини изҳор этаётгандай маънодор бош иргаб қўйди.

Кўлдан-кўлга ўтган Мәҳридиннинг ҳечам ётсирамай Лобархоннинг бағрида эмин-эркин ётиб, кулимсираб туриши қаттиқ ҳаяжонланиб турган Ортиқалининг баҳри-дилини очиб юборди.

Ўз табассумига гарқ бўлган Лобархон эса энг ширин сўзларни пичирлаб боласини эркалар, ўпар экан, гўё бирор уни қайтиб олиб қўядигандек бағрига тобора маҳкамроқ босарди.

Гулрухсор Самадовнанинг қўл соатига қараб қўйганини кўриб қолган Ортиқали хайрлашишга шоиди.

Роҳила опанинг Мәҳридин билан хайрлашуви анча оғир бўлди. Болани қўлига яна бир бор олиб, юзидан ўпид қўйгач, қайтариб Лобархонга бераётганида опанинг кўзларида ёш филтиллади.

Болалар уйидан узоқлашиб боришаркан, оғзининг таноби қочган ҳолда машинани бошқариб бораётган Ортиқали ҳам ҳар замон-ҳар замонда ортига қараб:

— Мәҳридинжо-он! — деб қўярди.

Бола эса гўё дадасига қараб бир нима демоқчи бўлаётгандек типирчилар ва «А-а-а!» деганга ўхшаш товуш чиқарив, жилмайиб қўярди.

Буни кўрган Лобархон сира ўзини босиб ололмас, юмюм йинглар ва айни пайтда илк фарзандини дунёга келтирган баҳтиёр онадек ҳис этарди ўзини...

### Изтироблар юки

Давлат имтиҳонларини Насибанинг ёрдамида судрадиб юриб зўрга топширган Гулсара эртаси куниёқ аламли изтироблар ва ўй-хәёлларнинг қақшатқич зарбаларига дош беролмасдан ётиб қолди.

Яхшиям баҳтига шу дугонаси бор экан, у яна жонига оро кирди: елиб-югуриб Гулсарани шаҳар касалхонасига элтиди; дўхтирларнинг кўрсатмасига кўра уни асаб касалликлари бўлимиға жойлаштириди; аҳволининг оғирлиги учун кундуз кунлари ёнида бўлди.

Дўхтирларнинг айтишича, бу касалликка Гулсаранинг узоқ вақт мобайнида қаттиқ сиқилиши ва қўрқиб, ваҳимага тушиши асосий сабаб бўлган экан.

Чиндан ҳам кейинги пайтда Гулсара ўзича ниманидир ўйлаб ўтириб, бирданига йифлаб ёки кулиб юборадиган, сўзлаётган сўзидан тез-тез адашадиган, бир фикрини айтиб тутатмай туриб, иккинчисига ўтиб кетадиган одат чиқара бошлаган эди.

Насиба Гулсаранинг ота-онасига қизларининг бетоб бўлиб ётиб қолганини хабар қилиб ҳамда касалхонанинг аниқ манзилини кўрсатиб телеграмма юборди.

Эртаси куни эрталаб Насиба:

— Дугон, сени ётиб қолди деб уйингта телеграмма юбордим, — деди.

Бунга жавобан Гулсара индамасдан одеялига ўраниб олган эди.

Тушки овқат пайтида келиб эса Гулсаранинг жини қўзи-ди. Аввалига овқатниям емай тўрсайиб ўтириб олди, кейин:

— Нега уйимга хабар юбординг? Энди акам мени ўлдиради, ўл-ди-ра-ди! — дея ёнига ўтирган Насибага ёпишиб, юмма талай кетди.

Буни кутмаган Насиба довдираб қолди. Шовқинни эши-тиб югуриб келишган ҳамширалар ёрдамида у ўзини зўрға дугонасининг чангалидан ажратиб олди-да, залга чиқиб, фамгин бир ҳолатда эзилиб ўтирди.

Гулсара ўзини зўрлаб каравотта ётқизаётган ҳамшира-ларга хўмрайиб қараб, кўзларини чақчайтирганча ғазаб билан:

— Болагинамни топиб берингла-ар! Мен касал-пасал эмасман!.. Менинг касалим — бо-ла! Бу гапларни уйимда-гилар эшитмаси-ин! Акам ўлдиради! — дея телбаларча бақи-риб-чақира бошлади.

Гулсаранинг ориқ ва нимжон жуссаси япроқдай титради.

Насиба дугонасининг биринчи марта шундай телбанамо ҳолга тушганини кўргани боис жуда қўрқиб кетганди. Шу дамда азбаройи дугонасига ачинганидан у ўпкаси тўлиб, пиқллаб йифлаб юборди.

Бу вақтда эса телба беморларни кўравериб кўзи пишиб, дийдаси қотиб кетган ҳамширалар Гулсаранинг елкасидан

қаттиқ босиб, ёнбошидан устма-уст тинчлангирувчи укол қилишарди.

Үн дақиқалар ўтар-ўтмас Гулсара қўйдай ювош бўлиб уйқуга кетди.

Гулсарани тинчлантириб чиқаётган ҳамширалар-нинг узун бўйлиси елкаси оша юзига тушиб қолган сариқ соchlарини қайта турмаклаб олди-да, индамай залга ўтиб кетди. Ўрта бўйли, тўладан келган жингалак соchlиси эса маъюс ўтирган Насибани саволларга кўмиб ташлади:

— Дугонангизнинг боласи йўқолганми? Боласи неча ёшда эди? Акаси шундай ёмон одамми? Дугонангизга нима бўлган ўзи? Соғ бўлиб соғ эмас, телба бўлиб телба эмас. Сиз дугонангизни яхши биласизми ўзи?..

Гулсаранинг аччиқ қисматини ўйлаб кўнглига шу онда савол тугул, қил ҳам сиғмаётган Насиба ҳамширага ўқрай-иброқ қараб оларкан, паст товушда деди:

— Ҳа, бу шундай жабрдийда қиз. Уни қанчалар тезроқ даволаб ўзига келтирсангизлар, шунчалик катта савобага қоласизлар.

— Ота-онасига хабар бердингизми?

— Кеча зрталаб телеграмма юборганман. Бугун биронтаси кеп қолар... Дугонам тузалиб кетармикан? Мен шундан қўрқаяпман.

— Қўрқманг. Дугонангизнинг дарди ўткинчи. У жуда қаттиқ сиқилган ва қўрқкан. Бундайларнинг кўпини кўрганмиз. Тўрт-беш ҳафтада тузалиб кетади. Бироқ айтib қўйинг, келган одам албатта даволовчи врачга учрашсин.

— Бўпти, келса албатта айтаман.

— Сиз ёнида бўлиб туринг, мен ҳозир келаман, — деди-да, ҳамшира тез-тез юриб кетди.

Насиба безовталаниб ўтирганида залнинг у бошидан йўғон гавдали эркак кишининг қораси кўринди.

Одми кийинган бу киши 30-35 ёшларда бўлиб, ичига убу солинган оддий рўзгор сумкасини кўтариб олганди. Эркак хавотирга тўла кўзларини катта-катта очганча жингалак соchlи ҳамшира билан ёнма-ён келарди.

Жингалак сочли ҳамшира Гулсара ётган хонага икки-уч қадам қолганида ёнидаги кишига:

— Сиз шу ерда тура туриңг, ака, — деб эркакни тұхтатди-да, ўзи палатага кириб кетди.

Бу кишига күзи тушиши биланоқ Насиба қаршисида Гулсаранинг акаси турганини пайқади.

Насиба дарров салом берди.

Жингалак сочли ҳамшира хонадан чиқиб келди:

— Танишинглар, бу киши Гулсара беморимизнинг акаси Нормүмин ака. Бу қызы эса синглингизнинг мәденийден дугонаси Насибахон бўладилар. Насибахон уч кундан бери Гулсарага қараб ўтирибдилар.

— Раҳмат, — деб ғўлдиради Нормүмин. — Яхшимисиз, синглим.

Ҳамшира синглисими кўришга шошаётган Нормүминни палатага бошлади.

Улар хонага киришганида Гулсара ғужанак ҳолида дөвр томонга қараганча ҳамон ухлаб ётарди.

Нормүмин илдам бориб, эгилганча Гулсаранинг юзи-кўзига диққат билан назар соларкан:

— Ҳали кўп ухлайдими? Уйғотсак бўлмасмикан? — деди бир ҳамширага, бир Насибага илтижоли боқаркан. — Гулсарага нима бўлган ўзи? Рангда ранг йўқ-ку?

Жингалак сочли ҳамшира Насибанинг жон ҳолатда қилган имо-ишораларини тушунмадими ёки тушунсаям барига бир ўзининг билганидан қолмадими, ишқилиб, ҳеч иккиласиб ўтирасдан:

— Синглингизнинг асаби анча толиққанга ўхшайди, — деди. — Баъзан ўзининг нима айтиб, нима қўйганиниям яхши билмайди. Боламни топиб беринглар, дейдими-еий. Эсимдан чиқибди. Шунга ўхшаш яна бир нималар дейди.

Бидирлаб гапираётган ҳамширанинг сўзларидан Нормүминнинг кўзлари қунидан чиқиб кетар даражада олайиб, юзи қизарди, пешонаси тиришиб, ғазаби жўшиб кетди:

— Бу нима деганингиз, тушунмадим? Қанақа бола? Бунда бола нима қилсан? Ўзи бола-ку ҳали бунинг. Куёвга чиқмаган бўлса. Бола қаёқдан бўлади?

Насиба құрқиб кетиб ўзини четта олди. У ҳозир Гулсаранинг уйғониб кетишидан, жанжал чиқишидан чүчимокда зди. Хайрият, ҳамшира хатосини тушунди шекилли, бирдан бошқача оҳангта ўтди:

— Ўзингизни босиб олинг, акажон! Бақир-чақир қылсанғиз синглингизгә жабр қиласиз. У құрқиб уйғонса, аҳволи баттар оғирлашади. Сиз буни истамасанғиз керак, албатта. Бу бир оғир ёттан касал одам бўлса. Қўраяпсизми, ўзиям нозик, касалиям нозик. Асаб билан асло ўйнашиб бўлмайди. Бунинг устига бу бечора ухлаётган бўлса. Бу ерда билиб-билимай шовқин кўтаришингиз ноўрин. Асаб касалига йўлиққандар нималар демайди. Буларнинг ҳар бир сўзини таҳлил қилиб ўтириш шарт эмас. Касал одам айтса айтибди-да. Бунга хафа бўлиб, жаҳлингизни чиқариб ўтирманг, ака.

— Тўхтанг, дўхтири, сизам гапимни эшитинг-да, ахир. Касал одам айтса-айтибди, деганингиз тўғри. Бироқ касал одамнинг алаҳсираб айтган гапини нега менга айтасиз? Бу гапларни эшлиш менга енгил деб ўйлайсизми? Менимча бу ишингиз тўғри эмас, — деди Нормўмин бироз ҳовуридан тушиб.

— Гулсара сизгаям шунга ўхашаш бир нима деб қўйса, жаҳлингиз чиқиб юрмасин дедим-да, — дея жилмайиб қўйди ҳамшира.

— Жанжалнинг олдини оляяпман денг. Ундоқ бўлса сиздан узр сўрайман, — деди Нормўмин бирдан паст тушиб.

Шу пайтгача уларни жим кузатиб турган Насиба гапириш учун қулай фурсат келганини сезиб, Нормўминга юзланди:

— Ака, келганингиз жуда яхши бўлди. Гулсара билан дугонаман. Етоқхонада бирга турамиз. Гулсара имтиҳонларга қаттиқ тайёрланиб юриб-юриб бирдан шундай бўлиб қолди. Имтиҳонлар тугагандан сўнг иккимиз ҳам уйларимизга кетамиз деб юрувдик. Режамиз бузилди. Дугонам ётиб қолгач, уни дўхтирларга кўрсатдим. Дўхтирлар текшириб кўриб, уни шу ерга ётқизишиди. Шундан сўнг сизларга телеграмма юбордим. Гулсаранинг асаби чарчаганини ўзингизам эшитдингиз. У тез-тез алаҳсираб турадиган бўлган. Худо ҳоҳласа, тузалиб кетади.

Ҳамшира қўл соатига бир қараб олгач, Нормўминга юзланди:

— Акахон, узр, менинг беморларга укол киладиган вақтим бўлди. Гулсара ҳали бирон соат ухласа керак. Олиб келган нарсаларингизни синглингизнинг тумбочкасига қўйишингиз мумкин. Сизга Насиба ёрдам беради. Ҳали кетмасиз, учрашамиз. Даволовчи врачга учрашиб, гаплашиб олинг.

Нормўмин сумкасини очиб ичидан бир банка асал, бир банка сариёғ, тўртта нон ва икки кило чамасидаги олмани олиб Насибага узатиб турди. Насиба уларни тумбочкага жойлади.

Гулсара ётган жойида тишларини фижирлатиб, секин инграб қўйди.

Нормўмин жон ҳолатда ўгирилиб, синглиснинг бетартиб ёйилиб ётган соchlарига, майда қизил доначалар қоплаган юзига тикилиб қарапкан, юрагининг аллақаери «қилт» этиб узилиб кетгандай бўлди.

Ака шу топда синглиснинг кейинги уч-тўрт ой ичida қандай қилиб бунчалик дардманд аҳволга тушиб қолганига ҳайрон бўлар, бунинг сабабини ўйлаб тополмасди: «Нега энди Гулсара ҳе йўқ-бе йўқ бирданига бунаقا дардга чалинди? Нега дугонаси соппа-соғу, бу касал? Имтиҳонларни биринчи топшириши эмас-ку! Тўртта китоб ўқиган одамнинг ҳам асаби чарчайдими? Бўлмаган гап. Бу ерда бошқа гап борга ўхшайди. Нега ҳамшираям, дугонасиям ич ёриб бир нима демаяпти менга. Тўхта, тўхта!.. Гулсара «Боламни топиб беринглар!» дептими? Ҳамшира шуни айтди шекилли... Бари гап шу ерда бўлмасин тағин? Э, нима деяпман ўзи? Сўзимни шамол учирсин менинг. Ўйлайверсанг хаёлингга ҳар бало келаверар экан-да. Бўлди! Энди ўйламайман!.. Яхшиси Худодан синглимнинг соғлиғи ва умрини тилайнин. Эсон-омон соғайиб кетса бор гапни ўзи айтиб беради, ҳа...».

Шу куни хабар олиб туришни ваъда қилган Насиба ётоқхонасига кетди.

Нормўмин синглиснинг уйғонишини кутиб касалхонада қолди.

## Түй

— Шундай қилиб, — деди ўқитувчиликдан нафақага чиқиб, анчадан бери Чорбогчи маҳалласи оқсоқоллигиги ни қилаётган Бозорбой ота икки қатор қўйилган узунчоқ темир столлар атрофида кичкина давра ҳуриб ўтирган йигирма беш-ўттиз чоғли маҳалладошларига диққат билан кўз югуртириб чиққач, — менимча, чақирилган кишилар келиб бўлганга ўхшайди. Биласизлар, бизлар бугун бу ерда, маҳалламизнинг табаррук отахонларидан бири бўлган Маматқул бобонинг хонадонида яхши ния билан тўпланишиб ўтирибмиз. Биласизлар, Маматқул бобо билан Эргаш бобо худо қўшган қуда бўлишаяптилар. Маматқул бобонинг ўғли Шамсиддинжон Эргаш бобонинг қизи Ойсарахонга уйланаяпти. Демак, биз тўй олди маслаҳатига йиғилишганмиз. Биласизлар, бугун-эрта пахта терими кампанияси бошланай деб турибди. Далада иш қизғин. Тўйга кундуз куни рухсат йўқ. Шунинг учун мана ҳатто маслаҳатниям кечаси ўтказаяпмиз. Демак, бугун 2 сентябрь, жума. Эртага, 3 сентябрь — шанба кечқурун Эргаш бобонинг уйида қиз узатиш тўйи бўлади. Индинига, якшанба — 4 сентябрь куни кечки соат тўққизда Маматқул бобонинг хонадонида, яъни мана шу жойда ёшларнинг никоҳ тўйи ўтади, худо хоҳласа... Яна яхши биласизларки, ҳар қандай тўй-маъраканинг яхши ўтиши ўша ерда хизмат қилаётган азаматларга боғлиқ. Шундай экан, келинглар, тўйнинг барча хизматини маслаҳатлашиб, бўлишиб олайлик!.. Аввало тўйнинг тартибли ўтиши учун, унинг раисини белгилаб олишимиз керак. Хўп десанглар, — оқсоқол қўлидаги дафтарига бир қараб олди, — менда бир таклиф бор. Ҳар доимгидек бу тўйгаям совхўзи-миз директори Жалил Халиловични раисликка белгилаб олсак девдим. Шунга нима дейсизлар?

Даврадагилардан кимдир ўтирган жойида луқма ташлади:

— У кишининг ўзлари йўқ-ку?

Яна кимдир қўққисдан:

— Ўтган ҳафта Лочин тракторчининг тўйигаям директор бобо раис эдилар. Раислик кишиш тугул, ақалли тўйигаям бормадилар-у, — деб қолди.

Четроқда ўтирган ёшлардан бири:

— Шу ялтоқиликдан қачон кутуламиз ўзи, Бозорбой ота, — деди масхаромуз илжайиб.

— Ҳай, ҳай, ундоқ деманглар-ов, уят бўлади-я. Директор бобонинг ишлари кўп-да. Бўлмаса, у кишиям тўйни яхши кўрадилар. Елкасидаги юки оғир бўлгани учун нима қилсин, бечора. Иннанкейин директор бобомиз Маматқул бобо билан анча йил бирга ишлашган, ахир. Бунисиниям унуманглар.

Супада ўтирган чоллардан бири гапга аралашди:

— Майли, Бозорбой ука, сазангиз ўлмасин. Директор бобо тўйга фахрий раис бўла қолсин. Сиз ўзингиз эса унинг ёрдамчиси бўлиб ишни зиммангизга олинг-қўйинг-да, нима қиласиз гапни оч ичакдек чўзавериб.

Ўтирганлар ёппасига «Маъқул гап... Бу бошқа гап» деб қўйишиди. Иzza бўлишига бир баҳа қолган Бозорбой ота дарҳол ташаббусни қўлига олиб, гапни келган жойидан давом эттириди:

— Сулаймон бобонинг гапи гап! Такрорлаб ўтирамайман. Жим!.. Эшитинглар, энди гап бундай. Буёгини овозга қўйиш шарт эмас, деб ўйлайман. Диққат қилинглар. Ўқийман. Тўйда ким нима иш қилишини билиб олишимиз керак. Демак бошладим: омбор мудири Нажмиддин бўлади, хазиначи — Нуриддин, ошпаз — Бўрибой, ёрдамчиси Эшқул, қассоб — Нурали, чойхоначи — Кўзибой кўёв, дарвазабон — Қурдатилла, ГАИ, яъни автоқоровул — Ҳусанбой... Тўйда ўзимизнинг Бердиёр Келдиёров бошчилигидаги артистлар хизмат қиласи. Артистларни обкелишни, тўйда чой-пойига қараб туришни, тўйдан сўнг эса яна уйларига элтиб қўйишини Ҳасан шопирга топширамиз, тузукми. Давра мана шу ҳовлидаги анави жўхорипояда бўлади. Жойни ҳозирлашни Шамсиддиннинг жўралари зиммаларига оли шди. Демак, энди тўйхабар масаласига ўтсак ҳам бўлади. Узоққа хабарлар берилган. Таклифномалар жўнатилган. Фақат ўзимизнинг Чорбоғчи маҳалласига, Баландте-

па ҳамда Шўртепа қишлоқларига биттадан ҳабарчи қўйинши миз керак. Талабгорлар бўлса, қўл кўтарсин. Демак, Отабек Чорбоғчига, Олимбек Баланд тепага, Зиёдбек Шўртепага ҳабарчи. Маъқулми?.. Э, раҳмат...

Бозорбой оқсоқол супада ўтирган чолларнинг ёши улугига юзланди:

— Қани, Саксонбой ака, тўйимизнинг яхши ўтиши учун ўзингиз бир яхшилаб дуо беринг-чи.

Супанинг тўрида савлат тўкиб ўтирган саксон-саксон беш ёшлардаги оқ саллали, оппоқ яктакли ва оппоқ узун соқолли нуроний чол — Саксонбой бобо:

— Илоҳи омин! — дея дуога қўл очди: — Элу юртимиз омон бўлсин, жамики инсоннинг йиққан-тергани тўйларига ва яхши кунларига буюрсин, не-не орзу-умидлар билан фарзандларини уйлантиришаётган Маматқул бобо билан Рисолат бувилар ва қаинатдан-қанча орзу-ҳавас билан қизларини турмушга чиқаришаётган Эргаш бобо билан Матлуба бувилар ҳар доим багиналарининг дуосида бўлишсин, роҳатларини кўришсин, қудалар бир-бирларига ниҳоятда меҳр-оқибатли бўлишсин, оила қуришаётган ўғлимиз Шамсиддин билан келинимиз Ойсараҳонларнинг эртанги тўйлари яхши ўтсин, ҳамиша аҳил-тотув турмуш қуришсин, бир-бирига бир умр меҳр-муҳаббатли бўлишсин, серфарзанд, сердавлат бўлишсин, қўшгандари билан қўша қарищсин, ували-жували бўлишсин!.. Ҳаммамизни ҳамиша яратган зғамининг ўзи сув балосидан, ўт балосидан, туҳмат-у ноҳақидан, бемазғил ўлимдан; ҳавф-хатардан, бало-қазодан оғаткулфатдан, ёмон кўздан ва ёмон сўздан асрасин. О-омин, оллоҳу акбар!..

Фотиҳадан сўнг дастурхонга иссиқ патир билан қайноқ нўхат шўрва тортилди. Гурунг қизиди.

Одамлар маслаҳатдан уйларига қайтишаётгандаридан тун ярим бўлган, жўжалироздар бир ухлаб туриб, узун-ҳисқа қичқиришни бошлаб юборган эди.

Бозорбой оқсоқол — раҳбарларга бирозгина хушомадгўйлигини айтмаса — элнинг тўй-маъракасини ўтказишида

суюги йўқ одам. Уйига қарамасаям, маҳалладошларининг мавлуд-маъракаси, тўю-томушаси деса ўзини томдан ташлайди. Каттаман деб керилиб, манманликка берилиб ўтирамайди. Худди ёш йигитдек югуриб, елади. Тиниб-тинчимайди. Ўчоғидан кириб чўмичидан чиқади.

Бозорбой оқсоқол 2 сентябрда маслаҳатни ўтказиб, 3 сентябрда Эргаш бобонинг тўйида хизматда бўлди. Ярим кечада уйига ҳориб-толиб келиб ётган бўлса-да, буни ҳеч кимга, ҳатто хотинигаям билдиргиси келмади. 4 сентябр куни эрталаб ўрнидан тура солиб кампираига, бугун кун бўйи Маматқул бобонинг тўйида бўлишини айтди-да, тўйхонага жўнади.

Дарвозадан кириши билан оқсоқол ҳавоза остидаги супада тўрт-бешта қариндошлари билан ҳангомалашиб ўтиришган тўй эгалари Маматқул бобо билан Рисолат бувини, эшик олдидаги узун темир стуллардан бирида беш-олтита жўраси билан ўроқ зевовлаётган Шамсиддинни табриклади, атаб олган тўёнасини берди.

Йигитларнинг ишга шайланишаётганларини кўриб, ўзининг ҳам авжи келдими, Бозорбой оқсоқол:

— Қани, азаматлар, ишга! — дей ўроқ ушлаган йигитларни жўхорипояга бошлади.

Оқсоқол одам ғайратланиб турганда, йигитлар бўш келишармиди. Ана-мана дегунча олти сотих ердаги маккажӯхори пояси ўрилиб, жойи текисланди. Супуриб-сирилиб, яхшигина майдонга айлантирилди.

Кечаси келтирилган узун темир стол-стуллар Бозорбой оқсоқолнинг кўрсатмаси билан «П» шаклида жойлаштириб қўйилди.

Кўшниларнинг уйларидан бўлсаям, битта-иккитадан гилам олдирилиб, стол-стуллар атрофидаги пахса деворларга қоқилди.

Кўрксизгина бўлиб турган ҳовли уч-тўрт соат ичидагашамдор бўлди-қолди.

Шомга яқин Бозорбой оқсоқол келин олиб келишга борадиганларни чоллар гурунглашиб ўтирган ҳавоза остидаги супа теварагига йиғди.

Шамсиддиннинг аммаси чаққонлик билан ҳозиргина ту-  
гилган каттагина тугунни келтириб қўйди.

Бозорбой оқсоқол тугунга яқин борди-да, Шамсиддин-  
ни ёнига чақирди. Сўнг оқсоқол чолларга юзланди:

— Сизларнинг борларингга шукур! Сизлар бор, кўнгли-  
миз тинч!. Умр дегани тезоб дарё экан. Кечагина тол хи-  
вични от қилиб миниб, кўча чангитиб юрган жажжигина  
Шамсибой ҳам мана бутун балофатга етиб уйланай деб ту-  
рибди. Бугун Шамсиддинжон учун унутилмас кун. У бугун  
куёвлик либосини кийиб оила қуради. Катта ҳаёт йўлига  
дадил қадам ташлайди. Шундай ҳаяжонли дамларда ёшлар-  
нинг кексалардан дуо олиши ҳам катта бир баҳтдир. Шу-  
нинг учун келинг, Саксонбой aka Шамсиддинжонга қуда-  
лар томонидан юборилган қутлуғ куёвлик сарпосини кий-  
дириб, ўзингиз бир дуо беринг энди.

Шу сўзларни айтгач, оқсоқол жўшқин бир кайфиятда  
университетга кириш имтиҳонини топширишга шайланан-  
ётган абитуриентдек ёнида қизариб-бўзариб турган Шам-  
сиддиннинг елкасига қоқиб қўйди.

Саксонбой бобо гиламга ўтди. Бозорбой оқсоқол тугун-  
ни счиб, ундаги кийимларни Саксонбой бобога узатиб тур-  
ди. Бобо «Бисмиллоҳир раҳмонир раҳим!» дея Шамсиддин-  
нинг устига оқ шойи кўйлак, жигарранг костюм-шим, беқа-  
сам чопон, оёғига қора туфли кийдириб, бўйнига тилларанг  
бўйинбое тақиб, белига Ойсара келин ўз қўллари билан тик-  
кан четлари зар мунчоқли белбоғини боғлади. Бошига чуст  
дўппи кийдириб, заррин салла ўраркан, бир зумда шаҳзо-  
дага айланиб қолган Шамсиддиннинг пешонасидан ўпиб:

— Бобонгдан табаррук, — деди-да, йигитнинг қўйнига  
иккита беш сўмлик суқиб қўйди.

Куёвлик либослари Шамсиддинга шунақаям ярашиб қад-  
ди-қоматини, бўй-бастини янада очиб юборган эдики, уни  
кузатиб турганларнинг кўпи беихтиёр кўз тегмасин деган-  
дай «туф-туф!» деб қўйишиди.

Саксонбой бобо меҳнатда қотган чайир қўлларини ёзганча:

— Шамсиддинжон, келин билан қўша қаринглар! Бир  
умр баҳтли-саодатли бўлинглар!.. Куёвлик сарупонг мубо-

рак бўлсин! Ўзларингдан кўпайишиб, ҳаётда ўз ўринларингни топиб юринглар! Омин, оллоҳу акбар! — дея дуо берди.

Атрофдагилар гуриллаб омин қилишди.

Кўзларида севинч ёшлари порлаб, ўзларини зўрға тутиб туришган Рисолат буви билан Маматқул бобо шу заҳотиёқ бирин-кетин Шамсиддинни бағирларига босишиб, юз-кўзларидан ўпишди, унинг устидан ҳар хил ширинлик ва танга пуллар сочишди. Шундан сўнг навбат қариндошур угларига ўтди-ю, Шамсиддиннинг қўйни-қўнжи совғасаломга, пулга тўлиб кетди.

Бозорбой оқсоқол тўй эгаларининг илтимосига кўра Саксонбой бобонинг эгнига тўн ёпгач, ўзини кутиб турган йигитларга ўгирилди:

— Энди гап бундай, азаматлар. Ҳозир қудаларникига борамиз. Ораям узоқ эмас. Бор-йўғи бир километрча йўл. Келиннинг сепи учун бортовой машина бирон соатдан кейин боради. — Оқсоқол атрофга аланглади: — Артистлар шу ердами? Ҳа, сизлар менга қаранглар. Гапнинг зўри сизларда! Яқинлашганда, келишганимиздай, «Хуй бале»ни бошлаворасизлар. Бизлар кўшилишиб турамиз. Сафнинг олдида сизлар юрасизлар. Изларингиздан маъпъала кўтаришган йигитлар боришади. Улардан бироз орқада Шамсиддинни ўргага олиб бизлар юрамиз, келипдиоми? Қани, йигитлар, бўлмаса, ҳар ким ўз жойини эгалласин!.. Ҳой, болажонлар, сизлар четта ўтинглар. Катталарга йўл беринглар... Қани, Бердиёржон, енгил, шўх музика билан олга!..

Сафга тизилишганлар ҳазил-ҳузил қилишиб, ҳовлидан чиқишаётганларида, уларнинг изидан бир қоп гуручни қайта-қайта ювив оқлаётган ошпазлар, узун темир стулларга кўрпачалар тўшаётган болалар, столларга дастурхон тузашётган аёллар, самоварларга пешма-пеш ўтин қалаштираётган чойхоначилар, ҳавоза остидаги катта супада гурунглашаётган оқсоқоллар, ҳовли саҳнидаги ёғоч каравотда чақчақлашиб ўтиришган момолар, тарвақайлаб ўсган ўрик дарахтининг кесилган шоҳларига ортки оёғидан илиб қўйилган қўйларнинг терисини шилаётган қассоблар, йўлнинг нариги четидаги катта ариқдан чөлаклаб сув ташиётган қизлар ҳавасланиб қараб қолишди.

Келиннинг уйига етишга юз қадамлар қолганида ёқилган машъала қоронгилашаётган йўлни ёритиб юборди. Созандаларнинг шўх ва жарангдор овози кўкни тутди. Мусиқа оҳанглари сал пасайиши билан Бердиёр мақомига етказиб «Ҳуй бале»ни бошлади. Қолганлар унга «Ҳуй бале!» деган жойида, жўр бўлиб турдилар:

Ярашадир қўшиқ айтсак,  
Борган сайин жўшиб айтсак.  
Ҳуй бале!.. Ҳуй бале!..  
Жўр бўлинглар, жўражонлар,  
Улуғ баҳтдир ушбу онлар.  
Ҳуй бале!.. Ҳуй бале!..  
Ўйламанглар алланелар,  
Қувнаб, яйраб куёв келар.  
Ҳуй бале!.. Ҳуй бале!..  
Дўстлар, келинг, рақсга тушинг,  
Шу ёшларнинг баҳти учун.  
Ҳуй бале!.. Ҳуй бале!..  
Ҳар бир гўша гулга тўлсин,  
Келин-куёв баҳтли бўлсин.  
Ҳуй бале!.. Ҳуй бале!..

Мусиқа садоларининг қалбларни жунбушга келтирувчи сеҳрли овози кечки салқинда ҳамма ёқни тутиб кетган ва янгалари ҳамда дугоналари қуршовида бир ҳуснига ўн ҳусн қўшилиб, куёв томонидан юборилган келинлик либосларига тўлиб-тошиб буркангаётган, ўзи шундоқ ҳам ойдек сулув бўлган Ойсаранинг сергак қулоқларига аллақачон етиб борган эди. Оҳангдор товушлар яқинлашгани сайин, Ойсаранинг қалби ҳам тобора кучлироқ ҳаприқарди.

Шу билан бирга унинг юрагида аёлларга хос аллақандай қўрқув ҳам бор эди. Дугоналари «Куёв келди!.. Куёв келди!..» деб бақир-чақир қилишганларида вужуди бир қалқиб тушган Ойсара айборона қиёфада кулимсираб қўйди.

Мусиқа оҳангларига мос рақсга тушаётган қиз-келинчаклар, ёш болалар ва жўралари изидан бироз ийманиб кириб келаётган Шамсиддиннинг севинчи билан олам эди. Айни пай-

тда у негадир шу онда туш күраёттандек ўзигаям, күзигаям ишонгиси келмасди. Зеро, йигит юрагининг аллақаерида пинҳон дард алланима деб шивирлаёттандек бўлаверарди.

Авжга чиққан ўйин-кулги ярим соатларда ниҳоясига етгандай бўлди. Мезбонлар меҳмонларни кутиб олишга, кайвонилар урф-одатлару ирим-сириларни бажаришга киришиб кетишиди. Бу ишлар ҳам узоқча чўзилмади.

Бозорбой оқсоқол қудаларни пиёда олиб кетишини ноқулай деб ўйладими, кеча келин билан куёвни ЗАГСга олиб борган машиналардан биринчисига келин билан куёвни, иккинчисига қудаларни, учинчисига келиннинг дугонасию янгаларини ўтказди. Шундан кейин тўртинчи машинага оқсоқолнинг ўзи билан санъаткорлар жойлашишиди. Қолганлар пиёда қайтишиди.

Уларнинг изидан «Газ-53» автомашинасига келиннинг сепларини ортиб келинди.

Одатга кўра, «Келин салом» билан бошланган ва қўшиқлару раҳсларга, табрик сўзларию совға топширишларга улашиб кетган тўй куёв хонадонида ярим оқшомгача давом этди.

### **«...Болажоним»**

Олов теккан новдадек қовжираб қолган Гулсара бир ой деганда зўрға ўзига келгандек бўлди. Бу орада уни кўргани Нормўмин акаси уч марта келиб кетди. Насиба-ку, кунда шу ерда ҳисоби.

Бугун эрталаб акаси яна ҳориб-толиб, автобусда ўтиргани жой йўқлиги боис беш юз километр йўлни тик оёқда ўтказиб келганида Гулсара: «Мениям уйга олиб кетинг», деб ялиниб туриб олди.

Нормўмин синглисининг кўнглига қараб «Хўп» деди-да, пайт топиб даволовчи врачнинг қабулига кирди.

Ҳар доим совға-салом билан келиб тургани учун узун-чақ юзли, қирра бурунли, қўнғиз мўйловли, юзлари оқ-сариқ рангли, ёши элликларни қоралаган врач Шермат Тошматович бу сафар ҳам Нормўминни эски қадрдонлардек мулозамат билан кутиб олди.

— Хўш, хизмат, ука. Қулоғим сизда.

— Хизмат йўқ, дўхтирижон ака, илтимосим бор, — деди гаплашавериб врачнинг феъл-атворига анча тушуниб қолган Нормўмин бирдан мақсадга ўтиб. — Синглим анча тузалиб қопти. Бунинг учун сизга катта раҳмат!.. Фидойи хизматингиз учун оз бўлса-да кўп ўрнида кўрарсиз, деб озгина совға олиб келувдим. — Нормўмин қўйин чўнтағидан қофозга ўралган бир пачка пулни олиб врачнинг ҳалати чўнтағига солиб қўйди. — Энди рухсат берсангиз синглимни олиб кетсам, девдим. Ўзиям жуда зерикканга ўхшайди. Шунга олдингизга бирров кирувдим.

Врач доимгидан ҳам бошқача бийронлашиб кетди:

— Донишларнинг айтишларича, қиммат беҳикмат эмас, арzon беиллат. Яна билишимча, буям ақдли одамларнинг гапи, баҳтнинг бешта илдизи бўлар экан. Шундан биринчи илдизи яхшилик бўлса, иккинчиси — меҳр, учинчиси — садоқат, тўртинчиси — оқибат, бешинчиси — саломатлик экан. Билдингизми, ука!.. Бундоқ ўйлаб қараганда, инсон учун соғ... «Дан азиз, соғлиқдан қиммат нима бор ўзи?! Бизнинг эса ишимиз шу: беморларни оёқча турғазиб, туқсантуғишишларини хурсанд қилиш! Шунинг учун эрта-ю кеч жонимизни жабборга бериб юрибмиз-да, ука, савоб оламизми деб!..

Синглингиз тузалишга-тузалди-ку, бироқ бу хил касалликларнинг асорати қолса қўзувчан бўлади. Баҳорги замбуруғдек ўйламаган пайтда, ўйламаган жойда қўзиб қолиши мумкин. Шундан жуда эҳтиёт бўлиш керак.

Шунинг учун ҳар эҳтимолга қарши уч-тўрт ой ёки бирон йил уни қаттиқ хафа қилмайсизлар. Нима десаям кўнглига қарайсизлар. Бўлмаса, яна шу ҳолатига тушиб қолиши ҳеч гапмас!

Нормўминнинг вужуди титраб кетди, сабаби бугуноқ у синглисини сўроқча тутмоқчи эди. «Наҳотки синглим шунчалик оғир дардга чалинган бўлса?! Унинг сандирақлаб айтган ўша маза-бемаза гапларининг тагига қачон етамиз ўзи?! Даҳаҳтнинг учи бекорга қимиirlамаса керак. Насиба дугонасиям сир бой бермайди. Бу ерда чигал бир

гап борга ўхшайди. Ўшандада отам билан онам ҳам бекорга шубҳаланмаган-ов менимча.

Ишқилиб, охири баҳайр бўлсин-да!..»

Шермат Тошматович ҳам Гулсаранинг хаёл-бехаёл «Боламни топиб беринглар!..» деганини бир-икки марта эшигган, лекин бу ердаги беморларнинг аксарияти шунга ўхшаш ҳар хил бўлар-бўлмас гап-сўзларни бемалол айтиб юришларини ўйлаб, унга деярли аҳамият бермаган эди.

Нормўминнинг туйқус чуқур ўйга толиб қолганини кўрган врач унинг кўнглини кўтаришга уринди:

— Иродасиз одам озгина машаққатгаям бардош бера олмай довдираб қолади. Сиз эса иродали бўлинг, ўзингизни тутинг, ука. Тузалмайдиган бемор, сув оқмайдиган анҳор бўлмайди, ука. Фақат шуни билингки, бундай дардга йўлиқ-қан одамлар кўп ҳолларда кимга нима деб қўйганини ўзлариям билишавермайди. Ҳали кўрасиз, бутунлай тузалганидан кейин юрагидаги бор гапни ўзиёқ сизларга айтиб бера-ди. Бироқ унга анча вақт керак.

Бу гапларни эшигтан Нормўминнинг кўнгли сал жойига тушгандай бўлди.

— Айтганингиз келсин, дўхтиржон aka!.. Ишқилиб, ҳеч нарса кўрмагандек соғайиб кетсин-да шу муштипаргина сингилжоним, — деди Нормўмин хайрлашиш учун қадоқ қўлларини врачга чўзаркан. — Майли, акажон, омон бўлинг.

Нормўмин синглиси билан шоҳбекатга етиб келганида улар кетмоқчи бўлган «Тошкент – Бухоро» автобусига чипта сотишаштаган экан. Нормўмин қўлидаги қора сумкасини Гулсаранинг қўлига тутқазди-да, навбатга турди.

Нормўмин чипталарини олиб, синглисининг ёнига борганида автобуснинг жўнашига ҳали йигирма дақиқача вақт бор эди. Нормўмин Гулсарани овқатланишга кўндиригач шоҳбекат олдидаги ошхонага ўтишди.

Улар тамадди қилиб келишганларида мотори гувиллаб турган автобус жўнашга шай эди. Нормўмин синглиси билан ўринларига ўтиришлари билан автобус силкина-силкина катта йўлга чиқиб олди.

Нормўмин кечадан бери йўл юриб анча толикқани боис дарров уйқуга кетди.

Кўзларини бир нуқтага тикиб кетаётган Гулсара эса шу пайтгача ўзининг бошидан кечирғанларини тўлиқ эслашга ҳаракат қиласар, лекин бунинг уддасидан чиқа олмай, асабийлашиб муштларини тугар, нимадандир ғижиниб қўярди.

Унинг хотирасида бори: Шамсиддин билан юргани, туғруқхонага боргани, туқсан боласини қаергадир ташлаб кетгани... Бошқа ҳеч нарсани эслай олмасди.

Охирги имтиҳонини зўрға топшириб ётиб қолганиният, касалхонага дугонасининг ёрдамида келганиният, ундан кейинги воқеаларният чала-чулпа кўрган тушдай ғира-шира хотирларди.

Бунинг устига йўловчиларнинг ғала-ғовури, автобус моторининг ғувиллаган овози ҳам асабига тегди: қулоқлари битиб, бошига оғриқ кирди. Оғриқда бардоши етмай ёнидаги сумкасини титкилаб, икки дона уйқу дорисини топиб олди-да, ҳаялламай оғзига солди. Ўн дақиқа ўтар-ўтмас Гулсара акасининг елкасига бошини қўйганича ухлаб қолди.

Автобус Кармана бекатига келгандагина Нормўмин кўзларини очди. Елкасига суюниб ухлаётган синглисисининг ширин уйқусини бузгиси келмагани учун қимиirlамай ўтираверди.

Автобус қишлоққа борадиган тош йўлга якинлашганда-гина Нормўмин синглисисини секин туртиб ўйғотди:

— Келдик...

Гулсаранинг кўзлари очилса-да, қалби ҳамон ухлаётгандай ҳолатда эди.

У автобусдан тушишга ҳозирланавётган акасига ҳам, атрофида гангур-гунгур гаплашиб ўтиришган йўловчиларга ҳам бефарқ боққанча, чуқур ўйга толганди. Зум ўтмай автобус «Фийқ» этиб тўхтади.

Ўзларининг қишлоғига борадиган ўйдим-чуқур тош йўлга чиққанларидагина Гулсаранинг хаёли жойига келгандай бўлди. Бу вақтда қуёш эринибгина ётоғига бош қўймоқда, дарахтларнинг соялари чўзилгандан-чўзилган, даладан қайтаётган болалар қўй-қўзи ва сигир-бузоқларини олдиларига солиб ҳайдаб келишмоқда эди.

Йўл четидаги таниш манзаралар: шохлари ҳар йили кесилавериб мушти тугилган одамнинг қўлидай тўмтайиб, фўласифат бўлиб қолган узун-қисқа, йўғон-ингичка тутлар; мевалари пишиб, тўкилиб ётган хурмо ва олма дараҳтлари; уфқларга туташган пахта далалари; қамишзорга айланиб кетганидан ичидаги суви кўринмай қолган зовур; юқори-роқдаги майдонда бўлим идораси ва саккиз йиллик мактаб биноси; теварак-атрофида пала-партиш солинган пахсали лойсувоқ уйлар... Ҳамма-ҳаммаси ўша-ўша, ҳечам ўзгариши йўқдек.

Акасининг изидан теварак-атрофга кўз ташлаб бораётган Гулсарапининг ёдига ногоҳ шу ерларда ўтган ўзининг болалиги тушиб кетди: дугоналари билан келиб шўрхок ерларда сигир боқсанлари, синфдошлари билан ана шу дала-ларда пахта терганлари, ҳув аваби пастқам тепалик этагидаги полиздан қовун ўғирлаб еганлари, қоровул чол қувганида қочамиз деб қамишзорли зовурга тушиб кетганлари, балиқ деб зовурдан илон ушлаганлари, илондан қўрқиб бақириб-чақирганлари... Бу хотиралардан завқланиб кетган Гулсара беихтиёр қиқирлаб кулиб юборди.

Синглисининг кутилмаган бу қилиғидан Нормўминнинг юраги бирдан «шув» этиб кетди. У тўхтаб, Гулсарага хавотирланиб қаради:

— Ўзингдан-ўзинг нимага куласан? Бирорта кулгули нарсани кўриб қолдингми?

— Кулмай бўладими, ака, — деди Гулсара ҳамон ўзини кулгидан тутата олмай, — болалигимизда шу жойларда дугоналарим билан қанчадан-қанча қилган шўхликларимиз тўсатдан эсимга тушиб кетса нима қиласай?

Бу гапни эшишиб кўнгли бироз жойига тушган Нормўмин:

— Ҳа, синглим, — деб қўйди. — Нимасини айтасан. Болалик жуда ажойиб давр. Афсуски, энди у давр қайтиб келмайди-да.

— Шунинг учун ҳам эслаётгандирман-да...

Мулойимгина оҳангда гапириб бораётган Гулсара тўсатдан қаршисидан келаётган 10-11 ёшлардаги, шу ёшига яраш-

маган ҳолда чақалоқ күтариб олган сариқ күйлакли қизчани күриб анграйиб туриб қолди.

Қизча оқ йүргакка ўралган иккى ёшлар чамасидаги ука-  
часини бағрига босганича «Ов-ов»лаб, уни йиғидан тұхта-  
тишга тинмай ҳаракат қылар, бола эса аксига олиб баттар  
чинқиради.

Шунда қизча чақалоқни овунтиromoқ қасдиде баланд  
овозда қүшиқ айта бошлади:

У-ка-жо-ним Ме-ҳр-жон,  
Йиғ-ла-ма-гин ҳеч қачон!..  
Хо-зир се-ни о-йим-га,  
Ет-ка-за-ман, Ме-ҳр-жон...

Қизча ашуласини айта-айта ёнидан ўтаётганида Гулса-  
ра чидаб туролмади. У сувга талпинган чанқоқ одамдек жон  
ҳолатда қизчанинг қўлидаги болага ёпишди. Қўрқиб кет-  
ган қизчанинг додлаб юборишига сал қолди:

— Н-ни-ма қилаяпсиз, опа? Қўлингизни тортинг. Бу ме-  
нинг укачам! Беринг деяпман сизга!..

Бироз олдинроққа ўтиб кетган Нормүмин то ортга қай-  
тиб келгүнича Гулсара қўлига олишга улгурган чақалоқнинг  
юз-кўзларини ютоқиб-чўпиллатиб ўпаётган эди.

Нормүмин ваҳимага тушиб йиғлаётган қизчага юзлан-  
ди:

- Қўрқма, қизим. Укачант йиғлагани учун юпатай деб  
олди-да. Ҳозир беради. Исминг ким, қизим?
- Латофат.
- Кимнинг қизисан?
- Шодивой аканинг.
- Ҳа, танийман. Уйларинг қаерда эди?
- Оқтепада.
- Ҳа, яқин экан-ку. Қаёқдан келаяпсан кеч бўлганда?
- Эшпўлат бобоникидан.
- Укангни күтариб тўйга келгандингми?
- Ҳа.
- Қўрқмайсанми?

— Йўқ! Укачам бор-ку. Нимадан қўрқаман?  
— Шунаقا де, довюрак қизим.  
— Амаки, опачага айтинг, Мәҳриддинни берсин. Кеч қолаяпмиз. Ойим билан дадам хавотирланадилар. Бунинг устига укачамнинг қорни очди. Йиғлаб кўнмаяпти.

Нормўмин Гулсарага ўгирилиб:

— Укачасини опажонинга бер, — деди.  
Бироқ Гулсара «ҳозир» деб қўйган бўлса-да, нимагадир ҳечам бергиси келмаётгани кўриниб турарди.

Бола йигисини бироз тўхтатди, шундай бўлсаям хархасини давом эттириди. Шунда қизалоқ чидаб туролмади:

— Укачамни бера қолинг, — деди йиғламсираб чақалоқча ёпишаркан. — Барибир сиз уни юпатолмайсиз. Уни фақат ойижонимгина кўндирадилар.

Гулсара болани акасининг қистови билан зўрға бағридан бўшатаркан, ўзиям сезмаган ҳолда «Мәҳриддинжон, болажоним...» деб шивирлаб қўйди. Бола билан қўшилиб қалбиям суғурилиб кетгандай жувоннинг кўзларида «Филт-филт» ёш пайдо бўлди. Аммо буни ака пайқамади.

Зеро Гулсаранинг «Мәҳриддинжон, болажоним» дегани сал қулогига чалиниб қолган Нормўминнинг кўнглига ғулғула тушганди.

Қалби ўртаниб бораётган Гулсара эса укачасини маҳкам босганча пилдираб кетаётган қизчанинг ортидан мўлтираб қараб қолди.

### Ошкор бўлган сир

Ҳалима холага иш топилди-қолди: Гулсара ётсаям-турсаям, қаттиқроқ кулиб, қаттиқроқ йўталсаям хавотири ошиб, қизининг атрофига парвона бўлади. Кўчага чиқаргиси, кўзидан олислатгиси келмайди. Кўнглига қарайди.

Айниқса Нормўминнинг овлоқроқда минг истиҳола или айтган дудмоллари онани қаттиқ эсанкиратиб қўйган зди. Ҳалима хола ўйлаб ўйига етолмайди: «Ўзи турмушга чиқмаган қиз бўлса-ю, «Боламни топиб беринглар», дегани нимаси? Ё қизи тушмагур биронта ёмон йигит би-

лан юриб қўйдимикин? Ҳов у сафар юзларига дод-дуғ тушиб келганиям бекорга эмас экан-да. Ундоқ бўлса нега Санобар дўхтири бу тўғрисида менга ҳеч нима демади? Аксига олиб, уям уч ойлик ўқишга кетибди. Бошим қотиб қолди. Бу гапни бирорга айтиб бўлмаса. Бошимизда ҳали не кўргиликлар бор, худо билади. Нима қилсам экан?..»

Орадан уч ҳафталар чамаси вақт ўтибгина Гулсаранинг юзига қон югурди. Юриш-туришиям ўзгарди. Тажанглиги, арзимаган нарсагаям жиғибийрон бўлавериши йўқолиб, анча босиқ ва жиддий бўлиб қолди. Уйдагилар билан ширин муомала қиласидиган, ҳар бир сўзини ўйлаб гапирадиган, дугоналари билан гурунглайшадиган, ўйдаги супир-сиdir ва қозон-товоқ ишларига аралашадиган бўлди. Буларни кўриб Ҳалима холанинг юзи ёришиди, енгил нафас олди, қизиниям қадам-бақадам кузатмай қўйди. Чолининг «Чорток» санаториясига кетганиям бир томондан яхши бўлди. Ота қизининг боласини сўроқлаб айтган гаплари ҳақида эшитганида қон босими ошиб, мазаси қочиб қолармиди? Энди Ҳалима хола қўрқмайди. Қизи тузалиб қолди. Чоли келса келаверсин. Лекин бир муаммо ҳамон онанинг юрагини тирнайди. Аслида нима бўлган? Нормўминиям пайт топди дегунча онасига шуни аниқлаш лозимлигини шипшитиб қўядиган бўлиб қолган.

Ҳалима хола кечаси билан дилгир аҳволда ухлай олмай чиқиб, охири шундай фикрга келди: ўғли билан келини ишга, неваралари ўқишга кетгач дарвозани ичкаридан қулфлаб олади-да, Гулсара билан ёлғиз ўзи би-ир бафуржга дардлашиб олади. Шундай қилса, қизи ҳам қисинмай юрагидаги бор дардини айтади, ҳам ёмон касали қайта хуруж қилмайди. Акс ҳолда ҳаммаси аралаш-қуралаш бўлиб кетади. Ахир, бўйи етиб турган қиз бўлса. Қишлоқ кичкина, ҳамма бирбирининг уйида нима бўлаётганидан боҳабар...

Ҳалима хола соат тўққизларга борганда режасини амалга оширишга киришди. Кўкда куз офтоби чараклаб турарди. Она дарвозани ичкарисидан илдиргач, ошхонада ивирсив юрган қизини чақирди:

— Юр, қизим, бироз дам олайлик.

Ҳалима хола ичкариги хонага ўтди, онанинг изидан Гулсара кирди.

— Қизим, — деди Ҳалима хола қизи тахмондан олиб тўшаган қизил баҳмал кўрпачага ўтиргач, — шукур, анча тузалиб, ўзингга келиб қолдинг. Билсанг, қизим, ҳаётнинг йўли бир хил эмас: гоҳо чаманзор бўлса, гоҳо чангальзор. Буни ҳаёт дейдилар! Девордан бир фишт кўчса, унинг ёнидагилари ҳам қимирилаб қолади. Сезаяпсанми-йўқми, сен касал бўлгандан бери тинчимиз йўқолган. Энди қандайсан, бошингнинг оғригани бироз босилдими? Қизим, билсанг, ота-она фарзандининг товонига кирган тиканни кўзимизга кирсин деб юради. Бор гапни мендан яширма, қизим. Бу касалга қачон, қандай қилиб йўлиқдинг ўзи? Отанг билан бизнинг авлодимиизда бунаقا касаллик йўқ эди. Ўша келиб кетганингдаям биб-бинойи эдинг-ку. Санобар дўхтирам айтиарли ҳеч нима демаган эди. Эшитимча, бу касалга ановманов одаммас, фақат қаттиқ қўрққан, ҳаддан зиёд кўп ўйланив, азоб чеккан одамларгина йўлиқар экан... Қизим, сен нимадан қаттиқ қўрқдинг-у, сени ким бунчалик ўйлашга, қийналишга мажбур қилди? Ўйлаб ўйимга етолмайман. Хўп, десант ҳозир, ҳеч ким йўғида гаплашиб олайлик.

Онаси бу гапларни жуда эҳтиёткорлик билан айтаётган бўлса-да, Гулсара бирдан довдираб қолди.

Софайиб ўзига келгандан бери дилини ўртаётган нарсам аслида шу эди. Дардини узоқ вақт пинҳона сақлаб яшай олмаслигини, ёниглиқ қозон ёниглигича абадий қолиб кетмаслигини, барибир бир куни бўлмаса, бир куни қылган қилғиларининг ошкора бўлишини сезиб, сезган сайин ўзини-ўзи шунга беихтиёр тайёрлаб келаёттанига қарамай, айни пайтда аввал ҳиқиллаб, кейин ўкраб йиглаб юборди.

Буни кўрган онанинг қалбига ўткир тиф санчилгандай бўлди. Ҳалима хола ранглари униққан қизғиши палос устида кўкракларини муштлаб фарёд чекаётган қизининг олдига қандай учиб борганини ўзиям сезмай қолди. Ҳалима хола касали тағин хуруж қилиб қолмасин, деган ваҳимада Гулсарани юпатишга астойдил уринди:

— Қўй, йиглама, ўзингни бос, қизим. Йиги ҳеч нарсани ҳал қилмайди. Ундан кўра ўзингни қийнаётган дардингни айт менга. Сенинг бирдан-бир сирдошинг мен-ку, қизим. Менга айтмаганингда, кимга айтасан? Дардингни олай, она қизим! Эгилишни билганнинг тикланиши осон бўлади дейишади. Ҳаёт доимо кемтик. Бири кам дунё бу! Ҳасратнинг товуши кўздан чиқармиш. Кўраяпман. Тушунгандай ҳам бўлаяпман. Қизим, сенинг ҳасратинг жудаям кўпга ўхшайди. Юрагим эзилиб кетаяпти...

Гулсаранинг аччиқ кўз ёшлари онанинг ажин тўла юзини бир пасда ҳўл қилди. Ҳалима хола жимиб қолди.

Гулсара эса йиглаётib ҳам тинимсиз ўйлар эди: онаизорининг гапи тўғри. Санобар дўхтирга айтди, Насиба дугонасига айтди. Нима бўлди? Очилиб йиглай олмади, улардан дардига малҳам бўладиган дуруст бир фикр ҳам ололмади. Қайтага изтиробларининг қопқоги очилди, ўйлай-ўйлай жинни бўлди. Онаси ийиб, меҳри жўшиб турганида бор гапни айтиб олишни маъқул кўраётган бўлса-да, юраги негадир така-пука эди. Ҳадемай кунам туш бўлади. Ишдан ҳориб акаси билан янгаси, мактабдан жияни билан синглиси келиб қолади. Бугун-эрта отасиям санаториясидан қайтиши мумкин. Гап очилди. Ҳозир айтмаса, қачон айтади? Ўлдирсаям шу онаси ўлдирсисин, нима деб қарагасаям шу онаси қарагасин! Ота қарғишидан худонинг ўзи асрасин.

Гулсара шу фикрга келди-да, юзига тушган соchlарини орқасига қайриб ташлаб, йигидан шишган, қизарган кўзларини онасига тикиди.

— Онажо-он, — дея Гулсара энди гап бошламоқчи бўлган маҳали яна ҳўнграб йиглаб юборди.

Қизига қўшилиб Ҳалима холанинг ҳам йиглагиси келиб кетди, аммо бир амаллаб ўзини қўлга олди ва қизига саволомуз боқиб тураверди.

Ниҳоят ўзига келган Гулсара онасига тик қарай олмай, бошини қўйи эгди:

— Онажо-он, мени кечиринг!.. Мен.. мен.. мен аҳмоқ бўлиб қолдим. Бахтиқаро бўлиб қолдим. Мени бало урди-и-и, онажо-он!.. Мен бутун борлиғимдан айрилдим, мени

ўлдириңг!.. Мени қарғанг!.. Мени ер ютсии!.. Мени йүқ қилинг!.. Мен сизларнинг юзларингизга оёқ босдим. Мен кўрнамакман!.. Мени чавақлаб ташланг. Мен сизларнинг тирноқларингизгаям арзимайман. Кечиролсангиз мен нокасни кечиринг, онажо-он!..

Бу фифонли сўзларни эшитган Ҳалима холанинг бошига бирор гурзи билан ураётгандек бўлса-да, шўрлик она минг бир азоб ичидаги ўзини босишга жон-жаҳди билан ҳаракат қилди.

Қизининг аянчили нолалари ва илтижолари юрак-юрагиди ситиб юбораётган Ҳалима хола бутун бардошини, сабру тоқатини ишга солди ва бир амалаб ўзини йўқотиб қўймади. Қизининг оғир дарддан бутунлай фориғ бўлмаганини ўйлаб, касали яна хуруж қилиб қолишидан чўчиган она иложи борича мулойим оҳангда гапиришга уринди:

— Бўлар-бўлмас гапларни валдирайверма, қизим! Ўзингни бос! Биласан-ку, сенга ўхшаган йиғлоқиларни ҳаёт ҳечам аяб ўтирмайди, шундайгина ғижимлаб ташлайди! Ҳа, ғижимлаб ташлайди!.. Ўлдириңг дейсан, чавақланг дейсан, қарғанг дейсан. Нима, биз сени шунинг учун дунёга келтирдикми? Шунинг учун сени ўстириб, ундириб, вояга етказдикми? Шунинг учун сени ўқитдикми? Нималар деяпсан ўзи? Ундан кўра ётиғи билан айт. Ким сени бу аҳволга солди? Ким сенинг баҳтингга чанг солди? Биз ҳали сени катта ўқишлиарни битириб, одам бўлиб келади, бизларга бир рўшнолик кўрсатади, ҳаётда ўз ўрнини топиб олади, деб гердайиб юрсак... Сен у ёқда нима ҳунарлар кўрсатиб юрибсан?!

Гулсара онасига илтижоли термулди:

— Оловни чўнтакда, илонни қўйинда сақлаб бўлмаганидек, билиб-бilmай қилган хатоликларниям юракда сақлаб бўлмас экан, онажон! Айтаман! Барини айтаман, онажон! Юрагим портлаб кетай деяпти. Фақат мен нокасни, мен аҳмоқни иложи бўлса кечиринг. Шу пайтгача дардими ичимда сақлайвериб адойи тамом бўлдим, онажон!.. Йиғлайвериб кўзларимда ёш қолмади, ўйлайвериб бошимда бош қолмади. Ўша келишимдаёқ менинг бўларим бўлган эди. Юракларим қон-зардобга тўлган эди.

...Бундан икки йилча бурун молия институтида ўқийдиган Шамсиддин деган бир йигит билан тасодифан танишиб қолдим. Буни сизларга айтмаган эдим. Аввал кам-кам, кейинроқ тез-тез учрашиб юрдик. Шамсиддин танишганимизда, учрашганиларимизда, бирга юрганларимизда, аҳду паймон қилғанларимизда жуда яхши йигит бўлиб кўринган эди кўзимга. Ҳар доим сўзларидан бол, юз-кўзларидан нур томарди. Ёқтириб қолдим. Уям мени ўлардай яхши кўради, назаримда.

Гулсаранинг бўғзига нимадир қадалгандай бўлиб, жимиб қолди.

Ҳалима хола чидаб туролмасдан:

— Кейин-чи, кейин нима бўлди? — деди ҳовлиқиб.

Гулсара бўйида бўлиб қолганини айтишдан иймана-иймана устма-уст бир-икки марта қаттиқ-қаттиқ йуталиб ҳам олди, сўнг қизариб-бўзарган кўйи сўзларини давом эттира бошлади:

— Кейин... нимагадир шўр нарсаларни егим кеп қолди. Кейин ҳомилали бўлиб қолганимни билдим-да, жудаям қўрқиб кетдим. Шамсиддинга бу ҳақда айтдим. У: «Олдирив ташла. Ўзимиз ҳали боламиз-ку, болани нима қиламиш?» деди жиғибийрон бўлиб.

Олдирсан олдирдай деб дўхтирга бордим. У ердагилар ҳомилангни олдирсанг, бир умр фарзандсиз бўлиб қоласан, дейишди. Шу гапдан қўрқиб олдирмадим. Ҳомилам ўсиб етилгач, ноилож роддомга бордим. Эсон-омон кўзим ёриди. Ўфил экан. Исмини Мәҳридиндик қўйдим.

Ҳалима хола ўзини қанчалик босиқ тутишга ҳаракат қилаётган бўлса-да, нафрати қўзиб, ўзини тутолмай қолди ва:

— Нега ҳеч гапдан-ҳеч гап йўқ йигитга яқинлашдинг!. Шундай бўлишини ўйлаб кўрмадингми ер ютгур, галварс, шўр пешона, аҳмоқ! — деда қизининг икки юзига устма-уст шапалоқ тортди.

— Мунчалик бўлишини билмабман, — деди соchlари тўзиб кетган Гулсара.

— Нега билмайсан? Наҳотки сенларнинг ўқиган китобларингнинг биронтасида бу гаплар ёзилмаган бўлса?! Лал-

лайиб юраверган экансан-да, бўйингнинг ўсганига маст бўлиб, юз-кўзларингни алламбало бўёқларга чаплаб, бе-заниб-тараниб. Қиз боланинг бутун бойлиги-ю, ор-ному-си унинг иффати, ҳаёси, ибоси эканингни бир пулга ол-мабсан-да, а, иймонсиз ҳайвон!.. Бунинг нақадар оғир ис-нод эканлигини биласанми ўзи, нонкўр!

— Мен унинг алдовига учдим. Қон қусгур йигит, албат-та, эртага уйингга совчи юбораман, бир-икки ойнинг ичи-да тўйимиз бўлади, қўрқма, деганига ишонибман мен аҳмоқ. Қўйнимни пуч ёнгоққа тўлғазганингни кейин билдим. Ғаф-латда қолиб, шу аҳволга тушдим, – деди Гулсара титраб-қақшаб. — Мени ўлдиринг!

— Эринг билан ЗАГС дан ўтганмидинглар?

— Йўқ.

— Нимага?

— Кейин ўтмоқчи эдик.

— Муллага никоҳ ўқитдиларингми?

— Ҳа.

— Эринг қаерлик эди?

— Навоийлик.

— У ҳозир қаерда?

— Ўқишини битириб уйига кетган бўлса керак.

— Энди нима қилмоқчисан? Эрингдан совчи келадими?

Гулсара ўзини тутолмай яна ҳиқиллаб йиғлашга тушди:

— Бошқа қизга уйланган одам менга совчи юборармиди?

— Нима дединг, жувонмарг? Буёғи неча пулдан тушди?!

Ҳалима холанинг аччиқ фарёдидан хона деразалари ҳам зириллаб кетди. Яхшиямки, улар ўтирган хонанинг деразалари ҳовли томонга қараган эди. Бўлмаса онасининг бу аян-чили чинқирифи кўчага ҳам эшитилиши аниқ эди.

Гулсара қўрқиб, довдираб қолди.

Орага чўккан оғир сукунатни яна юраги қонга тўлаётган Ҳалима хола бузди:

— Шундоқ дегин-а. У ер ютгур қачон, кимга уйлана қолибди?

— Ўзининг қишлоғидаги бир қиз билан яқинда тўйлари бўлиб ўтибди. Кеча Насиба дугонамдан хат олган эдим. У

хатида шундай деб ёзибди. Шамсиддиннинг бир курсдоши Насибанинг қишлоғидан экан. Тўйига борибди. Мана, Шамсиддиннинг адресиниям ёзиб юборибди.

Ҳалима хола тумтайиб олди:

— Шу хатни олиб қўй. Керак бўлади.

— Адресини алоҳида ён дафтарчамга ёзиб қўйдим.

Йўқотмайман.

— Сен роддомдалигингда, ҳалиги, оти нима эди? Оти қурсин, Шамсимиди? Ортингдан излаб бордими у?

— Йўқ.

— Негалиги маълум. У сен билан шунчаки кўнгилхушлик учун вақтинча юрган, тўгрими? Сен чинданам аҳмоқсан!. Ақлинг бўлса келиб-келиб ўқишни битирай деб турганингда шундай бетамиз, bemaza, betavfiq, beburd хотинбозга йўлиқасанми? Унинг алдов-найрангига учиб нима орттиридинг? Орттирганинг — ЗАГСданам ўтмай туқсан болангми! Айтгандай, бола қани?

— Тошкентдаги болалар уйида.

— У ерга ким топширди? Дўхтириларми, ўзингми?

— Ўзим.

— Қачон оборган эдинг?

— Роддомдан чиққан куним.

— Вақтинча қараб туринглар. Кейин ўзим келиб олиб кетаман деб, биронтасига илтимос қилиб тайинлаганимидинг?

— Йўқ.

— Шунчалик ҳам аҳмоқ бўласанми? Ҳеч кимга ҳеч нарса демай, эшигидан кирап-кирмас остонасига ташлаб кела-вердингми?

— Ҳа, онажон, шунга ўхшаш.

— Сени бало урган экан ўзи! Юрагингнинг қонидан пайдо бўлган сут эмма гўдагингни қандайгина кўзинг қийиб гап-сўзсиз ташлаб келасан-у, яна ҳеч нарса кўрмагандек индамасдан юрасан?

— Отаси оталик қилмаган болани саришта қилишининг йўлини топмадим. Бу ерга кўтариб келишга эса юзим чидамади. Бўладиган гап-сўзлардан қўрқдим. Болани ётоқхонадаям сақлаб туролмасдим. Шуларни ўйлаб, ноилож қолга-

нимдан кейин, шундай қилишга мажбур бўлдим. Бошқа биронта чорам йўқ эди. Бўлиб ўтган шу воқеани деб, шу боламни деб ич-этимни еб, кун-тун ўйланавериб адойи тамом бўлдим!.. Касаллигим сабабиям шу, онажо-он!..

Ҳалима хола қанчалик ғам-аламга чулғанаётган бўлсада, кўнглидаги сўроқларга адашган қизидан жавоб олишни истар эди. Шу мақсадда борган сайин кўзига ёмон кўринаётган Гулсарага қараб ўшқирди:

— Роддомдан чиққанингдан сўнг ўша қон қусгур йигитинг билан бирон марта бўлсаям одамга ўхшаб гаплашиб кўрмадингми?

— Кўрдим.. кўнмади. Заҳримни сочгандим.. урди, бўғди. Гап қилсанг ўлдираман деб қўрқитди.

— Ҳимм!.. Демак, сен ўшанда қаттиқ қўрққан экансанда-а?..

— Ҳа, — деди ҳамон йифидан ўзини босолмаётган Гулсара гоҳ пешонасига, гоҳ кўкрагига шапатилаб уриб, — ичим куйиб, ёниб бораяпти. Бу бошим қурғур ҳам бошлиқ қилмади. Мен тамом бўлган одамман. Ўз бошимни ўзим едим. Пешонам мунчаям шўр бўлмаса, онажон!

— Онанг ўлсин, болам! Сенга ҳамма тарбияни берибману, шу масалага келганда негадир оқсаган эканман-да ўзим ҳам. Сенга шу ҳақда қаттиқроқ тайинласам ўлармидим!.. Аҳ, хом сут эмган банд-я дейин десам, барча дугоналаринг бибинойи турмушга чиқиб, бола-чақали бўлиб кетишаяпти. Сен бўлсанг, йўқ ердан гап чиқариб, ўз бошингни ўзинг еб ўтирибсан!.. Ҳайф-е сендай фарзандга...

Онасининг гаплари юрагига ўқдай санчилган Гулсара биқинидан устма-уст тепки еган одамдай буқчайиб-тиришиб қолди.

### Маслаҳатли иш

Куз иссиқ келди. Кунлар кундузи тугул кечасиям дим.

Тонг отаётган бўлишига қарамай қилт этган шамол йўқ.

Онасининг ёнида ётган Гулсара дарвозанинг бир меъёрда тақиллашидан уйғониб кетди. Ўрнидан туриб, хонаси-

дан чиқаётган эди, ётоги тарафдан чопонини елкасига ташлаганча шошиб келаётган Нормўмин:

— Гулсара, ўзим, — деди-да, дарвоза томон юрди.

Гулсара жойида туриб қолди.

Бир зумдан сўнг аввал отаси билан акасининг овозлари эшитилди, кейин ўзлари ёнма-ён ҳовлига кириб келишди. Гулсара отилиб бориб отасининг бўйнига осилиб олди.

Шовқинга ичкаридан чиқиб келган Ҳалима холаям чолининг ҳурматини қилиб салом бераркан, ортидан:

— Дадажониси, яхши келдингизми, — деб қўйди мулойим овозда.

Шовқин ўз хоналарида ётган болаларни ҳам уйғотиб юборди. Улар чопиб чиқиб соғиниб қолган бобожонларини қучоқлай кетишли.

Гулсара билан янгаси апил-тапил ишга киришиб кетишли: катта хонага жой солишли, ўчоққа ўтин ёқишили, сигирларни соғишили, чой дамлашли, сут пиширишли, ширчой тайёрлашли.

Дастурхон тузалиб, аввал оталари «мозор босди» деб олиб келган ширмой нонларни, қанду новвотларни, майизу туршакларини, ноку олмаларини, кейин эса кўк чой билан ширчойни келтириб қўйишли. Нонушта бошланди.

Бу вақтда тонг отиб, қуёшнинг заррин нурлари осмоннинг уфқларига туташган ҳолда қизарип таралаётган эди.

Орадан икки кун ўтиб эса... бу хонадонда гап қозони қайнади: гоҳ тошли, гоҳ пасайди, гоҳ оқ-қора кўпиклари ёнаётган оловга сачраб тўкилиб, унинг даҳшатли кучини бироз сусайтиргандай бўлди. Шундан сўнггина хонадон соҳиблари қозоннинг қопқоғини зичлаб ёпиб қўйишли. Қопқоғнинг синган, куйган жойларидан қора тутун, ачимсиқ дуд аҳён-аҳёнда кўтарилиб, димоғларини ачитиб турса ҳам кўнишишга мажбур эдилар.

Шу куни кечки овқатдан сўнг Тешабой ота кампири билан ўғлини ичкари уйга бошлаб кирди. Ўтиришлари билан гапни авзойи бузуқ отанинг ўзи бошлади:

— Ўғлим, бизнинг бу юришимиз бўлмайди. Ақлни ишга солишимиз керак, ақлни. Ақлнинг эса кўз, қулоқ ва

тил деган хизматкорлари бор. Биз онанг билан иккимиз, билсанг, анча қариб қолдик, узоқ йўлга ярамаймиз. Гулсара билан анови қочиб юрган куёв бўлмишнинг орасидаги можарони ҳал қилиб олмасак бўлмайдиганга ўхшайди. Гулсара оғир дардга чалинмагандеку, ҳар қандай жазога лойиқ эди. Бургага аччиқ қилиб кўрпани кўйдириш ҳам аҳмоқлик. Бироқ қизимизни қон йиглатиб ҳам ўтиромаймиз-ку, ахир. Қилмиш-қидирмиш деган гаплар бор. Ҳақиқатни билайлик: гуноҳкор у йигитми ёки қизимизми? Шу масалани бир маслаҳатлашиб олсак девдим.

— Гапларингиз тўғри, ота, — деди Нормўмин ўйчан қиёфада. — Менам ич-этимни еб юрибман. Келганингиз яхши бўлди. Ўланавериб онамнинг ҳам, менинг ҳам бошимиз қотиб қолди. Гулсаранинг баҳтиқора бўлиб қолаётганига сира ишонгим келмайди. Бундай ўйлаб қарасам, одамнинг ҳаётини кўпинча хатонинг ўқи яралар экан. Заҳри эса етмиш икки томирига тараалар экан. Гулсаранинг катта хатога йўл қўйгани аниқ. Бироқ барибир ўша йигит билан, керак бўлса унинг ота-онаси билан гаплашиб олишимиз шарт деб ўйлайман.

Ҳалима хола ҳам дилидаги гапларни айтишга шошилди:

— Атиргул гулини асраш учун очилмай туриб тиканини чиқараркан. Бу айнан қиз болага тааллуқли гап. Қизимдан бор гапни эшитгандан бери минг хил хаёлда юрибман. Гоҳ қизимни айблайман, гоҳ у номард йигитни. Нима бўлгандаям буни бир ёқли қилмасак кўнглимиз тинчимайди.

— Гапинг тўғри, лекин, менимча, қиз бола чўянга ўхшаса керак. Чўян дегани қалин бўлса-да, мўрт бўлади, пўлат эса юпқа бўлса-да кескирдир, кампир, — деди Тешабой ота салмоқланиб. — Гулсара қизимиз пўлат бўлганида шундай оғир аҳволга тушиб қолиб, ўзиниям, бизларният мулзам, юзимизни шувит қилиб ўтиралими?.. Донишмандлар бекорга яхши фарзанд оилани обод қиласди, ёмони эса барбод қиласди, дейишмаган. Шунинг учун гапни чўзмайлик. Гапни эшитинглар. Биламан, Гулсарайам фикримизга қарши чиқмайди. Ўғлим, ўзинг бош бўлиб келин билан Гулсарани ол-да, эрталабки салқинда барвақт йўлга тушинглар. Гап-

ни чувалаштиrmай асосий айборни аниқланглар. Йигит билан ҳам, унинг ота-онаси билан ҳам юзма-юз очиқчасига гаплашинглар. Ким ҳақ, ким ноҳақ?! Бари гап шунда. Адресини олволинглар. Машинанг янги-ку, йўлга яраса керак... Ислод ёмон нарса, ўғлим. Ишқилиб охири баҳайр бўлсин.

Тешабой отанинг бу фикри кампиригаям, ўғлигаям маъқул бўлди. Ота қизини йўлга солишини кампирига тайнинлади. Иш пишди. Маслаҳат якунига етди.

Айтилган гаплар Гулсарага чинданам ёқиб тушган бўлсада, айни пайтда уни ваҳима босди: «Шамсиддин тағин ҳамма айбни менга тўнкаса, нима қиласман? Акам билан янгамнинг олдида шарманда бўлмасам гўрга эди? Оиламдагиларни қийнаб қўйганим устига, у аглаҳ, у номард аҳмоқлик қилиб акам билан ёқалашиб кетса нима деган одам бўласман?.. Ўзим ҳам ҳушёр бўлишим керак. Ҳар бир гапни ўйлаб айтмасам, у гапга чилги солишданам тоймайди. Ахир оёқда қоқинищдан тилда қоқиниш хавфлироқ-ку. Қочган ҳам худо дейди, қувган ҳам!.. Ишқилиб юзма-юз учрашганимизда эсанкираб қолмайин-да, художон!.. Агар у ҳақиқатан ҳам уйланган бўлса, хотинчасининг олдида бир таъзирини берай, бир таъзирини берай! Бир умр эслаб юрсин!.. Мен аламу изтироблар ичидаги баҳтиқаро бўлиб, юзимни элдан яшириб яшасам-у, у бўлса қувончу шодликлар ичидаги, роҳат-фароғатда яшаса!.. Йўқ, бу ҳечам адолатдан эмас!.. Менам инсонман!.. Менинг ҳам баҳтили яшашга ҳаққим бор, ахир!..»

Эртаси куни тонг саҳарда Нормүмин, унинг рафиқаси ва Гулсара мингандар сариқ «Москвич» тош йўлни чангита-чангита йўлга тушди.

### Фалва

Маматқул отанинг хонадонига келин билан бирга ўзгача файз ҳам кериб келди.

Кент ҳовли ҳар куни эрталаб сув сепиб супуриладиган бўлди, ҳовлидаги керак-нокерак нарсалар жой-жойига қўйиладиган бўлди. Ҳар куни артилмаган эшиклару деразалар қолмайдиган бўлди.

Бу орасталик бошқа сила аъзоларигаям юқди. Хоналару даҳлизлар ҳам, ошхона-ю молхона ҳам, айвонлар-у сўрилар ҳам тозаланиб, оқланди.

Ҳовлидаги ўзгаришларни кўриб ҳўжалик бухгалтерияси-га ишга кириш учун қатнаб юрган Шамсиддиннинг завқи келди. У ҳовлидаги деворларни гир айлантириб оқлаб чиқди. Ҳовли ўртасидаги тўй столлари қўйилган жойни белкурак билан ағдариб текислади-да, пиёз, шолғом, турп экиб қўйди. Бунгаям қаноат ҳосил қиммасдан, бедани ўриб ғарамлади, ҳашар қилиб, ҳаммом қурди.

Мана шундай кунларнинг бирида уйга кутилмаган меҳмонлар бостириб келишди-ю, хонадондагиларнинг етти ухлаб тушларига кирмаган жанжал ва келишмовчиликлар содир бўла бошлади.

Тушки пайт эди.

Ҳавоза остидаги сўрида энди овқатланиб бўлишганди. Ойсара фотиҳадан сўнг дастурхонни йифиштиришни бошлаганди. Тўйдан бери бу ердан кетгиси келмай, бувисининг эртакларини эшишиб юрган олти-етти ёшлардаги Бахтиёржон уч оёқли велосипедчасини миниб «катаиса» қилаётганди. Маматқул ота билан Рисолат ая ниманидир гаплашиб ўтиришганди. Шамсиддин эса эрталаб почтальоннинг боласи ташлаб кетган янги газеталарни кўздан кечираётган эди.

Ичкаридан зулфини илдирилмаган бўлса-да, тўсатдан дарвоза тақиллаб қолди. Ҳовлида ўйнаб юрган Бахтиёржон чопқиллаб бориб дарвозани очди ва келганларга салом берди.

Дарвоза олдида 30-35 ёшлардаги новча эркак, унинг ёнбошида хонатлас кўйлаги устидан яшил нимча кийган думалоқ юзли аёл, сал чеккароқда эса ёши йигирмалар атрофидаги яна бир аёл.

Эркак боланинг саломига алик олгач, уни аста саволга тутди:

- Бу кимнинг уйи?
- Бобомнинг уйи.
- Бобонгнинг оти ким?

- Маматқул бобо.  
— Сенинг исминг ким?  
— Бахтиёржон.  
— Исминг жуда чиройли экан. Бахтиёржон, бобонгнинг Шамсиддин деган институтни битирган ўғлиям борми?  
— Тогамни қаёқдан танийсиз?  
— Танийман-да. Шамсиддин деган тоганг борми ўзи?  
— Бор, ана ўзиям сўрида газета ўқиб ўтирибди. Тогам яқинда менга янгача обкелдилар. Янгачам бирам яхши. Менга ҳар куни иккитадан шакалат берадилар. Янгачамнинг исмлари жуда чиройли – Ой-са-ра! Сизнинг исмингиз ким, амакижон?  
— Нормўмин.  
— Нор-мў-мин. Нор дегани нима дегани?  
— Нор дегани — хол дегани.  
— Энди тушундим. Демак, сиз холи бор одам экансиз. Тўғрими?  
— Тўғри.  
Нормўмин болани яна гапиртиргиси ва ҳақиқатан ҳам тўйнинг олган-бўлмаганини билгиси келди:  
— Э-э, баракалла. Жуда ақлли бола экансан. Тогангнинг тўйлари қандай ўтди?  
— Сиз тўйга келмадингизми? Келганингизда маз-за қилардингиз-да. Зўр тўй бўлди!.. Ҳалигача ҳамма мақтайди. Тўйда ўйнамаган бола қолмади. Менам ўйнадим... Киринг, амаки. Меҳмон келса бобожоним жуда хурсанд бўладилар!..  
Сўзамол болакайнинг бири-биридан ширин гапларининг кўз илғамас ўткир тиглари ҳаммадан ҳам кўра кўпроқ Гулсарапинг юрагига ханжардек қадалаётган ва кўнглини қон қилаётган эди. Жувоннинг юзи оқариб, вужуди қалтираб-титраб кетди. Гулсарапинг ҳолатини сезган Нормўмин ҳовлига киришга шошилди.  
— Итинг йўқми, жиян? Кираверсак бўладими?  
Бола ўзини четта оларкан, яна илжайганча:  
— Ит-пит йўқ, кираверинглар, — дея ичкарига таклиф қилди. Сўнг фурур билан велосипедчасига миниш асносида

ҳовли ичкарисига қараб бақирди: — Бо-бо-жо-он, меҳ-мон-ла-ар ке-ли-шиб-ди, олиб бо-ра-яп-ма-ан!

Сўрида бамайлихотир ўтирганлар Бахтиёржоннинг сўзларини эшитиб фимирлаб қолишиди.

Шамсиддин эса... ғамгин бир ҳолатда бир эркак ва аёлнинг орқасида келаётган Гулсарага кўзи тушиши билан ўрнидан қандай сакраб турганини ўзиям сезмай қолди. Унинг қўлидаги газеталар сирғалиб ерга тушди.

Шу топда Гулсаранинг ўрнига дарвозадан икки бошли афсонавий аждарҳо кириб келсаям, балки Шамсиддин бунчалик қўрқиб кетмасди. У ўзини қўярга жой тополмай, жуда ваҳимали ҳолатга тушиб қолди. Чақирилмаган «меҳмон»-ларнинг нима мақсадда бу хонадонга келишаётганини унинг юраги сезиб турарди: қилмиш — қидирмиш!..

Шамсиддиннинг аъзойи бадани терак баргидай титрарди. Бир хаёли учаласиниям ҳе йўқ-бе йўқ, тилга келмасларидан бурун дарвозадан ташқарига итқитиб ташла, деса; яна бир хаёли барзанги акаси ҳўқиздай бақувватга ўхшайди, кучим етармикан, бунинг устига жанжал кучайиб кетса, бутун қишлоқ олдида уятта қолмасмиканман, дерди. Яна бир хаёли эса ҳали уларнинг нима мақсадда келишганлариниям аниқ билмайманку, дея ўзини ўзи юпатишга уринишдан иборат эди.

Шамсиддин яқинлашиб келаётган меҳмонларга пешвоз чиқишиниям, индамайгина уйга қочиб кетишният билмай гарантсиб қолган, ҳозир бўладиган юзма-юз учрашув, унинг даҳшатли оқибатларини тасаввур этиб эса аъзойи баданини совуқ тер қоплаганди. У беихтиёр сўридан тушди ва рўпарасига келиб қолган басавлат эркак меҳмон билан қўл бериб кўришган заҳоти ўзини четга олди.

Идиш-товоқларни кўтариб ошхона томон бораётган Ой-сара меҳмонлар тўйга келиша олмаган қариндошлар бўлса керак деб ўйлади ва қўлидагиларни аста ерга қўйиб, уларга келин салом қилди.

Ҳаммасини тушунган Нормўмин келинчакнинг саломига алик олиб, секингина:

— Кўп яшанг, — деди-да, сўридагиларга қаради: — Асалому алайкум! Кечирасизлар, сўраб-суринтириб келаяпмиз, Шамсиддин Маматқуловнинг уйлари шуми?

**Бу саволни эшитган Шамсиддин жойида михлангандај қотиб қолди.**

— Ҳа, ҳа, — деди ҳеч нарсадан хабари бўлмаган Маматқул ота меҳмонларнинг ҳурмати учун ўрнидан тураётib. — Тўғри топиб кепсизлар, қани, сўрига чиқинглар. — Ота кампирига ўгирилди: — Ё аёлларни ичкарига оласизларми?

Рисолат ая шоша-пиша:

— Майли, унда бизлар ичкарига бора қолайлик, юринглар, қизларим, — деди меҳмоннавозлик билан.

Маматқул ота билан қўшқўллаб кўришаётган Нормўмин Рисолат аяга ўгирилди:

— Йўқ, онажон, ҳечам ташвиш қилманг. Шу ер жуда яхши жой экан. Аёллар ҳам шу ерда ўтираверишсин.

Маматқул ота бўзрайиб турган ўғлига ажабланиб қараб қўйди-да:

— Шамсиддин, меҳмонхонага жой ҳозирланглар, дастурхон тузанглар, — дея кўрсатма берди.

Кетишга баҳона тополмай турган Шамсиддинга отасининг топширифи қўл келди. У ўчоқقا чойдишни қўйиб, энди овқатга уннамоқчи бўлаётган хотинини имлаб чақирди. Иккалasi изма-из меҳмонхонага ўтиб кетишиди.

Дарвоза олдидаёқ болакайнинг гапларидан гангид қолган Гулсара дилида хуруж қиласётган ғазабини зўрга ичига ютар, тишини-тишига қўйиб, қуриган янтоқнинг устида қолгандек азобланиб ўтиради. Дақиқалар ўтган сайин унинг жароҳатланган нозик қалби ҳадемай портлайдиган вулқонга айланиб борарди.

Гулсаранинг авзойи ўзгараётганини сезаётган янгаси бошқаларга сездирмайгина бир-икки марта «ҳовлиқманг» маъносида ишора қилиб қўйди.

Вазиятга қараб гап очишга чоғланаётган Нормўмин меҳмонхонага таклиф этишларини кутиб «Яхшимисиз... Бардам-бақувватмисизлар»дан нарига ўтолмади.

Меҳмонхонага кириб кетганлардан эса ҳа деганда дарак бўлавермади. Бундан меҳмонлар тугул, Маматқул ота билан Рисолат аяларнинг ҳам юраклари сиқилиб кетди.

Ниҳоят Бахтиёржон хабар олиб келганидан кейин Матқул отанинг қистови билан ҳаммалари ўринларидан туриб, меҳмонхонага ўтишди.

Фам-аламлар гирдобидан чиқолмай, фифони кўкка ўрлаб бораётган бўлса-да, Гулсара янгасининг ортидан меҳмонхонага қадам босаркан, остонаян тортиб то катта хонанинг тўригача уй эгаларига сездирмасдан оч назар билан қараб чиқди. Ярми полланган даҳлиизда фириллаб ишлаб турган «Саратов» музлатгичи, унинг ёнида ялтираб турган мис офтоба мис дастшуй; меҳмонлар куттиладиган катта хонанинг шифти ва деворларида ранг-баранг нақшлар ва табиат маңзаралари тасвирланган расмлар; қизғиши полга тўшалган патли гиламлар; пахта гулли чойнак-пиёслалар қаторлаштирилиб териб қўйилган яп-янги гулдор шкаф; хона бурчагидаги столга алоҳида-алоҳида қўйилган телевизор ва магнитофон; серҳашам материалдан усталик билан тикилган қўш дераза ва эшик пардалари; хона ўргасида энли хонтахта, нозу неъматларга тўлдирилган дастурхон: нақшланган шифтнинг иски жойида осилиб турган бир хил ўлчамдаги билтур қандиллар... Буларга кўзи тушганида негадир Гулсаранинг кўзларига қайноқ ёш келди.

Хайриятки, ташқарига интилаётган Шамсиддин билан Ойсара Гулсаранинг орқа томонида туриб қолишгани учун унинг бу ҳолатини кўришмади.

Шамсиддин қайтиб қорасини кўрсатмади.

Ойсара эса тез-тез чойдан хабар олиб, у-бу нарса келтириб турди.

Кўзларида фуур, юзларида нур порлаган Ойсарага оқ ҳарир кўйлаги устидан кийган қизил баҳмал нимчаси, тилоранг гулли дўпписи бекиёс ярашганини, қўша-қўша тилла узуклари, тилла сирғалари бир ҳуснига ўн ҳусн қўшганини кўрган Гулсаранинг эси оғиб қолай деди. Дили зардобга тўлди: «Шу келинлик либоси нега менга насиб қилмади? Нега бу қиз баҳтли бўлиши кераг-у, мен баҳтсиз бўлишим керак? Нега?.. Нега?.. Нега Шамсиддин ҳеч нарса кўрмагандек, оппоққина қизга уйланиб олиб ширин ва тотли баҳт оғушида сармаст юриши кераг-у, мен унинг биринчи кўз очиб кўрган ёри бўла туриб, баҳтиқаро бўлиб қолишим ке-

рак? Нега?.. Нега бу кенг ҳовли-жой менга насиб этмади? Нега ана шу нуроний қариялар менга қайнота ва қайнона, мен эса буларга келин бўлолмадим?!»

Ўксиниш ва ғазаб ҳислари гангитиб қўяётган бўлса-да, Гулсара акаси билан янгасининг юзидан ўтолмай, гап очилишини сабрсизлик билан кутарди. Ҳолбуки, аламзадалик туйғулари унинг ғамгин кўзларига нафрат найзасини, қалбига эса ҳасрат тифини санчиб-санчиб олаётгандек эди. Кўз олдиям бироз қоронғилашиб, рўпарасида ўтирган одамлар учта-тўрттадан бўлиб кўриниб кетди.

Нормўмин маънодор тарзда қўл соатига бир қараб олгач, Маматқул отага юзланди:

— Бизлардан гап сўранг, отахон, дардимизни айтайлик.

Ниҳоят акасининг мақсадга ўтаётганини сезган Гулсаранинг хаёли жойига келди.

— Меҳмонжон, эшитамиз, — деди Маматқул ота қўлидаги пиёлани дастурхон четига қўйиб. — Бир кўрган таниш, икки кўрган билиш дейдилар. Хотирам сал панд бергандай...

— Отахон, — деди Нормўмин босиқ оҳангда, — алданган асир тушади, деган гап бор. Бизлар ҳам ҳозир шу ҳолатдамиз.

Гапнинг бунаقا оҳангда ва мазмунда бошланишини кутмаган ота меҳмонга ажабланиб тикилди:

— Тушунтириброқ гапириング, укажон.

— Гап бундай. Бизлар Бухородан келиб ўтирибмиз. Менинг отим Нормўмин, бу эса менинг аёлим, исми — Анора, униси синглим, исми — Гулсара. Отахон, рухсат берсангиз, ўрни келди, бир нарсани аниқлаштириб олсам. Ҳалиги йигит ўғлингизми?

— Ҳа.

— Исми Шамсиддинми?

— Ҳа.

— Сиз Шамсиддиннинг оталари, бу киши оналари, шундайми?

— Худди шундай, ука, — деди Маматқул ота безовталашиб. — Нима, менинг ўғлим бирор ёмон иш қилибдими?

— Отахон, менинг ҳозир сизларга айтадиган гапларим жуда нозик ва ўта жиддий. Сиздан бир илтимос, Шамсид-

дин ўғлингизни чақирилсангиз. Чунки унинг бу ерда бўлиши жуда муҳим.

Маматқул отанинг ҳам, Рисолат аянинг ҳам юракларига ғулғула тушди.

— Нима деяпсиз, меҳмонжон, бизнинг Шамсиддин ўғлимиз бирорнинг мушугига пишт дейдиган бола эмас, — деди гапнинг авзои оғирлашаётганидан хавотирлана бошлаган Рисолат ая.

— Типратикон ҳам боласини юмшофим дейди, онажон, — деди Нормүмин ўзини янада оғир тутиб.

Бу орада Маматқул ота деразанинг бир томонини очдида, ўғлини чақирди:

— Шамсиддин, меҳмонхонага ўт!

Шамсиддин кириб келгунча ҳеч кимдан садо чиқмади.

Ниҳоят у келиб пойгакка, шкаф олдидағи кўрпачага ўтириши билан ота сўроқни бошлади:

— Ўғлим, меҳмонларнинг қайси бирини танийсан?

Шамсиддиндан ун чиқмади.

Ота бу сафар сал баландроқ овозда сўради:

— Ҳеч бирини танимайсанми?

Шамсиддин учун ҳозир ер ёрилса-ю, ичига кириб кетса.

У отасининг феълини жуда яхши билади. Ота ёлғонни ёмон кўради. Ёлғон сўзлаганни кечирмайди. Маматқул ота доим болаларига «Тўғри сўзли бўлинглар. Ҳеч кимни, ҳеч қачон алдаманглар», деб насиҳат бериб келган. Ҳозир эса вазият жуда қалтис. Ўқишини ўқиб, жимгина юрганида-ку, бунаقا оғир вазиятга тушиб, мулзам бўлиб ўтирасди. Ўзиниям, ота-онасиниям уятта қолдирмасди. Лекин бўлари бўлди, бўёғи сингди. Поезд кетиб бўлди. Энди пушаймондан наф йўқ. Билиб ўтирибди: рост айтсаям, ёлғон айтсаям жазо олиши муқаррар. Шунинг учун, яхшиси, шарманда бўлса ҳам, рост айтиб бўлгани маъқул.

Шу қарорга келган Шамсиддин Гулсара томонга ияқ қоқди ва ғўлдираб:

— Шу қизни танийман, — деди.

Маматқул отанинг вужуди музлаб кетди.

Ошга уннаётган Ойсара эрини қайнотаси ногаҳон ҳар доимгидан бошқача овозда чақирганини эшитгандаёқ

аллақандай хавотирга тушган эди. Шунинг учун у құлидағи дастаси узун супургисини секін судраб келиб, ичкаридаларнинг овози эшитиладиган жойда, деворга сұяниб туриб қолди.

— Гапнинг лўндасини айтаман, — деди Нормүмин Матқұл отадан кўз узмай. — Бундан икки йилча бурун молия институтида ўқийдиган ўғлингиз Шамсиддин маданият институтида ўқийдиган синглимиш Гулсара билан танишиб, бир-бирини яхши кўриб юриб, охири фарзандли бўлишгача боришибди. Синглимиш ўзининг ҳомилали бўлиб қолганини Шамсиддинга айттанида, у болани олдириб ташла деб дўқлабди. Синглимиш дўхтирга борса, у ердагилар болангни олдирсанг, кейин бир умрга бефарзанд бўлиб қоласан, дейишибди.

Бу гапдан қўрқиб кетган Гулсара ҳомиласини олдирмабди. Вақт-соати етгач синглим ўғил кўрибди. Аввал ота-онанга совчи юбораман, оила қурамиз, тўй қиламиз, яхши яшаймиз, деб қоп-қоп ваъда бериб юрган ўғлингиз Гулсара родомда қийналиб ётганидаям орқасидан бирон марта сўрнлаб бормапти.

Ноилож қолган Гулсара боласини Тошкентдаги болалар уйига ташлаб кетибди.

Гулсара сал ўзини ўнглаб олгандан сўнг, Шамсиддиннинг ижарадаги уйига бориб, ваъдаларингиз нима бўлди, уйимга совчи юбормайсизми, деса ўғлингиз менинг қишлоқда унаштирилган қизим бор, мен ўшанга уйланаман, деб туриб олибди. Гулсара яна у-бу деган экан, Шамсиддин уни урибди, бўғибди. Кейин финг дессанг ўлдираман деб, синглими ни қаттиқ қўрқитибди...

Шуям умид билан бир ёстиққа бош қўйган эркакнинг ишими?

Хўш, бу ёфи энди нима бўлади?..

Нормүминнинг гаплари ҳар кимга ҳар хил таъсир этди.

Бирдан қон босими ошиб кетган Рисолат ая қалтираб-қақшаб Нормүминга юзланди ва жаҳл билан кескин-кескин гапириб юборди:

— Ёлғонниям зви билан айт, болам. Ўғлимнинг шунчаликка боришига сираям ишонмайман. Бизларнинг уруғимизда бунақа бузуқи одамлар бўлмаган, бўлмайдиям.

Шундан сўнг ая башараси борған сайин беўхшов тиришаётган ўғлига қаттиқ тикилиб сўради:

— Шу гаплар ростми, ўғлим?

Шу топда ичини ўткир тишлари билан бўри гажиёттан Шамсиддиннинг тили боғланиб, дили доғланиб қолган эди. Ўйлана-ўйлана охири эгилган бошни қилич кесмайди, деган нақлга амал қилишдан ўзга жўяли чора тополмай қолгани учун унинг алами ичида эди.

Шу боисдан Шамсиддин онасининг саволига нима деб жавоб беришини билмай каловланиб туриб қолган эди.

Айни дамда аянчли изтироблари яна бир бор янгилangan Гулсаранинг аҳволи жуда танг эди.

Барча гапларни бутун вужуди қулоқ бўлиб, нафасини ичига ютиб тинглаган, эри тўғрисидаги бор ҳақиқатни билib олган Ойсара эса турган жойида ўзини ёмон сезди ва мажолсиз ҳолда ўтириб қолди. Бутун орзу-умидлари бир зумда саробга айланган келинчакнинг шашқатор бўлиб оқиб тушаётган кўз ёшларини артишгаям мажоли етмади.

Нормўминни диққат билан тинглаб ўтирган Маматқул отанинг эсхонаси чиқиб кетди. Ота бош эгиб ўтирган ўғлига қараб ўшқириб берди:

— Падарингга лаънат, Шамси, қачон одам бўласан? Шунча ўқиб ҳам ақлинг кирмадими сенинг?! Сен бунчалар ҳам аҳмоқ эмас эдинг-ку! Нима бўлди сенга? Кимдан ўргандинг бунақа номаъқулчилликни?

Нега бу қиз келгандан бери қон йиглаб ўтириби десам гап буёқда экан-да! Унга финг десанг, ўлдираман деганинг ҳам ростга ўхшаб қолди. Нима, сен қотилмисан одам ўлдирилган?.. Булар ҳақ эканки, сен билан бизни юзма-юз сухбатга чорлаб, сенинг қилмишларингни юзимизга солиб маслаҳатлашиб ўтириби. Ё бу одам сенга тұхмат қилаётидими? Гап очилди, бизга айт бор ҳақиқатни!

Қадимгиларнинг аҳмоққа ишониб бошингга кўтарсанг, тепадан туриб кўзингга қум сепади деганлари рост экан. Биз

сени ёлғиз ўғыл деб бошимизга күтардик, уйда юрганингда топганимизни оғзингга, институтда ўқиганингда қўлингга тутдик. Сени яхши одам бўлсин деб шу ишларни қилдик. Сен эса кўзимизга қум сепиб ўтирибсан, кўрнамак, аҳмоқ!..

Отасидан бу ҳақоратларни эшитган Шамсиддин ўзини ортиқ ушлаб туролмади.

— Отажон, онажон, мени кечирингизлар, — деди у изтироб билан. — Ўтиниб сўрайман, ёшлиқ қилиб, аҳмоқлик қилиб катта хатоликка йўл қўйған ўғлингизни бир марта-гина кечирингизлар!.. Ўлаб кўрдим. Тўғрисини айтадиган бўлсам, хатолик мендан ҳам, Гулсарадан ҳам ўтди. Мен истасаму, у истамаса ҳеч нарса бўлмас эди. Ҳеч қачон қарс бир қўлдан чиқмайди. Мен бутун айбни ўзимнинг бўйнимга ҳам, унинг бўйнига ҳам қўймоқчи эмасман. Агар Гулса-ра мендан кўра ақлли бўлса, нега у ўз йўлини ўзи топиб кетолмади. Тўғри, Гулсарага нисбатан менинг айбим кўп. Буни тан оламан. Пушаймоним ичимда. Алдамоқчи эмасдим. Ҳазил-ҳузил қилиб юриб, шундай бўлиб қолди. Бари ёшликнинг, бебошлиқнинг балоси. Тушунмаслик! Гўллик! Аҳмоқлик! Оқибатини ўйламаслик!

Нима қилиб бўлса ҳам сувдан қуруқ чиқмоқчи бўлаёт-ган Шамсиддиннинг гаплари шусиз ҳам эзилиб ўтирган Нормўминнинг ғазабини қўзитди.

— Давлатини йўқотган бир йил йифласа, — деди у Шамсиддинга ўқрайиб қараб, — қадрини йўқотган ўла-ўлгунча йифлайди. Сизни, Шамсиддин, ота-онангиз балки кечирар, балки кечирмас, буни ўzlари билишади. Бироқ шуни билингки, қиз дегани дўкондаги дўппи ёки бо-зордаги чопон эмас, кийиб кўриб ёқмади деб эгасига отиб ташлаб кетаверадиган, тузукми?! Нима, ота-онангиздан кечирим сўраш билан синглимнинг топталган ор-номуси масаласи ёддан чиқиб кетади деб ўйлайсизми? Мана гап қаерда? Сиз шу тўғрисида астайдил ўйлаб кўрдингизми? Йўқ!.. Ишончим комилки, сиз бу ҳақда ўйлаб кўришни ўзингизга эп ҳам кўрмагансиз. Нима, сиз одам бўлганин-гизда бу одаммасми? Сиздан синглимнинг қаери кам? Айби қиз бўлиб дунёга келганими? Сиз институтни би-

тирган бўлсангиз, буям институтни битирди. Ота-онаси-  
га совчи юбормай, уларнинг розилигини олмай, тўй қил-  
май, никоҳдан ўтмай, оила қурмай, гўшангага элтмай син-  
глиминг номусига текканингиз, ҳомилали бўлганда таш-  
лаб кетганингиз, фарзандингиз дунёга келганида ҳолидан  
хабар олмаганингиз, фақат сизни деган, сизга ўзига ишон-  
гандай ишонган соддадил қизни баҳтиқаро қилиб, алдаб  
кетганингиз эмасми?!

Яна сиз уялмай-нетмай, алдамоқчи эмасдим дейсиз. Ду-  
нёда бундан ортиқ алдаш бўладими?

Нега буёқда унаштирилган қизингиз бўла туриб шу но-  
мақбул ишга қўл урдингиз? Сизда виждон, иймондан зар-  
рача бўлсаям борми ўзи?

Синглинизни хотинликка олмас экансиз, бу билан тур-  
муш қурмас экансиз, нега баҳтига чанг солдингиз? Бу аёл  
зотига нисбатан ҳайвоний муносабатда бўлганлигингиzinнинг  
ўзгинаси эмасми?

Мана, ота-онангиз қандай яхши одамлар экан!.. Бу ки-  
шилар сизнинг жабрингизга қолиб, изза бўлиб ўтиришип-  
ти. Отa-онангизга кўрсатган роҳат-фароғатингиз, мукофо-  
тингиз шуми?

Сиз синглимдан тўрт-беш ёш катта бўла туриб, нега барча  
айбни ёшликка тўнкайсиз. Синглиминиам бутунлай оқламоқ-  
чи эмасман. Бундан ҳам, албатта, катта хатолик ўтган. Сиз  
тортмасангиз ҳам мана у жабрини тортаяпти... Гулсара жуда  
садда, дили пок, ишонувчан ва ўта раҳмдил қиз. Қиз болага  
бу хислатлар сирайм тўғри келмас экан. Кеч бўлсаям буни бил-  
дик. Синглиминг кўрган азоб-үқубатларини, тортган изти-  
робларини унинг турқи-тароватига қараб ҳам сезаётгандир-  
сиз. Бундан бир йил бурун у қандай эди, ҳозир қандай?

Ўғирланган баҳтини, тирик етим қолган боласини, кўз  
очиб кўргани учун ҳозиргача кўнгил узмай келаётган сиз-  
дек алдамчи эрини, келгуси ҳаётини, эл олдида шармисор  
бўлган юзини, баҳтиқаро бўлган шум тақдирини ўйлайве-  
риб, изтиробга тушавериб адойи тамом бўлди-ку бечора  
синглим. Билсангиз, бу тугул бизлар ҳам элнинг олдида бош  
кўтариб юра олмай қолдик!

Сиз шулар тўғрисида бирон марта бўлсаям ўйлаб кўрдингизми, эркатой бола?!

Билсангиз, шу муштипар қиз изтироблар гирдобидан чи-колмай ҳанча вақт қаттиқ бетоб ётди, ўлим оғзидан зўрга қайтди. Сиз бўлсангиз биргина кечирим сўраш билан ҳамма нарсани бир зумда ҳал қилмоқчи бўласиз!..

Қаттиқ асабийлашиб, ҳар бир сўзини болғалаб-таъкидлаб айтган, юраги қаҳру ғазабдан жунбушга келган Нормүмин ачиётган томоғини қирганича ўхчиб-ўхчиб йўталиб қолди. Эрининг бу ҳолатини кўрган Анора олдидаги совуқ чойни унга узатди ва мезбонларга юзланди:

— Кечирасизлар, биз сизлар билан жанжаллашгани ёки ўғлингизни суд қилгани келганимиз йўқ. Синглинизнинг кундан-кунга қийналиб, озиб-тўзиб кетаётганини кўриб, унинг дардини эшитиб чидаб туролмадик. Қани, куёв бўлмиш ва унинг ота-оналари қанақа одамлар экан, танишайлик, билайлик, дардларимизни биргалашиб айтайлик. Ахир улар ҳам мусулмон-ку, юзма-юз суҳбатлашиб бир қарорга келармиз, деган мақсадда сўраб-суриштириб келдик.

Бор гапни эшиитдингизлар. Сизларнинг ҳам сингилларингиз, қизларингиз бордир. Адолат қилинглар! Ўзларингизни бир зумгина бизларнинг ўрнимизга қўйиб кўринглар-чи қани, ҳолингиз нима кечаркан? Бу ҳеч кимга право кўргулик эмас аслида, лекин...

Шу лекини қийнайди бизни. Чунки бошимизга тушгани шу экан деб, ёрилган бошимизнинг қонини чивинларга талатиб ҳам ўтира олмаймиз ахир!..

Гапнинг қисқаси, буёғи сизларнинг виждонларингизга ҳавола.

Гулсара изтироблар кўчасида, бегуноҳ бола етимхонада додини худога айтиб юраверадими ё бунинг бошқа бир йўли борми?

Гапнинг индаллоси, Шамсиддин ўз пуштикамаридан бўлган боласига ота, Гулсарага эр бўладими, йўқми? Чунки эр оталигини, хотин оналигини қилолмаса, боланинг шўрига шўрва тўкилгани шу!..

Аноранинг гаплари Шамсиддиннинг суяк-суягидан ўтиб кетди. Тирноқларигача музлаб кетган йигитнинг патагига қурт тушди. У тухумни тешиб чиқишга уринаётган жўжадай тўлғониб-тўлғониб олди-да, меҳмонларга қараб деди:

— Сизлар ҳам мени кечириңгизлар. Ёшлиқ қилиб, аҳмоқлик қилиб қўйдим. Минг бора узр. Бироқ илтимос, тинч келдингизлар, тинч кетингизлар. Қанча бақир-чақир қилсангизлар ҳам барибир ҳеч нарса ўзгармайди. Мен Гулсарани хотинликка, болани фарзандликка олмайман эмас, ололмайман. Бунга ҳеч қандай иложим ҳам, заруратим ҳам йўқ. Оилам бор!.. Ҳаётда, муҳаббатда адашганлар фақат бизлар эмас. Бизга ўхшаганлар сон мингта. Шундай экан, мениям тушунинглар, ахир.

Фамгин хаёллардан юраги ғижимланган Гулсара нажоткоридан бу сўзларни эшишибоқ дами чиққан пуфакдай шалвираб қолди. Унинг қалбидаги энг нозик сўнгги тор узилиб кетгандай бўлди. Гулсара Шамсиддинга тик қараганча, ғазабдан лаблари пир-пир учиб аранг гапира олди:

— Ота-онангиз ҳурмати учун мен сизни ер муштлаб қарфамайман. Фақат эсиз сизни деб ўтган шунча умрим, эсиз сизга бўлган муҳаббатим, эсиз шунча айтилган яхши-ёмон гаплар! Майли, баҳтли бўлинг! Лекин мен сиздан у дунё-бу дунё розимасман! Шуни бир умр ёдингиздан чиқарманг!

Гулсара ногоҳ кўксини ғижимлаган даҳшатли оғриқни кўтаролмай чинқириб юборди. Изтиробли чинқириқ ҳовлини тутди.

Нормўмин гапиришгаям ҳоллари келмай, бир томондан янги тушган келинининг бу ерда бўлаётган гапларни эшишиб қолишидан қўрқиб ич-этларини еяётган Маматқул ота билан Рисолат аяга мурожаат қилди:

— Сизлар билан қуда бўлиш насиб этмаган экан. Иложимиз қанча. Нимаям қила оламиз? Зоримиз бор, зўримиз йўқ. Жанжал билан иш битмайди. Ўзларингиз бир нима денглар. Бизлар турайлик...

Ичкаридагиларнинг гапларини тинглаб, дили борган сари вайрон бўлаётган Ойсаранинг сабри тугади. Айниқса Гулсаранинг аянчли чинқирифи келинчакка ёмон таъсир

қилганди. Ойсара аста ўрнидан турди. Йифлаган кўйи дарвозадан чиқиб кетди. Йўлда ўйнаб юрган Бахтиёржон янгасининг йифлагаб кетаётганини кўриб қолди-ю, уйга югурди.

Меҳмонхонадагилар эса ҳамон бир-бирларига ўпка-гинали гаплардан айтишарди.

— Ерга қараган кўзга чанг тушмайди, болам, — деди Маматқул ота дағ-дағ титраган ҳолда Нормўминга гап уқдиришга ҳаракат қиласкан. — Хатолик иккаласидан ҳам ўтган. Буни эртароқ билганимизда-ку, гап бошқача бўлиши аниқ эди. Ҳар бир киши муҳаббатнинг ўлжаси ҳам, қурбони ҳам, эгаси ҳам бўлиши мумкин. Мана сизларга яқъол мисол шу... Ингичка ип узилувчан бўлади. Булар ўртасидаги ип ҳам, англашимча, ингичка бўлган экан.

— Гапларингизда жон бор, отахон, — деди Нормўмин. — Азалдан қўйга ўхшаганлар бўрига ўхшаганларнинг қўлига тушса...

Худди шу маҳал Бахтиёржон хонага отилиб кирди-ю, Нормўминнинг гапи чала қолди.

— О-о-о... Ой-са-ра ян-га-чам, — деди қаттиқ ҳаяжонланганидан дудуқланиб қолган болакай, — йифлагаб кетиб борялти.

— А-а-а, вой-й, ни-ма-а? — деганча Рисолат ая ўтирган жойида чўзилиб қолди.

— Шамси, тур, ортидан югар, келинни тез уйга қайтар! — деди ранги бўздай оқариб кетган Маматқул ота жон ҳолатда юрагини чангларкан.

Шамсиддин ташқарига отилди.

Хижолатга тушган Нормўмин билан хотини ўринларидан туришлариниям, ўтиришлариниям билишмай, бир-бирларига кўз уриштирганларича ҳайрон бўлиб қолишли.

Ахийри меҳмонлар индамай ўринларидан туриши. Улар машинасига ўтириб катта йўлга тушганларида Шамсиддин Ойсарани уйига қайтаролмай ора йўлда гарангсиб турганини кўриши.

Бу манзарага кўзи тушган Гулсара нафрат билан юзини бошқа томонга бурди...

## Хавотир

«Чурқ-чурқ»лаган очофат чумчуқлар галаси эрта тонгдан емиш излаб ҳар томонга учишади. Бу сафар уларнинг бир тўдаси Ортиқалининг серҳавоза ҳовлисига қўниб, ширага тўлган узум бошлирини чўқилай кетишдилар.

Ҳовлига чиқаётган Лобархон ҳавозаси остидан ўтаётгани маҳал тойфи узумларни тинмай чўқилаётгани чумчуқлар томон қўлларини кўтариб «Ҳайт!» дейиши билан, улар патирлашиб дувва кўкка кўтарилишди.

Бу вақтда Ортиқали водопровод жўмрагини очиб, помидорларга сув тараётган эди.

— Узумларга ёмон уюр бўлибди-да бу қушлар, — деди Лобархон эрига кўзи тушиши билан, — бир амал қилмасак бўлмайди-ёв ҷоғимда. Кечагина бу томонидаги узумлар осилибгина турувди, эсизгина, пуччайиб қопти-я!..

— Қўйверинг, — деди Ортиқали кулиб, — улар ҳам насибасини ейди. Бизга қолганиям етади.

— Қизғанаётганим йўқ. Бу қурғурлар бир четидан тозалаб есаям майли эди. Қаранг, чўқиланмаган бош қолмабди. Яна денг еб-емаган, расво қилган!

— Хафа бўлманг, шу узумда қушларнинг ҳам, ҳашаротларнинг ҳам ўзларига яраша озми-кўпми буюрган насибаси бор. Бирорнинг насибасини бирор еёлмайди. Еса есин — савоби тегар ахир. Деҳқонларни бекорга биринчи бўлиб жаннатга тушади, дейишмайди машойихлар.

— Жа-а, оласизда гапниям, — очилиб кулди Лобархон.

Ортиқали ҳам мамнун жилмайиб қўйди. Улар нонуштага ўтиришгандарнида, шундай ёнгиналарнида бешикда ухлаб ётган Мөҳриддин бир-икки марта енгил йўталди-да, кўзларини очди. Сўнг тиришиб тортқилай-тортқилай ўнг қўлини қўлбовдан сугуриб олди-да, кўзларини устма-уст уқалаганча харҳашага ўтди. Ўғилчасининг қорни очганини сезган Лобархон ошхонага ўтиб пиёлачада қаймоқ олиб келди.

Унгача бешикни секин тебратат ўтишган Ортиқали ўғилчасини эркалашга тушди.

— Турдийизми, полвон!.. Қорнимиз очдими? Ҳозир, ҳозир ойижон қаймоқ об келади!

Лобархон кела солиб пиёлачадаги илиқ қаймоқни кичкина кумуш қошиқча билан ўғилчасининг оғзига тута бошлади.

Қорни тўйған Меҳридин тамшаниб-тамшаниб яна уйқуга кетди.

Ана шундан кейингина Лобархон кейинги бир ҳафтадан бери ўзига тинчлик бермай ўйлантириб келаётган фикрни секин ўртага ташлади.

— Дераза узоқ очиқ қолса, тоза ҳаво билан бирга чанг ҳам, губор ҳам киради, деган гап бор. Ўзимизга ўзимиз пишиқ бўлсак, ўзимизни ўзимиз асрасак, чанг ҳам, губор ҳам юқмасмиди... Шу ҳақда сизга гапим бор эди.

— Қанақа гап экан?

— Худо ёш берса, ҳадемай ўғилчамиз кўчага чиқиб ўйнайдиган бўп қолади. Шунда, дейман, болалар ўртасида гапдан гап чиқиб, Меҳридинимизнинг бизнинг фарзандимиз эмаслиги тилга олинса, улардан биронтаси билиб-бilmай боламизни «Сен асрардисан» деб ҳақорат қилса... Унда ўғлимизнинг ҳам, ўзимизнинг ҳам ҳолимиз не кечади?

Ортиқалининг авзойи бузилди. Оғзидаги чайнаётган луқмасини бир пиёла чой билан зўрга ютди. Дарҳақиқат, Лобархон ҳақ, бу ёғини жиддий ўйлаб кўрмаган экан.

Барибарам аёл – она-да! Онанинг қалби, онанинг меҳри бутунлай бошқача экан. Оналарнинг кўнгли серҳадик ва сезувчан бўлади, деганларича борга ўхшайди. Бундоқ ўйлаб кўрганда, ҳар нарса бўлиши мумкин. Хотинининг гапида бир эмас, мингта жон бор. Кўчиш керак!..

Ортиқали ўзига мўлтираб қараб ўтирган хотиннiga тикилди:

— Кўчамизми?

— Яхши бўларди! – деб юборди Лобархон кўзлари порлаб. — Бироқ қаёққа борамиз?

— Жуда узоққамас. Шаҳардан чиқмаймиз. Эшитишимча, Чилонзорда янги кооператив ўйлар қурилалаяпти экан. Бу гапни яқинда Ҳалим Эшбоевичнинг наҳор ошига борганимда эши тувдим. Шундан бир хабар олсаммикан?

— Қанийди бизларгаям биронтаси тегиб қолса. Буни сотардик-да, уни олардик.

Ортиқали дастурхонга фотиҳа ўқиди ва ўрнидан турди.

Шу куниёқ Ортиқали бошлиғидан икки соатта рухсат олиб, Чилонзорга ўтди. Таниш-билишчилик қылди. Югурди, елди, ишқилиб амаллади.

Бир ой деганда эр-хотиннинг яна бир орзулари ушалди. Улар уйни қўш келин туширган қўшнига сотищди-да, ўзла-рига Чилонзордан янги уч хонали уй олишиди.

### Можаро

Шамсиддин шошиб қолганидан эски калишда ташқа-рига чопиб чиқиб кетаверибди. Бунинг устига дарвоза-дан югуриб чиқаётиб ўнг оёғининг икки панжасини йўл четидаги каттагина тошга уриб олдии, йиқилиб тушди. Йигит оёқларининг оғришигаям, панжаларининг қонаши-гаям парво қилмай ўрнидан тура сола ҳаллослаган кўйи икки юз метрлар чамаси олдинда зипиллаб кетаётган хотини эшитгулик овозда бақирди:

— Тўх-та-а, Ой-са-ра-а-а!

Ойсара эрининг овозини эшитсаям, эшитмагандек қадам-ларини тобора тезлатиб олдинга интилди.

Вазиятнинг чигаллашиб кетаётганидан баттар ваҳимага тушган Шамсиддин ичиде Гулсараниям, ўзиниям гўрдан олиб гўрга солиб сўкканча янада теэроқ чопа кетди.

Бахтига йўлда ҳам, атрофда ҳам ҳеч йўқ эди.

Шамсиддин Ойсарани зўрга тўхтатиб олди.

Ойсара эса юзини шартта четга бурди-да, қўлинин тортиб олишга жон-жаҳди билан тиришди. Шамсиддиннинг ба-қувват қўли Ойсаранинг нозик билагини омбурдек маҳкам қисиб турарди. Уларнинг шу топдаги кўринишлари ҳам қўрқинчли ва айни пайтда аянчли эди.

— Кўйворинг қўлимни! Мен кетишим керак! Сиз хоним-чангизга боринг! Мени тинч қўйинг! — дея зарда билан заҳ-рини сочди Ойсара. — Сиз билан яшаб бўлдим!..

Шамсиддин меҳмонхонада содир бўлган ғалвани хоти-ни ташқарида пойлаб туриб тўлиқ эшитганига ишонч ҳосил қиларкан, Ойсарани зўрлик билан орқага қайтаришга ўзи-

да куч топмади. Кетсанг кетавер, дейишгаям юраги дов бермади. Ноилож ялинишга ўтди:

— Ойсара, илтимос, йўқ дема, изингга қайт. Уйга борайларик. Хўп де!.. Барча гапни ўзим ётиғи билан тушунтираман. Ҳудо ҳаққи, айб мендамас.

— Худони ўртага қўшманг. Сиз худони биласизми? Худони билган одам бунчалар паст кетмайди. Бунчаларномардлик қилмайди. Аёлларга бунчалар азоб бермайди, хўрламайди, оёқ ости қилмайди. Ҳалигиларнинг тушунтирганлариям менга етиб ортаяпти. Ўзингизни оқламоқчимишиз? Оқлаб бўпсиз! Мен сизга умуман ишонмайман.

Яна пиқиллаб йифлагб юборган Ойсара қўлини бир юлқиб тортиб олди.

Шамсиддин бутунлай довдираб қолди.

Ойсара шаҳд билан олдинга интилди.

Йифламоқдан бери бўлган Шамсиддин жон ҳолатда яна югуриб бориб Ойсаранинг қўлидан тутди-да, майин ва мулоийм гапиришга урина бошлади:

— Айланайин, Ойсара! Мен сени қаттиқ севаман. Сен сиз яшолмайман! Бир марта гуноҳимдан ўт. Уни қўй!.. У сенинг тирноғинггаям арзимайди. Шунинг учун уни тан олмадим. У кетди. Сен кетма. Мен сени деганман. Умрбод сен билан бўламан. Кўрасан, биз баҳтли яшаймиз!.. Ўткинчи гапларни қўй!.. Уйга қайт. Кўчада бу ҳолатда туришимиз уят бўлади. Кўрганлар нима дейди? Юр, илтимос, уйимизга борайларик!.. Ҳалиям кеч эмас, мени кечир!

— Кўлимни қўйиб юборинг, — деди асабий равища қалтираётган Ойсара. — Сиз уятни биласизми? Уятни билган одам шу ишларни қиласидими? Сиз ўзи неча кишини севасиз? Менга айтган чиройли сўзларингизни унгаям айтгандирсиз? Бир бечоранинг боласини қон йиғлатиб қўйиб, мен билан баҳтли яшамоқчимисиз? Бўлди, бас! Ҳаммасидан тўйдим! Сизнинг сўзингизгаям, ўзингизгаям ишонмайман!

Ойсара шу пайтгача эрига бундай оғир ва аччиқ гапларни айтмагани учунми, Шамсиддин довдираб қолди: у рафиқасини жуда ювош, содда ва меҳрибон деб юрарди. «Бундаям бор эканда анча. Энди нима қиласман? Буни кўндири-

гунча она сутим оғзимдан келади-ёв чамаси! Бундан чиқди, ҳамма хотинларнинг тилиям, дилиям бир хил экан-да... Э, худо, ўзинг асра мендек оила қуришда, аёл танлашда адашган ғофил бандаларингни!.. Содагина десам, Гулсарайам бошимда данак чақди. Оғзимдан қонимни келтирди. Гулсара акаси билан янгасини олдига солиб уйимга олиб келиб ғалва кўтартмаганида, Ойсара ҳечам бундай номаъқулчилик қилмасди. Менам бунчалик абгор бўлиб хотинимнинг ортидан ялангоёқ чопиб юрмасдим. Аслини олганда ҳамма айб ўзимда... Гуноҳимни бўйнимга олсан тинчирмиканман? Ҳали отам билан онамнинг ҳоли не кечди экан? Нима қилсанм экан? Ўзимни ўзим ўлдириб қўя қолсаммикан? Одамлар нима дейди?!»

Орадаги сукунатни Ойсара бузди:

— Қўйинг, Шамсиддин ака, барибир ошимиз пишмайдиганга ўхшайди. Яххиси, мени тинч қўйинг-да, болангизни етим қилманг. Уларга эгалик қилинг.

Шамсиддиннинг жони ҳалқумига келди. Шундай бўлса ҳам бир амаллаб ўзини босди:

— Бу гапни қаердан олдинг?

— Шу пайтгача яшириб келганингиз етади. Энди ҳеч кимни алдай олмайсиз...

Шу пайт уларнинг ёнгинасидан мотоциклини тариллатиб чўпон йигит ўтиб қолди-ю, эр-хотин бирдан жим бўлиб қолишиди.

Йўлда пайдо бўлган, афтидан, тушликка чиқиб уйларига келишаётган одамларга кўзлари тушиши билан Ойсара яқингинада кўриниб турган отасининг уйига қараб юрди, ноилож қолган Шамсиддин эса беруҳ ҳолда изига қайтди.

### «Жанжал билан иш битармиди?..»

Ойсаранинг ҳовлига кўз ёшларига кўмилган кўйи шалвирабгина кириб келаётганини биринчи бўлиб дарвозанинг чап томонидаги супачада кир ювиб ўтирган янгаси кўриб қолди-ю, қўрқиб кетди. У сиқаёттан кийимни тоғорага ташлаганча чопиб Ойсарага пешвоз чиқди.

Салима янга қайнинглиснин бағрига босиб, ёш тұла юзларидан ўпаркан, хуноб бўлди. Бир зумда минг хил хаёлга борди: «Бу нега йиғлаб юрибди? Уйида қанақа кўнгилсизлик бўлдийкин? Наҳотки эри билан жанжаллашиб қолган бўлса? Эрталаб бориб келганимда, биб-бинойи кулиб-ўйнаб ўтиришувди-ку? Кўз тегдими буларга?!»

Ойсаранинг гап-сўзсиз қон бўлиб йиғлайвергани янгасининг юрагини ззиб юборди. Охири:

— Тинчликми? — деди Салима қайнинглиснин бағридан бўшатиб. — Ким хафа қилди сизни? Ё бирон жойингиз оғрияптими? Нима бўлди сизга? Тезроқ айта қолинг, юрагим увишиб кетди-ку?

Ўз ёғига ўзи қоврилиб, гапни нимадан бошлишни билмаётган Ойсара аламли кўз ёшларини енги билан артаётib, баттар ҳўнграб юборди.

— Худо урди, янгажо-о-он, худо урди бизни, — дея пицирлади у янгасининг кўксига бошини қўйиб.

Салиманинг ичидан қиринди ўтди.

— Бу нима деганингиз? Сизларга нима қилди? Бошинингзага қандай ташвиш тушди? Очиқроқ айтсангиз-чи!

Ойсара «Айттолмайман!» дегандай бош чайқади.

Ойсаранинг адволини тушунгандаи бўлган Салима супачадаги сув тұла челакни олиб унинг олдига қўйди:

— Ювениб олинг, уйда гаплашамиз.

Салима бориб очиқ қолган дарвозани ёпиб келди.

— Уйда ким бор? — деб сўради энди сал ўзига келган Ойсара юз-кўзларини артаётib.

— Мендан бошқа ҳеч ким йўқ. Акангиз ишда. Онам билан отам бир жойга чиқувдилар. Ҳали-замон келиб қолсалар керак.

Улар изма-из уйга киришди.

Анча ҳовуридан туша бошлаган Ойсара бугун уйида содир бўлган барча воқеани янгасига гоҳ куйиниб, гоҳ йиғламсираб, гоҳ фигони фалакка чиқиб сўзлаб берди.

Салима Ойсаранинг сўзларини диққат билан тингларкан, гоҳида «Йўғ-е!.. Ия! Шунақа денг!.. Наҳотки!.. Шунчаликка борибдими?! Тавба, тавба. Туппа-тузук йигит десам, ҳали

шұнақа писмиқ экан денг!.. Вой, ярамас-сй!.. Хафа бўлманг, аканғиз унинг кўзини мошдек очиб қўяди ҳали!..» қабилидаги хитоблар билан ўз муносабатларини билдириб турди.

Ойсара бутун дардини янгасига айтиб бўлгандан кейингина сал енгил тортгандек бўлди.

Шу орада Салима Ойсарани қайнатилган тўртта тухум, аччиқ кўк чой ва эрталаб ёпган иссиқ нони билан меҳмон қилди.

Ойсара янгасининг қистови билан, иштаҳаси бўлмаса-да, битта тухум билан бир парча нон еди, икки пиёла аччиқ кўк чой ичди. Ойсаранинг кўнглида ҳамон ваҳима ҳукмрон эди: «Ота-онамга нима дейман?.. Акамга-чи?.. Бу машмашани уларга қандай тушунтираман? Ишқилиб отажонимнинг давленияси кўтарилиб ётиб қолмаса бўлгани эди?..»

Янга насиҳат оҳангида:

— Дунёда ҳар хил одамлар бор. Уларнинг яхши-ёмонлигини юзига қараб билиб бўлмайди, — деб куйиниб гапираётгани маҳал дарвоза «ғийқ» этиб очилди.

Ҳадиксираб ўтирган Ойсара сакраб ўрнидан тура сола деразадан ташқарига кўз солди. Олдинда устига камзул, бошига янги дўппи кийган отаси, ортида яшил гулли кўйлаги устидан тўқсариқ баҳмал нимча кийган онаси изма-из кириб келишарди. Отаси қизиқ бир ҳангома айтиб кампирини кулдириб келаётганга ўшарди.

Уларни кўриб Ойсара ҳам, Салима ҳам шошиб қолди.

Салима Ойсарага тикилиб қаради:

— Кўз ёшингизни артинг. Буни уларга сездириб қўйманг. Кайфияти бузилмасин. Бунинг устига, биласиз, отамизнинг давленияси бор. Тағин, худо кўрсатмасин... Кейин бу гапларни ётиғи билан айтамиз, тузукми?

Ойсара маъқул дегандек бошини силқиди ва дарҳол кўз ёшларини артди.

Эргаш ота бир-икки йўталиб қўйгач, кавушини даҳлизга ечиб, кампири билан секин ичкарига – келини билан қизи ўтирган хонага қараб юрди. Отанинг яхши бир одати бор эди: ўзининг уйигаям, бошқаларнинг уйигаям аввал биринки марта йўталиб, кейин киради.

Ойсара ҳам, Салима ҳам уларни ўринларидан туриб кутиб олишди.

Ойсара ота-онаси билан кўришаркан, ўзининг ғамгинлигини билдирамасликка ҳаракат қилди.

Кўрпачаларга ўтирганларидан кейин Эргаш ота фотиҳа қилди, қизидан ҳол-аҳвол сўрашга ўтди. Салима чала қолган кирини ювиш баҳонасида ҳовлига чиқди.

Ойсара ўзини хурсанд кўрсатиб, ота-онаси билан ҳол-аҳвол сўрашгач, ундан-бундан гаплашиб ўтиреди.

Кутимаганда ташқарида — уларнинг дарвозаси олдида содир бўлган шовқин-сурон ва ғалати ур-сур товушлари хонага кириб келди-ю, ўтирганларни саросимага солиб қўйди.

Бунинг нима эканлигини эса Ойсаранинг юраги сезди. Ойсара ҳаммадан бурун ўзини ташқарига олди.

Эргаш ота:

— Тинчликми, кампир, нима бўлайпти ўзи? — дея дераздан товуш чиқаёттан томонга алантлаб қаради.

Бироқ нима гаплигини тушунмади. Ўғли билан Шамсиддин күёвини вағири-вуғири овозларидан таниди-да, ҳовлига ҳовлиқиб чиқаёттан кампирининг изидан ўзиям турди.

Ойсара акаси билан эрининг олишаётганини, янгасининг эса уларни ажратолмай турганини кўриб қолиб қўрқув ичада оёқлари бўшашиб, ҳавоза устунига суюниб қолди.

Ур-сурни ҳаммадан бурун кўриб қолган Салима Олимжон билан Шамсиддиннинг ўртасига тушиб уларни бирбиридан ажратишга уринар, лекин бунинг уддасидан чиқолмасдан куйиб-пишиб бақиради:

— Жанжал билан иш битармиди, қўйинглар энди!

Шамсиддиннинг туриш-турмушидан унинг ўз айбига иқрорлиги билиниб турарди. У: «Акажон, узр!» дейишдан бўлак ҳеч нарса демасди. Олимжон эса Шамсиддиннинг ёқасидан маҳкам тутган ҳолда дарғазаб бўлиб судрар ва:

— Ҳали сенми бизнинг кўзимизга чўп соладиган? Гапир, номард! — дея дағдаға қиласади.

Салима қайнотаси билан қайнонасининг шу томон шошиб келаётганини кўриб қолди-да, эрига қараб қаттиқ шивирлади:

— Бас қилинг, ота-онамиз келишяпти.

Шошиб қолган Олимжон күёвига ўшқирди:

— Мард бўлсанг уйнигда бўл. Мен ҳозир синглимни олиб сизларни кига бораман-да, масалани ўша ерда разбор қила-ман!..

Шамсиддин қақшаган жисмини зўрга кўтариб, маҳзун кайфиятда уйига қайтди.

Ҳамон жаҳлидан тушолмаётган Олимжон дарвозани ичкаридан ёпиб, ҳовлига кириб келаркан, ўзига савол назари билан қараб туришган ота-онасига қараб:

— Кўрқманглар, тинчлик, илтимос уйга кирингизлар, — деди.

Сўнг Олимжон синглисини олиб ошхонага ўтди. Салима тогорадаги кийимларни ювишни давом эттириди.

Эргаш ота билан Матлуба аянинг юракларига аллақачон ваҳима тушиб улгурди. Уларнинг уйга киришгаям мадорлари етмай, икки-уч қадам наридаги супага бориб ўтиришди.

Олимжон беш-олти дақиқа ичида синглисига қисқа-қисқа саволлар бериб, бор гапни билиб олди. Нафрати баттар ошди.

Шундан кейин Олимжон ўзини бесабрлик билан кутаётган ота-онасини ўйлаб, тезда ҳовлига чиқди ва уларни меҳмонхонага бошлиди.

Уларнинг изларидан ёш тўла кўзларини пирпиратган Ойсара билан довдираған аҳволдаги Салима киришиди.

Ҳаммалари жамулжам бўлишгач Эргаш ота ҳамон ғазабнок аҳволдаги ўғлидан босиқ одангда сўради:

— Нима гап, улим? Шамсиддин күёвга ҳам кўзим тушандай бўлди. Тинчликми ўзи? Ким билан, нимани бўлишолмай юрибсан, улим?

Олимжон ўзинг айта қол, демоқчи бўлгандай Ойсарага қаради-ю, лекин унинг шу онда бунга кучи етмаслигини сезди. Синглисига раҳми келди. Ойсара гап орасида бу гапларни янгамга ҳам айтган эдим, дегани эсига тушиб қолиб, хотинини сўроқда тутди:

— Ойсаранинг уйида бўлиб ўтган воқеадан сенинг хабаринг бормиди?

Эрининг важоҳатидан қўрқиб кетган Салима довдираған алфозда жавоб берди:

— Ётиғи билан айтмоқчи...  
— Бу нима деганинг? — хотинининг гапини кесди Олимжон. — Отам билан онам қачон келди?  
— Ҳозир келиб турувдилар. Нафасларини ростлагандан сўнг ётиғи билан айтмоқчи эдик. Бу ёқда сизлар бу ҳолатда келиб қолдингизлар.  
— Фурсат бўлмади де.  
— Ҳа, фурсатимиз бўлмади, кечиринг.  
— Ундоқ бўлса, гап бундоқ, — Олимжон отаси томон ўтирилди. — Бугун тракторимнинг балони тешилиб қолди. Механикни излаб юриб йўлда Ёрмат аканинг кичкина ўғилчасини кўриб қолдим. У мени кўриши билан олдимга чопиб келиб Ойсара опам уйингизга йиглаб кетди. Шамсиддин поччанинг уйида ёмон шов-шув бўлди, деди. Ишонмай Ойсараларнинг уйига қарасам, дарвозасининг олдида Шамсиддин шумшайиб турган экан. Чақирдим. Келди. Юзига қарасам, чиндан ҳам кайфияти йўқ. Гапирсам индамайди.

Тортқилаб уйга олиб келаёстиб, яна гапга солсам, гапининг тайини йўқ. Минғир-минғир қиласди. Куёв бола роса ичидан пишган экан. Хуллас, институтда ўқиб юрганида бухоролик бир қиз билан илашиб қопти. У аёлнинг Шамсиддиндан боласиям бор экан. Бугун шу аёл акаси билан янгасини олиб келибди-да, яхшигина жанжал кўтарибди. Ойсара меҳмонхона деразаси олдида туриб, уларнинг гапсўзларини тўлиқ эшлибди. Қон йиглаб бу ёқка жўнабди...

Гап ўзани қайга қараб бораётганини сезган Матлуба ая ўтирган жойида мунғайиб қолди. Эргаш ота эса хира тортаётган кўзлари билан атрофдагиларга ғалати нигоҳ ташлади-да, тутила-тутила:

— Шу-на-қа де, на-ҳот-ки... — деганча ногоҳ ёнига «шилқ» этиб қулади.

Отасининг бундай ҳолга тушганини кўрган Олимжоннинг бўлари бўлди. У хотинига қараб:

— Дарров отамнинг оёқ-қўлларини уқалаб массаж қилиб тур, мен ҳозир дўхтир олиб келаман, — деганча ҳовлига чопиб чиқди ва уч оёқли «Урал» мотоциклини ўт олдира сола йўлга тушди.

Ойсара ўзи туфайли отасининг шундай аҳволга тушиб қолганини кўриб қўрқиб кетганидан кўзларидан ёш тирқираб оққанича отасининг гоҳ қўлларини, гоҳ оёқларини жонжади билан уқалай кетди.

Орадан ярим соатлар ўтгандан кейин дарвоза олдига келиб тўхтаган мотоциклнинг овози эшишилди.

Салима деразадан қараб:

— Ана, дўхтири ҳам келди, — деди хурсанд бўлиб.

Олимжон билан бирга қишлоқ ҳамшираси — 35-40 ёшлиардаги аёл кириб келди.

Ҳамшира Матлуба аяга салом бергач:

— Отахонга нима бўлди? Яна давлениями? — деганча Эргаш отанинг ёнидаги кўрпачага ўтиреди.

Ҳамшира дастлаб беморнинг қон босимини ўлчаб кўрди.

— Отахоннинг қон босими анчагина ошибди. Район шифохонасига ётқизиш керак. Бўлмаса.. — деди ҳамшира дेраза ёнида ўйланиб турган Олимжонга қараб.

— Бўлмаса деганингиз нимаси? — ҳам қўрқиб, ҳам шошиб сўради Олимжон.

— Бўлмаса оғирлашиб қолишлари мумкин, демоқчиман. Ҳар эҳтимолга қарши уч-тўрт кун ётиб даволангандар яхши. Қари кишига ҳар қандай дард оғирлик қиласди... Бир енгил машина топсангиз. Ўзим ҳам сизлар билан бирга боришим мумкин.

— Бўпти, — деди ҳамширанинг гапидан ваҳимага тушган Олимжон, — сиз дори-пори бериб туриңг, мен ҳозир машина топиб келман.

Олимжон шом пайтида «Урал» мотоциклини учирив у танишига борди, бу танишига борди. Бўлмади. Охири катта йўлга чиқиб, дуч келган енгил машинага қўл кўтара-қўл кўтара битта эски «Жигули»ни ушлаб келди. Бу вақтда Матлуба ая ўзини анча яхши ҳис этаётган бўлса-да, Эргаш отанинг қон босими тушайин демасди. Ота ҳамон кўзларини юмган кўйи жим ётарди.

Қуёш уфқа ботаётган, уйларга чироқлар ёқилаётган пайтида Олимжон отасини «Жигули»нинг орқа ўриндиғига кўрпача ва ёстиқ солиб ётқизди, пойига ўзи бир

амаллаб жойлашди, шофёрнинг ёнига ҳамиширани ўтиризизб йўлга тушишди.

Боягина бешик тўйдан кулиб-яйраб келишган ота-онасининг бир зумда шу кўйга тушиб қолишига ўзини асосий айбдор деб билаётган Ойсара тош йўлни тўзғитиб кетаётган машина ортидан юраги чок-чокидан эзилган ҳолда қараб қолди.

### «Думни кўпайтиргунча...»

Рисолат аянинг ҳам, Маматқул отанинг ҳам кутилмаган меҳмонлар билан хайрлашишгаям мадорлари етмай, бир аҳволда ётиб қолишган эди.

Улар бирон соатлардан сўнгтина сал ўзларига келгандай бўлишди. Айниқса, Маматқул ота бугун ўз хонадонида, ҳеч кутилмаганда содир бўлган бу воқеа зарбидан қаттиқ эсан-кираб қолганди. Вужудига аллақандай ёқимсиз титроқ кирган ота бир қадам босса ҳам боши айланиб, кўзи тиниб, гандираклаб кетаверди.

Ҳарчанд уринса ҳам, бўлиб ўтган воқеани ҳазм қилолмай, дили вайрон бўлган Маматқул ота изтиробли ўйларга толди: «Наҳотки менинг ўғлим шу ишларни қилган бўлса?! Нима жин урди уни? Эсли-ҳушли, ақлли деб юрсам, қилқизил аҳмоқ экан-ку! Ақлли бўлса, шунаقا аҳмоқона ишлар билан шуғулланармиди? Ўзингдан чиққан балога, қайта борасан давога, дегани шу бўлса керак. Институтда ўқиб юрганида тез-тез изидан бориб, ҳолидан хабар олиб турганимда, балки бу машмашаларнинг олдини олган бўлармидим? Пулдан қисган бўлмасам. Яхши ўқисин, қийналмасин деб ижарага уй олиб берган бўлсам? Мендан нима хатолик ўтди? Ёлғиз ўғил деб жудаям талтайтириб ортиқча эркалашиб юбордимми ё?!»

Отанинг маҳзун хаёлларини дарвозанинг очилиб-ёпилган товуши бузди.

Маматқул ота деразадан бўйлаб қаради ва ранг-қути ўчганча ёлғиз ўзи келаётган ўғлинин кўрди.

Шамсиддин ота-онаси ўтирган хонага ноилож киаркан:

— Яхши ўтирибсизларми, тузукмисизлар? — деб қўйди ҳадиксираб.

— Ёнимга келиб ўтириб, — деди Маматқул ота қаҳр билан.

— Бизлар-ку ҳозир зўрға ўзимизга келдик. Ўзингдан гапир. Мунча ҳаяллаб қолдинг? Келин қани? Кўндиrolмадингми? Ё унинг ҳам баҳридан ўтиб келдингми?

— Баҳридан ўтиб бўладими? Кўндиrolмадим.

— Ялиниб, илтимос қилиб, кечирим сўраб кўрмадингми?

— Кўрдим. Бўлмади.

— Нега бўлмайди? Бўлдиrolмасанг, нега бунақа номаъқул ишларни қилиб юрибсан? Изқуварлар билан думни кўпайтиргунча, оилани мустаҳкам қилишини ўргансанг бўлмайдими, аҳмоқ!.. Энди нима қилмоқчисан?

— Билмайман.

— Нега билмайсан, жувонмарг!

Асаби қўзиган ота ёнида ерга тикилиб ўтирган ўғлининг билагидан тортиб ўзига қаратди-да, икки юзига икки тарсаки тортиб юборди.

Рисолат ая чўчиб тушди ва йифламоқдан бери бўлиб:

— Ҳой, отажониси, астароқ-да, бўлди, бўлди-ей, — деди.

Ҳам уятдан, ҳам тарсаки таъсиридан Шамсиддиннинг юзи ёнарди. Маматқул ота эса ўғлини ҳаётида биринчи марта уришга урди-ю, аммо ўзининг юраги ёмон эзилиб кетди. «Жаҳлим қурсин менинг, қўлим қаттиқ тегмадимикан, ишқилиб», деб қўйди ичидা.

Шамсиддиннинг ўрнидан турмоқчи бўлаётганини кўрган ота:

— Гапимиз чала қолмасин, — деди бироз жаҳлидан тушиб. — Билмасанг билиб қўй. Ойсара келинниям хафа қиладиган бўлсанг, бола, ўзингдан кўр. Мендан яхшилик кўраман дема!.. Билсанг, улим, сендан орзу, умидимиз жуда катта. Бизнинг орқамиизда қолиб, чирофимизни ёқадиган сенсан, ахир! Сўқирам ҳассасини бир марта йўқотади. Сен сўқир эмассан-ку! Тўрт мучалинг соғ. Ақлинг бутун. Эсингни йиф. Қачонгача бола бўласан?

— Бола тойса, — деди ўғлининг мунғайиб қолганини кўрган Рисолат ая меҳр билан, — ота-она йиқилади, улим. Бизлар ҳозир шундай ҳолатдамиз, агар билсанг.

— Ҳамма айб ўзимда, мени кечиринглар. Пушаймоним ичимда. Бунчалар бўлади, деб ҳечам ўйламаган эканман. Юрагим ёнаяпти, нима қиласай, отажон, онажон...

Шамсиддин шу сўзларни айтиш асносида секин ўрнидан турди ва ҳовлига чиқиб юз-қўлини, оёқларини қайтадан ювди. Сўнг ўзининг хонасига кирди. Хотинининг стол устида ётган расмига термулиб турди-турди-да, ўзини диванга ташлади. Беш-үн дақиқа ётди. Юраги қисилди. Сакраб туриб аввал ҳовлига, кейин дарвозадан ташқарига чиқди.

Дарвозаси олдида хаёл суреб турганида, уни қаёқдандир келаётган қайноғаси Олимжон чақириб қолди.

Азиз ўқувчининг Олимжон билан Шамсиддиннинг ўртасида бўлиб ўтган олишув тафсилотларидан хабари бор. Шу сабабли бу борада батафсил тўхталиб ўтирумаймиз.

Қайноғасидан яхшигина дакки еган Шамсиддин айни шом пайтида ҳовлисига етиб келди-да, дарвозани секин очиб, ичкарига кирди. Атрофига аланглаб, айвонда данак чақиб еб ўтирган жиянчаси Бахтиёржонга кўзи тушдию, унинг ёнига борди.

Бахтиёржон тоғасини кўриши билан лаби-лабига тегмай бидиллаб кетди:

— Қаёқларда юрибсиз, тоға? Бувижоним сизни мендан сўрадилар. Хоналарни бирма-бир кўриб чиқдим топмадим. Кейин кўчага чиқиб анча айландим. Йўқсиз. Қуда бобоникига бораётган эдим. Бегмат чўпоннинг тишлигич итини йўлда кўриб қолдим-у, қочдим.

— Шунаقا де, бобонглар қани?

— Улар ҳозир ўзларининг хонасида ниманингдир маслаҳатини қилиб ўтиришибди. Сизни келдилар деб айтами?

— Ўзим ҳозир олдиларига ўтаман.

— Данак ейсизми, жа ширин экан.

— Йўқ, ўзинг еявер, жиян.

Шамсиддиннинг кўзига ҳар куни файзли кўринадиган ҳовлисининг ҳар бир қаричи шу топда жуда гариб ва кўрим-

сиз бўлиб туюлди. Ҳовлисининг бутун кўрки-чиройи, таровати-ҳусни Ойсараси билан бирга қўшилиб кетиб қолгандай туюлди йигитга.

Қовоғи солиқ, хаёли паришон Шамсиддинга Ойсара билан яшаган дамлари қанчалик қувончли кўринса, ўзининг ҳозирги ҳолати шунчалик жирканч туюлиб кетди. «Нима қилиб қўйдим? Гулсарани бир ёқлик қилмай Ойсарага уйланганим яна бир катта хатойим бўлди? Эҳ! Негаям шошқалоқлик қилдим-а! Ўйламасдан қилган ишларим учун яна ўзим айборман, ўзим! Энди бошим ғавғодан чиқмайди?»

Шамсиддин оғир хаёллар оғушида хонага кирганида отаси билан онаси баҳслашиб, тажант ҳолда ўтиришарди.

Маматқул ота аламини ўғлидан олди:

— Қаёқларда юрибсан?

— Ҳозир келдим ўзи... — пўнғиллади Шамсиддин кўрпача солинмаган палоснинг четига ўтиаркан.

Маматқул отанинг дилига тугиб қўйган сўzlари аччиқ ва оғир эди. Бироқ ўғлининг синиққан ранг-рўйига тикилиб, унга бироз ачингандай бўлди. Шундай бўлса ҳам отанинг бўш келгиси келмади. Ота ўғлининг юзига иддао ила боқаркан, қалбида қаҳри ҳам, меҳри ҳам бирдек жўшурди.

— Бугун келиб кетган аёл билан ЗАГСдан ўтганмидинг?

— Йўқ.

— Яхшиям ўтмаган экансан. Акс ҳолда унинг қариндошлари сени судга беришарди. Мулла топиб, никоҳ ўқитганмидинглар, ишқилиб?

— Бир амаллаб ўқитган эдик.

— Болани детдомда дедими?

— Ҳа.

— Бечора бегуноҳ бола, — ота афсусланиб бош чайқади. — Дунёга келганиданоқ тирик етим бўлиб яшайдиган бўлти-да. Ҳа, падарқусурлар-а! Икковларинг ҳам бирдек гўдаккинанинг уволига қобсизлар!.. Ё болангни уйга обкласанми?

Шамсиддин ўтирган жойида бир сапчиб тушди:

— Йўғ-е, отажон, қандай обкламан? Ойсара келинингиз эшитганининг ўзидаёқ тўнини тескари кийиб олди-ку!

— Ҳа-а, баракалла!.. Энди тизинглама. Аввал ақлинг, күзинг қаёқда эди? Наҳотки ҳар бир қилинган гуноҳнинг сўроғи борлигини фаҳмламаган бўлсанг? Нега бизлар билан бу ҳақда ўз вақтида маслаҳатлашмадинг? Нима, бизлар сенга ёмонлик тилаймизми ё нотўғри маслаҳат берамизми? Ота-онам қишлоқда, мен шаҳарда юриб нима но маъқулчилик қилсам қиласкераман, буни ким ҳам биларди, деб ўйладингми? Кечагина не-не умидлар билан бир ёстиқча бош қўйган Ойсара келиннинг ҳоли не кечади энди? Энди қудаларимизнинг олдида, маҳалла-кўй, эл-юртнинг олдида неча пуллик одам бўлдик, кўрнамак?!

Қулоқлари шанғиллаб, юзи мисдай қизарий кетса-да, Шамсиддин отасининг жаҳл устида айтиётган барча гап-сўзларини гуноҳкорларча тинглашга, бу азобларга чидашга мажбур эди.

Маматқул ота ўғлини роса уришди, сўқди, лекин қарғамади. Сўнг ҳорғин кўзларини кампирига тикиди.

Чолининг гапи тугашини кутиб ўтирган Рисолат ая тилга кирди:

— Чол, энди бўлар иш бўлди. Минг уришсангиз ҳам, минг куйиб-пишсангиз ҳам пушаймондан наф йўқ. Қайтага зиён кўрамиз. Яххиси, энди бу ёғини ўлашимиз керак. Нима қиласиз? Ойсара келиннинг ўзи кетди, ўзи келади, деб ўтираверамизми? У бечоранинг қон бўлиб йиғлаб кетганини кўрмаган бўлсак ҳам яхшигина ҳис этиб турибмиз. Ўғлимиз кўндиrolмаган бўлса, демак келинимиз ўғлимиздан қаттиқ аразлаган кўринади. Тўғрисини айтганда, аразлашга тўлиғича ҳаққиям бор!.. Бизлар бу аҳволда ўмганимизни кўтаролмай ўтирганимизда, қудаларимизнинг ҳоли не кечдийкан? Ишқилиб омон-эсон ўтиришган бўлишсинлар-да. Эргаш қуданинг давленияси бор деб эшитган эдим. Шунга хавотирланиб ҳам ўтирибман.

Маматқул ота кампирининг гапини маъқуллади:

— Тўғри айтасан, кампир. Кун ҳам кеч бўлиб қолди. Бир олдиларидан ўтиб, узр сўраб қўйганимиз яхши.

— Шамсиям бормаса бўлмас-ов?

— Бўлади! Бўлмаса, буни одам юбориб чақиравмиз, — деди-да, ота ўғлига юзланди: — Сен нима дейсан?

— Билмадим, ота, сиз нима десангиз шу. Бироқ келинингиз кўнмайди-ёв.

— Ўзинг ҳам яхши иш қилмагансан-да, улим. Бундай ўйлаганда, бизлар ҳам қайси юз билан борамиз? Улар нима десалар ҳам ҳақ, бизлар эса ноҳақ. Бироқ на илож. Боришимиз керак. Онанг айтгандай, ҳали билмаймиз, уларнинг кайфияти қандай, ҳоли не кечди? Ўзим ҳам қўрқиб ўтирибман, қудалар билан сўзларимиз келишадими-йўқми деб. Сенинг бу қилган ишинг эшитар қулоққа яхши гап бўлмади. Нима қиламиз, бўйнимизни эгиб борамиз-да. Бошқа чорамиз йўқ. Уларнинг ўрнида ўзимиз бўлсак нима қилар эдик?

Рисолат ая бир чўчиб тушди ва:

— Ҳа-я, бошқа чорамиз йўқ, — деб қўйди аста.

Маматқул ота кампири билан ўғлига мурожаат қилди:

— Ҳис этдингларми, қандай бўларкан? Аввал пичоқни ўзингга ур, оғримаса бировга! Ҳа, бугун шу кўйга тушиб туришган қудаларимизга осон деб ўйламанглар.

Отасининг чуқур мулоҳазали сўzlари Шамсиддинга қаттиқ таъсир этди. Юрагининг аллақаерига устма-уст игна санчилаетгандек бўлди.

Маматқул ота ўғлининг чўкиб бораётган гавдасига разм солди-да, гапида давом этди:

— Қилғиликни қилдингми? Энди унинг зарбаларини ҳам кўтаришинг керак. Сен-ку сен, бизлар ҳам кўтаришимиз керак. Аммо бу осон эмас. Сенинг «кароматинг» туфайли тўрдаги ўрнимиз пойгакка тушадиган бўлди. Қудалар юзимизга туфламаса бўлгани, ишқилиб.

Ота чуқур тин олди.

Орага жимлик чўқди.

Сукунатни Рисолат ая бузди:

— Қудалар сени урсаям, ҳақоратласаям ҳақли, улим. Негаки, айбинг катта. Улар аччиқ устида ҳар нареа дейиши мумкин. Биз оғир ва босиқ бўлишимиз шарт. Улар кўтарилиганда, бизлар пасайишмиз, жаҳлимизни ичимизга ютишимиз лозим. Ҳар қандай ҳолатда ҳам жабрини ўзимиз торта-

миз. Салгина хатога йўл қўйсак ҳам келиндан, ҳам обрўдан, ҳам бор-йўғимиздан ажраламиз. Нарса-ку топилади. Обрў топилмайди, улим, обрў! Ор-номусни айтмайсанми?!

Тўсатдан Рисолат ая уввос тортиб йиғлаб юборди:

— Ёшиңг йигирма учга кирсаям одам бўлмаган, эси кирмаган аҳмоққина болажоним-а!

Шамсиддин онасини юпата оладиган сўз тополмай, ичидан зил кетиб ўтиарди.

— Менинг назаримдаям қил устида тургандаймиз, — дея оғир «уҳ» тортди Маматқул ота. — Нима қиласиз, бошга тушганни кўз кўрар! Осмон баланд, ер қаттиқ.

Ота билан ая кечирим сўрагани қудаларникига бориш учун йўлга тушишди. Шамсиддин ҳовлида қолди. У сиғирларга ҳашак берәтиб, уфқни ёндирганча сўниб бораётган қуёшга тикилди. Қуёш ҳам гўё Шамсиддинни кўришни истамаётгандек тезликда уфқ ортига ўтиб кўздан фойиб бўлди. Уфқ анча пайтгача бўзариб турди. Шу топда йигит ўзини ботиб бораётган офтобга менгзади... «Қуёш-ку қизариб ботсаям, бўзариб ботсаям, албатта, эртага эрталаб яна чарақлаб чиқади. Аввалгидек нур сочади. Мен-чи, менинг эртанги куним қандай бўлади? Менинг ҳам ҳаётим аввалгидай изга тушиб кетармикан?»

Шамсиддин шу хаёллар оғушида Ойсара ҳар куни елиб-югуриб бири-биридан мазали таомлар тайёрлаб берадиган ошхонага ўтди. Кўзига ювиқсиз қозон-товоқлар ва олови ўчган ўчоқ жуда кўримсиз кўринниб кетди. Кейинги пайтлари мудом саранжом-саришта турадиган ошхона шу топда анча гарибона аҳволда эди унинг назариди. «Бир кундаёқ Ойсаранинг қадри ўта бошлади», деб қўйди Шамсиддин ичиди. Сўнг ошхона бўсағасига ўтириб, қалби каби тундлашиб бораётган кўкка тикилди. Осмоннинг узоқ бир бурчиде ярим ой кўзга ташланди. Шамсиддин шу ярим ойни Ойсарасига ўхшатди-ю, унга тикилиб ўтираверди. Зум ўтмай қаердандир бир парча қора булут сузиб чиқди-да, ярим ойнинг юзини қоплади. Қора булут парчаси унча катта бўлмаса-да, ойни бутунлай тўсиб олди. Шу онда Шамсиддиннинг қалбини ҳам

қора булат дафъатан келиб босгандай бўлди. Юраги санчиб-санчиб оғриди.

Шамсиддиннинг қалби шу топда ёришмаган осмонга жуда-жуда ўхшаб кетар эди.

— Қорним очди, тоға, — деди дарвоза томондан чопқиллаб келаётган Бахтиёржон.

Ўчакишгандай худди шу пайт ҳовли этагидаги сигир-бузоқлар ҳам бирин-кетин «мў-ў»лаб қўя беришди.

— Бузоқчанинг ҳам қорни очибди. Сигирни ким соғади?  
— деб сўради Бахтиёржон.

Жиянининг сўзлари, молларнинг «мў-ў»лашлари Шамсиддиннинг хаёлини жойига келтириди.

— Юр, аввал бузоқчасини эмиздирамиз, кейин... кейин сигирниям бир амаллармиз, — деди Шамсиддин кўнгли баттар вайрон бўлган ҳолда.

### Эгилган бошлар

Маматқул ота билан Рисолат ая қудаларининг дарвозасига минг хил ўй-андиша билан, бир аҳволда етиб боришганларида Эргаш отанинг калта шимли, қизил майкачали ўн-ўн бир ёшлардаги невараси Зафаржон иккита бўш челакни кўтариб олганча ҳовлидан чиқаётган экан.

— Ассалому алайкум, қуда бобо, қуда момо, — дея Зафаржон челакчаларини апил-тапил ерга қўйиб, улар билан икки қўллаб кўриша кетди.

— Яхшимисан, улим!.. Э, баракалло!.. Катта йигит бўла япсанми? Уйларингда ким бор? — деди Маматқул ота боланинг елкасига бир қўлини қўйиб.

— Момом, ойим ва Ойсара аммам борлар, — деди Зафаржон ерга қўйган челакчаларини қайтиб оларкан.

— Қолганлар қайда, улим?

— Ҳали хабарингиз йўқми? Бундан уч-тўрт соат бурун Ойсара аммам Шамсиддин поччамдан аразлаб, кўз ёши қилиб уйга келувдилар. Бу ойимнинг гали. Кейин орадан бир соатлар ўтганда нима бўлди, нима қўйди, дадам билан Шамсиддин поччам дарвозанинг олдида қизишиб

қолишиди. Улар салгина жанжаллашгандай ҳам бўлишиди. Озгина бақир-чақир ҳам қилишиди. Ойим уларнинг орасига тушиб ажрим қилиб қўйдилар. Бўмаса, билмадим нима бўларди?! Кейин яхши тушунмай қолдим, қуда бобо! Бир гап бўлдими дейман. Бирдан Эргаш бобомнинг давлениси ошиб қолсалар бўладими? Ҳаммамиз роса шошиб қолдик. Дадам «Урал» мотоциклига миниб бориб қишлоқ ҳамширасини олиб келдилар. Ҳамшира опа район касалхонасига олиб бориб, ётқизиб даволатмасангиз бўлмайди, деб туриб олдилар. Кейин дадам қаердандир бир оқ «Жигули»ни топиб келдилар-да, машинанинг орқа ўринидигига солинган кўрпача ва ёстиқ устига бобомни ётқизиб олиб кетдилар. Айтишларича, камида тўрт-беш кун ётмаса, бобом оғирлашиб қолар эмишлар. Ҳамшира опа куйиб-пишиб шунақа дедилар.

— Қачон олиб кетишиди?

— Ҳали кўп бўлгани йўқ.

— Бувинг яхшимилар?

— Бувим ҳам бир сира мазаси қочиб қолувдилар. Ҳамшира опа берган дориларни ичиб анча ўзига келдилар. Ҳа, айтгандай, ҳамшира опаем йўлда бобомга қараб бораман деб, дадам билан бирга кетдилар. Ҳализамон дадам келиб қолсалар керак. Уйга кирингизлар. Ойим билан Ойсара аммам ошхонада товуқ ўшурва пишираяптилар, — деди-да, Зафаржон челякларини тарақлатганча йўлнинг қуи томонидаги ҳовузга қараб чопиб кетди.

Маматқул ота билан Рисолат аяни ваҳима босди.

— Энди нима қиласиз, чол? — деди Рисолат ая чолининг кўздарига қўрқув ва ҳадик аралаш тикилиб.

— Бу аҳволда буларникига нима деб кирамиз, яхшиси район касалхонасига бориб Эргаш қуданинг ҳолидан хабар олиб келайлик.

— Тўғри айтасиз, кетдик бўлмаса.

Олимжон у-бу деб норози бўлсаям, Шамсиддин ҳар куни қайнотасидан хабар олиб турди.

Эргаш ота икки кун деганда ўзига келиб, кўзини очди. Қон босимиям анча пасайгандай бўлди. Аммо-лекин врач-

лар яна уч-тўрт кун даволанмаса бўлмайди, деб муолажани давом эттиришди. Маматқул ота қудасини кўргани бир кун ўғлига қўшилиб ўзи борса, иккинчи куни кампири билан ўғлини юбориб турди.

Врачлар Эргаш отага ўн биринчи куни эрталаб жавоб беришди.

Шу куни аксига олиб, совхозда пахта териш машиналари ёппасига ишлаётгани учун Олимжон отасини кўргани касалхонага боролмаганди.

Ҳалиям ишга ўрнашолмай бўш юрган Шамсиддин эса худди шу вақтда отаси билан бирга қайнотасини кўргани касалхонага етиб келган эди.

Эргаш ота «Улим келиб қолса керак», деб ярим соатча кутди. Келавермагач, қудасининг қистови билан улар борган енгил машинада уйига қайтди.

Эргаш ота қудалари билан күёвини ҳар кўрганида хуно-би ошиб, жаҳли қўзиб ўпка-гина айтишга чоғланар, бироқ ўзи бир аҳволда касалхонада ётгани ва бегона жойда сирларини ошкор қилишни истамагани учун улар билан хушламайгина сўрашиб қўйиш билан кифояланарди.

Қудалар ва куёви ҳар куни ҳолидан хабар олишиб туришгани эса Эргаш отанинг яраланган қалбига бироз малҳам бўлгандек, совиб бораётган кўнглини салгина илитгандек бўлди.

Шунинг учун ҳам Эргаш ота дарвозасининг олдида машинадан тушаётисб, ўн кундан бери биринчи марта улар билан илиқроқ муомала қилди.

— Тушинглар, чой қиласиз, — деди у сал жилмайиб.

— Хайрлашмаймиз, қуда, худо хоҳласа кечқурун кела-миз, — деди Маматқул ота қудасининг юмшаётганидан бениҳоя мамнун бўлиб.

Шу ўтган ўн кун ичida иккала хонадондан ҳам файзу барака кетди. Онаси ош-сувга ва куйдир-пиширга ярамагани учун Шамсиддин қўшни қишлоқда яшайдиган опасининг ўн беш-ўн олти ёшлардаги қизи Севарани уйига олиб келди.

Шу ўтган ўн кун ичida Шамсиддин Ойсара билан — уни ташқарида кута-кута — зўрга икки марта учрашиб.

дардлашган бўлди. Икки сафар ҳам Ойсара рўйхушлик бермади. Ўша айтган сўзида қаттиқ туриб олди. Барин-бир Шамсиддин ундан кўнгил узолмади. Орада қайно-тасининг касалхонадан соғайиб чиқишини кутди. Мана, бугун шундай кун келди.

Гап Ойсарани нима қилиб бўлсаям уйга қайтариб олиб келишда қолди. Бу эса Шамсиддин учун жуда катта муаммо эди.

Ўтган ўн кун Шамсиддин учун осон кечмади. Ўн куннинг ўтиши ўн йилдан ҳам оғир бўлди. Ўзи ҳақидаги ҳар хил мишмишлар, одамларнинг қўшиб-чатиб айтишаётган бачкана гап-сўзлари ҳам Шамсиддинни обдон эзиг ташлади.

Шу кунларда йигит ҳамма нарсага тайёр эди.

У баъзан тушкунликка тушган кезларида Гулсарани излаб топиб, бир ёқлик қилмоқчи ҳам бўлар, баъзан эса ўзини-ўзи жазолашният дилидан ўтказиб қўярди.

Бир сўз билан айтганда унинг сирти бутун, ичи тутун эди.

Шамсиддин минг хил хаёллар гирдобида юриб кунни кечқилди.

У ўйлай-ўйлай, қайноғасининг феълини яхши билиб олгани учун яна қизишиб қолмайин, деган ҳадикда ота-онам борса бўлди-да, менинг бормаганим дурустроқ деган тўхтамга келди.

Отасининг ҳам шу фикрда эканлиги унга янада қўл келди.

— Улим, — деди отаси уйдан чиқаётиб, — онанг билан бориб ўзимиз аввал бир қудаларнинг оғзини исказ бўрайлик. Зарур бўлсанг, ўзлари сенга хабар юборишар. Ҳеч қаерга кетма, уйда бўл. Чақиришса, гап сўрашса, узрдан бошқа сўз айтма, оғир бўл. Эгилган бошни қилич кесмайди, улим.

Маматқул ота билан Рисолат ая Эргаш отанинг уйига бошлари эгилган ҳолда секин кириб боришганиларида, ота бошчилигидаги оила аъзолари дастурхон атрофида кечки овқатни тамадди қилиб ўтиришарди. Меҳмонларни кўриб Эргаш отадан бошқа ҳаммалари ўринларидан туришди.

Эргаш ота ўзининг ёнидан Маматқул қудасига жой берди. Рисолат ая Матлуба қудасининг ёнига ўтди. Аввалилари қачон келишса, кўрпача устига кўрпача солишарди. Бу са-

фар бундай бўлмади. Бироқ ўринларидан туришиб ҳурмат кўрсатишганинг ўзи Маматқул ота билан Рисолат аянинг кўнглига анча таскин бўлди.

Ҳаммалари ўтиришгандаридан сўнг Маматқул ота «Тинчлик, хотиржамлик бўлсин, фарзандларимиз баҳтли-саодатли бўлишсин, қўшганлари билан қўша қаришсин», деб фотиҳа қилди. Аввалгидек қуюқ бўлмаса-да, Эргаш ота билан Матлуба ая қудалари билан сўрашишди.

Ўзлари учун тайёрланган маставадан икки коса келтирилиб, меҳмонларнинг олдишарига қўйилди. Шундан кейин нимагадир ҳеч ким ҳеч нарса демади, ҳар ким ўз олдидағи таомни еб-ичиб ўтиреди. Дастурхонга фотиҳа ўқилиб, нарсалар йиғишириб олингунча ҳеч кимдан садо чиқмади.

Салима билан Ойсара коса-чойнакларни олиб кетишгандан сўнггина хонада озгина жонланиш пайдо бўлди. Эргаш ота устма-уст йўталиб, ғалати қақириниб қўйди. Олимжон ўрнидан туриб отаси билан қуда бобосининг ёнбошига иккитадан ёстиқ келтириб қўйгач, қайтиб ўзининг жойига ўтиреди-да, ёнидаги сочиқни иккала қўли билан эзғилаган ҳолда Маматқул отага мурожаат қилди:

— Одам оласи ичида дегани шу экан-да, қуда бобо. Мен тушунмай қолдим сизларга.

Маматқул ота гапни биринчи бўлиб ўзи бошламоқчи бўлиб турганида, қудасининг ўғлидан бу гапни эшитиб, ўйлаган ўйидан ҳам адашиб қолди. «Бу ёш йигит бўлса!.. Қони қайнаб турибди. Ёнга бас келиш қийин-ов», деб қўйди ичида. Сўнг босиқлик билан:

— Ўзимиз ҳам доғда қолдик, Олимжон қуда, — деди.

Ҳаёл суриб ўтирган Эргаш отага қудасининг бу гапи бироз эриш туюлди:

— Бу гапни сиз эмас, биз айтсан тўғри бўлармиди, қуда!.. Ўз улингизнинг нима иш қилиб юрганини сиз билмасангиз ким билади?

— Ўпка-гиналарингиз жуда ўринли, қудажон. Сизнинг ўрнингизда бошқа киши бўлганидаям шундай деган бўларди. Тушуниб турибман. Нима қиласай? Бу аҳмоқ боламиз

шунча иш қилиб, бизга ҳам бир оғиз бир нима айтмаган бўлса...

Олимжон қуда бобосининг бу сўзларига ишонмадими, гапини бўлди:

— Бундай бўлиши мумкин эмас. Бола бир кунлик бўлиб туғилмайди-ку ахир... Эшитнишимча, боланинг дунёга келганигаям олти ойдан ошибди, шундайми? Ундан олдинги тўқиз ой-чи? Шунча пайтдан бери наҳотки ўғлингиз сизларга бир нима демаган бўлса ёки ўзларингиз ҳеч нарса сезмаган бўлсаларингиз?

Ўғлининг жўяли сўзларини эшитиб ўтирган Эргаш ота ўйчан ҳолда қудаларига юзланди ва ранжиган оҳангда гапирди:

— Ўғил сизларники! Унинг нима иш қилиб юргани сизларгаки қоронғи бўлса? Сизлар билан бу тўғрида гаплашиб ўтиришнинг ҳам ҳожати йўққа ўхшаб қолди, назаримда.

Маматқул ота билан Рисолат аяга Эргаш отанинг бу гинаси жуда қаттиқ таъсир қилди. Иккаласининг ҳам юраклари зирқираб, анчагина шошиб ҳам қолицди. То Маматқул ота фикрини жамлаб олгунча Рисолат ая гапга тушди:

— Айланай сиздан, қудажон!.. Ишонмасангиз, — ярми ўраб қўйилган дастурхонга ишора қилди ая, — мана, дастурхонда нонингиз турибди. Нон ушлаб айтинг, десангиз нон ушлаб айтайин. Ёлғон айтсак, шу нон урсин бизларни. Шамси тушкурнинг шаҳарда хотини биласи борлигини сирагина билганимиз йўқ. Бўлмаса, сизлардан ололмай юрган қасдимиз бормиди?!

Шу сўзларни айтиётган маҳал Рисолат аянинг ўпкаси тўлиб, кўзларига ёш келди. Бўғзига нимадир қадалгандай бўлди. Гапиролмай ҳиқиллаб қолди.

Яна орага жимлик чўқди.

Маматқул ота чуқур «уҳ» тортди-да, Эргаш қудасига қарди:

— Ҳеч ўйламаган уятли иш бўлди. Бизнинг ўзимиз ҳам сизларнинг олдиларингизда қаттиқ хижолатдамиз. Бундай бўлишини билиб, шу ишларни қилган бўлсак, худонинг бизларга ҳам атаган бир жазоси бордир. Ўлимдан хабаримиз

бор, аммо-лекин бундан хабаримиз йўқ эди, улар келиб айтгунча.

Қони қизиб, ўзини зўрга босиб ўтирган Олимжон яна орага қўшилди:

— Қилғиликни қилиб, баримизга панд берган уддабурондан сўрайлик аниқ гапни. Унинг ўзи айтсин. Хўп десанглар, чақиритайин уни.

Олимжоннинг бу гапи ҳаммага маъқул бўлгандек бўлди.

Дадасининг топшириги билан Зафаржон Шамсиддин поччасини чақириб келгани чопқиллаб кетди.

Яна меҳмонлар ўтирган хонани сукунат босди.

Салима билан Ойсара ҳавоза остидаги сўрида ичкаридагиларнинг сўзларини тинглаб ўтиришарди.

Шамсиддиннинг чақирилаётганини эшлитиб, иккаласиям ошхонага ўтишди.

Маматқул ота билан Рисолат ая «Энди нима бўлади?» дегандек бир-бирига маънодор қараб олишди.

Олимжон деворда илувли турган костюмининг чўнтағидан бир дона сигарет олиб ўт олдирди-да, уни сўриб-сўриб торта бошлади. Маматқул ота билан Эргаш ота нос отишди. Олимжон ичига қум солинган ярим литрлик шиша банкани даҳлиздан олиб келиб, қуда бобосининг ёнига суребўйди.

Қудалар носларини банкага туфлашиб бўлишганида очиқ эшикдан салом берганча Шамсиддин кириб келди. У ўтирганларнинг оғир кайфиятда эканликларини сезса-да, ўзини сезмаганликка олиб аввал қайнонаси, кейин қайноғаси билан қўшқўллаб кўришди. Эргаш ота элга тинчлик, омонлик тилаб фотиҳа ўқиди. Шамсиддин яхши ўтирибсизларми, деб сўрашиб ҳам олди. Бироқ Олимжон у билан очилиб сўрашмади. Фақат қайнонаси «Яхшимисиз, куёв» деб қўйди.

Олимжон Шамсиддинга еб қўйгудек важоҳатда тикилиб:

— Қилғиликни қилган сен-у, азобини ота-онанг тортсими? Нима учун биқиниб ўтирибсан уйингда? Мақсадингни айт, куёв бола, — деди ғазаб билан.

Ҳадеганда Шамсиддиндан садо чиқавермади. У эгилган бошни қилич кесмас, дегандай бошини эгганича жим ўти-

рарди. Маматқул ота билан Рисолат ая эса ич-этларини сб, «Ишқилиб ўғлимиз жүяли бир гап айтсина-да!» деб күйиниб ўтиришарди.

Эргаш ота билан Матлуба ая ҳам «Күёвимиз нима дер экан!» дегандай Шамсиддинга қараб-қараб қўйишарди.

Шамсиддиннинг пешонасини муздек совуқ тер қоплади. Эрталабдан буён безовтала наётган юраги «гуп-гуп» ура бошлади. У Гулсара билан танишганида, фавворалару сайрибоғларда кайфу сафо қилиб юрганида ва ҳатто у билан сан-манга боришганида ҳам бир кун келиб қайнотам, қайнонам, қайногам ва ўз ота-онам олдида Гулсара туфайли шундай оғир вазиятга тушиб қоламан деб сира ўйламаганди.

Шамсиддин не-не профессорлар, не-не фан номзодлари олдида қийин-қийин фанлардан турли имтиҳонлар топширганида ҳам бунчалик оғир ва танг аҳволга тушиб, берилган саволларга жавоб беролмай довдираб, мулзам бўлиб қолмаган эди.

Шамсиддин шу топда қайнакаси Олимжоннинг саволига дангал жавоб беришга жон-жаҳди билан ҳаракат қиласди-ю, бироқ ҳаммага маъқул бир гапни айтиб, уларни қониқтиришга қурби етмасди. Шунинг учун у эгилган бошини ердан кўтаролмай, ниҳоятда оғир вазиятда, тушкун кайфијатда ўтиради. Бироқ гунг ва соқов одамдек индамай ўтиришнинг ҳам чегараси бор. Шамсиддин эгилган бошини бироз кўтарди ва пешонасига тошган совуқ терни бармоқлари билан сидириб ташлаб, аста тилга кирди:

— Мени кечиринглар... Айб менда... Тўғрисини айтсам, у билан никоҳдан ҳам ўтмаганман. Тўй-пўй ҳам қилмаганимиз. Булар бари шунчаки бир гап...

Күёвнинг бу гаплари ҳақоратдай туюлган Олимжоннинг кўзларида нафрат олови ёнди:

— Нарвонни қўл ушламаса, оёқ чиқа олмайди. Тузукми? Нима деб ваддираяпсан, күёвжон?! Шунчаки бир гап бўлса, нега у аёл йиглаб-сиқтаб, изингдан келиб, сўроқлаб юрибди. Бу биринчидан. Иккинчидан, менинг саволимга аниқ жавоб бермадинг-ку ҳали. Ҳар бир одам нима иш қилса,

албатта, бирон бир мақсад билан қиласы, тузукми? Үша аәл билан нима мақсадда юрувдинг-у, нима мақсадда Ойсарага уйландинг? Бизларга иснод келтириш учунми?

Шамсиддиннинг боши қотди. Үзини қаерга қўйишни билмай қолди. Бутун вужудини янада кучли совуқ тер босди. Саволга жавоб бўлгулик тўғри фикр излади. Лабини тишлаб-тишлаб излади. Лекин, нима қилсин, минг уринсаям, минг ўйлансаям, тўғри жавоб тополмади. Қисматининг қисгани шу бўлса керак! Боши эгилганича яна ўйга толди: Гулсара билан шунчаки ҳавасакка танишди. Озми-кўп юрди. Болали бўлди. Ташлаб кетди. Бироқ ҳеч қачон ўз олдига жўяли мақсад қўйгани йўқ. Гулсара билан танишгиси келди, танишди. Юрғиси келди, юрди. Бироқ бола кўргиси келмаса-да, болали бўлди. Кейин шошиб қолди. Кейин ҳаммасига тупурди! Демак, Гулсара билан бемақсад танишган, бемақсад юрган ва ҳоказо.

Ойсаранинг эса йўли бошқа. Йўриғи бошқа. Мақсади ҳам аниқ — тўй қилиш, оила қуриш, баҳтли яшаш, униб-ўсиш. Фарзандли бўлиш. Уларни камолга етказиш. Ували-жували бўлиш. Яна нима? Шу-да! Бир оила учун нима керак бўлса, ҳаммасига эришиш!..

Шамсиддин хаёлига келган шунча гапни қайнакасига қандай айтади? Ундан кўрқиб турган бўлса... Шу боис Шамсиддин иложи борича жўялироқ ва қисқароқ гапиришга уринди:

— Гулсара билан танишганимда ҳам, у билан юрганимда ҳам олдимга ҳеч қандай мақсад қўймаганман... Шунинг учун ҳам уни ташлаб кетганман. Ойсарага уйланишимидан, у билан яшшимдан эса мақсадим жуда катта. Аввало аҳил-тотув турмуш қуриш. Баҳтли яшаш!.. Қолаверса, бири-биридан ширин фарзандлар кўриш!.. Қилиб қўйган хатойим учун ҳар қандай жазога лойиқлигимни ҳис этаяпман... Ҳаммаларингиздан ўтиниб сўрайман. Мени кечирингизлар...

Шамсиддиннинг зорли узри хонани бироз илитиб юборгандек, вазиятни юмшатгандай бўлди.

Ўтирганларнинг турқи-таровати бироз ўзгарди.

Мезбоңларнинг тошдек зил-замбил қовоқлари сал очил-гандек бўлди. Темирни қизигида босмоқчи бўлгандек, Маматқул ота ҳам гапни топиб айтди:

— Биримизнинг айбимизни биримиз кечирмасак, унда бегоналардан фарқимиз қолмайди. Бизлар эса эт билан тирноқмиз энди, Олимжон!

— Сўзларингиз жуда тўғри, қуда бобо! Сассиқ экан, деб бурнимизни кесиб ташлолмаслигимизни ҳам тушуниб турибман. Бироқ гулдай синглимнинг бошига ўйнашини бошлаб келган бу йигит эртага бундан баттар абллаҳлик қилмаслигига ким кафолат беради? Ким? Лойқаланган сув тиниши мумкин, бироқ синган қалб шишиасини аввалги ҳолатига келтириб бўлмайди-ку, қуда бобожон!

— Ўғлимизнинг тарафини олиб, уни бутунлай оқламоқчи эмасман, — деди босиқлик билан Маматқул ота. — Шамсиддин ақлли, фаросатли, узоқни ўйлаб иш қиласидиган бўлганида биз ҳозир бундай оғир вазиятга тушиб ўтиргмаган бўлардик. Той суринмай от бўлмас, деган гап бор. Мана, ўзиям суринганидан пешонасидан юрагигача қашқа қилиб ўтирибди-ку! Ёшлик — бебошлик, дегани шу-да!

Азалдан оғир табиатли, гапиришдан кўра тинглашни хуш кўрадиган Эргаш ота қудасининг ҳам, ўғлининг ҳам сўзларини диққат билан эшитиб, бош иргаб маъқуллаб ўтиради. Қудасининг «Ёшлик — бебошлик!» деган сўзини эшитиб эса энсаси қоттанини яшириб ўтиргади:

— Бебошлик — кўп ёмон нарса! Бебошлик ёшликни ҳароб қиласди. Одам умрининг этови ҳам шу бебошлик! Бебошлик қўпроқ ота-онасиз, яъни тарбиясиз қолган ёшларда бўлғувчи эди. Шамсиддиннинг эса сизлардек эсли-ҳушили ота-оналари бўла туриб, шу ҳолатга тушиб қолганига тушунолмай турибман. Ёлғон сўзлаш, иккюзламачи бўлиш, саёқ юриб-таёқ ейиш ҳам бебошликтининг оқибати эмасми?. Бебошлик — бир кун келиб бошга етадиган нарса! Ҳаммамиз ҳам ёш бўлганимиз, лекин сиз билан биз бундай номаъқулчиллик қилмаганмиз, қуда!

Шу гапдан кейин сұхбатга жон кирди. Қудалар бири кўйиб, бири олиб анча пайтгача гурунглашиб ўтиришди.

Гапга аәллар ҳам қўшилишди. Гина-кудуратлар айтилиб бўлингач, гап Ойсарада қолди; агар у рози бўлса, музокара яхшилик билан тутаган бўларди.

Ойсара онасининг ёнига ийманибгина келиб ўтириди.

Эргаш ота сўради:

— Мана қайнотанг, қайнонанг, эринг келиб кечирим сўраб ўтирибди. Шунга сен нима дейсан? Буларни, тўгрорги эрингни кечирасанми? Гап сенда қолди, қизим.

Шунда Ойсара индамай бош эгди ва бир муддатдан сўнг «йўқ» дегандай бош чайқади.

Қайнотаям, қайнонаям ёлвориб кўришди. Ойсара юмшамади. Сўзида қаттиқ туриб олди.

— Кўра-била туриб кўзимга чант солган одам билан бирга яшай олмайман, — деди у аламли кўз ёшлигини рўмолининг учи билан артаркан.

Ойсарадан нажот кутиб ўтирган Шамсиддинга бу гаплар ўлганинг устига чиқиб тепгандек таъсир қилди. У пайт пойлаб Ойсаранинг кўзига мўлтираб, жовдираб қаради. Шамсиддин хотинининг бунчалик қадри қаттиқлигини билмаган экан. Бутун вужудини кўзига сингдириб, шунчалар илтижоли боқса ҳам ҳаракатлари зое кетди.

Ойсара эрининг уйида эшитган даҳшатли гап-сўзларни эслаб қолди шекилини, сесканиб кетди:

— Биринчи кўз очиб кўрган хотинини қон қақшатган, ўзининг биринчи фарзандидан воз кечиб, унинг етимхонага ташлаб кетилишига сабабчи бўлган одам билан энди яхши яшаб кетишимга ишонолмай турибман, отажон! — Шу гапдан сўнг у қайнотаси билан қайнонасига қаради: — Сизлардан мингдан-минг розиман. Сизлардан ўтиниб сўрайман, мени кечирингизлар. Мени оёқости қилган одамдан нафратланаман, холос. Ор-номус, уят бу кишида бўлмасаям, менда бор!..

Ойсара қуйилиб келаётган кўз ёшлигини рўмоли учига арта-арта ўрнидан сапчиб турди ва хонадан югуриб чиқиб кетди.

Маматқул ота, Рисолат ая ва Шамсиддиннинг кўнгилларига, улар ўтирган хонага кириб келаётган илинж ва илиқ-

лик, таскин ва умид учқунларини Ойсара ўзи билан бирга олиб кеттандек бўлди. Хонага таранг сукунат чўкди. Шамсиддиннинг юрагига дунёдаги энг ўткир тиф келиб гарчча санчилгандай, ўтирган срида ўзига келолмас, мутлақо тушкунликка тушиб қолганди.

Оғир сукунатни Эргаш ота бузди. У чуқур «үҳ» тортиб қудаларига юзланди. Улар ҳам бир аҳволда Эргаш отага термулишди. Эргаш ота:

— Қизимиз жудаям қаттиқ аразлаганга ўхшайди, — деди маҳзун оҳангда.

Ортиқча гап-сўзга ҳожат қолмаганини сезипшган меҳмонлар мезбонлардан кетишга изн сўрашиб ўринларидан туришди. Бу пайтга келиб бир ухлаб уйқуси ҳочган эринчоқ хўроzlар қисқа-қисқа қичқиришаётган, қўшни ҳовлилардаги кўпак итлар акиллаб ҳуришаётган, ёқимсиз шамол турит, ёмғир томчилари дераза ойналарига шитирлаб урилаётган эди.

Меҳмонлар мезбонлар билан дарвоза олдида хайрлашишди.

Ярим кечада, тунд осмон остида, асфальт кўрмаган қишлоқ кўчасида кўнгиллари шу осмон каби қоп-қора бўлиб бораётган учовлон — ота-она ва ўғил табиатнинг бу ҳолатини пайқамагандай ўз ўй-хаёллари билан банд бўлишиб, оёқларига илашаётган лойга ҳам парво қилмасдан гоҳ кўлмак сувли, гоҳ тақир ерни босишганча жим қадам ташлаб боришарди.

Шамсиiddин ўзини бўтана сувли чорасизлик дарёсида гарқ бўлаётгандек ноxуш сезар, бугунги бехосият воқеа тафсилоти ва якуни унинг юрагини аёвсиз эзар, миёсида ва дилида ғужғон ўйнаётган хаёллари эса яхшилик ва ёмонликнинг, ёргуллик ва қоронғиликнинг минг бир кўчаларида сарсон-саргардор кезар эди.

Шу топда йигитнинг ҳамма нарсадан, ҳатто яшапдан ҳам буткул кўнгли совиб, ўзига ўзи шафқатсиз жазо беришнинг энг мақбул ва ишончли воситаларини излаб борарди.

## Фалокат

Үйламаган иш бўлди.

Шамсиддиннинг уйи куйди.

Шунча кундан бери орзиқиб, энтикиб, юрагини ховуч-  
лаб куттгани бир эумда саробга айланди-қолди.

Қалби ёнди.

Юраги ўртанди.

Кунгли синди.

Дили ғашланди.

Сабри тугади. Ютоқиб сигарета чекди. Ўзини қўярга жой  
тополмай баттар эзилди.

Йулдаям, уйига келганидан кейин ҳам ҳеч кимга ҳеч нар-  
са демади. Дегисиям келмади.

Ёлғизликни хушлаб қолди.

Ўзи билан ўзи бўлди.

Юраги қонга тўлди.

Кўнглига қил сиғмай қолди.

Маҳзун кайфият яқин йўлдоши бўлди. У ҳаётида бирин-  
чи марта бундай оғир, кўнгилсиз ва мутлақо умидсиз аҳвол-  
га тушиб қолган эди.

«Уҳ» тортиб хонасига кирди.

«Уҳ» тортиб чироқни ёқди.

«Уҳ» тортиб ўзини диванга ташлади.

«Уҳ» тортиб кўкрагини ерга бериб ётди.

«Уҳ» тортиб шипга тикилиб ётди.

Ўнг ёнига бурилиб ётди.

Чап ёнига бурилиб ётди.

Қани, уйқуси кела қолса!

Қани, дили равшанлашса!

Қайда?!

Сигаретини сўриб-сўриб атрофига боқди. Қайтага хона-  
сидаги ҳар бир нарса — дивандан телевизоргача кўзига со-  
вукдан-совуқ, ғаридан-ғарид кўриниб кетди.

Хонасининг тўрт бурчаги тўрт томондан қисди. Ҳар бири  
огзини очиб, ютаман дейди.

Жони далқумига келди.

Үрнидан сапчиб турди. Чироқни ўчирниб, ўзини баҳмали  
ғижимланган диванга отди.

Кўзларини юмди. Ўзини ухлаётганга солди.

Бир соат ётди. Икки соат ётди. Юраги ҳар қанча зиқ бўлса  
бўлди, лекин кўзи илинай демади. Боши гувиллади. Юраги  
санчди. Яна сигарета бурқситди. Бутун жаҳлини сигарет-  
дан олмоқчи бўлди.

Киприкларини жуфтлаштириди дегунча Ойсаранинг «Ор,  
номус, уят бу кишида бўлмасаям, менда бор!» деся йиглай-  
йиглай хонадан чопиб чиқиб кетаётгани шундоқдина кўз  
олдида қайта-қайта жонланаверди.

Туриб ўтирди.

Устма-уст сигарета тутатди.

Сигарета тутунига кўмилиб дераза олдига борди. Ташқ-  
арига карахт аҳволда қаради. Бетийиқ шамол дераза ойна-  
ларига, дарахтлар таналарига урилиб ёқимсиз увишларди.

Шамсиддиннинг бўм-бўш юраги ҳам шу топда дарбадар  
шамолга монанд аянчли ҳувилларди.

У буларни ҳис этган сайнин ҳушидан адашаверди.

Ақли шошаверди.

Ҳувиллаб қолган юраги ҳувиллаб қолган хонада ортиқ  
туришни истамади.

Чироқни ёқиб талабалик пайтидаги қора чарм пальто-  
сининг қора қайишини илгакдан юлқиб олди-да, тортиб-тор-  
тқилаб кўрди. Маҳкамлигига ишонч ҳосил қилгач, чироқ-  
ни ўчирди ва зим-зиё зулматда хона деворларини пайпас-  
лаб ушлай-ушлай ҳовлига чиқди.

Изиллаган шамол, майдалаб ёғаётган ёмғир, зим-зиё ос-  
мон, зим-зиё ҳовли зимистон кўнглини баттар чўқтириб  
юборди.

Тойиниб-тойиниб айвондаги тўртта стулдан биттасини  
олиб келди ва ўтхонага ўтди. Сўнг кундуз куни ўзи ҳар эҳти-  
молга қарши шипда белгилаб қўйган тўсиннинг остига стул-  
ни қўйиб, устига чиқди. Қора чарм қайишни тўсиндан қий-  
нала-қийнала ўтказиб ҳалқа ясади-да, кўзларини шартта  
юмиб, бошини ҳалқага суқди. Кейин оёғининг остидаги  
стулни тепиб юборди... Шамсиддиннинг оғир гавдаси бир

лаҳза ҳавода осилиб қолди. «Энди тамом, барчасидан қутулдим!» Йўқ, йигит бу ўйини ўйлаганча ҳам бўлмай ҳиқилдоғи қисилди. Нафас олиши қийинлашди. Худди шу пайт Шамсиддин жон ҳолатда қайишни бир силтаб тортган эди, мўъжиза рўй берди: маҳкам деган қайиш узилиб кетди. Шамсиддин «тўп» этиб ерга орқаси билан тушди ва мувознатини сақлай олмай ёнбошига қулади.

Йигит анча муддат ўзига келолмай, шу ҳолида ётиб қолди.

Ахийри Шамсиддин ўрнидан туриб ҳовлига чиққанида юлдузлар сўнаётган, теварак-атроф оқараётган, хўролар бетиним қичқираётган, чўпонлар молларини даштта ҳайдаб кетаётган, эшаклар ҳанграётган, қўй-кўзилар маъраётган, ёмғир тингган, шамол эса ҳамон гоҳ секин, гоҳ кучли увиллаётган эди.

У беш-үн дақиқа серрайиб турди-да, шошиб ўтхонага кирди. Узилган қора камарининг бўлакларини йигиштириб чўнтағига солди. Стулни жойига олиб бориб қўйди. Айвонда турган мотоциклига бир муддат қараб тургач хонасига кириб кетди. Камарни улаб жойига қўйди. Мотоциклининг калитини шкафдан олиб, костюмини кийди ва «Урал» мотоциклни турган айвонига ўтди. Калитини бураб, тепкини босган эди, мотоциклнинг мотори гўриллаб ўт олди.

— Тонг саҳардан қаёққа отландинг, улим? — деди елкасига чопонини ташлаб, таҳорат олиш учун уйдан чиқаётган Маматқул ота ҳайрон бўлиб.

Шамсиддин қаёққа, нима мақсадда боришиниям ҳеч кимга билдирамай, тонг оқарап-оқармас мотоциклини миниб ўйлга чиқмоқчи эди. Шу сабаб отасининг саволини эшишиб шошиб қолди.

Шамсиддин бир зум иккиланиб турди, сўнг бундан учтўрт кун бурун отаси айтган гапни эслаб қолиб, дарҳол ўзини ўнглаб олди.

— Ассалому алайкум, ота, — деди у ўзини бамайлихотир тутишга ҳаракат қилиб, — юқори қишлоққа ўтиб, ўзингиз айтган машинани гаплашиб келмоқчи эдим.

— Чой ичиб, кейин борарсан, ҳали барвақт эмасми, улим?

— Эртароқ бориб келсамми девдим. Бугун соат тўққизда мени директор бува кабинетига чақирган. Ихтиёр эко-

номист пенсияга чиқаётганга ўхшайды. Ўрнига ўтиб олмасам, кейин ишсиз қоламан-да, ота.

— Үндоқ бўлса борақол, улим. Аммо-лекин ҳушёр бўл. Кечаси ёмғир ёқсан. Йўл тойинчоқ бўлса керак. Секин ҳайдаб бориб келгин.

— Қўрқманг, у томонларга биринчи боришим эмас-ку.

— Барибирам, ҳушёрлик яхши-да, улим.

— Хавотир олманг, тезда бориб келаман.

Шамсиддин отасининг кўнглини тинчлантириб йўлга тушаркан, буям бир ҳисобда тўғри бўлди, деб қўйди ичидা.

Бирон километр юрар-юрмас кечадан бери Шамсиддининг қалбини банд этган хаёли яна шиддат билан кучга кирди-да, уни ўз гирдобига тортиб кетди.

Қўллари рулда, кўзлари йўлда, хаёллари эса изтироблар кўчасида сарсон-саргардан кезарди.

Бора-бора хаёллар тўғони тўзғигандан-тўзғиди; гоҳ Ой-сараси, гоҳ Гулсараси, гоҳ нораста бегуноҳ боласи унинг кўз олдидан кетмай гавдаланаверди, гавдаланаверди.

Шамсиддин торгина қишлоқ йўлида мотоциклини шитоб билан лой сачратиб бораркан, сигир-бузоқларини, эчки-улоқларини, қўй-қўзиларини «чув-чув»лашиб ҳайдаб боришаётган чўпонлар молларини зўрга йўл четига ҳайдаб ултуришарди.

Ўзининг ва қайнотасининг уйида бўлиб ўтган бири-биридан кўнгилсиз гап-сўзлар, маҳалласидаги одамларнинг миш-мишларини эслаб, хуноби ошиб бораётган Шамсиддининг хаёличувалашгандан-чувалашарди. Ҳаммасидан ҳам Ойсарасининг сўнгги гапи дилини ўртаб, юрагини жунбушга келтиради.

У бетизгин хаёллари билан бўлиб, нима учун тезликни борган сари бунчалик ошираётганиният, ким уни шунчалик билиб-бilmай қистовга олиб, шошираётганиният фарқламай қўйди.

Қишлоқдан шиддат билан ўтиб, катта сойният илма-тешик кўпригига етганида кутилмаган фалокат юз берди: мотоциклиният олдинги фидираги бехосдан бир ўйиқча кириб қолдию, тўзғиган хаёлини йиголмай бораётган

Шамсиддин учиб бориб чап ёнбоши билан кўприк четидаги ёғоч ходага зарб билан урилди. Мотоцикл тўнкарилиб тушди. Зарба таъсирида Шамсиддин бир муддат ҳушини йўқотди.

Тасодифни қарант, Маматқул отага «Москвич»ини сотмоқчи бўлиб юрган Ҳамроқул чавандоз ҳам шу бугун, айнан шу масалада отаникита келаётган экан.

Чавандоз фалокатни икки-уч километр наридан кўриб қолгани учун машинасининг тезлигини ошириб бир зумда етиб келди.

Шу орада қишлоқдан мол ҳайдаб келишаётган чўпонлар ҳам бир-бирини чақиришиб ёрдамга югуришди.

Шамсиддиннинг ёнига биринчи бўлиб етиб келган Ҳамроқул чавандоз машинасидан туша солиб, унга ёрдам беришга шошилди. Юрагини эшитиб кўргач:

— Кунинг бор экан, умринг узоқ бўлсин, ука, — деб қўйди.

Шундан сўнг чавандоз Шамсиддинни авайлаб кўтариб олиб бориб текис жойга аста ётқизиб қўйди. Унгача икки чўпон йигит ҳаллослаб келишиб:

— Тирикми? Жони омонми? — дей сўрай бошлишди.

— Йигитлар, — деди Ҳамроқул чавандоз инграётган Шамсиддиннинг тирсагидан шалвираб қолган чап қўлини ушлаб кўриб, — шошилмасак бўлмайди, укамизнинг қўли мана бу еридан кетибди, қаранглар, қони тўхтамаяпти. Машинани кўринглар, латта бўлса тез олиб келинглар, боғлаб қўяйлик.

Омон чўпон шартта белидаги белбогини ечиб Ҳамроқул чавандознинг ёнига чўқди ва:

— Қаеридан боғлай, ака? — деди у бир аҳволда чўзилиб ётган Шамсиддиннинг қонга бўялган кийимларидан кўз узмай. — Мана, тозагина белбогим, бўладими?

— Мана бу еридан, — деди чавандоз Шамсиддиннинг қон сизиб чиқаётган тирсагининг юқорисини кўрсатиб. — Бўлганда қандоқ. Худди шу еридан маҳкам боғланг, ука, ишқилиб қонсираб қолмасин. Шундоқ ҳам анчагина қон йўқотганга ўхшайди болапақир!..

— Бошқа ери омонми? — деди Омон чўпон.

— Оёқлариям лат еган-ов, — деди Шамсиддиннинг оёқларини ушлаб-ушлаб, шимини тиззасидан юқорига кўтариб кўраётган Эргаш чўпон, — бироқ синмаган.

— Икки қовурғаси эса синганга ўхшайди, — деди Шамсиддиннинг бошини ва кўкракларини қайта-қайта ушлаб кўраётган Ҳамроқул чавандоз. — Мен машинанинг орқа ўриндигига жой ҳозирлай, сизлар Шамсиддинни аста кўтариб ётқизинглар.

Омон чўпон билан Эргаш чўпон авайлаб кутаришаётганда, Шамсиддин кўзларини очди.

— Пойгага чиқувдингизми, Шамсиддин ака? — дея ҳазиллашди Эргаш чўпон уни машина ичига ётқизаётib.

Шамсиддин бир жилмайиб қўйди-да, кўзларини юмди.

— Сизни худонинг ўзи етказибди, — деди Омон чўпон мотоциклни Эргаш чўпон билан ўйиқдан чиқариб олиб, йўл четига суриб қўяркан. — Бўлмаса бундай пайтда, бундай жойда кўлих деган жонивор, ҳадеганда топилармиди? Катта савобга қолдингиз-да, ака!

Ҳамроқул чавандоз машинасини аста ҳайдаб кетди.

— Мотоциклни ўзим ет-ка-за-ма-а-ан, — деб машинанинг ортидан бақириб қолди Омон чўпон. — Айтиб қўйинг, отонаси хавотир ол-ма-син!

Чўпоннинг гапини чавандоз эшилди шекилли, сигнал ҷалиб қўйди.

Ранги хиралаша бошлаган яшил «Москвич» Маматқул отанинг икки тавақали ёғоч дарвозаси олдига келиб тўхтар-тўхтамас устма-уст «би-би-ип»лайверди.

Бобоси билан ҳовалисидаги олма кўчатларига ишлов бераетган Бахтиёржон сигнал товушини эшитиши ҳамоно машинанинг олдига югуриб чиқиб, унинг ичига тикилган эди, безовталаниб ўтирган полвонсифат ҳайдовчи:

— Улим, уйда ким бор? — деди дўрилдоқ овозда.

— Ассалому алайкум, амаки, — деди Бахтиёржон ҳайдовчини танимайроқ тургани учун синчиклаб қааркан. — Сиз кимсиз?

— Ҳамроқул чавандозман, энди айтақол, уйларингда ким бор, бобонг борми?

— Уйда бобом, момомлар борлар, — деяётган боланинг кўзи бирдан машинанинг орқа ўринидигида бир ҳолда, усти лой ва қонга беланиб ётган Шамсиддин тоғасига тушдию, ранги қув ўчиб кетди: — Иби, тоғажонимга нима бўлди, амакижон?

— Кўрқма, улим!.. Тоғажонинг мотоциклидан йиқилибди. У ер-бу ери лат еганга ўхшайди. Тезда тоғангни дўхтирга оборишимиз керак. Югур, бобонгни чақир.

Бахтиёржон чопиб ҳовлига кириб кетди.

Шамсиддин сал инграган эди, чавандоз у томонга ўгирдди. Шамсиддин синган қўлини у ёқ-бу ёққа қимиrlатадеяётган ва оғриқ азобига чидай олмай безовталанаётган эди. Ҳовлидан эса Бахтиёржоннинг ҳаяжонланиб қичқираётгани эши биларди:

— Бо-бо!.. Бо-бо-жо-он!.. Шамсиддин тоғам мотоциклдан анақа бўпти, йиқилибди!.. Машинадаги одам сизни ҳирияпти. Тез борар-кансиш!..

Кетмонига суяниб турган Маматқул ота довдираб-шошиб:

— Нима, нима дединг, болам? Тоғанг мотоциклдан... Нега йиқилади? Жони омонмикан? — деганча кетмонини отиб юборганча дарвоза томон чопди.

Чопон тикиб ўтирган Рисолат ая невараси билан чолининг бири-биридан қўрқинчли сўзларини чала-чулпа эшишиб қолдию, учиб ўрнидан туриб кетди:

— Ба-а-ах... Бахтиёржон! Бобонгга нима дединг? Тинчликми?

Шу сўзларни айтаркан, ая невараси билан чолининг изидан йиқилиб-суриниб чопарди.

— Ассалому алайкум, Маматқул ака, ассалому алайкум, Рисолат опа, — дея Ҳамроқул чавандоз изма-из ҳаллослаб чиқиб келган чол-кампир билан кўришаркан, уларнинг кўнглини чўктирасликка уринди. — Қўрқманглар, қўрқманглар, Шамсиддиннинг жони омон. Бор-йўғи мотоциклдан йиқилибди. Фалокат оёқ остида, дегани шу-да!.. Ҳечқиси йўқ, бир-икки кун ётса соғайиб кетади.

Маматқул ота билан Рисолат ая машинанинг орқа ўринидигида кўзини очмай бир ҳолатда ётган Шамсиддинга кўзла-

ри тушиши билан «Вой болажоним, сенга нима бўлди?» дея фарёд қилишга тушишди.

Чол-кампирни тинчтитунча Ҳамроқул чавандознинг эси кетди. Бунинг учун чавандоз ҳатто Маматқул отага Шамсиддиннинг қўл томирини ушлатиб кўришга ҳам мажбур бўлди. Шундан кейин чавандознинг таклифи билан Маматқул ота олдинги ўриндиқقا, Рисолат ая эса ўғлининг ёнига ўтиришди.

Маматқул ота машина эшигини ёпаётуб, дарвоза олдида ўзларига мунгайиб қараб турган неварасига тайинлади:

— Улим, менга қара, бир ўзинг қўрқмайсан-а? Довюрак боласан-ку ўзинг! Узоққа кетиб қолма. Ҳали-замон опанг пахтадан келади. Бизлар тоғангни дўхтирга олиб кетаяпмиз, болам, ўқдингми?

Машина шиддат билан олдинга интилди.

Ҳамроқул чавандоз машинани бошқариб кетаётуб йўл-йўлакай бугун ўз кўзи билан кўрган нохуш воқеани чол-кампирга ётиғи билан гапириб борди.

Маматқул ота билан Рисолат ая кўзларида ёш билан чавандозга миннатдорчилик билдириб, уни алқай кетишиди...

### Муҳаббатнинг кучи

Салима шом маҳали ёвондан келди ва Шамсиддин куёви ҳақида эшигтан нохуш хабарни кечки овқатга уннаётган Ойсарага айтиш учун ошхонага кирди.

Ошни бостириб, помидор тўғраётган Ойсара ялт этиб янгасига қаради ва кулимсираб сўради:

— Янгажон, чарчамай келдингизми? Бугун қанча бўлди?

— Бугун иккинчи теримга ўтганимиз учунми, зўрға қирқ икки кило бўлди, — деди Салима истамайгина.

— Мазангиз йўқми? Нега хафа кўринасиз, янгажон? — деди Ойсара безовталаниб.

— Йўқ, яхшиман. Нима десам экан, — каловланди Салима, — бир нохушроқ хабар эшитиб эдим. Шунга сал мазам қочгандай бўлиб турибди.

Ойсара ҳам қўрқув, ҳам ҳадик билан янгасига юзланди:

— Қанақа нохуш хабар? Кимдан, қаердан?

— Сингилжоним, қўрқманг. Эшитишимча, бугун эрталаб Шамсиддин куёв катта сойнинг кўпригидан ўтаётib мотоциклдан йиқилибди.

— Йўғ-е?! Қандай қилиб? Нима деяпсиз, янгажон?! Ёмон йиқилмаптими? Жони омонмикан, ишқилиб?

— Жони-ку, омон экан-а, бироқ чап қўл тирсагидан ва икки чап қовурғаси синган дейишаяпти.

Ойсаранинг юзи оқариб кетди.

— Шунаقا денг... жуда ёмон бўпти-ку унда, — деди у кўзлари жиққа ёшга тўлиб. — Энди нима қиласиз? Дўхтирга олиб борищдимикан? Янгажон, эшитиб ҳам индамай ўтираверамизми? Жони қаттиқ оғриётгандир-а? Юрагига зиён қиласадимикан, ишқилиб?..

— Шамсиддин куёвнинг умри бор экан. Худди йиқилган пайтда довон қишлоқдан Ҳамроқул чавандоз машинаси билан келиб қопти-да, куёвни машинасига миндириб, уйига олиб борибди. Қуда бобо билан қуда момо уйларида экан, чавандоз уларниям машинасига солиб район касалхонасига оборибди.

— Чавандоз ака барака топсин!.. У киши келмаганида Шамсиддин акам қонсираб, ҳолсизланиб қолишиям мумкин экан-да? Худонинг ўзи бир асрабди. Ҳамиша асрагани бўлсин-да. Назаримда, янга, Шамсиддин акам менинг касримга қолди-ёв. Нима дейсиз? Агар кеча менам кўп қатори Шамсиддин акамнинг гуноҳидан ўтганимда, балки бундай фалокат юз бермасмиди, янгажон... Нима дейсиз? Агар шундан Шамсиддин акамга бир нима бўлса, мен ўзимни ҳечам кечира олмайман!.. Бундан ташқари, энди қайнотам билан қайнонамларнинг юзларига қандай қарайман?.. Юрагим сезиб турибди. Шамсиддин акам изза қилганимга, кечирмаганимга чидай олмай шу йўлни тутган. Менинг билишимча, Шамсиддин акам унчалик ёмон одаммас. Менам қаттиқ рашкчиман-да ўзи. Менинг рашким ҳам, аччиғим ҳам қурсин, янгажон!.. Йўл кўрсатинг, нима қилай?..

Мен бор гапни аччиқ устида айттгандим. Тўғрисини айтсам, мен Шамсиддин акамни жуда яхши кўраман. Аразлаб кўрдим, ўйлаб кўрдим, мен у кишисиз яшолмас эканман.

Аслида мен етти ухлаб тушимга кирмаган гапларга дуч келганим учун Шамсиддин акамнинг кўзи очилсин, тавбасига таянсин, иккинчи марта бундай номаъулчиллик қилмасин деб аразлаган эдим, холос. Бунчалик бўлишини билганимда, бундай қилмас эдим...

— Сигир ҳалиям соғилмадими, келин? — деди ошхонага кириб келган Матлуба ая уларнинг нима ҳақида гаплашашётганларини билмаган ҳолда, — бузоқча одамни безор қилиб юборди-ку.

Ойсара кўз ёшларини артиб жимиб қолди. Салима эса қайнонаси билан маслаҳатлашиб кўришга қарор қилди.

— Онажон, — деди у изига қайтмоқчи бўлаётган қайнонасига қараб, — ичкарига киринг, муҳим маслаҳатли гап бор.

— Ҳа, қизим, — деди Матлуба ая уларнинг ёнига келиб ўтиаркан, — тинчликми ишқилиб.

Салима қайнонасига барча гапни ётиғи билан айтиб берди-да, сўзининг охирида:

— Нима қиламиз, онажон? Ҳозир бу гапларни отамга, ўғлингизга ўзингиз айтсангиз, агар улар хўп дейишса, Ойсарани олиб, күёвни кўргани бориб келсак-чи? — деди.

Бу таклиф Матлуба аяга ҳам маъқул тушганини кўрган Ойсаранинг юзига қон югуrdи.

— Келин, — деди ая ўрнидан секин белини ушлаб тураркан, — сен вақтни олмай сигирни соғ. Ойсара қизим, сен ошни кўр. Мен ҳозир бу гапларни отангга айтиб, маслаҳатлашиб кўраман. Унгача Олимжон ҳам ишдан келиб қолар. Бўла қолинглар. Шу бугуноқ бориб күёвнинг ҳолидан хабар олмасак уят бўлади-я!..

Ҳамма иш ая режалаштирганидек бўлди. Бироқ сузилган ош қанчалик ширин ва хуштаъм бўлмасин, ҳеч кимнинг томоғидан ўтмади.

Бир чўқим-бир чўқимдан олишгач, ҳаммаларининг кўнгилларига қил ҳам сифмай ўринларидан туришди.

Борадиганлар йўлга тайёр бўлгунча, Олимжон сўраб-суриштириб бир енгил машина топиб келди.

Уйда Салима қолди.

Қолганлар Эргаш ота бошчилигида йўлга тушишди.

## Тунни уйғотган алла

Күз очиб күрганининг уйидан дили хуфтон бўлиб чиққанидан кейин Гулсаранинг дардига дард, ғуссасига ғусса қўшилди. У ўша куни ёқ ҳужрасига қамалиб олди-да, эшикдеразани ичкаридан ёпиб олди, дераза пардаларини зичлаб ёпди. Шундан кейин ерга ётиб олиб, ўз ўй-хаёллари гирдо-бига шўнғиди. Бир эмас, ўн марта дунёнинг у бошидан кириб, бу бошидан чиқди. Қанча уринсаям ўзини азоблаётган ўйлар қаъридан чиқолмади. Чиқмоқчи бўлганида, нимадир уни сиқувга олиб, гирибонидан тутди. Қўл-оёгини ипсиз боғлаб, ўзига тутқин қилди-қўйди.

Шўрлик жувон алам-фифонлар исканжасида узоқ йиғлади. Йиғисидан бир иш чиқмагач, икки кун гум-турс ётди: на чойга чиқди, на ҳовлига. Янгаси чақирсаям, онаси чақирсаям:

— Мени тинч қўйинглар! Мен билан ишларинг бўлмасин! — деб жеркиб бераверди.

Гулсара Шамсиддиннинг қилғиликларини ўйлаган сайин нафрати аёвсиз жўшар, жини қўзигандан қўзир эди. Айниқса, сўнгги умиди ҳам чилпарчин бўлганини ўйлаб, ўзини-ўзи аёвсиз ер эди.

Бу азоблар етмагандай, дамо-дам чириллаб йиғлаётган боласи кўзига кўринавериб жувонни буткул адойи тамом қиласарди.

Бу ҳис-туйғулар, бу азобли ўй-хаёллар, бу чексиз-чегарасиз изтироблар охир-оқибат Гулсаранинг руҳиятига таъсир кўрсатмасдан қолмади. Бора-бора у ўзи билан ўзи гаплашадиган ва ҳеч кимнинг хаёлига келмаган ишларни қилалигиган бўлиб қолди.

Ўша куни Нормўмин ярим тунда бир жўрасининг туғилган кунидан ширакайф ҳолда келди ва Гулсаранинг деразани катта очиб қўйган кўйи минғирлаб ашула айтаётганини эшитиб қолди. Туйқус ҳушёр тортган aka деразадан аста ичкарига мўралади. Не кўз билан кўрсинки, Гулсара болалигидан қолган эски қўғирчоғини бағрига маҳкам босгансча, кўзларини юмиб олган ҳолда алла айтарди:

Она кўрмаган болам, алла-ё, алла,  
Ота кўрмаган болам, алла-ё, алла,  
Отанг ўлсин-а, болам, алла-ё, алла,  
Онант ўлсин-а, болам, алла-ё, алла...

Нормўмин деворга суюнган жойида қотиб қолди. Гулсара эса қўғирчоқ билан ростакамига гаплаша кетди:

— Соғ-омон юрибсанми, болажоним? Уст-бошинг бунча абгор. Кўринишинг бунча ғариб. «Мазам йўқ, ойижон», дейсанми? Қаеринг оғрияпти, болам? Болалар уйидан қачон келдинг? У ердаги дўхтирлар сенга қарашмаяптими? «Сизнинг оқ сутингизга зориқдим», дейсанми! «Сизни жуда-жуда соғиндим», дейсанми! «Соғиндим» деган тилларингдан айланай, улим! Менам сени жуда-жуда соғиндим, болам... Сени ташлаб кетганим учун мени кечир, болам! Нима қилай, чорасизман! Уйдагилардан қўрқиб, элу юртдан уялиб сени излаб боролмадим. «Нега?» дейсанми? Сабабини, афсуски, болам, яна айтолмайман-да! Менга бундай оғир савол берма, болам. Барибир саволинг жавобсиз қолади. «У шунчалик ҳам ёмон сўз эканми?» дейсанми улим! Ҳа, топдинг, болам! Ўзинг бирам ақллисан-ки, ишқилиб, умринг узоқ бўлсин-да, болам. Қандай меҳрибонсан, болам! Бекорга сенга Меҳриддинжон деб исм қўймаган эканман-а, болам. «Отам борми? Униям соғиндим», дейсанми болам. Қўй, яхшиси бу ҳақда гаплашмайлик, болам. Барибир у сенга оталик қилгулик эмас. Унинг орзу-нияти бутунлай бошқа. «Демак, мен ота етим эканман-да?» дейсанми болам. Йўқ, болам, сен ота етим эмассан! Сенинг отанг бор. У тирик. Яшаяпти, бироқ... «Нима бироқ?» дейсанми, улим. Бироғи шуки, у тош меҳр, қаҳри қаттиқ одам. «Сизам», дейсанми. Йўқ! Мен сени жуда-жуда яхши кўраман, болам. Доим сени ўйлайман, сенсиз яшаш мен учун қанчалар азоб эканлигини биласанми болам? Биласанми, болам, сенинг иккита бобонг, иккита момонг ҳам бор. Бироқ улар ҳам сени кўп хушлашмайди. «Нега?» деб сўрама, болам, барибир бу саволинггаям жавоб беролмайман. «Дунёда жавоби йўқ

саволлар ҳам бўларканда-а, ойижон», дейсанми? Бўлганда қандоқ!.. Бунақа сирли саволлар жуда кўп. Катта бўлсанг, балки ўзинг бу саволларга жавоб топарсан. «Қачон учрашамиз?» дейсанми, болам. Мана учрашиб турибмиз-ку, болам... — Шундай дея Гулсара қўғирчоқнинг дуч келган жойидан ютоқиб ўпа бошлади. Сўнг ёнбошлаб ётди ва чап кўкрагини очиб «бола»сининг оғзига тутди: — Очиққандирсан, она сутига зориққан болагинам, тўйиб-тўйиб эмиб ол. Сутим мўл. Мириқибгина эм! Ахир сен шуни соғингансан-ку, болам!..

Кўзларидан тирқираб ёш чиқиб кетган Нормўмин чуқур изтироб оғушида ўзини деразадан четга олди.

Синглисингининг касали яна хуруж қилаётганини сезган ака-нинг баданини совуқ тер қоплади. Кайфи тарқаб, атрофгаchorасиз аланглади: зим-зиё тунда ҳамма нарса қора рангга бўялгандек, қоронгиликка сингиб кетгандек...

Дарбадар шамол тинимсиз гувиллайди. Қўшнининг ити чўзиб-чўзиб увиллайди. Теракларнинг тўлишган япроқла-ри шувиллайди. Нормўминнинг эса жигари тўкилиб, бўмбўш юраги ҳувиллайди. Деразалардан тушаётган олақуроқ ёруғликда хазонлар ҳовлининг у четидан бу четига чирпи-рак бўлиб учади.

Шу дамда Нормўминнинг кўнглиям ана шундай тунд ва қоп-қора эди.

Нормўмин секин ётоғи томон бораркан, изидан сингли-сингининг нолакор оҳангдаги алла овози етиб келди:

Она кўрмаган болам, алла-ё, алла,  
Ота кўрмаган болам, алла-ё, алла...

Аканинг елкасидан зил-замбил ғам юки босди. Юраги-нинг аллақаерлари бўлакланиб, нимта-нимта бўлди.

Нормўмин баҳтсиз синглисингининг келгуси тақдирини ўйлай-ўйлай кечаси билан мижжа қоқмай чиқди.

## Оқибат

Туман марказий касалхонаси биноси ёнига стиб келишгач, Олимжон машина эгасига:

— Сиз шу ерда кута туринг, биз ҳозир чиқамиз, — деб тайинлаб қўйди.

Сўнг отаси билан синглисини жарроҳлик бўлими жойлашган икки қаватли бинога бошлади.

Кеч кириб, қоронги тушмоқда эди. Кузнинг охирги ойи тугаётганига қарамай, кун анча илиқ эди. Тарқоқ жойлашган шифохона бинолари теварагидаги катта-кичик боғлар, уларнинг орасидаги зили-энсиз, узун-қисқа йўл ва йўлакларни ҳар жой-ҳар жойга ўрнатилган неон чироқлари хира ёритиб турарди.

Жарроҳлик бўлими биноси олдидаги ўриндиқлар ёшлиари, эркак-аёл беморлар ва уларни кўргани келганлар билан гавжум эди.

Улар иккинчи қаватга кўтарилишиди. Эшикдан ўтган жойдаги кутиш бўлмасида мунгайиб ўтирган қайнонаси билан қайнотасига кўзи тушган Ойсаранинг юраги бир қалқиб тушди.

Уларни кўрган Маматқул ота билан Рисолат аянинг чеҳралари сал ёришди. Ўтиравериб оёклари увишган Маматқул ота эса ўрнидан тураётиб чайқалиб кетди.

Олимжон югуриб бориб «Ҳушёр бўлинг, қуда бобо» деганча Маматқул отанинг қўлтиғидан тутиб қолди.

Қудалар кўришиб бўлишгач, Ойсара қайнонаси билан қайнотасига салом бериб, таъзим бажо келтирди.

Маматқул ота сўрашиб бўлгандан сўнг ўзига савол назари билан тикилиб қолган қудаларига ва келинига юз берган фалокат тафсилотини қисқагина айтиб берди. Сўнг ҳозиргина жарроҳлар ўғлининг синган қўлини операция қилишганини, лекин Шамсиддин наркоздан кейин ўзига келмаётганини, синган икки қовурғаси эса эртага операция қилинишини гапиаркан, ота беихтиёр қўзларига ёш олди.

Шу маҳал Шамсиддин ётган хонадан чиққан даволовчи врач:

— Маматқул ота, — деб чақириб қолди.

Ўтирганлар ҳаммаси шу томонга «ялт» этиб қараши.

Яқин келган дўхтири:

— Ўғлингизга зудлик билан қон қуишимиз керак, — деди. — Қон керак.

Ўтирганлар ажабланиб-хавотирланиб бир-бирига қараши. Гап нимадалигини дарҳол англаган Олимжон сакраб ўрнидан турди ва:

— Қанча қон керак бўлса, мана биздан олинг, дўхтири ака, — деди курашга тушаётган полвондек енгларини шимариб.

— Ука, — дўхтири Олимжонга синчков назар ташлади, — қон гуруҳингиз неччи, биласизми?

— Билганда қандоқ, ака! Қонимиз иккинчи гуруҳ. Қандай, бўладими?

— Қандай яхши! — деди қувониб кетган дўхтири. — Сиз ҳойнаҳой беморимизнинг акаси бўлсангиз керак-ов?

— Йўқ, нимайди?

— Қон гуруҳингиз бир экан. Қўрқмайсизми?

— Аввал бермасам ҳам энди бераман-да, ака. Биз тайёр, дўхтири ака.

— Ундоқ бўлса юринг. Сизни бизга худонинг ўзи етказди.

Ойсаранинг кўзлари севинч ёшларига тўлди. Кўнглининг бир чеккасида эса «Шамсиддин акам биз туфайли шундай фалокатта учраган бўлса, қанийди энди яна биз туфайли оёққа туриб кетса!» деган илинж ҳам йўқ эмасди.

Рисолат ая пиқиллаб йиғлаганча Олимжонни дуо қила кетди.

Орадан ярим соатлар вақт ўтгач, бояги дўхтири Олимжонни бошлаб чиқиб келди.

— Яхши қариндош яхши-да, — деди шифокор кулимсираб Маматқул отага мурожаат қиларкан. — Асло хавотир олманг. Кўпи билан яна икки-уч соатларда ўғлингиз ўзига келади. Агар имкони бўлса, бир косагина иссиқ қайнатма шўрва олиб келсангизлар.

— Ўзням икки кундан бери туз тоттани йўқ, болагинам, — деди Рисолат ая кўзлари жовдираб.

— Бемор кейинги операцияга ҳам куч тўплаши керак. Акс ҳолда операция ҳам кечикади.

— Ундей бўлса мен уйга бориб, шўрва тайёрлаб келақолай, — деб юборди бехосдан эрига жони ачиган Ойсара.

Ойсара бу гапни айтишга айтди-ю, бирдан уялиб, қипқизариб кетди.

Синглисининг аҳволини тушунган Олимжон дарров гап қўйди:

— Сен чиқавер, биз ҳозир...

Ойсара илдам юриб пастга тушиб кетди.

Олимжон отаси билан онасини олиб, синглисининг изидан ташқарига чиқди.

### Кўргилик

Чарчоқ ва уйқусизликдан, азобли ўйлардан қовоқлари салқиган Нормўмин эрталаб барвақт туриб ишга бордию, хўжалик бош инженеридан бир кунга рухсат олиши билан шоша-пиша уйига қайтди. У машинасини дарвозаси олдига қолдириб ҳовлига кирганида қовоқларидан қор ёғаётган ота-онаси айтишиб ўтиришарди.

Нормўмин уларга яқинлашиб, салом бергач, дарров гапни синглисига бурди.

— Ота, — деди у кечаси кўрган-эшитганларини қисқача айтиб бергач, — Гулсарани жиддий даволатмасак бўлмайдиганга ўхшаб қолди. Акс ҳолда у бугун-эрта тентак бўлади-қолади. Тошкентдаги дўхтирлар ҳақ гапни айтишган экан. Гулсара күёв бўлмишникига бориб келганимиздан бери хонасидан чиқмайди. Дам олиб ётсаям майли эди. Эски касали яна хуруж қилаётганга ўхшайди.

Бу гапларни эшитган Тешабой отанинг баттар кайфи учди.

— Бошимизга битган бало бўлди, жувонмарг! Бу фалокат тузалиб тузалмади, ўлиб ўлмади!

Ҳалима ая чолига жўр бўлди:

— Туғилганидаёқ ер ютса бўлмасмиди! Тозаям жонга тегиб кетди-ку бу алвости!

Худди шу пайт... ая айтган алвости ҳаммаларининг кўз олдида ростакамига пайдо бўлди-қолди.

Шарақа-шурук қилиб дераза очилди ва ундан құғирчоги-ни эски күйлагига наридан-бери йүргаклаб олган Гулсара бес-үнақай ҳириングлаб кулганича ялангоёқ ҳолда отилиб түшди.

Бунақа бўлиши етти уклав тушларига кирмаганиданми, ўтирганлар ақли шошиб, ҳанг манг бўлиб, серрайиб қолишиди.

Гулсаранинг башарасигаям, уст-бошигаям қараб бўлмасди. Шу туришида у ҳақиқий алвастининг ўзгинаси эди. Тўзғиган сочи юз-кўзни олақуроқ ёпган, қўл-оёқлари-нинг ҳар жой-ҳар жойидан қон сизиб чиққан. Уч-тўрт ери-дан йиртилган қизил күйлаги жувоннинг баданини тўла яширолмасди. Гулсара эса ҳеч нарсага эътибор бермасдан, йўргакланган «бола»сини гоҳ бағрига босар, гоҳ қўллари-да баланд кўтарганча ашула айтарди:

Она кўрмаган болам, алла-ё, алла,  
Ота кўрмаган болам, алла-ё, алла...

Тешабой ота билан Ҳалима ая қизларини бу ҳолатда кўриб эслари оғиб қолай дейишиди.

— Вой шўрим!.. Вой алвости! — дея жон ҳолатда чинқи-риб юборди Ҳалима ая. — Сенгинани бу ҳолатда кўрган-дан кўзларим тешилсин-а!

— Ҳой Нормўмин, бу алвастини кўзимдан йўқот! — деди Тешабой ота юзини тескари буриб.

Эрталабки нонуштани тайёрлаётган Анора ошхонадан ўқдай отилиб чиқиб:

— Ҳой, сингилжоним, сизга нима бўлди, уят бўлади-я. Уйга киринг-а, устингизни алмаштиринг-а, — деганча Гул-сарани бағрига босиб, ичкарига тортқилай кетди.

Гулсара эса оёғини ерга тираган кўйи телбаларча вал-диради:

— Болагинамни эркалашимгаям қўймайсизлар-а! Қанақа одамсизлар ўзи?! Ундан кўра суюнчи беринглар. Мен бу кеча Меҳриддинжонимни не азобда топиб келсан-у, сизлар бўлса... Э қўйинглар-е. Нега ахир қувонмайсизлар, нега ахир кулмайсизлар?! Буни ахир тўй қилиб нишонлашимиз керак-ку! Шундай эмасми, янгажон?..

— Арқонни обке! — хотинига қараб ўшқирди жони ҳал-  
қумига келгап Нормүмин.

Шундан кейин Нормүмин синглиснинг қўлларидан маҳ-  
кам ушлаб олиб, уни хонасиға судраб олиб кириб кетди.

Анора қўлига тушган арқонни туттганча уларнинг изи-  
дан чопди.

Нормүмин энди додлашга ўтган Гулсарапи хотини ёрда-  
мида темир каравотта ётқизди-да, жун арқон билан чандиб  
боғлаб ташлади.

Гулсара балки бутунлай ақлдан озмагандир, аммо шу  
топда нима қилиб, нима қўяётганини аниқ фаҳмлай олмас-  
ди. Фақат ўзининг сўзини маъқуллар, ҳеч кимнинг айтгани-  
ни қилгиси келмасди. Қўл-оёғини боғлаётгандари маҳал эса  
худди бўғизланадай дод солди.

Тешабой ота билан Ҳалима аянинг юраклари тутдай  
тўкилди.

Нормүмин Гулсаранинг овози қўшниларга эшитилмасин  
деб эшик, деразаларни ёпиб келди-да, «бола»ни қўлига олиб,  
Гулсарага дўқ қилди:

— Яна ғинг десанг, мана шу болангни қайтиб кўрмай-  
сан.

— Боламни берсангиз оғзимни очмайман, — деди Гул-  
сара бўш келмай.

Нормүмин «бола»ни «она» сининг ёнига ётқизди. Шун-  
дан сўнгтина Гулсаранинг чакаги ўчди.

Анора оғир хўрсиниб қўйди.

Нормүмин шу куни машинасида хотини билан Гулсара-  
ни Бухорога олиб борди ва анча давом этган сарсон-сар-  
гардончиликлардан кейин ниҳоят бир амаллаб уни асаб ка-  
салликлари шифохонасиға жойлаб келди.

### «Кечирдим, бироқ...»

Шамсиддин ўзига келиб кўзларини очган заҳоти тева-  
рак-атрофга боқди. Ҳаммаёқ оппоқ: деворлар ҳам, шифт  
ҳам, пардалар ҳам. Хона ёп-ёргуғ. Дераза ёнида стулда муд-  
рабгина ўтирган калта сочли, узунчоқ юзли бошдан-оёқ оқ

кийимдаги ҳамшира қыз. Шундагина Шамсiddин ўзининг қаерда ётганлигини англади. У увишиб қолган оёқ-кўлларини ҳаракатлантиришга уринган эди, аъзойи бадани зирқираб оғриб кетди. Айниқса, боғланган қўли ва кўкрак қафаси санчиб оғриганида сал бўлмаса додлаб юборай деди.

Оғриқча чидай олмай инграган эди, ҳамшира уйғониб кетди-ю, ҳушер тортиб, шоша-пижна Шамсiddиндан ҳола-аҷвол сўрай кетди:

— Қалайсиз, ақажон? Ўзингизга келиб қолдингизми? Ҳеч ернингиз оғримаяттими? Жа қўрқитвордингиз-ку одамни. Нима бўлгандазим, жонингиз тошдан экан. Бир операциядан эсон-омов ўтиб олдингиз...

Шамсiddин танасидаги оғриқлар бироз пасайиши билан ҳамширанинг сўзини бўлди:

— Яхши қыз, мени бу ерга ким обкелди? Қачон?

— Ҳамроқул чавандозни танийсизми? Мотоциклдан йиқилиб, ўзингизни билмай ётганингизда ўша одам кеча эрталаб ўз машинасида, ота-онангизниям қўшиб бирга олиб келди... Биласизми, ҳозир кечаси соат икки бўлаётиди. Шунинг учун ҳам кеча деяпман-да... Ҳа, айтгандай дадангиз билан ойингиздан суюнчи олай. У бечоралар сизнинг ўзингизга келишингизни кўзлари тўрт бўлиб кутиб ўтиришибди кечадан бери.

— Йўғ-е?

— «Йўғ-е» деганингиз нимаси? Ёлғизгина ўғилгинамиз деб жигарлари тўқилиб, туз тотмай, мижжа қоқмай дуойи жонингизни қилиб ўтиришибди. Ҳа, айтгандай, эсим қурсин! Соат ўнларда Ойсара кеннойим ҳам келиб кетдилар. Ҳозир у кипи қайнакангиз билан бирга сизга деб тайёрланган қайнатма шўрвани олиб келишаётган бўлсалар керак.

Шамсiddиннинг юраги ҳаприқиб кетди:

— Нима дедингиз, улар ҳам келиб кетишдими? Наҳотки?

— Нима, келишса арзимапсизми? Бири хотинингиз, бири қайнакангиз бўлгач, келади-да. Улар шундай кунда ёнингизда бўлмаса, қачон бўлишади?! Улар сизга бирам меҳрибон эканларки! Кўриб жа ҳавасим келиб кетди. Яна қайнотангиз билан қайнонангиз ҳам, улар билан бирга келиб,

анчагина ўтириб кетиши... Э, кечирасиз, ака, сизга урадиган бир-иккита уколларим бор эди. Шуну тайёрлаб келай... Ҳали сиз билан кўп гаплашамиз. Зерикмайгина ўтириңг. Ҳозир ёнингизга ота-онангизни бошлаб келаман!..

Ҳамшира бидиллаганича хонадан чиқди.

Ойсаранинг келиб кетганини, ҳозир яна тун ярмида шунча йўлдан ўзига атаб қайнатма шўрва тайёрлаб келаётганини эшитган Шамсиддиннинг қалби қувончга тўлди. Дили яйраганиданми, танасидаги оғриқлариниам сезмай қўйди.

Зум ўтмай у ётган хонага отаси билан онаси ҳамшира етовида ҳоалиқиб кириб келиши.

Шамсиддин ота-онасининг бир кундаёқ сўлиб қолишганини кўриб уларга ичи ачиdi. Салом бераркан, туришга маъжоли бўлмаса-да, турмоққа шайланаётгандек бир қимиirlаб қўйди. Ҳамшира дарров:

— Сизга туриш мумкинмас, ака. Мен ҳозир, — деганча чол-кампирга қаердандир иккита стул келтириб қўйди.

Маматқул ота энгашиб ўғлининг пешонасидан ўпиб қўйди.

Рисолат ая ўғлининг куз-кўзларидан ўпаркан:

— Ҳеч жойинг оғримайтгами, болажоним? — дей ўзини тутолмай куз ёши қилиб олди.

Улар бирин-кетин стулга ўтишгач, Маматқул ота:

— Кўрқанимиз қут бўлсин, болам, — деб қўйди.

Рисолат ая куйиб-пишиб гапирарди:

— Яратган эгамга шукур, ўзингта хелдинг, болам!.. Бундан кейин матасекл ҳайдайман дема-я, улим. Уям шайтоннинг аравасидай бир нарса экан-да!.. Энди тузукмисан, улим? Отангминан мен нима бўлсан бўлдик сени ўйлайсаби... Олимжон аканг барака топсин-да! Шунинг берган қони жонингта ора кирди-ёв, улим.

Ҳайрон бўлган Шамсиддин:

— Қайнакам менга қон бердими? — деб сўради нимагадир кўнгли бўшаб.

— Олимжоннинг отасига раҳмат!.. Дўхтир сенга қон куйиш кераклигини айтиши билан ўриидан сакраб туриб «қанча қон керак бўлса, мана мендан олинг!» деганида юрагим

қувончдан сел бўлди, улим!.. Ҳаммаям бу ишни қиласвермайди, болам. Мана қариндошлиқ, мана одамгарчилик! Сен буларнинг қадрини бил, улим!..

Уларнинг суҳбати қизиганини кўрган ҳамшира хонадан аста чиқиб кетди.

Шамсиддин хижолатомуз боқди:

— Қарийб бир ярим кундан бери шу ерда экансизлар. Убу нарса еб ўтирибсизларми, ишқилиб. Роса қийналибсизлар-да мени деб. Ҳам чарчаб, ҳам очқаб, ҳам уйқудан қолиб. Мен туфайли сизлар ҳам шунча кўп азият чекаяпсизлар.

— Сен ажал билан олишиб, қийналиб ётганингда бизнинг томофимиздан нарса ўтиб, кўзимизга уйқу келармиди, болажоним, — деди Рисолат ая кўз ёшларини тиёлмай.

— Балиқнинг тириклиги сув билан, улим, — вазмин оҳандага гапиришга уринди Маматқул ота гавдасини бироз тиклаб олгач. — Сенсиз бизнинг яшашимиз мушкул. Илоё, умринг узоқ бўлсин, улим!..

Шамсиддиннинг етмиш икки томири бирдай зирқираб кетди. У ўзиданам кўра кексайган ота-онасини қаттиқ қийнаб қўйганини фаҳмлади.

— Шамсиддин ака, — деди хонага шошилиб кирган ҳамшира, — иштадангиз қалай? Кенойим билан қайнакангиз сизга қайнатма шўрва билан иссиққина патир обкептилар. Нима дейсиз, улар обкираверишсинми? Ўзингиз ҳам очликдан нима бўлса бўлгандирсиз-а?

Бу меҳр-оқибатни кўришиб, Маматқул ота билан Рисолат аянинг юраклари тўлқинланиб кетди.

Шамсиддиннинг-ку бўлари бўлди.

Хонага уялинқираб кириб келаётган Ойсаранинг оппоқ, лўппи юзида, чақнаётган кўзларида тилсиммонанд бир жозиба барқ уриб турарди.

Шамсиддин ўзининг шу аҳволда ётганидан уялиб, шошапиша:

— Салом. Яхши юрибсизми, Ойсара? — деб юборганини ўзиям сезмай қолди.

— Салом, Шамсиддин ака. Тан-жонингиз соғми?.. — деди Ойсара ерга тикилиб.

— Қон учун, мәҳрибоңлигингиз учун сизга минг раҳмат, ака, — деди Шамсiddин ўзидан ҳол-аҳвол сўраётган Олимжонга.

— Врач келаяпти, — деб қолди эшик остонасида турган ҳамшира. — Мана, кўрдингизлар. Шамсiddин аканнинг соғлиғи яхши. Энди сизлардан илтимос, залга чиқиб турсангизлар. Палатага бир кишидан ортиқ кириш мумкин эмас. Бўла қолинглар, бўлмаса врач жонимни олади. У кишининг жаҳли ёмон!

Ҳамма чиқаётгани маҳал Шамсiddин Ойсарага «Сен кетма» дегандай илтижоли боқди.

Буни сезган ҳамшира Ойсарага:

— Сиз қолиб, bemorni овқатлантира қолинг, — деди ва энг орқада чиқаётиб, эшикни зичлаб ёпди.

— Шамсiddин ака, — деди Ойсара термосдаги шўрвани чинни косага сузаркан, — мендан ўтган бўлса узр!..

Дастлаб шошиб қолганидан Ойсарани «сиз»лаб юборган Шамсiddин яна хотинини «сен»лашга ўтди:

— Сендан бир умр миннатдорман. Сен ҳечам қисинмагин. Айбдор сен эмас, мен-ку! Аслида мен сендан узр сўрашим керак. Мени кечир, Ойсара!.. Кечирдим десанг бошим осмонга етарди... Бир борагина кечирдим де! Сендан шу сўзни кутиб яшайпман, Ойсара!..

Ойсара шўрвани тумбочка устига қўяркан:

— Кечирдим, бироқ... — дея ўйланиб қолди.

— Нима бироқ?

— Бошқа қайтарилемаслик шарти билан!

— Мен ҳаммасига розиман.

Шу пайт эшик тақиллади. Ойсара шошиб ўзини четга олди. Шамсiddин ётган жойида:

— Ким у? — деди норози оҳангда.

— Бу мен, — деди хонага кириб келган шифокор. — Яхши бўлиб қолдингизми? Шикоятлар йўқми?

— Раҳмат, дўхтири, яхшиман. Шикоят йўқ.

Дўхтири дераза олдида ийманиб турган Ойсарага ўгирилди-да:

— Келинойи, кўрқманг, зрингиз ҳадемай отдай бўлиб кетади, — деб қўйди қулимсираб.

— Келинг, овқатланамиз, — таклиф қилди Шамсiddин, сүңг хотининга ўгирилди: — Дўхтир акағаям бир коса қўй. Жа хуштаъм экан.

— Раҳмат, — деди врач, — сиз бемалол овқатланиб ола-веринг. Менинг зарур ишларим бор. Кейин яна хабар олга-ни кираман.

Шу кеча Шамсiddиннинг илтимоси билан Ойсара пала-тада қолди.

Олимжон қуда бобоси билан қуда момосини олиб йўлга чиққанида тонг ёришиб қолган эди.

### Fusca

**Орадан етти йил ўтди.**

Бу йиллар ичида ҳар ким ўз тақдирида борини кўрди.

Гулсара умрининг бу даврини шифохоналарда ўтказди. Аввалига сурункасига беш йил Бухородаги асаб ва руҳий касалликлари шифохонасида даволанганд бўлса, кейинги икки йилини камқонлик ва қанд касалликлари шифохона-ларига баҳшида этди. Бу муддат ичида жувон озиб-тўзиб кетди.

Гулсара ўзи билан ўзи бўлиб, шифохонама-шифохона юрганида Нормўмин акасининг уни даволатаман деб бор-буидан айрилганиният, эрта демай-кеч демай ўз машина-сида қатнаб юрган кунларининг бирида фалокат босиб аварияга учраганинию, иккала оёғиният синдириб олиб, оғир аҳволда туман шифохонасида узоқ вақт ётиб қолганиният билмасди.

Устма-уст содир бўлган кўргиликларга ва эл орасида қизлари ҳақида урчиган миш-мишларга дош беролмаган касалманд ота-она баттар хасталаниб, аввал шифохона-да, кейин уйларида тўшакка михланиб ётиб қолиши. Дов-дираб қолган Анора қайнисинглисига бўлсинми, қайнота-қайнонасигами, зригами? Қолаверса, даладаги иши-ю, ҳовлисидаги мол-ҳолига ким қарайди? Тўрт томонга чопавериб обдон тинкаси қуриб, ҳолдан тойган Анора ҳам дардмандлик ёқасига келиб қолганди.

Гулсара фақатгина Мәхриддини ташвиши, ғам-қайғуси ва соғинчи билан яшарди, холос.

Ниҳоят жувон етти йил деганда соғайиб, минг хил орзу-умидлар оғушида уйига қайтиб келганида осмондан ерга тушгандек ҳушёр тортди. Яңаси шу давр ичидә бўлиб ўтган воқеаларни нола-фифон билан айтиб берганида Гулсаранинг нафаси ичига тушиб кетди. Бу кўргиликларнинг асосий сабабчиси ўзи эканлигини англаш етганда-ку, фижимланган қоғоздай бир сиқим бўлиб буқчайди-қолди.

Ададсиз изтироб ва пушаймонларининг кўз очирмас қуюну тўфонлари унинг дардчил туйғуларини армонлар қозонида беаёв қовурди. Сўнг тўрт томонга шиддаткорона совурди. Орзулари тиркалган ушоққина карвони эса бундай кўргиликларга бардош беролмай саробга айланган йўлларда кеза-кеза бенажот бўзлаб қолди.

Гулсара бутун идрокини, кучу қувватини йигиб, юрагини ҳовувлаганча отаси билан онаси ётган хонага кирди.

Жувон аввал тўрдаги мўъжазгина темир каравотда қунишибгина ётган, серажин юзи сарғайган, нурсизлана бошлиганинг кўзлари ич-ичига ботган, ғарип ва музтар ҳолатдаги отасини кўрди. Кейин оппоқ соchlари дока рўмолининг ичидан тўзғиб елкаларига тушган, юзи оқарган, мўлтирабгина ётган онасига кўзи тушди-ю, беихтиёр «Отажо-он! Онажо-он!» деб чинқириб юборганини ўзиям сезмай қолди.

Гулсаранинг аччиқ фарёди кичкинагина стулчасига омонатгина ўтириб олганча ҳовлининг бир бурчидаги кечки сабзини баҳоли-қудрат ўтоқ қилаётган Нормўмининг қулоғигаям етиб борди. У синглисисининг овозини таниди-ю, анграйиб қолди. «Ишқилиб, Гулсара соғайиб келдимикан? Соғайган бўлса, нега қичқирайпти?»

Хавотири ошган Нормўмин уй томонга аланглади. Сўнг қўлидаги ўроқчани уюлган хашаклар устига итқитди-да, ҳасасига суяниб зўрга ўрнидан турди.

Шу маҳал ошхонадан чепак кўтарган Анора чиқиб қолди.

— Нима гап, тинчликми? — деди Нормўмин ҳовлиқиб.

— Синглисиз ҳозир келиб, отам билан онамларни кўргани кирувди. Уларнинг аҳволини кўриб қўрқиб кетди, шекилли.

— Ҳа-я! Шунақа де? Үзининг соғлиги дурустмикан?

— Бироз яхшига ўхшайди.

Ночор ётганига қарамай, Тешабой ота қизини кўриши билан қовоғини уюб, оғзини каппа-каппа очди, нимжон бармоқларини асабий силкитди, гўё шу билан «Кўзимдан йўқол, касофат!» деяётгандек бўларди.

Ҳалима ая эса нуқул ҳиқиллаб йигларди.

Бундай қарши олишларини кутмаган Гулсара ваҳимага тушганча ҳовлига отилиб чиқди. Шу ерда у ҳассасига таяниб турган акасини кўриб қолдию, чопиб борганча унинг елкасига бошини қўяркан:

— Сизларга нима бўлди, акажо-он? — дея ўқсиб-ўқсиб ийғлади.

Нормўмин синглисига «Барчасига ўзинг айбдорсан-ку!» демоқчи бўлди-ю, бироқ «Шундоқ ҳам шўрпешона-ку!.. Бунга ўзи гап кор қиласмиди?» деган мuloқазада тилини зўрға тийди. Фақат чуқур «уҳ» тортиб қўяр экан, ўкинч ва армон билан гапирди:

— Ойнинг ўн беши қоронги бўлса, ўн беши ёруғ. Муҳими — сен ўзингга келибсан-ку. Шунгаям шукур деймиз-да энди. Бошқа илож ҳам қанча. Энди ота-онамиз ҳам оёққа туриб кетишса эди!

Гулсара ҳамма гапни янгасидан эшитган бўлса-да, сўрамасдан туролмади:

— Сизга нима бўлди, акажон?

— Э-э, сўрама, синглим. Кутимаган ишлардан яна биттаси содир бўлди. Бундан олти ойча олдин кечаси сенинг дўхтириларингга у-бу нарса элтиб бериб, уйга қайтаётганимда тутзор орасидаги йўлдан ўтаётсам де, йўлнинг ўртасида бир эшак қурғур куррачасини эмизиб турган экан. Шунча сигнал берсам ҳам, касофат ўрнидан жилмади. Куррачасини аяб, машинамни четга бурганимни биламан тапур-тупур бўлди-қолди. Кўзимни очсам, касалхонада ётган эканман.

— Энди яхшимисиз, ака?

— Тузук. Бироқ ҳассасиз юролмаяпман-да.

— Отам билан онамларга нима бўлди? Мен кетганда соппа-соғ эдилар-ку! Чақирсам индашмайди. Тилдан ҳам

қолишганми дейман? Ўзлариям бир аҳволда экан, кўриб кўрқиб кетдим.

Нормўмин энди ўзини ушлаб туролмади — газаби ғалабен қилди:

— Ҳаммасини тушуниб туриб, яна нега сўрайверасан? Нега тилимни қичитасан? Улар кимни деб шу аҳволга тушишди? Буни сен тугул маҳалланинг бешикдаги боласигача сезиб-билиб, миш-миш гап қилиб юрганида сен билмай қолдингми? Сен нега ўзингни гўлликка олаверасан? Сен ўз йўлингни ўзинг топиб, эл қатори юрганингда-ку, бу кўргиликлар бошимизга тушмасмиди, касофат!

— Дадаси, — шоша-пиша ошхонадан чиқиб келиб орага тушди Анора, — шўрва тайёр бўлувди, сузаверайми?

— Шўрвани қўятур!.. Аввал отам билан онамдан бир хабар олайлик. Негадир кўнглим жуда ғаш. Ишқилиб тинчлик бўлсин-да. Дўхтирлар қарамай қўйганидан бери юрагим алағда. Айниқса, отамнинг аҳволини кўрсам юраги зилиб кетаверади...

Анора қайнотаси билан қайноаси ётган хонага шоша-пиша кириб кетди.

Гулсара ўқ еган одамдай букчайиб-тиришиб деворга суюниб қолганди.

Нормўмин хонага кирган заҳоти отасининг бир нуқтага қараб қотиб қолган нурсиз кўзларини кўрди. Тешабой отанинг ёнида эса Анора куймаланиб, ваҳима ичидა қариянинг қон томирини ушлаб кўришга ҳаракат қиласади.

Ҳаммасини тушунган Нормўмин ўкраб йиғлаб юборди:  
— Айтмадимми... Вой отажонгинам...

Нормўмин ўзини отасининг каравотига ташлади.

Ҳалима ая ётган жойида:

— Вой, болаларимнинг дуогўйи, уйимнинг устуни.. — дея бошига муштлаганча фарёд чека бошлади.

Нима бўлаётганини энди-энди англаб етган Гулсара додлаб, соchlарини юлиб ичкарига отилиб кирди ва жон-жаҳди билан отасининг музлаб қолган оёқ-қўлларини уқалай кетди.

Кейинги пайлари ташвиш аримай қолган бу хонадонда айни дамда қиёмат қўпгандай эди.

## Қора доғлар

Етти йилдан бери қанд қасалидан қутулолмаётган Маматқұл ота ұар үили күзда туман марказий шифохонасида бир-икки ой ётиб даволанса, анча үзига келиб, оёққа туриб кетар зди. Бу йил эса қасали ұар йилдагидан оғир бўлди. Бир ой санаторияда, икки ой шифохонада ётсаям, аввалгидек даво топмади.

Шифохонада үзига келавермагач, декабр ойиннинг ўргаларига борганда Маматқұл ота уйимга кетаман деб оёқтираб туриб олди.

Уйи анчагина нотинчлигидан отанинг хабари бор зди.

Дўхтирлар даволанишни уйда давом эттириш шарти билан Маматқұл отага ноилож жавоб беришиди.

Маматқұл ота шифохонадан келган куниёқ кечки овқатдан сўнг уйидаги нотинчликларнинг бирдан-бир сабабчиси бўлаётган, кейинги икки йилдан бери ичкиликка ва гиёҳвандликка берилиб хурмача қилиқлар чиқараётган, ҳозир ҳам ширакайф ҳолда қовоқ-боши шишиб ўтирган Шамсиддинга ўқрайиб қараб қўйгач, у билан очиқ гаплашиб олишга қарор қилди.

— Уйланганинггаям етти йил бўлди, улим. Ёшинг ўттизга етди. Сенга нима етишмайди үзи? Тушунмайман. Беш яшар қизинг, бир яшар улинг, гулдай хотининг, уйинг-жойинг, машинанг бўлса. Ўҳ-ҳў... ўҳ-ҳў... — газабланиб гапираётган отани йўтал тутди. — Менинг аҳволимни кўриб турибсан, йилдагидан ҳам баттарман. Онанг оёқда юрган бўлса-да, унинг ҳам ҳоли маълум. Сариқ қасалига йўлиққандан бери бир кун соғ бўлса, икки кун қасал. Гапнинг чинини айтадиган бўлсам, сен ичкилик билан гиёҳвандлик балосига йўлиққандан бери бизлар ҳам қасалдан чиқмай қолдик, улим!..

Нега шундай бўлаётганини би-ир ўйлаб кўрдингми? Ўйлаб кўрмаган бўлсанг, ўйлаб кўр! Каллангни ишлат! «Бирорга ёмонлик қилмагин зинҳор, сенга ҳам ёмонлик қилувчилар бор». Мана оқибати. «Дуо олган омондир, қарғиш олган ёмондир». Сен бир кишининг эмас, кўп кишининг қарғишини олдинг. Буни ўзинг ҳам билсанг керак. Мото-

циклингни ағдариб олиб, олти ой қүш ҳассага суюниб ағбор бўлиб юрганинг шу қарғиши олганингнинг биринчи белгиси эмасми?! Ҳалиям Ойсара келинга, қудаларга раҳмат! Не қилғилик қилсанг ҳам, финг демай кўтаришашапти, барака топкурлар.

Сенинг эса ҳалиям ақлинг жойидамас. Афти-башарангга қара. Бундан икки йил бурун қандай эдинг-у, ҳозир қандайсан? Ичкиликка берилганинг етмагандай, нашагаям муккасидан кетганинг дард устига чипқон бўлди. Ичиб ҳайдаб мотоциклниям, янги олган машинаниям дабдала қилдинг.

Асли онанг билан мен аҳмоқ. Сени ёлғиз ўғил деб, ҳеч кимдан кам бўлмасин деб талтайтириб юбордик шекилли. Қўлингни совуқ сувга урдирмай, не топсак сенга тутдик. Сенга бўлсин дедик. Сен бўлсанг, одам бўлиш ўрнига нуқул галва чиқариб юрасан... Ўҳ-ҳў... Ўҳ-ҳў!.. Шу йўталдан ҳам безор бўлдим...

— Ётиб даволанинг-да, — деди Шамсиддин гап мавзуини ўзгартиришга уриниб.

— Қандай ётиб даволанаман? Сен кунига бир ташвиш чиқариб, оиланинг тинчини бузсанг, ўз кайфу-сафонгни ўйлаб, қолган ҳамма нарсага туписсанг!.. Сен менга қара, улим. Машинани сотаман депсан. Бу нима деганинг? Ўйлаб айтдингми шу гапни? Сен бу турища уйдаги ҳамма нарсанни сотиб битирасан, шекилли-а? Шу балои ҳазорларни ичмасанг, чекмасанг, бир жойинг камайиб қоладими? Сенга нима каромат кўрсатади бу заҳри қотиллар?!

Шамсиддиннинг кўзлари олайиб, аъзойи баданига титроқ кирди. Қалтирай бошлаган қўлларини зўрға тутиб, жадлини босолмаёттан отасига тик қарашга уринди:

— Ота, сизга машина керакми ё менми? Билиб қўйинг, машина топиладиган нарса. Одам топилмайди, ота, одам! Менинг чангак бўлиб тиришиб, қийналиб ётишимни ёки шу ётишдан туролмай жувонмарг ўлиб кетишими истайсизми? Наҳотки ёлғизгина ўғлингизга шуни раво кўрсангиз?.. Нуқул мени айблайсиз. Сизнингча, оиладаги, балки дунёдаги энг ярамас одам менман! Балки чинданам шундайдир. Буни худо билади.

Ешлик қилиб у ёки бу камчиликка йўл қўйган бўлсам,  
қўйгандирман. Айтинг-чи, хато қилмаган бирорта одам бор-  
ми ўзи бу дунёда? Гарантия бериб айтаманки, йўқ! Бўлмай-  
ди ҳам! Чунки ҳаммамиз ҳам хом сут эмган бандалармиз-  
да! Ўзимга келсак, нима камчилик қилган бўлсам, ҳаммаси  
ўтди-кетди. Кўрасиз, ичкилик ҳам, гиёҳвандлик ҳам ўтиб  
кетади! Кўрасиз, мен сиз орзу қилган одам бўламан!

Маматқул отанинг жаҳли қўзиди:

— Қачон бўласан? Онанг билан биз сенинг яхши одам  
бўлишингни кутавериб тамом бўлдик-ку, улим!

Шамсиддин ўрнидан гандирақлаб туриб дераза олдига  
борди-да, кўрсаткич бармоғини чаккасига устма-уст нуқиди:

— Шу жойим тарс ёрилай деяпти, ота, — деди у оғир  
кайфиятда, — шунинг чорасини топган куним — ичкилик  
билан нашани ташлаган куним бўлади!..

Маматқул ота ижирғаниб қовоғини уйиб оларкан, ўғли-  
ни биринчи бор кўраётгандек бошдан-оёғигача синчков  
назар солди:

— Қачон ташлайсан, шундан гапир.

— Машинани сотиб, ўзимга келган куним. Кейин ҳам-  
масини бошидан бошлайман.

— Бугунданоқ ташласанг қандай бўларди, улим! Сенам  
тинч, бизлар ҳам тинч. Сенам ҳам бир оиланинг бошлиғи-  
сан-ку, ахир!

— Ахир-пақири йўқ, сўзим — сўз, ота! Бугундан дёёлмай-  
ман-у, бироқ эртами-кечми албатта ташлайман ҳаммасини.

— Демак бугундан ташлашга ироданг етишмайди, шун-  
дайми?

— Нега индамайсан?

— Нима дей? Ўзимни-ўзим бошқара олмаяпман. Бунинг  
қанчага чўзилишини ўзим ҳам билмайман, дейинми? Асли-  
да шундай бўляяпти! Нима қилай? Аъзойи баданим титраб,  
қақшаб оғрияпти. Мени сўроқча туттгандан кўра, рухсат бе-  
ринг, машинани сотай. Оладиганимни олай. Ахир бир кун  
ўзимга келарман-да. Бўлмаса менга уч минг сўмгина пул бе-  
ринг-қўйинг!

**Маматқул отанинг фифони фалакка чиқди:**

— Ҳой, аҳмоқ бола, менда, шу ётишимда... қаерданам пулим бўлади? Онанг иккаламизнинг пенсия пулимишни-ку, ойма-ой ўзинг бориб почтадан қуртдай санаб олиб турган бўлсанг. Бор пулимга сени ўқитиб, уйлантириб, қолганига кўнглинг ўксимасин деб машина оберган бўлсам. Яна уялмай-нетмай, касал ётган отангдан пул сўрайсан-а! Сенда уят, ор номус, иймон деган нарса борми ўзи?

Шамсиддиннинг қош-қовоғи баттар осилди.

— Шамсиддинъон, — деди ота-боланинг қовушмаётган сұхбатини қўшни хонада ўтириб эшишиб, тоқати-тоқ бўлган Рисолат ая ҳассасига суюнганча эшиқдан кириб келаркан, — машинани сотадиган бўлсанг, унинг пулуга энг аввало Кудратилланинг оғзи билан оёқларини даволат. Ҳа, улим, шундай қил, бошқасини қўй!.. Бола бечора бир умр ногирон бўлиб қолмасин. Онасини дуруст эма олмай, овқат еёлмай чўпдай озиб кетди гўдак шўрлик. Кўрган одамнинг раҳми келади... Бир ёшга кирди. Эртага улингнинг тай-тайлаб юришиниям ўйлагин-да, болам. Келин бечораям Кудратилланинг оғзи билан оёқларига қарайвериб эзилиб кетди жуда. Қанақа отасан ўзи? Наҳотки болангдан ҳам сабил қолгур ароқ билан ёнибгина кул бўлгур нашанг азиз бўлса?! Қаёқданам илашдинг шу бало-қазоларга. Отанг айтгандай, беаёв қарғишга учрадинг-ов, улим...

— Ичкилик билан нашага берилмаганингда-ку, — деди Маматқул ота ўғлига қаттиқ тикилиб, — улинг ҳам қизингга ўхшаб туппа-тузук бўлиб дунёга келарди-я. Ҳа, баччагар! Барчасига ўзинг айбдорсан. Гўдаккинанинг уволи туттур кўрнамак, нашахўр!

Шамсиддиннинг юраги ёнди. Айни пайтда у ота-онасининг гапларидан хulosса чиқариш ҳақида ўйламаётганди. Унга ҳозир озгина бўлсаям дорисидан керак эди, холос...

Орага чўккан сукунатни Шамсиддиннинг пишиллаб нафас олиши бузарди.

Шу пайт Ойсаранинг енгил қадам товушлари ва Қудратилланинг аянчли йиғиси эшишилди.

— Шамсиддин ака, — деди бир қўлида йиғлаётган боласини, иккинчи қўлида бир чойнак чой кўтариб кириб кел-

ган Ойсара, — сиз ҳозир зудлик билан совхоз идорасига бораркансыз, юқоридан комиссия кепти. Директор чақира-ётганиши!

Хаёли билан бўлиб, хотинининг гапига яхши зътибор бермаган Шамсиддин «комиссия» сўзини эшигиши билан меровланиб қолди. Сўнг чойнакни қайнонасининг олдига қўйиб, хонадан чиқиб кетаётган хотинига қараб тўнғиллади:

— Қанақа комиссия? Ҳозир ўзимнинг комиссиям чиқиб турибди-ку!

Харҳаша қилаётган гўдагини юпата олмай бораётган Ойсара жойида туриб қолди.

Шамсиддин эса ҳамон тажанг ҳолда хотинига танбех берарди:

— Тушунтириброқ гапирсанг ўласанми. Бу хабарни сенга ким айтди? Қачон айтди? Ҳаммани чақираяптимикан ёки имменно мени согиниб қоптими? Шу маҳалда комиссияга бало борми? Директор бобо уч кундан бери Самарқандда семинарда зди-ку. Комиссияни эшигиб учиб кептими? Шу даҳмаза етмай турувди ўзи.

— Билмадим, ёрдамчи бухгалтер машинасида сизни кутуб турибди. Нима дей унга?

— Бу ҳолатда комиссияга қандай боради? — деди Маматқул ота ўрнидан аранг турасига ўғлиниң аҳволидан хавотирга тушиб. — Бу бугун боролмас-ов...

— Ҳозир мазам йўқ, эрталаб ўзим бораман. — Шамсиддин ўрнидан туриб ўзининг хонасига ўтаётсиб отасига ўғирилди: — Мендан ҳечам хавотир олманг, ота. Мен яхшиман! Комиссиядан қўрқадиган жойим йўқ. Комиссия келади, кўрадиганини кўради, оладиганини олади, кетади! Ишлайдиган ўзимиз.

Шундан кейин Шамсиддин хотинига ўдағайлади:

— Ойсара, болани бақиртиравермай онамга бер-да, уйга кир, муҳим иш бор.

Ойсара йигисидан тўхтамаётган Қудратиллони бувисига топширгунча, Шамсиддин ётоқхонага кирди-да, ҳар эҳтимолга қарши шифонердаги хотинининг кийимларини тез-тез титкилай кетди.

— Нима излаяпсиз? — деди хонага кирган Ойсара ҳайратланиб. — Сизнинг кийимларингиз бу ерда эмас-ку.

— Биласан, — деди Шамсиддин ўзини тетик тутишга уриниб,— бу ерда сенинг кийимларинг туради. Биласанми, Ойсара, менга пул керак.

— Қанча?

— Қанча кўп бўлса, шунча яшни!

— Шу маҳалда пулни нима қиласиз? Комиссияга пора бермоқчимисиз?

— Ҳа!.. Йўқ!.. Комиссияга эмас. Ўзимга керак. Жудаям керак. — Шамсиддин бош бармоғини бўйнига сермади. — Мана бундоқ керак. Бўла қол. Пул бўлмаса тилла-пиллала-ринг бўлсалм бўлаверади. Фарқи йўқ.

Эрининг нима учун пул сўраётганини тушунган Ойсара ваҳима ичида ялинишга тушди:

— Жо-он Шамсиддин ака. Ундоқ қилманг! Бу йўлингиздан қайтинг! Бу заҳри қотилнинг баҳридан ўтинг. Қудратжоннинг ногирон бўлгани, қайнотам билан қайнонамининг оғир хасталикларга чалиниб қолганлари ҳам етар, ахир! Нима қиласиз шу ёш жонингизни тириклиайнин задарлаб? Оиламизни жар ёқасига келтириб! Ўзингизниам, бизниам қийнаб!. Жо-о-он Шамсиддин ака, менинг ҳам сўзимга бир киринг. Мен сизга заррачаем қўмонлик тиламайман-ку, тушишсангиз-чи ахир!

— Ҳаммасига тушунаман! Тушунмай ўлибманми. Бироқ сенинг айтганиларингтам, ота-онамнинг насиҳатларигаям ҳозирча, билиб қўй, ҳозирча, ҳечам амал қи-лол-май-ман! Тушундингми, амал қи-лол-май-ман! Менга ҳозир пул керак, холос! Бўлмаса ўлиб қоламан!

— Уф-ф! — хўрсинди ҳолдан тойган Ойсара. — Ўлиб қоламан дэнивериб бизларниам ўлдириб бўлдингиз-ку... Ишонсангиз-чи, ҳой мусурмон! Шу топда на менда, на уйда бир сўм пул бор! Агар озгина пулим бўлса ҳозир ҳамма нарсани қўйиб Қудратилланинг оғзини операция қилдирадим. Бола бечора овқатланолмай кундан-кунга қуриб бораётти билсангиз!

— Шу пайтгача юрган бола юради, ўлмайди. Аввало мен ўзимга келиб олай. Бошқаси бир гап бўлар. Тўғриши? Нега

энди уйдаям, сендаям пул йўқ? Бундай бўлишига ишонмайман. Йўқ дема! Мен айтдимми, топасан, тамом-вассалом! Ҳеч бўлмаса яшириб қўйган тилла узук-сирғаларинг бордир. Ўшалардан ҳеч бўлмаса биронтасини бериб тургин!. Мен ўзимга келиб олай. Кейин буларнинг ҳаммасидан бира тўла воз кечаман деяпман-у. Нега сўзларимга ишонмайсизлар?

Ойсаранинг боши қотди. Сўнг кўз ёшларини артган кўйи эрига тик боқди:

— Сизнинг қайси сўзингизга ишонай? Ёлғон ваъдаларингизгами? Икки йилдан бери хит қилиб юбордингиз-ку одамни! Ваъда беришга суягингиз йўқ! Нуқул мени алдаб келасиз. Энди эса менинига эмас, ўз туқсан ота-онангизниям алдашга ўтаяпсиз. Қанақа одамсиз ўзи?! Йифлаб ҳам айтдим, ялиниб ҳам айтдим шу заҳри-қотилни ташланг деб. Кўнмадингиз. Ўз билганингиздан қолмадингиз! Мана оқибати нима бўлаяпти! Аввало, фарзандимиз ногирон бўлиб тугилди. Қайнотам билан қайнотам сизни деб, сизни ёмон йўлдан қайтараман деб, сизнинг қылғиликларингизни кўтаролмай, бири давления бўлиб, бири қанд касалини орттириб тўшак тортиб ётишипти. Сиз уларни даволатиш ўрнига ичклик билан нашанинг қулига айланиб ўтирибсиз. Сиз булар тўғрисида ўйлаб ҳам кўрмайсиз. Айтиб, тушунтирай десам, гап тингласангиз ҳам, унга амал қилмайсиз. Шу ҳам турмуш бўлдими? Шу ҳам оила бўлдими?

Бироқ Шамсиддиннинг шу топда бундай гапларни тинглашгаем ҳоли йўқ эди. Шунинг учун у хотинига зарда қилди:

— Гапни кўпам чўзаверма. Барибир фойдаси йўқ. Ундан кўра машинанинг калитини бер. Сотиб келаман.

— Шу шалаги чиқсан машинангизга кимнинг кўзи учиб турибди экан?

— Арzon-гаровга бўлсаям сотаман.

Ойсаранинг сабри тугади:

— Сотинг, ҳаммасини сотиб ичинг. Сиз ўзи кейинги пайдада сотишга уста бўлиб қолгансиз. Қўлингиздан бошқа нимаям келарди?

— Нима дединг?

— Эшитганингиз.

— Қўлингдан ҳеч нарса келмайди, дедингми? Нега келмас экан?! Келади! Кўп нарса келади! Келмасига қўймайман! Келтираман! Қара, қўлимдан нималар келишини бирик кўриб қўй. Қўлларимга қара! Бу қўллар, бу чайир қўллар ҳамма нарсанинг абжанини чиқаради.

Шамсиддин асабийлашиб, тугилган муштини ичидаги кийимлари пала-партиш ётган шифонернинг қоқ ўртасига урди. Қарсиллаган товушдан уй бир зумда ларзага келди.

Каравотчасида ухлаётган Гўзалой чўчиб уйгониб кетдида, титраб-қалтираганича югуриб келиб:

— Ойижо-он, қўрқиб кетаяпман, — дея чинқириб йиғлаб онасининг оёқларига ёпишиб олди.

Ялтилаб турган шифонернинг ўртаси бесўнақай ўйилиб қолди. Ойсара титраб йиғлаётган Гўзалойни опичлаб кўтарганча қайнона-қайнотаси ётган хонага учеб кириб кетди.

Қарсиллаган товушни эшитгандаёқ ваҳимага тушган ота билан онанинг юраклари қон бўлаётган эди. Келинининг қизчасини кўтариб олганча чопиб кирганини кўрган Маматқул отанинг ранги ўчиб кетди:

— Шамсини нима жин урди? Ё сизларга қўл кўтардими у даюс?

— Йў.. йўқ, — деди Ойсара шоша-пиша қайнотасини тинчлантиришга уринаркан, — пул топиб бермасанг машинани сотаман, деб жазаваси тутаяпти ўғлингизнинг. Мен у-бу деган эдим, жаҳлини шифонердан олди.

— Қўй, қизим, индама. Барибир билганини қиласди. Сотса, сотсин. Сизларга қўл теккизмаган бўлса бўлди, ишқириб. Сотса садқаи сар! Жонларинг омон бўлсин, болам! Лекин буни бирор балнисага ётқизиб даволатмасак бўлмайдиганга ўхшайди.

— Дадаси, — деб қолди Рисолат ая,— област балнисасида ишлайдиган бир яқин врач танишингиз бўларди-ку, шунга айтиб кўрсангиз қандай бўларкан?

— Ота! — Ойсара ҳўнграб йиғлаб юборди. — Ўғлингизнинг бири-биридан ёмон қилиқлари ҳиқилдоғимга кел-

ди. Бир умр жанжаллашиб яшаб бўлмайди, ота! Ялиниб ҳам кўрдим, йиглаб ҳам кўрдим. Барибир парвойи палак. Одамгарчиликдан чиқаяпти бунингиз. Шу пайтгача сизларни кўзим қиймай барча азоб-уқубатларга чидаб келган эдим. Энди чидай олмайман. Сиздан илтимос, ўғлингизга айтинг, менинг жавобимни берсин! Бўлди! Яшаб бўлдим! Отамниги кетаман. Бироқ энди қайтиб келмайман. Ўшанда бекор қайтиб келган эканман. Ўғлингизни одам бўлар деган эдим. Адашган эканман...

Шу пайт улар ўтирган хонага панжалари қонга бўялган Шамсиддин кириб кела сола хотинига ўшқирди:

— Калит қаерда?

Ойсара беихтиёр қайнотаси ёнига чекинди. Келинининг гали баттар мазасини қочирган Маматқул ота:

— Ҳой даюс, буёққа ўт, — деди қўлини силтаб, — калит менда! Гапни эшит, аҳмоқ, келин кетаман деяпти.

— Кетса кетаверсан! Мен ушлаб турганим йўқ!

— Унақа дема, ҳе итвачча!

Маматқул ота олдидаги иккита пиёлани ўғлига қараб отди. Пиёлалар деворга урилиб, чил-чил синди.

Шамсиддин бирдан изига қайтди. У эшикларни биринкетин тарақлатиб ёпганича шиддат билан ташқарига отилиб чиқди. Сўнг юпун ҳолига ҳам қарамасдан совуқ ва қопкоронғи тунда боши оққан томонга тентираб кетди.

— Бу аҳмоқнинг гапини гап дема. У ҳозир нима деб, нима қўйганиниям билмайди. Сен бизларни бил, она қизим. У аҳмоқ бўлса, сен ақлли бўл! Аниқ кетадиган бўлсанг, аввал бизни ўлдириб кет, қизим! — деди ўпкасини босолмаётган Маматқул ота пиқиллаб йиглаб.

Чолининг гапини маъқуллаётган Рисолат ая ҳам инқилаб-синқиллаб бош иргади.

Ойсара икки ўт орасида қолди. Жувон шов-шувдан чўчиб уйғонган Қудратилласини, ҳамон қўрқувдан ўзига келмаётган Гўзалойини бағрига маҳкам босганча ўйга толди: «Эримдан эшитадиганимни эшитдим. Билдим, унга керак эмас эканман! Энди бемалол кетаверсан бўлади. Бироқ қайнотам билан қайнонамни шу аҳволда қандай ташлаб кетаман? Кет-

сам, бу шўрликларнинг ҳоли не кечади? Уларнинг қарғишига қолмайманми? Шамсиддин акам қарғиш олиб нимага эришиди?.. Унинг кўргиликларига анави Гулсарасининг, унинг отонасининг қарғишилари сабаб эмасмикин? Етимхонага ташлаб кетилган гўдагининг уволи тутгани эмасми бу?.. Кетсан енгилганимми, енганимми? Нега енгилишим керак? Нега курашмаслигим керак? Курашсан айб бўлтими? Курашсан, биргина ўзим учунмас! Курашсан, хасталаниб, кучлари йигидан бошқага етмаётган қайнота-қайнонам учун, Гўзалойим билан Қудратиллам учун курашаман...»

Ойсара ўзига кўзлари жавдираб қараб ётишган қайнота-қайнонасига меҳр билан қаарпкан:

— Сизлар нима десангизлар шу, — деди жилмайиб.

### «Санъатга ишқим тушди...»

Ортиқали шляпаси билан қора пальтосининг ёқасидаги қорларни қоқиб-қоқиб туширди-да, филофдаги рубоб билан сумкасини кўтарганича ичкарига шошли. Лифт кутишгаям сабри чидамасдан зинадан юқорига чопиб чиқди ва эшик қўнғирофини босди.

Ошга энди сабзи бостираётган Лобархон «Ҳози-ир!» дея қўлинни артгунча бўлмай хонасида гитарасини тинғиллатиб ўтирган Меҳриддин «Дадажоним келдилар!» дея йўлакка отилди.

Болакай шиддат билан эшикни очди-ю, дадасининг қўлидаги қизғиши филофдаги рубобни кўриб севинганидан қийқириб юборди:

— Ур-ре-е! Ойижон! Дадажоним менга рубоб обкелдила-ар!

Ортиқали қувончи ичига сигмаётган ўғлига рубобни тутди. Кўзлари порлаётган Меҳриддин филофни очиб, рубобни айлантириб-айлантириб томоша қиларкан:

— Дадажон, мен орзу қилгандай экан! — деди қувонч билан. — Устозимнициям худди шундай!.. — Болакай дадасининг бўйнига осилиб, бир қўлида маҳкам қучиб олди: — Сизга ка-ат-та раҳмат, дадажо-он!

Уйта киришди. Меҳриддин онасига рубобини кўз-кўзларкан, уйни бошига кўтаргудай оҳангда қийқириб куларди:

— Ойижон, кўрмана беринг! Қаранг, дадажоним менга нима олиб келдила-а-ар!..

Ўғлининг шунчалик рубобга ишқибозлигини кўриб қувончдан Лобархоннинг кўзларидан ёш чиқиб кетди.

Она-болани бу аҳволда кўрган Ортиқалининг кўнгли тофдек кўтарилиди.

— Қани, қўлингга олиб би-ир хуморингни ёз-чи, ўғлим, — деди Ортиқали.

Шуни кутиб тургандай Меҳриддин шоша-пиша рубобни созлаб, қулоқларини бураб-бураб олгач, кўкрагига қўйди-да, мароқ билан «Андижон полька»сини чала кетди. Куй энди авжига келганида, Меҳриддин бирдан чалишдан тўхтади, жилмайганча дадасига юзланди:

— Дадажон, ойижон, устозимга дадам рубоб олиб келса, албатта, ўзингиз созлаб берасиз деб қўйгандим. Билмай бошлаб қўйибман. Энди устозимга нима дейман? Уят бўлди-ёв бу ишим. Нима дейсиз?

Меҳриддиннинг санъатга қизиқишига хушовози билан элга танилаётган Жобиржон деган ён қўшни сабабчи бўлган эди. Жобиржон бундан уч йил аввал консерваторияни битириб келиб, шаҳар мусиқа мактабида мусиқа ўқитувчиси бўлиб ишларди. Кўплар унга ҳофиз деб мурожаат қилишарди. Меҳриддин уч-тўрт ёшидан бўён Жобиржон ҳофизнинг уйига кириб-чиқиб юриб, аввало унинг ёш муҳлисига, бора-бора эса шогирдига айланди.

Меҳриддиннинг йилдан-йилга қизиқиши кучайиб, анамана дегунча қўли гитара ва рубобга келиб қолди. Ҳатто учтўртта куйни шу асбобларда чаладиган ва Жобиржон ҳофиз куйлаб юрадиган ашулаларининг айримларини айтадиган ҳам бўлди. Буни кўриб Жобиржон ийиб кетди-да, ўзининг ёшликда чалиб юрган гитарасини унга совфа қилди.

Бундан руҳланган Меҳриддин энди шу гитарани қўлидан ташламай уззу-кун машқ қиласидиган бўлиб қолди. Ортиқали билан Лобархон ҳайратда. Ахир улар Меҳриддин улғайса, албатта, ўзларидек иқтисодчи бўлишини орзу қилиб юришарди-да. Балки шу сабаблидир, улар ўғиллари-

даги бу қизиқиши ўткинчи бир ҳиссиёт бўлса керак, деб қўя қолишган эди. Бироқ қарадиларки, аҳвол жиддий. Бунинг устига Жобиржон ҳофиз ҳам ўғилларига жуда мөҳри-бон.

Меҳриддин гитарани қўлига олди-ю, мусиқа жиннисига айланди-қолди. У бора-бора ўйиндан ҳам кўпроқ гитарарага кўнгил қўя бошлади. Орадан уч-тўрт ой ўтиб эса дадаси билан ойисига менга рубоб олиб беринглар, деб хархаша қила-диган бўлди.

Шу орада Меҳриддиннинг ўқитувчиси Лобархонга 26 де-кабр куни мактабда «Алифбе байрами» бўлишини, байрамда Меҳриддин рубоб чалиб ашула айтишини телефонда ха-бар қилиб қолди.

Лобархон дарҳол бу янгиликни эрига етказди.

Ортиқали дабдуристдан бир нарса деёлмади. Аммо кечга яқин Жобиржонникуга ўтди.

Жобиржон Ортиқалининг гапларини тинглаётib мийи-ғида кулиб қўйди.

— Нега куласиз, ҳофиз? — ҳайрон бўлди Ортиқали.

— Қувонганимдан куляяпман, aka! Шогирди яна битта-га кўпайган устоз кулмай, нима, йиғласинми?

— Ўғлимиздан бир нарса чиқадими ўзи ё бу шунчаки ҳавасми?

— Нима, унинг талантига ҳалиям ишонмаяпсизми?

— Бу ёшдаги болалар нималарга қизиқмайди, дейсиз. Кечагача ярим кунини тўп тепиш билан ўtkазиб юриб эди. Энди эса сизнинг гитарангиз билан рубобингизга ёпишиб опти. Санъатга талант бўлса-ку, майли. Бўлмаса, санъатга берилганидан ўқишини сусайтириб, ора йўлда билимсиз қолиб кетмасмикан дейман-да, ҳофиз.

— Сиз ҳечам хавотир олманг. Бу шунчаки қизиқиши эмас. Ўғлингизда ҳақиқий санъаткор учун керак бўлган асосий белгилар: ихлос, хотира, овоз, талант бор. Янаям ўзингиз биласиз-у, лекин ўғлингизнинг кўнглини синдиримасангиз яхши бўлармиди дейман-да. Талант деган ҳаммадаям бўла-вермайди, aka! Унга шу баҳонада бир рубоб олиб берсан-гиз-ку, гап бошқача бўларди. Менгаям дадажоним беш

ёшимида гитара, етти ёшимда рубоб олиб берган эди. Мана, худога шукр, кам бўлганимиз йўқ шекилли, ака...

Ортиқали шуларни бир эслаб оларкан:

— Яхши ўйлабсан, — деди кўтаринки кайфиятда. — Яхшиси, устозингни уйга айтиб келақол. Кеннойингниям чақир. Устоз-шогирдликниям шу баҳонада бир нишонлаб оламиз. Фақат тез келишсин.

Меҳридин рубобини бағрига маҳкам босганича чопқиллаб чиқиб кетди.

Ортиқали кулимсираб хотинига қаради:

— Ошингиз яқинмиди, сиздан сўроқсиз меҳмон чақириб қўйдик.

— Бундай кунда бир эмас, ўнта меҳмон кутишгаям тайёрман, дадаси, ҳечам ташвишланманг, — деди Лобархон яйраб.

Ортиқали ювениб чиққунча Меҳридин устози билан кеннойисини бошлаб келиб қолди. Дастурхон тузалди.

Чой дамланди. Ош сузилди. Гурунг қизиди. Гап айланиб Меҳридинбоп қўшиқ яратишга келганида Жобиржон қўшни маҳаллада Ўринбой Аҳмедов деган шоир дўсти яшини айтаркан, яхши шеър учун яхши мусиқа басталаб беришни ўз бўйнига олди.

Ҳазил-ҳазил билан бошланган ҳамкорликдаги ижодий иш қизиб кетди. Уч ҳафта ичида янги қўшиқ яратилиб, Меҳридинга ўргатилди.

Меҳридиннинг «Алифбе байрами»га унинг ота-онасига қўшилиб Жобиржон ҳофиз билан шоир Ўринбой Аҳмедов ҳам боришиди.

Мактабнинг катта мажлислар залида ўтаётган байрамнинг концерт дастури болалар хори билан бошланиб, рақсларга ва яккахон қўшиқларга уланиб кетди. Концерт айни қизиган пайтда бошловчи саҳнага чиқиб эълон қилди:

— Эндиғи навбат биринчи синфнинг аълочи ўқувчиси ёш санъаткор Меҳридинжон Тешабоевга берилади. У устозлари Ўринбой Аҳмедов шеърлари ва Жобиржон Жаҳонов мусиқалари билан тайёрлаб келган «Ташаккурнома» қўшиғини илк бора шу ерда, шу саҳнада ижро этади.

Саҳнага қора костюм-шым кийган, оқ кўйлакли, қизил галстук таққан Меҳриддин шахдам-шахдам қадам ташлаб чиққанида зал сув қўйгандек жимиб қолди.

Меҳриддин рубобда мусиқа чала бошлади. Ёқимли оҳангга ширали майин овоз қўшилди:

Мен баҳтиёр боламан,  
Очилган гул-лоламан.  
Санъатга ишқим тушди.  
Шунда мангу қоламан!..  
Қалбим қўшиқларга кон,  
Орзуларим бир жаҳон.  
Ота-онамга раҳмат,  
Бергани-чун кенг имкон!..  
Умид, иқболимки, нур,  
Қадам ташлайман мағрур.  
Устозу эл, юртимга  
Барчаси-чун таппаккур!..

Меҳриддин қўшигини тугатиб томошабинларга таъзим бажо келтирганида, зални қарсак садолари тутди. Ортиқали билан Лобархоннинг кўзларидан ёш тирқираб чиқиб кетди.

Куй-куйга, қўшиқ-қўшиқча уланиб, байрам тушгача давом этди.

### Падаркуш қиз

Тешабой отанинг таъзиясига қўни-қўшнилар, узоқ-яқиндан келган қариндош-уруғлар ва қуда-андалар йиғилишиди. Кун очилиб кетгани учун келганларга мәҳмонхонадан ташқари айвон ва супага ҳам жой қилинди.

Баъзи аёллар икки-учтадан бўлиб олишиб, ўзаро пи-чири-пицирга, миш-миш гапларни бир-бирига етказишга зўр беришди.

Аёллар супада ўтиришгани учун уларнинг гап-сўзлари шу томонга дераза қараган пардалари туширилган хонага бир ўзи яшириниб олиб, фам-алам, изтироблар ўтида қовурилаётган Гулсарага аниқ эшитилиб турди.

Миш-мишлар эса аста-секин авж пардага ўтарди:

— Эшишишмча, Тешабой отанинг ўлимига унинг Гулсара деган қизи сабабчи бўлганмиш.

— Қандай қилиб?

— Ҳали эшиштадингизми, отанинг шу қизи тушмагури қайсиdir шаҳарда, қайсиdir ўқиша ўқиб юрганида бир аперист йигит билан ўйнаб юриб ЗАГСдан ҳам ўтмай, бир бола туғиб опти.

— Йўғ-е, ростданми?!

— Ҳа-да!.. Шамол бўлмаса дарахтнинг учи қимирлармиди? Жа бало экан, бу қизи тушмагур. Боласини туғибди-ю, қайсиdir етимхонага элтиб топширибди-да, ҳеч нарса кўрмагандай ўқишини ўқиб юраверибди, денг...

— Кейин-чи?

— Кейин қилмиш-қидирмиш дегандай анчагина гапсўзлар ҳам бўлиб ўтиби чамамда.

— Тўрт-беш йил жиннихонадаям ётиб чиққаниям ростми шу қизининг?

— Рост, рост! Бу даюс қиз қилғиликни қилиб қўйгану, кейин ўйланавериб-ўйланавериб жинни бўлган. Жинни бўлмай яна нимаям бўларди! Гўр бўлармиди?!

— Ҳозирги қизларни ўқишига юборсангиз ҳам бир бало экан-да унда!

— Нимасини айтасиз, овсинжон! Энди гапнинг бу ёғини эшиting. Шу қизнинг дастидан ота-онаси тугул, акаси билан янгасиям кўпчиликка аралашолмай, тўй-маъракаларга боролмай яккаланиб қолишган. Аёл киши-ку, юраги қисилса дардини бирорвга айтиб, кўнглини бир бало қилиб ёзиб оларкан. Қийин бўлганда эркакка қийин экан. Дардини ичига ютавериб адойи тамом бўларкан. Ёмон гап ёмон-да! Туяни чумоли қиласи-я ёмон гап...

— Демак, Тешабой ота шўрлик қизининг касридан тузалмас дардга чалинган экан-да?

— Мен нима деяпман сизга, овсинжон.

— Бундайларни ер ҳам ютмас экан-да.

— Ер ютмасаям, ютганданам баттар қипти-ю. Ҳали келганимизда кўрмадингизми, эти устихонига ёпишиб, чўпдай озиб-тўзиб кетибди-ку.

— Ўзи қаерда ўтирибди? Унга кўзим тушгани йўқ-ов. Анча йиллар олдин қаердадир бир учрашгандай бўлувдим. Кўриб ҳавасим келувди. Тешабой отанинг гўзал қизи бор экан, деб ҳам қўювдим.

— Ҳамма бало-казо шу гўзал қизлардан чиқади-да, овсинжон! Боя юз-кўзини рўмолга ўраб-чирмаб ёнимиздан ўтиб кетаётганида кўрмадингизми?

— Гап-сўзлардан қўрқиб шундай қилиб юргандир-да.

— Ҳа-да! Бироқ ойни этак билан ёпиб бўлармиди. Юзкўзини минг жойидан бекитсаем бўлари бўлган, бўёғи синган. Ит теккан ошдай гап у!..

— Секинроқ гапиринг. Деворнинг ҳам қулоги бор-а. Гапсўзга қолмайлик тағин.

— Эшитса эшитар! Эшитганда бизга нима? Гапларимиз туҳмат эмас, рост гап-ку! Қилғиликни қилган биз эмас, унинг ўзи. Бу қизнинг қилғиликлари бекорга гап-сўз бўлаётгани йўқ. Кимки айтса ҳазар қилганидан айтади. Бундай фожиа ҳеч кимнинг бошига тушмасин, деб айтади.

— Барибирам, одам! инг раҳми келади-да.

— Ўзига ўзи маҳкам бўлмаганинг, келажагини ўйлаб қадам ташламаганинг ҳолига вой деганлари шу-да, овсинжон! Худоям бекорга унинг ақлини олмагандир.

— Онасининг аҳволи қандай экан, англамадингизми?

— Эшитишумча, онасиям узоққа бормайди-ёв. Нафас олиши жуда оғирмиш. Сал бинойи бўлса, шу ерда ўтиради-да, келган-кетган одамларнинг таъзиясини қабул қилиб.

— Ҳар кимни худо аясин, овсинжон. Мана, бир аҳмоқ қизнинг дастидан оиланинг бошига шунча кулфат тushiбди. Биласизми-йўқми, шу синглисини даволатаман, деб юрганида фалокатта учраган Нормўминам ногирон бўлиб қопти.

— Айтинг-айтинг, бунақаларнинг ўзига худо инсоф берсин экан. Бўлмаса шу жувонмарггаям ота-онаси қанча насиҳат қилган.

— Э, овсинжон, одамнинг ўзида ақл билан фаросати бўлмагандан кейин қийин экан.

— Одамнинг охирини берсин деб шунга айтсалар керак-да. Тешабой ота билан Ҳалима аянинг охирини бермабди-да худо...

Гулсара аёлларнинг ана шу таҳлитдаги миш-мишларию гийбатларини эшитиб эсидан оғиб қолай деди. Изтироби алана олдию, юраги санчиб, ўкириб йиглаб юборди. Унинг йифиси ичкаридаги ва ташқаридаги эркак-аёлларнинг паст-баланд йифи товушларига қўшилиб билинмай кетди.

Шу ҳолатдаям Гулсаранинг телба кўнгли қўзиб: «Уларнинг устига бостириб бор!» деса, иккинчи кўнгли: «Ҳақиқат ҳамиша аччиқ бўлади. Чидайсан! Чидамаганда тупроққа ўт қўярмидинг? Ё ўзингни осасанми? Бу билан нима ўзгари-ю, сен нимани исботлаган бўласан?» дерди. Яна бир хаёли: «Бошга тушганни кўз кўради. Сенинг бундан бошқа чоранг ҳам йўқ. Чунки айбдор ўзингсан. Барча хатолик ўзингдан ўтди. Энди ўзинг пиширган ошни айланиб, ҳам ўргилиб ҳам ейишга мажбурсан!» деяётгандек эди. Айниқса, сўнгги ўй Гулсаранинг дамини ичига тушириб юборди.

Fassollар тугунларини олиб эшикдан чиқишлири билан Нормўмин бошчилигидаги бошларига дўппи, устларига қора чопон кийган, беллари боғланган ўн чоғли ҳассакашлар дарвоза ёнидаги нарвоннинг ёнига келишдилар-да, бири «отам»лаб, бири «бобом»лаб, бири «акам»лаб, бири «амаким»лаб, бири «тогам»лаб, бири «язнам»лаб, бири «қудам»лаб бўзлай кетишидилар.

Үйдагилар шошиб-пишиб ҳовлига чиқишиди.

Айвонда ва супада ўтиришган эркаку аёллар дувва ўринларидан туришди. Уларнинг айримлари ҳассакашларнинг ёнларига ўтишиб йифи-сигига қўшилишиб кетишиди.

Тешабой отанинг оқ кафанга ўралган танаси йифи-сиги билан нарвонга қўйилди.

Нормўминнинг «Отажо-он!»лаб, Ботиралининг «Бобо-жо-он!»лаб фарёд уриши кучайди.

Майитнинг устига уч-тўрт хил мато ёпилиши билан тўрт томонда турган тўрт киши нарвонни етти марта ердан узиб, шунча марта яна ерга қўйдилар. Сўнг «Салати жаноза, салати жаноза!..» дея жар солиб, одамларни жаноза намозига чорлаётган чўққисоқол мулланинг ёнидан майитли нарвонни кўтариб ўтишиб, йифилишиб турган оломон қаршисига оҳиста қўйдилар ва дарҳол ўзларини четга олдилар.

Жаноза намози ўқилди.

Ўттиз-қирқ чоғли одам Тешабой отани навбат билан ел-кама-елка күтаришиб, қишлоқдан икки-уч чақирим келадиган тепаликдаги қабристон томон йўлга тушди.

Нормўмин билан унинг ўғли Ботирали нарвоннинг олдига тушишиб, йўл бўйи «отам»лаб, «бобом»лаб бориши.

Қабристон дарвозасига яқинлашгандаридан кўз ёшлари селдай оқаётган Нормўмин қўлма-қўл лопислаб бораётган нарвоннинг бир учини авайлаб елкасига олди. Бўйи бироз пастлик қилган Ботирали нарвоннинг ўртасига ўтиб олди.

Отасини Нормўминнинг ўзи қабрга жойлади.

Нормўмин отасининг юзини қиблага қаратиб қўяётиб, охирги марта унинг юз-кўзига бир муддат тикилиб турди-да:

— Алвидо, отажон. Ётган жойингиз жаннатда бўлсин...  
— деб пичирлаб қўйди.

Шундан кейин Нормўмин рўмолга тугилиб узатилган тупроқда ўзиям бир сиқим тупроқ қўшиб отасининг бош қисмига тўкди.

Тайёрлаб қўйилган хом фишлар қўлма-қўл узатилиб турдиди. Нормўмин кўз ёшлари томаётган фишларни лаҳаднинг оғзига пухталаб териб чиқди.

Нормўминни тепада турганлар юқорига тортиб чиқаришди. У атрофни қоплаган оппоқ қорга беруҳ тикиларкан, боши айланиб, кўзи тингандай, юраги ҳувиллаб қолгандай бўлди.

Қиши бўлишига қарамай, кўйлакчан Нормўмин қора терга ботган эди. Ботирали илдам келиб қўлида ушлаб турган қора чопонни дадасининг елкасига ёпди.

Қабрга тупроқ солишини биринчи бўлис гўрков бошлаб бериши билан кетмон-белкураклар ишга тушиб кетди. Одамлар бири олиб, бири қўйиб, ана-мана дегунча қабрни дўппайтириб қўйиши.

Тешабой отанинг лой ва қор аралаш тупроқдан кўтарилиган қабри бир зумда оппоқ қабристоннинг бир чеккасида қорайиб кўзга ташланиб қолди.

Ҳассакашлар тол асолари қабрнинг бош қисмига эҳтиёткорлик билан териб қўйилди.

Мулла қироат билан Қуръон оятларини ўқиб тугаттгач, «Омин!..» деб қозларига фотиңа тортишлари билан одамлар устларига илашган қор-хасларни қоқишиб, ўринларидан туришди.

Кимдир ҳамма эшитадиган баланд овозда:

— Тешабой ота қандай одам эди? — деди.

Одамлар гуриллаб жавоб қайтаришди:

— Яхши одам эди!.. Яхши одам эди!..

Икки киши матоларни гўрковларга беришгач, ялангочланиб қолган нарвонни, гўрковлар эса кетмону белкуракларини кўтаришиб одамлар изидан йўлга тушдилар.

Энг қадрдан одамини тупроққа қўйган, довдираб қолган Нормўмингина қабрдан узилиб кетолмай, кўз ёшларига ғарқ ҳолда бир муддат серрайиб туриб қолди. Сўнг туйқус ҳўнграб йиғлаб юборди ва қучогини очганча қабрга ўзини ташлади.

Одамлар орасида бошини эгиб кетаётган Ботирали дадасининг йифи овозини эшитиб қолдию, шашт билан орқага қараб югурди.

У қабрни қучиб йиғлаётган дадасини қўлтиғидан ушлаб зўрға ўрнидан турғазди...

### Чаёнқул урган ниш

Қиши кунларининг бири. Тун. Ярим оқшом. Ерда кечаги ёқсан калиш бўйи қор теварак-атрофни оқقا белаганча ястаниб ётибди. Осмон тунд.

Шомда бошланган изғирин шамол қишлоқ оралаб борлиқни ялаб-юлқайди, увиллаб дарбадар кезади. Қип-яланғоч дарахт шохларидаги, бўғотлар ва томлардаги қор олақуюн бўлиб учади.

Ҳар ер-ҳар ерда эшакларнинг ёқимсиз ҳанграши, боғланган итларнинг узун-юлуқ ақиллаши, донга тўймаган хўроздларнинг аламли қичқириши увиллаётган шамолга жўр бўлиб туради.

Пастқам пахса деворли ва деворсиз ҳовлилардаги уйларнинг ним ёғдуси дераза пардалари орқасидан элас-элас кўзга ташланади.

Паст-баланд уйларнинг мұршиларидан бурқсіб чиқаётган күмирнинг ачимсің дуди кишининг димоғига урилиб, бoshини айлантиради, бурунларни ачиштиради.

Изғириң шамол борган сари кучаяди.

Бир жемперда ҳовлиққан күйи уйидан отилиб чиқиб қишлоқ чеккасидаги Чаёнқул жүрасининг уйини мүлжаллаб бораётган Шамсиддиннинг ахволи танг. Бир томондан наша хумори юрагини сиқаётган бўлса, иккинчи томондан қаҳратон қишининг совуқ шамоли жон-жонидан ўтиб бораётган эди.

Оёғига эски калиш илиб чиқаверганини Шамсиддин оёғидан обдон совуқ ўтгандан кейингина сезиб, баттар газабланди. Бор кайфиям тарқаб, кўзлари мошдек очилди.

У етиб келган жой Ҳайдар тракторчининг икки пахса девор билан ўралган ҳовлиси эди. Шамсиддин панароқ жой излаб йўл бўйидаги гўнг ҳиди анқиб турган молхона томонга ўтди. Бу ер ялангликка нисбатан бироз тузук эди. Шамсиддин қўлларини оғзига тутиб иллитган бўлди. Увишган оёқларини калишидан чиқазиб, музлай бошлаган панжаларини уқалай-уқалай сал эпақага келтирди. Калишларини қоқиб қор-муздан тозалади. Сўнг ноилож қайтадан кийди. Шимининг орқасини ушлаб кўриб энсаси қотди. Фижимлаб сиққан эди, қўллари ҳўл бўлди.

Кўчадаям, теварак-атрофдаям ўзидан бошқа бирон типик жон кўринмайди. Шамсиддин турган жойида қўл-оёқларини зўр бериб ҳаракатлантирди. Барibir бўлмади. Аъзойи бадани ҳали-бери илийин демасди. Вужудига баттар титроқ кирди. Юз-кўзлари, қулоқ, бурни ва кўкрагининг ачиши кучайди. Борган сайин зўраяётган изғириң шамолга бардош беролмаган оёқ-қўллари қалтироғи янада кучайди.

Ҳатто шу туришида ҳам Шамсиддиннинг кўнглини изтиробли ўйлари исканжага оларди: «Қаерга бормоқчи эдим? Қаерга келдим? Нима қилиб қўйдим-у, нима қилиб юрибман? Нега ахволим борган сари яхшиланиш ўрнига ёмонлашаяпти? Менга нима бўляяпти ўзи?.. Бу ёқда ота-онам не ҳолда ётган бўлса-ю... Қаҳратон қиш оқшомида бир ўзим уйи, бола-чақаси йўқ одамдай, телбага ўхшаб бу ерларда,

бировнинг сассиқ молхонасини паналаб, шумшайиб турибман. Кимдир совхозга комиссия келибди, сизам тезда бораркансиз дегандай бўлувди шекилли. Бу гапни менга ким айтиши мумкин? Ойсарами? Ҳа, ўша айтган!.. Кейин нима бўлди? Ароқнинг кайфи-ю, нашанинг хумори билан ҳаммаси чалкашиб, айқаш-уйқаш бўлиб кетгани чатоқ бўлди-да... — Шамсиддин совуққа чидолмай ўн метрлар чамасидаги молхонанинг у четидан бу четига қараб тинмай югуришга тушди. — Ҳа, эсимга тушди. Мен машинани сотаман деб туриб олдим. Калитни сўрадим. Отамда экан, бермади. Кейин жаҳл устида эшикними, шифонерними муштладим. Кейин нима бўлди? Билмайман!.. Шундай кунда комиссияга бало борми? Бир томондан уларга кўринмаганим ҳам яхши бўлди. Бу ҳолатда комиссия тугул, директоргаям кўринишм уят-ку? Зўр келса ишини олади-да. Бошимни олмас!.. Дипломим сандиқда-ку... Айтгандай, Чайёнқулга шу ҳолатда нима деб бораман? Иштон-шимим ҳўл бўлса. Э худо! Мендек ҳаётда адашган бандангга ўзинг раҳм-шафқат қил-у, ўзинг тўғри йўл кўрсат! Нима қиласай? Қаерга борай? Уйимга борсамми? Ахир менинг ҳам отам, онам, бола-чақам бор! Улар мени уйимдан қувишмаган...»

Шамсиддиннинг оғир ўйларини ташқи эшикнинг тарақлаб очилиб ёпилгани-ю, кимнингдир йўталгани бузди. Шу заҳоти Ҳайдар тракторчининг дўрилдоқ овози эшитилди:

— Тезроқ бўл, ўғлим! Ухлаб қопмиз. Соат тўртдан ошиб кетибди-ку. Бу аҳволда боргунимизча бозор тугайди!

Шамсиддин шошиб қолди: «Уккағар кўриб қолса, нима дейман?».

У қалтираб-дийдираб чор-ночор изига қайтди.

Шамсиддин уйига аранг етиб келганида теварак-атроф сал ойдинлашиб қолган эди. У минг ҳадик ичидагар занинг кичкина тавақасини аста итариб кўрди. Илдирилмаган экан, очилди.

Шамсиддин ўғри мушукдек ҳовлисининг тўрт томонига синчков боқиб, оёқ учидагар занинг яқинлашди. Уйдагиларнинг барчаси уйқуда эканликларига ишончи ҳосил бўлгач аввал даҳлизга, кейин ўзининг хонасига ўтди. Темир печка-

да иситилаётган хона иссиқина эди. Шамсиддиннинг аъзойи бадани қизиди. Термосдан икки-уч пиёла иссиқ чой ичди. Яшириб қўйган ароғини топиб, унданам икки пиёла ичиб олди. Бироқ ҳалиям унинг кўнгли нотинч эди.

Айниқса, дори хумори уни борган сари безовталантарди. Икки чаккасини қисиб, беаёв азоб бераётган ёвуз кучнинг қудрати Шамсиддиннинг ўзига маълум. Оғуни тезроқ топиб, тезроқ қабул қилмаса, вужуди буришиб-тиришиб, чангак бўлиб қолиши ҳеч гап эмас. Шуни ваҳима ичидан хаёлидан ўтказган Шамсиддин қишики иссиқ кийимларини апил-тапил кийиб, хотинининг бир кунимга ярар-да деб яшириб қўйган тилла соатини чўнтағига солдию, яна оёқ учидаги юриб кўчага чиқди.

Шамсиддин ўйдим-чуқур йўллардан илдам кетиб бораркан, дарвоза билан ташқи эшикнинг ичкаридан илдирилмаганидан севинар, буни хотиним атайин қилган бўлса кепрак, эри келса совуқда дийдираб кутиб ўтиришини истамаган-да деган тахминга борди.

Шамсиддин ўн-ўн беш дақиқалардан кейин гангиётган бошини зўрга кўтарганча Чаёнқул жўрасининг кулбасига етиб борди.

Чаёнқул илоннинг ёғини ялаган одам эмасми! У Шамсиддин олиб борган тилла соатни эринмай текшириб, асл моллигига ишончи комил бўлгачгина, чиройини очди:

— Қаёқдан топасан сен бундай асл молларни? Зўрсанда, жўра! Сен йифиб қўйган тилла ҳали-бери тугамаса кераг-ов? Шундайми?

Чаёнқул гап орасида чўнтағидан шприц чиқариб, битта дорини мижозининг билагига юборди. Ҳузурбахш лаззатдан Шамсиддиннинг кўзлари ярқ этиб очилиб кетди, юз ифодаси майнинлашди. Шу алфозда Чаёнқулга илжайиб қаради:

— Узумини егин-у, боғини сўрама.

Шамсиддин кийимларини кийиб, йўлга тушди.

Эрталабга бориб телбаланаётган шамолнинг кучи бироз пасайди-ю, ола-чалпоқ булутлар орасидан мўралаётган қуёшнинг кучсиз заррин нурлари атрофни кўзларни қамаштираси даражада ёритиб юборди.

Йўл бўйи «Хотиним эрталабдан отасиникига аразлаб кетиб қолмадимикан, ишқилиб? Жаҳлим қурсин менинг! Комиссиядан ҳам хабар олмадим! Уят бўлди-ёв...» каби ўйларга фарқ бўлиб уйга етган заҳоти дарвоза тирқишидан ҳовлига мўраладию, Ойсаранинг ҳовлидаги қорларни супириб-сидириб юрганини кўриб кўнгли сал жойига тушди.

Шамсиддин сир бой бермасликка уринган ҳолатда дарвозадан ичкарига кирди. Ойсара дарвозанинг фийқиллаб очилганини эшигтан заҳоти ялт этиб шу томонга қаради-ю, кўзларига ишонмай қотиб қолди. Кечаси уй кийимида телбаланиб чиқиб кетган эри энди кўпдан бери эгнига олмаган қишки иш кийимида — қора костюм-шим, оқ кўйлак ва қизил галстук, қора пальто ва телпакда савлат тўкиб турарди.

Ойсара довдираб қолди: «Нима қилиб юрибди бу, пўрим кийиниб? Кеча кечаси бир кўйлак, бир жемперда шайтон васвасасига тушиб, ҳамманинг дилини хуфтон қилиб чиқиб кетувди-ку! Бу кийимларини қачон келиб, қачон кийиб кетди экан? Дарвоқе, дарвоза билан ташки эшикни ичкаридан илдирмаган эдим-а. Келса совуқда қотиб қолмасин деб! Шундай қилганим қўл келибди-да. Ё комиссиянинг олдига бордимикан? Соқол-мурти олинмаган-ку! Қаерга бориб келдийкин? Сўрайинми? Яна жини қўзиб келганга ўхшайди-ку. Бақириб кетмасмикан? Уйда акам билан қайнотам касалхонага олиб борамиз деб кўзлари тўрт бўлиб кутиб ўтиришган бўлса. Бунинг эса парвойи палак!..»

Ойсара аста-секин, ҳаттоки виқор билан келаётган эрига кинояли қаради:

— Тун бўйи уйгаям келмай, қаерларда, нималар қилиб юрибсиз? Тинчликми ўзи, дадаси? Ё бирор жойда тунги сменада ишлайпсизми?

— Нега индамайсиз? Мазангиз йўқми? Бирор жойингиз оғрияптими? Ё мени уйингиздан чиқарар-чиқармас, яна биттасини топиб олдингизми?

Шамсиддин ўз хаёли билан бўлиб хотинининг гапларига яхши эътибор бермади. Айни дамда Шамсиддиннинг кўнгли

бөхузур бўлмоқд<sup>е</sup>ди. У ўзини қанчалик дадил тутишга ҳаракат қиласин, 6, нинг уддасидан чиқолмаётган эди. Шу сабабли хотинининг кейинги гапиям қулоғига кирмади.

Кейинги пайтларда Шамсиддиннинг бўлар-бўлмасга бирдан жаҳли чиқиб кетавериши уйдагиларнинг хавотирини кучайтирган эди. Ҳозир ҳам у хотинига заҳрини сочди:

— Соппа-соғман! Мени балоям ургани йўқ! Ким ароқ ичмайди? Оз-моз ҳалигинданам қабул қилиб юрсам юргандирман. Нима қилай, ўлайми? Жоним ҳалқумимга келди ўзи! Буларнинг бари вақтинчалик дедим-ку! Кўз очиб-юмгунча ўтиб кетади.

Ойсаранинг ҳам бирдан дуди чиқди:

— Соппа-соғ бўлсангиз, айтинг-чи, кечаги гапни нима учун айтдингиз? Нима, мен сизга ерда ётган коптоказмани? Ҳоҳлаганда иргитадиган, ҳоҳлаганда тепадиган.

— Қачон тепибман?

— Кетса кетаверсин деганингиз тепганингиз эмасми? Шу гапни билиб айтдингизми ё...

— ...

— Нега гапирмайсиз? Кетаверайми?

— Ўзинг биласан, — деди Шамсиддин қўрслик билан, — менинг бўлганим шу. Мен алкашман, оғухўрман! Баломан, баттарман! Бўлдими? Нима бўлгандаям, сенинг эрингман. Ё йўқми? Бошимда телпагим, белимда белбоғим бор! Эркакман! Ҳоҳлаганимни қиласман. Ўласи бўлиб ичсам ҳам, чексам ҳам, ҳалигиндан олиб турсам ҳам сизларни оч қолдирганим йўқ-ку! Мана, яшаяпсизлар. Тағин нима керак сенларга? Яхшилаб билиб қўй: зорим бор-у, зўрим йўқ! Бирга яшайман десанг, мана ҳовли, мана уй-жой. Йўқ десанг, мана дарвоза, мана йўл. Танлашни эса мардлик қилиб яна ўзингга қолдираман!

— Гапингизга тушундим, — деди оддий гапдан бошланган можаронинг лоп этиб олов олиб кетишидан қўрқкан Ойсара бирдан паст тушиб. — Бир жаҳлингизни менга беринг. Юринг, уйга киринг. Сизни ота-онамиз ҳам, болаларимиз ҳам кўзлари тўрт бўлиб кутиб ўтиришибди бирга нонушта қиласми деб.

Шамсиддин бир муддат ғижиниб тургач, ноилож юзини ювди ва хотинининг изидан уйига кирди. У тўрда ўтирган қайнакасини кўриб эшитилар-эшитилмас овозда салом берди-да, дарров пойгакка чўкди.

Шамсиддин билан Ойсаранинг ҳовлида кечәётган ғалласини ичкари деразадан кўриб, эшитиб турган Маматқул ота гапни чўзиб ўтирмади:

— Ўғлим, ёшлиқда йўқотганингни қарилекда қидириш нодонликдир. Яна бир гап: ёшлиқ ўқтам бўлса, қарилек кўркам бўлади. Машойихларнинг тағин бир доно гапи бор. Эшиш: эл назаридан қолиш ярим ўлишдир. Бу гапларни сенга изоҳлаш, тушунтириш шарт бўлмаса керак. Ўқиган одамсан. Ёш эмассан... Гапнинг қисқаси, ўғлим, даволанмасанг бўлмайди!

Шамсиддин бир чўчиб тушгач, иккиланиб минфирлади:

— Қандай бўларкан... Бу ёқда ишим, йилнинг охири. Ҳисоботларим чала. Бунинг устига кеча юқоридан комиссия келибди.

— Иш қочмайди, ўғлим. Беш-үн кун даволаниб келиб, яна ишлайверасан. Директорингта ўзим айтиб қўяман. Комиссия ҳам одам-ку, касал экан, даволанаяпти деса тушунар!

Шамсиддин яна тайсаллай бошлади:

— Ётиб даволанишим шартми? Яхшиман-ку. Еб бораётган касалим йўқ.

Отанинг жаҳли қўзиди:

— Тилимни қичитма, бола! Дардимизни достон қилишга мени мажбуrlама! Қарийб икки йилдан бери ҳаммамизни адойи тамом қилдинг-ку! Кексайганда сендан роҳат кўрамизми десак, кўрганимиз кулфат бўлаяпти. Сен на ота-онани, на хотинингни, на бола-чақангни ўйлайсан! Топиб олганинг ароқ билан наша! Кўзингни оч, ўғлим! Касалинг оғир. Вақтида даволанмаган қанчадан-қанча одамларнинг шўрига шўрва тўкилаётганини наҳотки билмайсан?

Маматқул ота чуқур «ух» тортиб юборди. Кўзлари жиққа ёшга тўлган Рисолат ая ўғлига ялина кетди:

— Хўп десанг-чи, болажоним! Отанг сенга ёмонликни право кўрармиди? Мана, сени ётқизиб келайин деб Олимжон

аканг ҳам келиб ўтирибди. Ўзинг ақллисан-ку. Йўқ дема, болажоним.

Ниҳоят отанинг қаҳри, онанинг меҳри ўз кучини кўрсатди: Шамсиддин ётиб даволанишга рози бўлди.

Дастурхонга фотиҳа ўқилиши билан Ойсара эрининг идиш-товоқлари ва кийим-кечакларини ҳозирлай бошлади, Шамсиддиннинг ўзи ҳам йўл тараддудини қилишга тушди. Маматқул ота эса пенсиясидан йигиб қўйган тўрт-беш сўм пулини чўнтағига жойлади.

Орадан йигирма дақиқача вақт ўтар-ўтмас Олимжон қуда бобоси билан күёвини машинасига ўтқазиб йўлга тушди.

Касалхонага ётганинг эртаси куни тушга бориб наша хумори тутган Шамсиддин тажанглашди, саросимага тушиб, ваҳима ва азобга банди бўла бошлади. Худди шу маҳал атай қилгандай палатага Чаёнқул кириб келди.

Улар дарҳол шифохона ҳовлисининг чеккарогига ўтишиди. Шамсиддин Чаёнқулга мўлтайиб термулди:

— Озгина борми, жўра? Айни пайтида келдинг-да. Жа хумори тутиб турувди сабилнинг!

Чаёнқул теварак-атрофга аланглаб қараб қўйгач, бошини чайқаб йўқ ишорасини қилди.

Шамсиддин ялиниб-ёлворишга тушди:

— Яна бир яхшилик қил, жўражон. Қарзга бўлсаям бе-риб тур. Касалхонадан чиқишим билан узаман. Мени билсан-ку, бирорнинг ҳақини еб кетадиган номардлардан эмасман!

Чаёнқул мижозининг бир ҳамладаёқ тузофига илинганини сездию, ҳузурланиб кулди.

— Кимга тўй, кимга аза, — деб қўйди Шамсиддин юраги тўкилиб...

Аслида оиласини тиклаб, зл қатори ишлаб-яшаб юрган Шамсиддинни «қора дори»га ўргатган ҳам ана шу Чаёнқул эди.

Чаёнқул ўз ишини ниҳоятда пинҳона ва эҳтиёткорона олиб борарди. У ҳар ойда уч-тўрт кун йўқ бўлиб кетиб қаердандир анча-мунча қора дори топиб келар ва катта пул эвазига ўз мижозларини оғу билан таъминлаб турарди.

Тулкимижоз Чәёнқул иродаси бўш бойвачча йигитларни қўлига туширишнинг устаси бўлиб кетган эди.

У Шамсиддиннинг ҳам озроқ пулдорлигини, айни пайтда иродасизлигини, сигарета ва ароқфа мукласидан кетаётганлигини билиб қолди-ю, уни тузогига илинтириш пайига тушди. У деб-бу деб Шамсиддиннинг ишончига кириб олди-да, аста-секин улфатчиликка чорлади. Аввалига танишганимиз учун деб ароқ билан сигаретага қўшиб қора дорини ҳиджатиб юрди. Жўрачиллигимиз учун деб текинга тўрт-беш марта совға қўлган бўлиб, ақлинни олди. Кейинкейин «Жўражон, қўлимиз қуруқ қолиб кетавермасин. Бу сабилни топишнинг ўзи бўлмайди», деб Шамсиддиннинг берганини олиб юрди. Шамсиддин «қора дори»сиз туролмайдиган ҳолатта тушиши билан, эса «Бунинг бир мисқоли палон сўм туради, бундан кейин бир граминиям текинга беролмайман, жўра», деб туриб олди.

Топиш-тутиши яхши бўлгани учун Шамсиддин аввалига паст кетмай «Дори сиздан, пули биздан!» деб юраверди.

Орадан бир ярим йиллар ўтар-ўтмас Шамсиддин ўзининг тугул, ота-онасининг ва хотинининг топган-тутганигаям кўз олайтирадиган, уйдан қўлига илинган нарсани гумдон қила-диган бўлиб қолди.

Шамсиддиннинг сёқ олиши ўзгараётганлигини сезиб-сезмай юрган оила аъзолари унинг оғуга обдон ружу қўйганлигини Қудратилланинг ногирон бўлиб туғилишидан билиб қолишиди. Шундаям шифокорларнинг очиқ гапларидан кейин.

Чаёнқул Шамсиддиннинг касалхонага тушганини эшитганида мижозининг биттага камайганидан димоғи куйиб юрган эди. Шамсиддиннинг ҳозирги ҳолатини кўриб ўзида йўқ қувониб кетди:

— Бундай нарсани кўчада кўтариб юриб бўлмайди, жўра! Жа керак бўлса бугун кечаси ёки эртага тонг саҳарда уйга борсанг, ўша гап. Топиб бериш биздан, қуруфи сиздан, жўражон! Лафз битта. Йўқ дейиш йўқ!

— Насияга бўлмайдими?

— Бу масалада насия юрмаслигини ўзинг яхши биласан-ку!

— Ахир мени яхши танийсан. Бегона эмасман. Еб кетмайман. Бераман. Ўртада жўрачиллигимиз бор.

— Ҳаммасига тушунаман. Бироқ ҳечам иложим йўқ-да, жўра. Менгаям осон тутма. Жонимни ҳовучлаб юриб топман бу сабилни! Қолгани арзимаган бир-икки сўм...

Шу пайт иккинчи қаватдаги деразаларнинг биридан мўралаган ҳамшира қиз ҳовлидаги уч-тўргта bemорга син-чиклаб қараб турди-да, кўзи ҳовли четида ўтирган Шамсиддинга тушиши билан:

— Маматқулов, уколга! Тез! — деб қичқирди.

Шамсиддин истар-истамас ўрнидан турди.

— Ўша гап, — деди ўрнидан тураётган Чаёнқул. — Ҳали икки-уч кун уйда бўлсам керак.

Гангиб қолган Шамсиддин:

— Хўп, майли, — деди бу гапни кимга айтаётганини ўзијам билмай, — албатта бораман.

Шу куни кечгача Шамсиддин режа тузиш билан овора бўлди. Намозшом пайти у ҳамхона шеригига тайинлади:

— Мен иложи борича эрталабки чойга етиб келаман. Дўхтиrlар сўраб қолса, ҳозир тоза ҳавога чиқувди, келиб қолар, деб қўйинг.

Шериги — ўрта ёшлардаги нимжон, ориқ, куни бўйи гужанак бўлиб ётадиган киши эди. У пинагиниям бузмаган ҳолда:

— Хўп бўлади, — деб қўйди.

Шамсиддин «Кечаси совқотиб чиқаяпман», деган баҳо-нада бош ҳамширадан палтоси билан телпагини қайтариб олди.

Шамсиддин кечки овқатни чала-чулла еди-да, ҳовлига чиқди. Ҳаво анчагина совуқ эди. Қоровулхонага ўтди. Қоровул чол билан бир муддат гаплашиб ўтиргач, «Ҳозир келаман», дея кўчага чиқди.

Муюлишдан ўтган заҳоти дуч келган таксига қўл кўтарди. Ичиди йўловчиси бор биринчиси тўхтамади. Кейингиси бўш экан. Тўхтади. Шамсиддин эшикни очиб, кўзлари ўйнаб турган жиккаккина ҳайдовчи йигитга мурожаат қилди:

— Навбаҳорга борасанми, ука?

— Пулинни тўласангиз Тошкентгаям бораверамиз, aka, — деди йигит ишшайиб.

— Бўпти, — деди Шамсиддин орқа ўриндиқقا ўтираётуб, — гап битта!

— Ака, мардга мардмиз, номардга номард! Кетдикми?

— Кетдик.

— Ишингиз жа қисталангми, дейман. Нима иш қиласиз ўзи?

Хумори кучайиб, тажанглиги тутаётган Шамсиддинга ҳайдовчининг саволи ёқмади. Шунинг учун у фижиниб, кўзларини қисинқираф ҳайдовчига юзланди-да:

— Кўп савол берган одамни ёқтирумайман, — деди.

— Хўп, ака, тушундим.

Ҳайдовчи увиллаётган шамолга парвоям қилмай машина тезлигини ошириди.

Вилоят маркази билан Шамсиддиннинг қишлоғи орасидаги йўлнинг узунлиги йигирма-йигирма беш километрлар атрофида эди. Йўл бўйи Шамсиддин ҳам, шофёр ҳам миқ этишмади.

Ярим соатларда машина Шамсиддиннинг қадрдан қишлоғига кириб келди. Шамсиддин машинани уйи яқинидаги чорбоғда тўхтатди.

— Кутиб тургин, ука, мен тезда келаман.

Шамсиддин шундай дея ҳовлисига ўтди. Ҳар доимгидек деразадан мўралаб бир хонада ота-онаси билан қизасининг телевизор кўриб ўтиришганини, иккинчи хонада эса хотинининг ўғилчаси ётган бешикни оҳиста тебратганча газета ўқиб ўтирганига кўзи тушди-ю, ўйланиб қолди: «Режалаб келган ишим битармикан? Уйдан қўлга илингулик бирор нарса чиқармикан? Ойсара жанжал чиқармасмикан, ишқилиб? Лекин... Бошқа чорам йўқ!»

Шамсиддин секин хотини ўтирган хона томон юрди.

Ойсара эшикдан кириб келаётган эрини кўриб донг қотиб қолди. У беихтиёр:

— Нима бўлди сизга? Қочиб келдингизми? — деб сўради ҳовлиқиб.

Шамсиддин ишни ими-жимида битириш илинжида эди. Шунинг учун у ялинчоқ овозда шивирлаб гапирди:

— Астароқ, Қудратилла уйғониб қолмасин. Ҳавотирланма, ҳаммаси жойида. Ундан кўра, ёнимга ўтири, муҳим га-

пим бор. Құрқма, ҳозир қайтиб кетаман. Машина кутиб турибди.

— Тинчликми, дадаси? Күзларингиз бежо, — деди сал үзини босиб олган Ойсара эрига синчков тикилиб.

— Тинчликка тинчликку-я, бироқ... — талмовсиради Шамсиддин, — нима десам экан. Хуллас, бирозгина пул керак бўлиб қолди-да.

— Доригами?

— Ҳа. Э, йўқ. Доригамас. Бошқа нарсага.

— Нимага?

— Айтаверайми?

— Айтинг!

— Соғлиғим яхши. Тузалаяпман. Айтишга тилим бор-маётгани шуки, бирордан бундан олти ой бурун процента деб юз эллик сўм қарз олувдим. Процент ёмон экан, сабил!.. Олти ойнинг ичида ўша пул уч юз сўмдан ҳам ошиб кетибди. Бугун ўша одам мени излаб касалхонага борибди. Кўришганимизда у мени роса зуғумга олди. У-бу деб қарзни яна бирон йилга чўзай десам, у галварснинг жони ҳалқумига келди-да, кўзимга ўқрайиб қараб: «Тўламасанг тўлама, бироқ билиб қўй, бугундан бошлаб ҳар куни уч юз сўмнинг устига юз сўмдан қўшилаверади. Чўзаверсанг ё жонингдан, ё уйингдан айриласан!» деди хумпар. Бу гапларни сенга айтишнинг ўзи мен учун нақадар азоб эканини билсанг эди.

Ойсара ҳанг-манг бўлиб қолди.

— Буни менга аввал айтмаган эдингиз-ку?

— Унутибман, Ойсара! Ўйлайманки, сен мени тушунасан.

Ойсара гап ўзани қайга қараб кетаётганини тусмолларкан, ичидан зил кетди. Бир муддатлик жимлиқдан сўнг жувон ғазаб билан кирди:

— Йўқ, дадаси! Мен сизни умуман билмаслигимни энди билаяпман! Сизни яхши билганимда ўзингиз авария қилган мотоциклни, тўртта яп-янги гиламни, иккита магнитафонни, бир ярим куб метр ишлатилмаган поллик тахтани, учта ғунажинни, тўртта тилла узугимни гумдон қилганингиздаёқ тилимни тишлаб ўтирган бўлардим. Сиз ҳар доим менга:

«Мол-мулк топиладиган нарса. Бирни йўқотсам, ўнни топман», деб қўйнимни пуч ёнғоққа тўлдириб келдингиз. Мен барига чидаб-чидаб шу ерга етиб келдим! Мен ҳалиям тушумайман! Бу кетишда қачон биримиз икки бўлади-ю, қачон Қудратиллани даволатамиз? Сиз қачон пул сарфлайдиган эмас, пул топадиган бўласиз-у, биз қачон эл қаторига қўшиламиз? Уйда сиз сотмаган нима қолди ўзи? Тўрт девор эски уй билан пачоқ машинами? Уч-тўртта товуқ билан, иккита тирриқ улоқчами? Беш-олтита йиртиқ палос билан иккита илма-тешик кигизми? Тағин уялмай-нетмай эркак бошингиз билан мендан пул сўрайсиз-а!..

Шамсиддин бу сафар жанжал билан иш битиролмаслигига амин бўлди. Шу боис тағин ялиниб-ёлворишга ўтди:

— Гапинг тўғри. Айбим кўп. Лекин охирги марта мени шу қарз балосидан қутқар. Қирқига чидадинг-ку, қирқ биргаям чида!

— Чидаб-чидаб юракларим қон бўлиб кетди-ку!

— Йўқ десанг, билиб қўй: ё уйдан, ё мендан айриласан. Ойсара чўғ босиб олгандек сапчиб кетди:

— Кейинги пайтда нуқул ваҳимали гаплар айтадиган бўлиб қолдингиз. Ким экан у сизни тинч қўймаётган судхўр бойвачча?

— Дейлик Эшмат! Қўлингдан нима келади? У ҳақ! Қарз сўрадим. Берди. Процентга бўлсаям рози бўлиб қарз кўтарган у эмас, мен. Судга берсанг мени бер! Гапинг бўлса менга айт!

— Сизга гапириб бўладими? Бир гапни ўнта қилиб ёқамга ёпиштириб турганингизда.

— Шуни билсанг, нима дейсан? Кўп гап эшакка юк. Ундан кўра берадиганингни бер-да, мени жўнат. Ади-бади гаплар айтиб бошимни оғритиб ўтирма. Даволаниб, энди ўзимга келаётганимда, яна бир ишкан чиқариб ўтирма. Биласанку, касалим нозик.

Ойсаранинг дилини тизгинсиз ҳазин бир туйгу эгаллаб олди. Бўғзига аччиқ йифи тиқилди.

— Майли, — деди у ўқинч билан, — судхўрнинг кимлигини айтмасангиз айтманг. Бироқ ҳеч бўлмаса, сизни шу

пайтгача қора дори билан сийлаб келаётган оғуфурушнинг оти, зотини, манзил-маконини айтинг.

Шамсиддиннинг кўзлари чақчайиб, турқи ўзгариб кетди.

— Нима, сен прокурормисан, мени бунча тергайсан?

— Қўрқасизми?

— Нега қўрқарканман?

— Бўлмаса айтинг.

— Айтсам номардлик бўлади.

— Жиноятчини яшириш мардликми?

— У жиноятчи эмас.

— Қанчадан-қанча инсонларнинг оиласини бузган, ёстигини қурилган кимса жиноятчи бўлмай ким бўларди?

— Ҳожатбарор бизнесчи!

— Бунақа бизнесчининг уйига ўт тушсин!

— Ўт тушадими, тушмайдими сенга нима? Сен нега бунга бурнингни суқасан? Ундан кўра ўз ишингни билсанг-чи!

Ойсаранинг асаблари таранглаша бошлади. Жувоннинг юз-кўзларидан нимагадир қатъий аҳд қила бошлаганлиги сезилиб турарди. У қулоқларидаги охирги тилла сирғасини ечиб олиб, саросималаниб турган эрининг қўлига тутди:

— Сиз айтмасангиз ҳам, барибир, ўша оғуфурушни топаман! Жазосини бердирираман.

Сирғаларни чўнтағига жойлаб ўрнидан туроётган Шамсиддин ғудранди:

— Чиранма, бу иш сенинг қўлингдан келмайди.

— Ана шу гапингиз учун ҳам у энди жазосиз қолмайди.

— Кўрамиз.

— Кўрасиз!..

### Туннинг эзгин тушлари

Шамсиддин ўз уйига совуқ елвизак шамолдек кириб келиб, шу ҳолатда чиқиб кетиши билан Ойсарани ғам босди. Тун бўйи мижжа қоқмади. Бунинг устига Қудратилласининг ҳам иссиғи чиқиб, йўталадиган бўлиб қолган. Аксига олиб, печканинг ўтиниям ярим оқшомда тугаб қолиб, уй совиб кетди.

Кўмирнинг таги кўриниб қолганиям Ойсарани ўйлантириб қўйди. Қиши фамини ёзда ейдиган эрнинг ҳоли бу бўлса? Ўзи куйдир-пишир, кир-чир, даланинг иши ва касалманд қайнота-қайнонаси-ю, ногирон гўдагидан ортмаса. Қарз-ҳавола қилиб бўлса ҳамки бозор-ўчар қилмаса яна кимга қийин, яна ўзига қийин. Бир товуқقا ҳам дон, ҳам сув керак дегандай, еб турганга нима чидайди? Бор-будини эри совурган бўлса. Чол-кампирнинг пенсияси билан ўзининг оладиган тўрт-беш сўми нон-сувига зўрга етиб турибди. Аёл боши билан қайси бирига бўлсин? Бирига чопса, бири қолади. Қўлқанот бўладиган болалари ҳали мурғак. Даволанаётган эрининг аллақандай судхўрдан қарз олганига ишонмай боши қотиб турганида, аъзойи-баданини жунжиктираётган беаёв совуқ жувонни ҳушёр тортириди.

Бешикни совуқдан ухлаёлмай дийдираф, кўрпасига ўраниб олган олти ёшли қизи Гўзалойга топширди-да, ўтин олиб келгани ҳовлига чиқди. Тимирскиланиб бориб ҳовли этагидаги қор-ёмғир остида зичланиб ётган ғўзапоя ғарамидан қийнала-қийнала бир қучоқ тўдалаб, уйига олиб кирди-да, кўмир ёқиладиган чўян печканинг ёнига қўйди. Қўлларини «уд»лаб сал илитиб олгач печкага ғўзапоя тиқиб, гугурт чақди. Қанийди, бу ордона қолгур тезроқ ўт ола қолса! Қайда дейсиз. Энди ўт оламан дегандатепадан, эгри-буғри карнайлар ичидан ҳувиллаб келаётган олақуюн шамол оловни ўчиради-қўяди.

Бешикда иссиғи чиқиб ётган гўдак эса устма-уст йўталиб йифлайди. Гўзалой бешикни янада қаттиқроқ тебратади. Гўё шундай қилса укасининг йўталиям, йифисиям бирданига тўхтайдигандек.

Ташқарида увиллаётган совуқ изғирин шамол қутуриб гўё уйга кириб исиниб олмоқчидек ўзини дераза тирқишила-рига чийиллаганича уради.

Уй борган сари совимоқда.

Гўзалой «Вуй-й! Ойижо-он, совқотиб кетаяпман-у! Ёқа қолмайсизми?» дея кўрпасининг ичига шўнғиди.

Қудратилла йўталади, йифлайди.

Гўзалой яна ноилож бешикни тебратишга тушди. Шамол увиллашини, итлар новуллашини қўймайди. Ойсара эса

тандын ахвалдан чиқолмай гоҳ гүдагининг, гоҳ тутаб дилини хуноб қилаётган пекканинг олдида ҳалак.

Совуқ шамол баттар кучаяди. Ахийри Ойсара шаҳд билан уйдан чиқди-ю, ошхона бурчагига қўйган қўл арра билан болтани олиб ўтган баҳорда тушган яшин туфайли қоқ иккига бўлинган, бир томони ерга қапишиб ётган кекса ўрик дарахтининг олдига борди. Жувон жон ҳалпида ўрикнинг уч-тўртта кичикроқ шохларни арралаб, болта билан майдалади-да, ўтинни уйга олиб кирди.

Ойсара ўтиннинг каттароқларини саралаб пекканинг ёнига териб қўйди. Қолган уч-тўртта майдарофини пекканинг ичига жойлади. Гугурт қутисидеккина латтани керосинга ботириб келиб пеккага солди-да, гугуртни чақди. Латта лоп этиб олов олди. Ойсара пекканинг эшикласини ёпди. Ҳўл-қуруқ ўтинлар гоҳ чарсиллаб, гоҳ вишиллаб ёна бошлади.

Бир зумда хонани ҳўл ўтиннинг ачимсиқ дуди ва керосиннинг ёқимсиз ҳиди тутди.

Бир қўли билан укасининг бешигини тебратиб, иккинчи қўли билан кўрпасининг бир четини кўтарганча онасининг ишини кузатиб ётган Гўзалой:

— Вуй-й, ойижо-он, яна дутатийизми? — дея чийиллади.

Ўз дарду хаёли билан банд Ойсара қизининг гапига эътибор ҳам бермади. У ўрнидан туриб, дераза пардаларини сурниб қўйган эди, хона ёришиб кетди. Бу вақтда тонг отиб улгурган эди.

Ойсаранинг юзи ёришди. Гўзалойни эркалаб турғазиб, кўрпа-тўшакларни йиғди. Хархаша қилаётган гўдагини бешикдан ечиб олиб, тагини тозалади. Юз-қўлини ювиб келгач, Қудратилласига иссиқни туширадиган, йўтални тўхтадиган дорилардан ичирди.

Соф вақтидаям қийналиб эмадиган боласи йўтал тутганидан бери онасининг кўкрагини азобланиб оғзига олаётган эди. Ҳозир ҳам онасини зўрға эмди, дорисиниям зўрға ютди.

Гўдагининг ахволини кўриб Ойсаранинг юраги эзилиб кетди. Ўзига-ўзи далда берганча иссиғи бироз тушиб, йўтали сал пасая бошлаган, кўзига уйқу келаётган гўдагини аста беланчакка солди. Бир-икки тебратган эди, Қудратилла сал

үйқуга кетгандек бўлди. Ювиниб олган Гўзалой бобоси билан момосини нонуштага чақириб келди.

Ойсара дастурхон ёзди. Қуруқ нон, чой, шакар...

У нонушта пайтида қайнотаси билан қайнонасига Шамсиддиннинг кечаси уйга ўғри мушукдек келиб кетганини айтиб ўтирамади. Маматқул ота билан Рисолат аянинг дардлари шусиз ҳам етарли эди.

— Келин, — деди Маматқул ота беланчакда ётган гўдагининг оғзига ивиган нон солаётган Ойсарага бир кўз ташлаб олгач, — кўнглингни ўкситма, болам, буям Оллоҳнинг бир синови бўлса ажабмас. Тунсиз кун йўқ! Бардош чўғниям чанглаб тура олади, деган гаплар ҳам бор. Сабрли, қаноатли бўлсак, чамамда, буёғи оз қолди. Шамсиддин оғу билан ичкиликдан қутулса, бу кунлар ҳам ҳадемай унут бўлиб кетади, қизим.

— Илоё айтганингиз келсин, отажон.

— Агар вақтинг бўлса бугун шаҳарга тушиб, Шамсиддиндан бир хабар олиб келсанг девдим. Йўл пулинг борми ё пенсиягача кутиб турасанми, қизим?

— Бир иложини қилиб бориб келаман, — деди Ойсара гўдагининг оғзига кичкина чой қошиқ билан совуган чойдан авайлаб қуяркан. — Бугинанинг ҳам дориси тугаб туруди. Бир йўла иккала ишни битириб кела қоламан.

— Товуғи тушмагулларам туғмай қўйди. Эрингга нима пишириб борасан, болам, — деди яхши ивимаган нонни кавшаб ўтирган Рисолат ая. — Ё бир косагина картошка қовуриб элтасанми?

— Ҳа, шундай қиламан, она, — деди Қудратилланинг йириқ оғзидан нон ушоги аралаш оқиб тушаётган сўлакайини пешма-пеш артиб тозалаётган Ойсара. — Кўмир ҳам, тарашајам оз қолгани учун овқатни шу ерда, печкада пишира қоламан-да, она. Нима дейсиз? Ҳам ўтин тежалади, ҳам уй исиди.

— Тўғри айтасан, болам, — деди Рисолат ая. — Картошкани олиб келсанг, тозалаб берардим.

— Йўқ, онажон, сиз шу болаларга қараб ўтирангиз бўлди. Ўзим қиламан.

Маматқул ота дастурхонга фотиҳа ўқиди-да, чой ичишгаям улгурмаган келинига меҳр билан юзланди:

— Ҳамма оғирлик сенинг зиммангга тушаётганини күриб жуда-а ээилиб кетаман, қизим. Менга қўл арра билан болтани топиб бер. Менам қараб ўтирумай, кучим етганича яшин урган ўрикнинг шохларини арралаб, чопиб, печкага ўтин тайёрлай. Ҳаракатда баракат, болам. Бугун яхшиман, шекилли, бошим айланмаяпти.

— Йўқ, отажон! Нима деяпсиз? Дўхтирларнинг гапини ҳечам унутманг. Сизга бундай оғир ишлар асло мумкинмас! Ўзингиз зўрға юрибсиз-у, тағин ўтин қиласман дейсиз-а? Мен борман-ку! Ҳаммасини ўглингиз соғайиб келгунча ўзим эплаб тураман! Чарчасам Олимжон акамга айтаман. Ёрдам берадилар. Сизлар шу икки неварааларингизга қараб, ўзларингизни уринтирумай, соғ-саломат, бизни дуо қилиб ўтирангизлар бўлди.

Катта ваъдани айтишга айтиб қўйиб, «Энди ўрнимдан қандай тураман, шундай қаҳратон қишида, кексайган чогимда, касалманд ҳолимда қандай қилиб ўтин тайёрлайман», деган ўйда ичидан зил кетиб ўтирган Маматқул отанинг юзи ёришди. Рисолат ая ҳам мамнун илжайиб қўйди.

— Сени ўстириб вояга етказган қудаларимизга минг раҳмат! — дея Маматқул ота қўлларини дуога очди. — Илоё умринг узоқ, бафинг бутун бўлсин. Жуфти ҳалолинг ҳам тез кунларда соғайиб келиб, хонадонимизга файзу барака киритсин! Қўшганларинг билан қўша қаринглар! Фарзандларингнинг роҳатини кўринглар. Ҳеч қачон ёмонлик кўрманглар, болам! Омин, аллоҳу акбар!

Бир коса қовурилган картошкани туғиб олган Ойсара шошилганича ота уйига ўтди. У йўлда бораётиб «Сезишса, ўзлари уч-тўрт сўм беришар. Жа бўлмаса, янгамдан аста сўраб оларман-да», деб қўйди ичидা.

— Акангиз шаҳарга, ундан чиқиб Тошкентга кетаяптилар, — деб қолди Салима қайнисинглиси билан кўришиб, ҳолаҳвол сўрашиб бўлгач. — Кийинаяптилар, ҳозир чиқадилар. Куёвниям йўл-йўлакай кўриб ўтаман, деганларига ўнтағина тухум қайнатиб қўйдим. Сумкага солиб бераман, олиб кетадилар.

Бу хабарни эшигтан Ойсара қувониб кетди:

- Акам санаторияга бораяптиларми?
- Акангиз илғор механизаторларнинг қандайдир бир анжуманига бораяптилар.
- Қандай яхши! — деди Ойсара ошхонада куймаланаётган янгасига ёрдам беришга шошилиб. — Баҳонада акажоним бир күнгил ёзиб келадиган бўпти-да:
- Ҳа, нимасини айтасиз, акангизнинг лотереяси ўйнади. Шу пайт ётоқхонадан Олимжоннинг:
- Салима, рўмолчам қани? — деган овози эшитилди.
- Дадаси, рўмолчангизни дазмоллаб чамадонингизга солиб қўйибман-у, қарамадингизми? — деди Салима ошхона эшигидан мўралаб.
- Акамнинг Отеллолиги ҳалиям қолмапти-да, — дея ҳазил гап қилди Ойсара. — Янгажон, чопинг, тезроқ топиб беринг, бўлмаса бўғаман деб келиб қолмасин тағин.
- Пальтосининг чўнтағидаям биттаси бор. Яхшилаб қарамаганлар-да, — бўш келмади Салима қайнатилган тухумларни сумкачага жойлаштиаркан.
- Шу куни Ойсара ўнг томонидан турган экан: ўйли бўлди. Тўлиб-тошиб акаси билан бирга эрини бориб кўрди. Бироқ негадир Шамсиддиннинг шашти суст, юзи сўлғин эди. Бундан ташқари кўзларида қандайдир таҳлиқанинг нуқси борга ўхшарди. Қайнакаси аҳвол сўраган эди, Шамсиддин:
- Раҳмат... Бир нав, тузук, — деб қўйди.
- Чидамли одамнинг роҳати кўп бўлади, деган гаплар бор, куёвжон,— деди Олимжон мулоимлик билан. — Чидамли бўлинг. Шунда, кўрасиз, ҳаммаси яхши бўлади. Сиздан ота-онангизнинг, оиласизнинг, фарзандларингизнинг, қариндош-уруғларингизнинг, қолаверса бизнинг умидимиз катта! Дадил бўлинг. Шу пайтгача йиқилиб, суриниб яшаганинг етади. Энди бу ёғига одамлардай яшанг. Бу сизнинг қўлингиздан келади!
- Олимжон куёви билан қучоқлашиб хайрлашаркан, унинг елкасига қоқиб-қоқиб қўйди. Сўнг пардалари сурилган де-раза оша кўкка, тўда-тўда қора булутларни суриб, борлиққа ўзининг нурларини таратишга уринаётган қуёшга тикилган кўйи кўтаринки оҳангда деди:

— Одам ҳаётга бир марта келади. Адашиб, сарсон-саргардон бўлиш учунмас, яхши яшаш, ўзидан бир из қолдириш учун яшайди. Шуни унумтманг, куёвжон!.. Тошкентдан қайтишда яна кириб ўтаман. Кўришгунчача!

Бу гапларни эшитган Шамсицдиннинг юзига ним табасум қалқди.

Олимжон «гапи бўлса сўзлашиб олсин» дегандай кўчага чиқиб, Ойсарани кутиб турди.

— Кечаги гапингни ҳалигача ҳазм қилолмаяпман. Имкон қадар оловдан нари юрганинг яхши, Ойсара, — деди Шамсицдин хотини билан ёлғиз қолгач. — Ундан кўра оила-мизнинг тинчини ўйла. Мендан эса хавотир олма. Олимжон акамнинг гапларига тушундим. Таъсирландим. Энди амал қилишга тиришиб кўраман.

Эридаги ўзгаришларни кўрган, сўзларини эшитган Ойсаранинг кўнгли анча жойига тушди. Бироқ оғуфурушларга нисбатан жўшган нафрати сўнмади. «Барибир уларни йўқ қилиш керак!» деган фикрида қолди.

Ойсара эри билан хайрлашгач, идиш-товоқларини сум-касига солдию акасининг ёнига шоҳди.

— Ойсара, куёвда ўзгариш бор. Худо хоҳласа, ҳаммаси яхши бўлади. Руҳингни туширма. Биламан, сизлар шу кунларда анча қийинчиликларга дуч келаяпсизлар. Асосий оғирлик сенинг гарданингга тушаяпти. Маҳкам бўл, синглим. — Олимжон синглисингниң қўлига пул тутди. — Ма, буни олиб қўй. Юз сўм. Керак жойларга ишлатиб тур. Мукофот пулинни олсан, яна бераман. Жиянларим билан қайнота-қайнонангга яхшилаб қара. Кўнгиллари ўқсиб юрмасин. Бу оғир кунларинг ҳам ўтиб кетар.

Ойсара уялиб кетди.

— Йўқ, акажон! Мунча кўп пулни ололмайман. Ахир сизнинг ҳам бола-чақангиз бор. Ўзингиз йўл юриб кетаяпсиз. Йўлгаям харажат керак. — Жувон пулнинг бир четидан ўн сўм олиб, қолганини қайтарди. — Менга мана шу пул ҳам ҳозирча етиб ортади.

— Ойсара, синглим, — деди Олимжон мийифида кулиб, — сенинг қийналиб турганингни кўриб ёрдам қилмасам,

менинг акалигим қаерда қолди? Жигарчиллик қаерда қолди? Билиб қўй, сени йиғлатиб, кўнглингни чўқтириб қўймайман. Имконим бўлса ҳозир сенга юз сўммас, минг сўм берсам ҳам кам. Буни чўнтағингга солиб қўй. Борига барака, сингилжоним, эркатойим!..

Ойсаранинг юраги тошди, кўзлари жиққа ёшга тўлди, ўзини акажонининг бағрига отди:

— Борингизга шукр, акажоним! Фарзандларингизнинг роҳатини кўринг. Бахтимизга ҳамиша омон бўлинг!..

### Гулсаранинг кўз ёшлари

Отасининг еттиси ўтар-ўтмас Гулсаранинг мазаси қочди. Фалати бир хаёл, фалати бир туйфу уни безовта қиласади.

Ўйлай-ўйлай буларнинг бари ўғлига нисбатан чексиз соғинч эканлигини англаб, боши қотди. Буни кимга, нима деб айтади? Акасигами? Айниқса, ўзи бўлари бўлиб ўтирганида бу гаплар акасининг қулоғига киравмикан? Дардини бошқа кимга айтсан? Ким уни акасидан ортиқ тушунади?

Гулсара касалхоналарда ўтказган етти йили ичидаги озмунча йиғладими? Дунёда йиғининг ҳам тури кўп экан. Гулсара ҳиқиллаб ҳам йиғлади, пиқиллаб ҳам йиғлади, ётиб ҳам йиғлади, туриб ҳам йиғлади, ўкириб ҳам йиғлади, бўкириб ҳам йиғлади, хаёл суриб ҳам йиғлади! Кейин-кейин эса умид билан йиғлади, армон билан йиғлади. Йиғлайвериб кўзларида ёш қолмади.

Мингта оҳи битта айбини ёполмади. Қайтанга соғлиғидан, ҳурмат-иззатидан, обрў-эътиборидан айрилди. Қарғиш олди. Элнинг назаридан қолди.

Мана энди дуогўй падари бузрукворидан ҳам айрилиб ўтирибди. Меҳрибон волидайи муҳтарамасининг неча кунлиқ умри қолганини худо билади. Чолини тупроқча топширгандан бери Рисолат ая бутунлай ётиб қолди. Кейинги пайтда Гулсарани кўрса аянинг жаҳли чиқади. Онасининг ёқтирмай қўйганини сезган Гулсара ноилож ўзини четга олиб юришга мажбур бўлди.

Чолининг йигирмаси ўтаётган куни бир ҳафтадан бери шифокорларнинг дорисигаям қарамай қўйган, туз тотмай, фақатгина сув ялаб ётган Рисолат ая пешин маҳали бандаликни бажо келтирди. Садақанинг давоми азага айланиб кетди. Қий-чув, йифи-сиги яна ҳовлини тутди.

Эртаси куни чошгоҳда Рисолат аянинг жаноза намози ўқилди.

Аяни чолининг ёнига қўйиши. Йигирма куннинг ичидаги ҳам отасидан, ҳам онасидан айрилган Нормўмин то замяй чўкиб қолди.

Шунга қарамай у рўзгорига яраб турган сигирини сотиб, отаси билан онасининг мовлуд-маъракаларини баҳоли-қудрат ўтказиб турди.

Онасининг еттиси ўтганинг учинчи куни. Кечки пайт эди. Гулсара мунғайибгина чой ичиб ўтирган акасига қараб дафъатан дардини тўкиб солди:

— Ишга ўтмай туриб бир Тошкентга бориб келсан девдим. Кейин боролмайман, деб қўрқаман.

Ҳамма жанжал шундан бошланди.

— Тошкентда нима қиласан? — сўради Нормўмин ҳайрон бўлиб.

— Боламни соғиндим.

— Ҳозир боришинг шартми? Шу кунларда ўзимиз жуда қийналиб турган бўлсак. Бунинг устига олдимизда онамизнинг йигирмаси, отамизнинг қирқи турган бўлса. Ҳаммасига пул керак. Пулнинг эса чўғи паст. Бир сигирнинг пули қайси бирига етади? Бунинг ҳам бир учидан еб-ичиб рўзғоримизни тебратиб турган бўлсак. Ундан кейин, шу отаси бетайин болангни уйга олиб келмоқчимисан? Гариб сўзининг ўзи отам билан онамнинг бошини еди, энди менинг бошимни-емоқчимисан?

— Сизнинг болангиз бола-ю, нима, менини итваччами?

— бўш келмади бурун катаклари керилиб, уришгудай ва жоҳатга кира бошлаган Гулсара. — Уям одам боласи-ку, ахир! Бир гапни ҳадеб юзимга солаверасизми? Нима қиласай, болагинам тушимга кириб: «Ойижон, сизни жудаям соғиндим, мени келиб олиб кетинг!» деяпти. Ахир...

Нормўмин тутақиб кетди:

— Бас қил! Ҳали сен ўша ҳаромингни бола деб юрибсанми?

Гулсара баттар тутақди:

— Ака, ундоқ деманг! Никоҳ ўқитганмиз бола туғилмасидан бурун. Шундай бўлгач, бола бўлмай нима ахир?

— Барибир мусулмончилигимизга тўғри келмайди. Нима, шуниям билмайсанми?

Гулсаранинг кўзлари жиққа ёшга тўлди:

— Билмаганимда юзим шувит, ўзим ит бўлиб юрмас здим!

— Шуни билсанг нима дейсан?

— Барибир бу айрилиққа чидолмаяпман-да. Болам шўрликни ўйлайвериб юракларим ситилиб кетаётган бўлса нима қиласай, ака!.. Аввал чидасам ҳам энди чидай олмаяпман! Нима қилсанам боламни олиб келаман.

— Уятсиз! Бу гапларни менга қайси бет билан айтаяпсан? Бу ишингга эл-юрг нима дейди? Йўқ, мен бунга йўл қўёлмайман!.. Сени ўшандада ўлдириб қўя қолсам бўларкан аслида! Сен беномус ота-онага аза тутишнинг ўрнига ҳатто отасиям тан олмаган болангни олиб келаман деганинг нимаси? Сенда ўзи фаҳм-фаросат, ор, номус борми?

— Мендан чинданам безормисиз?

— Шунчалик ҳам жонингизга тегдимми? Ундей бўлса... ўзимни ўлдирайми ё бошимни олиб кетайми?

— Кетсанг йўқол!.. Сени авайлаб, топганимизни оғзингга тутиб нимага эришдик ўзи? Кўнглимизнинг бўшлиги қурсин. Бошқа оиласда бўлиб шу ишни қилганингда борми, сен аҳмоқ қачонлар бадном бўлардинг. Гуноҳингни кечириб, айбингни яшириб топганимиз шу бўлдими? Шўрликкина отажоним билан онажонимнинг уволига қолганингни наҳотки тушунмайсан? Билсанг, улар ҳали кўп йиллар яшашлари мумкин эди. Уларнинг умрига аслида сен завол бўлдинг, сен!

Бирдан Гулсараниким тутди. У ўрнидан сапчиб турасола ўзининг хонасига отилиб кирди-да, апил-тапил қишикийимларини кия бошлади.

Гулсаранинг изидан хонага Анора янгаси югуриб кирди.

— Кеч кирганда, қаҳратон қищда, пулсиз-несиз қаёққа борасиз, бикач, — деди у куйиб-пишиб. — Акангизга аччиқ қилманг. У кишиниям түғри тушунинг-да! Нима қилсин? Қайси бирига бўлсин? Ўзи ногирон бўлса, ишламаса... Сизнинг бу ишингиз нотўғри! Ҳалиям шаштингиздан қайтинг! Қийналиб турганимизда, сизам бизни қийнаманг. Бегона эмассиз-ку, ахир!.. Дипломингиз бор. Ишланг. Қиш ўтсин. Баҳорда учтўрт сўм йиққанингиздан кейин бориб келарсиз болангизни соғиниб, юраккинангиз эзилиб кетаётган бўлса.

— Қўйинг, йўлимни тўсманг! Кетаман дедимми, кетаман! Мен энди боламсиз яшолмайман! Сизнинг болангиз, эрингиз олдингизда. Шунинг учун сиз менинг дардимни икки дунёда ҳам тушунмайсиз!

— Анора, қўй, ялинма, кетса йўқолсин!.. — деган қаҳрли овози келди қўшни хонада қолган Нормўминнинг.

Анора ноилож эрининг ёнига қайтди.

Гулсара сумкасини ортмоқлаганча изиллаётган соvuқ шамолниям, зим-зиё қоронги тунниям писанд қилмай, икки-уч қишини кўрган этигини шоша-пиша кийганча кўчага отилди.

Ташқари совуқ эди. Бироқ Гулсаранинг шаштини шу топда на совуқ, на қоронғилик, на пулсизлик, на қўрқув қайтара оларди. Унинг кўзига фақатгина боласи кўринар, муштипар фарзанди сиймоси ўзига оҳанграбодек бетўхтов тортарди.

Гулсара этакларини тортқилаётган шамолга ҳам эътибор бермасдан катта-катта қадам ташлаганча қишлоқни кесиб ўтди ва ана-мана дегунча Бухоро—Тошкент йўлига чиқиб олди. Яна юз қадамча юрганидан сўнг қорайиб турган бекат кўринди. Уч томони тикланиб, усти ёпилмаган бекат увиллаб ётарди. Гулсара тахталари синган, учбурчак темирлари яхлаб турган ғариб ўриндиққа сумкасини қўйди. Бирон соатча пальтосига ўраниб олганча автобус кутди. Вишиллаб ўтган уч-тўртта енгил машиналардан яшириниб турди.

Изифирин шамол кучайгандан-кучайди. Совуқ Гулсаранинг жон-жонидан ўтиб кетди.

Ниҳоят тунги соат ўн бирлар чамаси «Икарус» автобуси Гулсара ўтирган бекатга яқинлашди. Гулсара дийдирааб қўл кўтарди. Автобус фийқиллаб, пишиллаб йўл четида тўхтади. Эшик очилиши билан Гулсара қалтираб-титраб ичкарига интилди.

Гавдали ҳайдовчи Гулсарага ҳам ажабланиб, ҳам ачиниб қаради:

— Қаёққа бормоқчисан, қизим?

— Тошкентга, битта жой топиладими, aka? — деди Гулсара ёлворгудай аҳволда.

— Музлаб қолибсан-ку, чиқавермайсанми?

Иссиққина автобусга кирганданоқ Гулсаранинг жони бироз ором олди. У орқароқдаги бўш ўриндиқлардан бирига ўтирди.

Автобус тонг отганда Тошкентга етиб келди.

Гулсара пули бўлмагани учун соатини ечиб ҳайдовчига узатди. Ҳайдовчи эски соатни бир айлантириб кўрди-да, индамай қайтариб берди:

— Мен розиман, қизим. Боравер.

Гулсара мулзам ҳолатда сумкасини елкасига осиб, шашар ичидаги қатнайдиган автобуслар бекатига ўтди.

Гулсара автобусдан автобусга ўтиб, пул ўрнига соатини тува-тува ахийри икки соатлардан сўнг таниш болалар уйини топиб борди.

Ўша дарвоза, ўша кичкина эшик. Гулсаранинг юраги гулиллаб уриб кетди. У жон ҳолатда чопиб борганча дарвоза тирқишидан ичкарига мўралади. Бир-бирини қувлашиб юрган уч-тўртта етти-саккиз ўшлардаги болаларни кўриб баттар ҳаяжонланди, юраги орзиқди. Назариди, болакайлардан бири унинг жигарбанди Меҳриддин эди. Жувон илдам бориб эшикни итарди. Ичкаридан илдирилган экан, очилмади. Қўрқа-писа секин тақиллатди. Ўйнаётган болалар югуриб келиб эшикни очишиди.

— Сизга ким керак, опа? — деди болалардан бири.

Гулсара каловланиб қолди.

— Меҳриддин деган болани танийсизларми? — деб сўрай олди у ахийри киприклар пирпираб.

— У кимингиз бўлади?  
— Уми?.. У... ўғлим.  
— Ўғлингиз неча ёшда?  
— Етти ярим ёшда.

— Бизнинг болалар уйида бир эмас, иккита Меҳридин бор. Бироқ иккаласининг ҳам ёши катта. Улар юқори синфларда ўқишиади.

Гулсаранинг нафаси ичига тушиб кетди. Болаларга қараб зўрға:

— Шунаقا денглар. Ичкарига кирсам бўладими? — дея олди. — Тарбиячи ёки директор опаларинг билан гаплашсам дегандим...

— Ана, — деди думалоқ юзли хушбичим бола қўли билан ўзлари томон секин юриб келаётган оқ халлини кўрсатиб: — бош тарбиячи опамиз келаяптилар. Шу кишидан сўранг.

Шу орада қўнғироқ чалинди-ю, атрофни болаларнинг қувноқ қий-чуви тутиб кетди.

Гулсара тарбиячига ўзини таништириб, дардини айтди.

Гулсара тарбиячи Роҳила опадан ўғлининг бундан етти йил бурун бир оиласа фарзандликка олиб кетилганини, амалдаги тартибга кўра бу оиласинг манзили ҳам сир тутилишини эшитганида турган жойида кўзлари түчиб, боши айланаб, ўтириб қолди...

Шу ердаги шифокорлар бир амаллаб жувонни ўзига келтиришди.

Гулсара Роҳила опага ялинди:

— Жон опа... жон опа... Бир умр хизматингизда бўлай...  
Боламнинг адресини беринг. Узоқдан бўлса ҳам бир кўрай...

Бунга жавобан Роҳила опа иложсиз ҳолда қўлларини икки ёнга ёзди:

— Синглим, ўзим ҳам билмайман. Бу борада бизда тартиб қаттиқ.

Боши эгик Гулсара индамасдан «Болалар уйи»ни тарк этди.

Аммо бир соатлардан сўнг у яна қайтиб келди. Яна Роҳила опага ялинди.

— Ўзимни бир нарса қилиб қўяман! Уволимга қоласиз!  
— деб қўрқитди.

Роҳила опа мум тишлаб турди-турди-да, охири ичкарига кириб кетди.

Гулсара дарвоза ёнида зор-зор йиглаб тураверди.

Шу ерда юрган тарбиячи аёллардан бирининг Гулсара-га раҳми келди шекилли, қоғозларни титкилай-титкилай топган адресни олиб чиқиб берди.

Ҳаяжонланиб кетган Гулсара дарров тарбиячи аёлга қўлидаги соатини ечиб берди...

Гулсара тентираб-адашиб, одамлардан сўрай-сўрай ниҳоят Меҳриддинини фарзанд қилиб олган оила яшайдиган уйни топиб келди ва ҳаяжондан титраб-қаҳшаб дарвозани қоқди.

Дарвозанинг кичик эшигини очган қийиқ кўзли, думалоқ юзли, ёши элликларга борган аёл Гулсарага қараб тўнгиллади:

— Сизга ким керак?

Гулсара аранг гапира олди:

— Мен Ортиқали aka Тешабоевларнинг уйларини излаб келувдим.

— Кимсиз, қаердансиз?

— Иси-фамилиям Гулсара Тешабоева. Бухороликман.

— Ортиқали аканинг қариндошимисиз?

— Йўқ. У кишида бир муҳим ишм бор эди. Айтақолинг, улар шу уйда туришадими?

— Шошилманг, қанақа муҳим иш экан, сир бўлмаса айтинг-чи.

— Болалар уйидан бир ўғил бола олишган экан.

— Исли Меҳриддинмиди?

— Ҳа, ҳа, худди шундай!

— Шунақа денг. Демак, Меҳриддин сизнинг ўғлингиз экан-да. Уни олиб кетмоқчимисиз?

— Ҳа, ҳа! Меҳриддин ахир менинг ўғлим! Энди айта қолсангиз-чи, улар шу ерда туришадими?

— Афсуски, йўқ. Улар бундан етти йилча бурун аллақаёққа кўчиб кетишган. Манзилини сўраб ўтираманг. Билмайман!

Гулсара бу аёлнинг гапига ишонишиниям-ишонмаслигиниям билолмай, ҳўнграб йиглаб юборди.

Думалоқ юзли аёл дүкә үтди:

— Қанақа аҳмоқ хотинсиз ўзи? Үз боласиниям одам етим-хонага топширадими?!

Шундай дея аёл зиңикни қарсиллатиб ёпиб олди.

Анча вақт дарвоза олдида лол-карахт туриб қолган Гулсара охири «чиқмаган жондан умид» қабилида ўнлаб құшни үйларнинг дарвозалариниям тақиіллатиб, Ортиқали Теша-жөевни суриштирди. Аммо ҳамманинг жавоби бир хил зди: «Етти-саккыз йил бурун күчиб кеттган... Қаекқалигини билмаймыз...»

Бегона жувоннинг телбавор қиёфада юришини күрганларнинг бир-иккитаси унинг ҳолига ачинса, бошқалари бутунлай суюқоёққа, снгилтак аёлга чиқарып қўйишиди. Аёлнинг устидан кулганлар ҳам бўлди.

Боласини топищдан умидини узган Гулсара намозшом қоронгулигида тор ва эгри-буғри йўлларда сарсон-саргардон тентираб юриб-юриб, катта йўлга чиқиб олди.

Икки-уч кундан бери ёлчитиб бир нарса емаган Гулсаранинг кўз олди қоронгулашиб, кўнгли бедузур бўлди. У теварак-атрофига аланглади. Шамол бетизгин изиллайди. Устунлардаги нур таратиб турган электр чироқлари шамолда тебраниб атрофни олакуроқ ёритади. Кўча тўла машиналар у ёқдан-бу ёққа зипиллаб үтади. Ён-веридан шошилиб ўтаётган одамлар унга зътибор ҳам бермайди.

Мадори қуриган, руҳи тушган, ўзини бутунлай яккаланыб, ёлғизланиб қолгандай ҳис этаётган, ҳаётдан ва яшашдан умидини узишга бир баҳя қолган Гулсара мункиллаб қолган кампирларга ўхшаб оҳиста қадам ташлай-ташлай қаерга боришини ўзиям аниқ билмаган ҳолда, сих-кабоб ва қўлбола сомсанинг хуштаъм иси бурқсиб турган кичкина ошхона олдига келиб қолди. Бошини кўтариб ошхона ичкарисига қаради. Уч-тўртта одам бир стол атрофида олдиларига устма-уст териб қўйилган сих-кабобларни тановул қилганча, ароқ ичиб, гурунглениб ўтиришарди.

Совуқ еган, қорни очган, тинка-мадори қуриган Гулсара дард-ғусса қалқан юз-кўзларини силаб-сийпалаб, ўзини бироз тутиб олди ва гаомларнинг хушбўй исидан беҳузурланса-

да қандай бўлмасин, шу ердан бирор нарса ейишга ичидা қатъий аҳд қилган кўйи ошхонага кирди. У сумкасини елкасидан тушириб қўлига олди ва бўш стулларнинг бирига ўтириди.

Ҳеч ким билан ҳеч кимнинг иши йўқ. Учта улфат олдидаги сих-кабобларни онда-сонда бир тишлиб хамон чақчақлалашиб ўтиришибди. Уларга хизмат қилиб юрган йигитлардан бири Гулсаранинг олдига «Опа, нима ейсиз» деб келиб кетди. Гулсара гунт одамдай гапириш ўрнига, бошини чайқаб қўйди. Чунки Гулсаранинг ҳоли танг. Чўнтағида бир мири бўлмаса, ошхона хизматчисига нима десин?! Текинга бериладиган замон бўлмаса. Тишини-тишига қўйиб бошини қўйи солиб ўтираверди.

Орадан чорак соатча вақт ўтди. Уч улфат кекиришиб, сигарет чекишиб, ароқ ичишиб валақлаша бошлади. Гулсара чор-ночор ўрнидан турмоқчи бўлган эди, боши айланиб кўнгли беҳузурланиб кетди. Қайтиб аста жойига ўтириди. Улфатларига ароқ ва чой қўйиб узатиб ўтирган жингалак сочили, қўнғиз мўйловли йигит Гулсаранинг бу ҳолатини кўриб қолган экан, ёнидаги мўйловдор барзангига нимадир деб шивирлади-да, ўрнидан туриб, унинг ёнига келди.

— Салом, яхши қиз, — деди у ним табассум билан Гулсарага, — биз билан ўтирмаисизми, озгина улфатчилик қиласдик.

— Йў-йўқ, — деди Гулсара чўчиб, ҳадиксираб  
— Ё биронни кутаяпсизми?  
— Йўқ.  
— Чўчиётган бўлсангиз, айтинг, нима ейсиз, шу ерга олдириб берай.

Бу гап Гулсарага ёқди. Иштаҳаси қўзиб, илжайди. Жингалак соч хизмат қилиб юрган йигитлардан бирига қараб:

— Ҳой офицант, бу қизнинг олдига битта заказной иссиқ шўрва билан тўрт сих заказной шашлик олиб келинг, — деди-да, ўрнида туриб улфатларининг столидаги қатор турган шишалардан биттасини иккита пиёлага қўшиб олиб келиб Гулсаранинг столига қўйгач, ўзиям ўтириб олди.

— Бундан қандайсиз? — деди жингалак соч ароқни очиб, пиёлаларга қўяркан, кўзлари ўйнаб. — Танишганимиз учун

битта-битта оламиз-да энди. Совуқни совуқ кесади. Ўзингиз ҳам анча совуқ еганга ўхшайсиз. Бу сабилнинг ўзи совуқ бўлсаям, мижози иссиқ-да!.. Бир пасда танангизни яратиб юборади.

Гулсара уялиб, қизариб, қимтениб бошини чайқади-да:  
— Сира ичмаганман, ака, — деди уялиб. — Қандай бўлар-кан?

— Қантдай бўлади-да!  
— Йў... йўқ!.. Қўрқаман.  
— Нимасидан қўрқасиз? Шишаси билан ичмайсиз-ку.  
Бир пиёлагина оласиз. Кетса яна кўрасиз.

Хизматчи йигит аввал буғи чиқиб турган сергўшт нўхат шўрва билан битта иссиқ нон келтириб Гулсаранинг олди-га қўйди. Сал ўтмай тўрт дона кабоб билан бир чойнак чой ҳам келтирилди.

Иссиқ шўрвани ичган Гулсаранинг кўзи жойига тушиб, аъзойи бадани қизиди.

Шу орада сўзамол бўлиб кетган жингалак соч Гулсаранинг ақлини олишга жон-жаҳди билан киришди. Унинг олди-қочди гапларига маҳлиё бўлиб, оғзи очилиб қолган Гулсара бир пиёла ароқни қандай қилиб ичиб юборганини-ям билмай қолди. Буни кўриб жингалак сочга жон кирди. Гулсаранинг эса боши айланга бошлади. Пешонасидан совуқ тер чиқди. Ўзининг тамомила бегона эркак билан ароқ ичиб суҳбатлашиб ўтирганини ўйлаб ичидан зил кетди.

Жингалак соч аёл кишини алдаб-аврашда устаси фаранглардан чиқиб қолди. Ичмайман деб тайсаллаб ўтирган Гулсара иккинчи пиёла ароқниям «оқ» қилиб қўйди. Шундан кейин унинг кўзлари сузилиб, бўшашиб, нимагадир йиғласи келди. Кайфи ошди. Қийшанглаб, бўлар-бўлмасга илжаяверди.

Гулсара қаршисида вайсақилик қилиб ўтирган жингалак соч кўзига иккита-учта кўриниши билан ўрнидан туриб кетмоқчи бўлган эди, оёқлари ўзига бўйсунмади: гандираклаб кетди. Жингалак соч сакраб туриб муккасидан тушаётган Гулсаранинг қўлтиғидан чиппа ушлаб қолди. Бу ҳолни кўриб турган мўйловдор мийифида таҳқирона кулиб қўйди-да, шеригини туртиб қўйгач, шошилмасдан ўрнидан турди.

Үзини құлтиқлаб олган жингалак сочта қаршилик қилиш-  
га Гулсаранинг шу топда фақмиям, кучиям етмай боши эгил-  
ган, құллари шалвираган, пальтосининг тұгмалари ечишган  
бір ақволда турарди. Унинг ұттого қүшімча кийимлари со-  
линган сумкасини күтариб олишга ҳам мадори йүк зди.

Узунчоқ юзли йигит томонидан зәшиги очилған қора  
«Жигули»нинг орқа ўринидіғі Гулсарани жингалак соч  
күтариб, итариб жойлаштируди-да, үзи рулга ўтиради.  
Мўйловдор барзанги эса дарров күзлари уйқуга кетиб, чўзи-  
либ ётиб олган Гулсаранинг ёнига суқилиб кириб олди.

Машина бир зумда ошхонадан узоқлашди.

Уч соатлардан сўнг машина дашт ва тоғ йўлларида сил-  
кина-силкина кимсасиз тоғ йўлидаги атрофи турли хил ба-  
ланд паст дараҳтлар ҳамда пахса девор билан қуршаб олин-  
ган, чироқлари милтиллаб турган иккита уй ёнидаги тош-  
лоқ майдончада тўхтади. Йўл бўйи ухлаб келган Гулсара  
машина қаттиқ силкиниб тўхтаганида ўзига келиб кўзлари-  
ни очди. Ва бирдан саросима-ваҳимага тушиб қолди.

Жувон ўзигаям, кўзигаям ишонгиси келмаётгандай тиз-  
засига чиқиб фижимланиб қолган кўйлагининг этагини ту-  
ширди, тұгмалари ечишган пальтосига ўраниб олди. Етти  
ёт бегона эрқакларнинг олдида шу ҳолатда ўтирганини  
кўриб уялди, қўрқиб, ҳадиги ва ваҳимаси ошди, ўзини жу-  
даям ўнгайсиз сезди.

Ёнида ҳурпайиб ўтирган мўйловдор барзангига кўзи  
тушгани сайин Гулсаранинг юраги нотинчлана бошла-  
ди. Умуман, машинадаги эрқакларнинг кўринишлари ва  
сўзлари қўрқинчли зди. Мўйловдор барзанги иккала эр-  
қакни сўқиб-сўқиб машинадан тушириб юборди. Улар  
узоқлашиб кетиши билан мўйловдор барзангига сигарета  
тутатиб бир-икки сўриб тортди-да, салонни туғунга  
тўлдирди. Гулсарани йўтал тутди. Мўйловдор эшикни  
очиб тутунни чиқарған бўлдию, яна дарров ёпиб олди.  
Бу вақтда Гулсара оч бўрининг олдида турган қуёндай  
нима қилишини билмай буришиб ўтиради.

Кайфи тарқай бошлаган мўйловдор Гулсарага еб қўйгу-  
дек оч назар билан қараган кўйи уни секин гапга тутди:

— Яхши ухлаб турдингми, акаси жонидан. Ўзиям минг йилдан бери уйқу кўрмагансан-ов. Ўзингни таништирай ҳам демайсан. Кимсан? Бир ўзинг кечаси эркаклар валақлашиб ароқ ичиб ўтирадиган ошхонада нима қилиб юрибсан?

Гулсара мўйловдорнинг қайси саволига нима деб жавоб беринининг ҳисобини топмай гарангсиб қолди. Кўзлари-ни пирпиратиб ерга қаради. Мўйловдорнинг жаҳли чиқди:

— Гарангмисан, гунгмисан? Нимага гапирмайсан, акаси жонидан ё ўзбекчага тушумайсанми? Ошхонада балодай гапириб ўтирган эдинг-ку, чамамда.

— Гаранг ҳам, гунг ҳам эмасман, ака. Гапларнингизга ту-шундим, — деди Гулсара қимтиниб, сал бошини кўтариб.

— Сиздан қўрқаяпман-да. Шунга...

— Нимага, мен шунчалик қўрқинчлиманими? Хо-ҳо-ҳо, — хандон отиб кулди мўйловдор. — Қўрқмай ўзингни таништиравер. Еб қўймайман.

Гулсара ўзини сал тутиб олиб тилга кирди.

— Ислим Гулсара, — деди у бошидан ўтганларни дастурхон қўлиб ўтиришдан чўчиб, сўзига ёлғон қўшди. — Тошкентга биринчи келишим эди. Киссавурларга автобусда пу-лимни олдириб қўйиб, бунинг устига йўлимдан адашиб, сизлар ўтирган ошхонага билмай келиб қолибман.

— Худонинг ўзи юборган сени бизларга, — яна ҳахолаб кулди мўйловдор. — Оиланг, боланг борми, қаерликсан? Ишқилиб фоҳишамасмисан?

— Бор, бор, бухороликман. Бироқ одамни уялтирманг. Унақалардан худо сақласин. Адашган бандаман холос.

Бунақа воқеаларни ва бунақа аёлларни кўравериб эти қотиб кетган мўйловдор гапни чўзиб ўтирмай, оғзининг суви қочган кўйи дангалига қўчиб қўя қолди:

— Шунақа де, оиласи, болали бўлганинг яхши. Мен фоҳишаларни ёмон кўраман. Улар касалнинг уяси. Сен эса...

— деди-да, мўйловдор Гулсарага суйкалиб шилқимлик қила бошлади.

— Ҳаддингиздан ошмант ака, уят бўлади, кап-катта одам экансиз. Мен бир оиласи ёш аёл бўлсам. Қўлингизни тор-тинг-е!.. Бўлмаса ҳозир машинадан тушиб кетаман!

Мўйловдор сичқонни тутиб олиб, у билан ўйнашаётган мушукдай Гулсаранинг кўкрагига ва сонларига қўлларини, юзини юзига текизиб-текизиб олар ва ўзининг қилиғидан ўзи ҳузурланиб-ҳузурланиб куларди.

Ўзини қаттиқ ҳимоя қилишга уриниб, зўр бериб зорланиб типирчилаетган Гулсаранинг ори кучлилик қилдию, мўйловдорнинг юзига бир шапалоқ туширди.

— Вей, сен ҳали шунаقا шаддодмисан? — узун, диккайган қоп-қора мўйловларини Гулсаранинг оппоқ юзларига ишқалаб, лабларини чўччайтирганча тагин хаҳолаб кулди мўйловдор. — Нозланишларинг бирам ёқимли! Асл нарса экансан! Билиб қўй, энди сендай тоза гулни бир искамай юборган ҳам номард!

Гулсара мўйловдорнинг сиқувида фижимланиб қолди. Типирчилай-типирчилай, урина-урина ҳолдан тойган, йигидан юз-кўзлари шишган, қизарган Гулсара охири чор-ночор мўйловдорга таслим бўлди...

Бирон соатдан сўнг уларнинг олдига жингалак соч билан узунчоқ юзли эркак келиб мўйловдорга ахборот беришди:

— Ҳаммаси жойида, — деди узунчоқ юзли эркак. — Бироқ ҳўқизларнинг хашаги, куркаларнинг дони тугай деб қопти. Икки кунда етказсангизлар бўлди, деди маймоқ. Нонларни топширдим. Бошқа проблема йўқ.

— Яхши. Ҳар келганимизда ўлиб сўраб юрганини есть қилганимизният айтдингми?

— Эшитиб, бир ишониб-бир ишонмай, оғзи қулоғига етди. Сиздан миннатдор!..

— Ўзи келмадими?

— Тонгти аёзда совқотиб қолмасин деб, ҳўқизларни турғазиб хашак бераяти. Бўлмаса бургутдек учиб келмоқчи эди ўлжасига, хумпар.

— Айтиб қўй, бургут бўламан деб бу оёғидан ҳам айрилиб қолмасин тагин, — тиржайди мўйловдор. — Яхши ишлагани учун биздан олаётган мукофотининг қадрига етсин.

Гапнинг авзойи қаёққа қараб кетаётганини тушунган Гулсара бирдан ваҳимага тушдию, мўйловдорга ялина кетди:

— Мен ожиза, муштипарга раҳмингиз келсин, акажон!..  
Мени бу ерга ташлаб кетманг. Мен бу тоғ-тошда ўлиб кетаман. Менинг оиласи, болаларим бор, ахир!

Ғазаби қўзиган барзанги масхаромуз оҳангда Гулсарага дағдага қилди:

— Оиласи, болалари бор хотин кечаси катта шаҳарда, арzon ошхоналарда сенга ўхшаб тентираб юрмайди. Бизам одам таниймиз. Кўпам ўзингни фаришта тутма! Сенга ўхшаганларни кўп кўрганмиз. Аввал лаққадай еру-кўкка сифмай сапчийди-да, кейин тинчиди қолади. Уқдингми? Яхиси, Зуҳра бўл-да, Тоҳирингга бор. Бир-бирингни ёқтириб қолсаларинг тўйларингни ўзим ўтказиб бераман!

Ваҳима ичида қолган Гулсара шиддат билан машина эшигини очди-ю, туша-сола дуч келган томонга жон-жаҳди билан югура кетди.

Шошиб қолган мўйловдор югурдақларига ўшқирди:

— Жонларинг борми? Ушланглар уни!

Йигитлар бир зумга Гулсарани тутиб келишди.

— Бу ҳуркак оҳуни, маймоққа айт, икки-уч кун боғлаб қўйсин. Қочириб юборса ўзидан кўрсин. Кейин менга яна хотин топиб беринг деса, тилини кесиб оламан!.. Уқдингми, гапимни унга сўзма-сўз айтгин!

Мўйловдорнинг икки йигити оёқ тираб зорланиб туриб олган Гулсарани нотекис ўйдим-чуқур йўлакчалардан тойинишиб, суринишиб судраб кетишли. Улар маҳкумни тутгандай икки қўлтиғидан ушлаб олишган аёлни чўлтонглаб, оғзи қулоғига етган ҳолда чопиб келган Болта чўпоннинг қўлига қаттиқ тайинлаб толширишди. Бу маҳал тонг олди қоронғилиги теварак-атрофга кўланка солиб турарди...

## Тузоқ

Хотинининг охирги тилла сирғасини олиб кетганидан сўнг ҳам Шамсиiddин тинчимади. Бир ҳафтанинг ичида икки оқшом келиб «Пул топиб берсанг ҳам берасан, бермассанг ҳам берасан!» деб туриб олди.

Шу пайтгача бундай тазиияларга тишини-тишига қўйиб чидаб келаётган Ойсаранинг сабри тугади. Ҳамма ишини

йиғиштириб қўйиб бўлса ҳам эрини шу кўйларга солган бетавфиқ оғуфурушнинг жазосини бердириштага қатъий бел боғлади. Бироқ бу жувон ўйлаганчалик тез битадиган ва осон иш эмасди. Негаки Ойсара ўша фалокатнинг на исмини, на манзилини билади. Шундай экан, аёл боши билан кимдан нима деб суриштиради? «Эрим шунаقا бўлиб қолди!» деб уйидаги гапни кўчага олиб чиқадими? Эшитганлар нима дейди?!

Бироқ ўйланиб ўтираверган билан ҳам бир иш чиқмайди.  
Нима қўлмоқ керак?

Ахийри бир тўхтамга келган Ойсара таваккал дея пинҳона иш юрита бошлади. Жувон қайнота-қайноасига болаларини қолдириб кунда-кунора мавлуд, маъракаларга борди, хотинларнинг мишишлариниу, кўчаларда ўйнаб юрган катта-кичик болаларнинг суҳбатларигача зринмай эшилди. Калаванинг учини топиш умидида вақт топди дегунча иши бўлса-бўлмаса дўконларга, бозорларга ҳам тез-тез борадиган бўлиб қолди.

Елиб-югуриб юрган кунларининг бирида қўшни қишлоқдан ҳам қармоққа илинадиган бир гап тополмай қорни гарч-фурч босганча ҳафсаласи пир бўлиб келаётган Ойсара кўча бўйида ўзаро даҳанаки жангни авж олдириб юборган икки қизчанинг ғалати-ғалати гап-сўзларини эшишиб қолдию, беихтиёр жойида таққа тўхтади.

— ...Олифта! Даданг нашага алмашиб олган тилла тақинчоқларни ярашса-ярашмаса тақиб олиб, бунча мақтанасан? Ҳаммаси ким-кимларники! — дерди эскироқ қора чопонга ўраниб олган ўн икки-ўн тўрт ёшлар чамасидаги қиз фазаб билан. — Катта бўлсан дадам менга магазиндан янги тилла сирға оберади. Сен бўлса бировларнинг эски-туски тилла тақинчоқларини тақиб олиб мақтанганинг-мақтанган.

— Ажаб бўпти, зап бўпти! Керак бўлса, яна мақтанаман! Ҳали менинг яна қанчадан-қанча тилла тақинчоқларим бор. Қорлар эриб, кунлар исиб кетса, қўша-қўша қилиб тақиб чиқаман. Уларни сен тушингдаям кўрмагансан. Кўрсаларинг борми, сен тугул опаларингнинг ҳам оғизлари очилиб қолади, билсанг, — бўш келмасди яп-янги яшил пальтоли

қиз. — Бор борини мақтайди-да, йўқ нимасини мақтайди!  
Отанг бир аравакаш бўлса...

— Оғзингга қараб гапир! Менинг дадам аравакашмас,  
тракторчи! Билдинг! Менинг дадам ҳалол ишлаб, ҳалол то-  
пади. Сенинг даданг эса қоровулман деб бир кунжакда бу-  
ришиб ётиб олиб, одамларни заҳарлайди, билдинг!

— Сен бу гапларни қаерданам била қолдинг, тирранча?

— Ўзинг тирранча! Бу гапларни менга дадам айтган. —  
Билдинг?

— Билмадим!

— Билмасанг, билиб ол!

— А?

— Ҳа!

Шу пайт Чаёнқул қоровулнинг ҳовлисидан аёл кишининг:

— Чарос! —деган бақириғи ўчакишаётган қизчаларнинг  
жагини ўчириб, ҳушёр торгтириди.

Қизлар уст-бошларини апил-тапил қоққанларича уй-уй-  
ларига югуриб кириб кетищди.

Йўлида аста давом этаётган Ойсаранинг пешонасига со-  
вук тер тошганди: «Ҳамма бало ўзимиздан чиққан шекил-  
ли... Исмиям қуриб кетсин бу Чаёнқулнинг! Шу фалокатни  
излаб, шунча сарсон бўлдимми?.. Дарвоқе, қизчанинг қуло-  
ғидаги сирғалар меники бўлса ажабмас? Кўзимга иссиқ  
кўрингандай бўлди... Хотинчаси нега кўча-кўйда бунчалик  
башанг кийиниб, солланиб, босар-тусарини билмай юради  
десам, гап буёқда экан-да. Сувдек оқиб келаётган мўмайги-  
на даромад булатни тозаям қутиртириб юборибди-да! Ҳов-  
лисининг сиртики шунчалик дабдабали бўлса, ичкариси  
бундан ҳам зўр бўлса керак. Ёш қизчага ҳалитдан тилла та-  
қинчоқларни ким қўйибди? Хотини ишламаса. Қоровулнинг  
маоши нимагаям етарди? Ақл бовар қилмайди! Қизчанинг  
изидан уйига кириб борсаммикан? Нима деб бораман? Бор  
гапни айтганим билан бу тулкимижоз бўйнига олса яхши.  
Олмаса-чи? Унда нима бўлади? Қайтанга бу абраҳ изимга  
одам тушибди, деб нашасини яшириб қўймасмикан? Шун-  
дай қиласди. Кейин орган одамлариям нашани тополмайди.  
Мен эса ёлғончи бўлиб қоламан. Йўқ, уйига ҳозир кирмай-

ман. Ёмон отлиқ бўлганимга яраша бу гўрсўхтанинг боплаб жазосини бердиришим керак! Яхшиси участкавойни бошлаб келаман...»

Ойсара акасидан миннатдор. Ахир айнан акасининг шарофати билан бир ойдан бери уйда қора қозон қайнаб турибди. Уйда егулиги бўлмаса шундай bemalol юра олармиди?

Калаванинг учини топганига қувонган Ойсара йўлйўлакай Нурмат товуқбоқардан сотиб олган қизил хўрозни сўйдириб, яхши ният билан қон чиқарди. Гўштнинг бир қисмини қозонга солиб қайнатма шўрва қилди. Тишларига эт тегиб анча пайтдан бери гўштираб юрган қайнота, қайнонасидан бошлаб Қудратилласигача яйраб, юзлари қизаришиб қолишиди.

Эртаси куни саҳармардондан ўрнидан турган Ойсара уйидагиларига нонушта тайёрлаб бергач, участка милиционерига ариза кўтариб борди.

Бир ҳафта бурунгина шу участкага тайинланган ўттиз ёшлардаги Самад исмли милиционер аризани ўқиши билан бехосдан чўғ босиб олгандек ҳолатга тушди.

— Наҳотки? Наҳотки шу ёзганларингизнинг ҳаммаси рост бўлса? Ҳайронман... Билмадингизми, бу одам нашани ўзи экиб, ўзи тайёрлармикан ё четдан олиб туармикан?

— Нима, Самад aka, менга ишонмаяпсизми? Сиз болалик уйда ўғрилик ётмайди, деган гапни эшитмаганмисиз? Сизни билмайман-у, аммо менинг кўнглим аниқ сезиб турибди. У-бу десангиз, ўша худо бехабар оғуфурушнинг уйига мениям олиб боринг!

— Яхши!.. — деди Самад милиса қоп-қора қошларини чимириб. — Муҳим хабар олиб келганингиз учун сизга катта раҳмат!.. Сиз энди bemalol уйингизга бораверишингиз мумкин. Керак бўлиб қолсангиз ўзим сизни топиб оламан.

Зарафшон шаҳрида ишлаб юрганида шунга ўхшаш воқеага бир-икки марта дуч келиб, озми-кўп тажриба орттирган участковой Самад эса туман марказидаги уйига бордида, фуқаро кийимида қайтиб келди.

Самад милиционерни маҳалла аҳли ҳали яхши таниб ултурмаган эди. Шундан фойдаланишга аҳд қилган милиционер Ойсара айтган ҳовлига шом маҳали етиб келди.

У тунги соат ўн иккиларгача қиши оқшомининг қаҳратон совуғига чидаб, уйни сал олисроқдаги дараҳт панасидан кузатиб ўтирди.

Кузатув яна икки кун давом этди. Лекин бундан бирор иш чиқмади. Самад милиционер иккиланиб қолди: «Балки бу туҳматдир... Бегуноҳ одам бўлса...»

Тўртинчи кечаси соат ўнларда Самад милиционер трактор паркига йўл олди. У машинасини йўл чеккасига қолдириб шалоқ дарвозага яқинлашиши билан қаердандир бир кўппак ит пайдо бўлди-да, ҳура кетди.

Милиционер жойида туриб қолди. Шу заҳоти мўрисидан тутун чиқиб турган уйчадан чиққан қора чопонли одам:

— Ким у? — деди баланд овозда.

— Йўловчиман, — деди милиционер.

— Тинчликми, ука?

— Машинамнинг бензини тугаб қолувди. Уч-тўрт литр топиб беролмайсизми, ака?

— Бизда бензин нима қилсин, ука. Бу автопарк эмас, тракторпарк, билдийизми?

— Бир иложини қилинг, ака. Пулини бераман.

— Йўқлий ийндириб бўлармиди? Ҳеч иложи йўқ, ука.

— Нимаям дердик, — хўрсиниб қўйди Самад милиционер. — Чекасизми?

— Э... Чекиши ҳам гапми? Эрмагим шу сигарет. Чекмасам мазам қочади. Бир кунда икки-уч пачкани кўрдим демайман.

— Ундоқ бўлса, бирон пачка ташлаб кетай?

— Яхши бўларди-да. Эрталабгача мазза қиласдим.

Самад милиционер Чаёнқулга бир пачка сигарет узатди-да, уни гапга тутди:

— Ишингиз қийин эмасми, ака?

— Нимаси қийин, ука. Бир кун постда бўлсан, икки кун уйдаман.

— Уйда зерикиб кетмайсизми?

— Унчаликмас... Кечирасиз, ука, мен жа совқотиб кетдим. Бунинг устига печканинг олови ўчиб қолса чатоқ бўлади. Изғирин совуқни кўриб турибсиз. Бошим ҳам зирқираб оғрияпти. Омон бўлинг, ука!..

Чаёнқул шоша-пиша қоровулхонасига кириб кетди.

«Илоннинг ёгини ялаган, тилига ҳушёр одамга ўхшайди», деган қарорга келди Самад милиционер.

Узоқ мулоҳазалардан кейин ниҳоят Самад милиционер дадил ишга қўл урди. У раҳбарияти розилигини олгач, маҳсус кўринмас ранг берилган икки юз эллик сўмни Ойсаранинг чўнтагига жойлади. Жимитдайгина япон магнитафонини аёлнинг ўзи қорнига бойлаб олди. Шу воситалар билан қуролланган Ойсара кечқурунги соат саккизларда, изиллаб турган тунги совуққа қарамасдан Чаёнқулнинг дарвозасини қоқди.

Анча маҳалдан кейин дарвозани Чаёнқулнинг семиз хотини очди.

— Салом, опажон, — деди Ойсара йифлагудек аҳволда.

— Бир иш билан келувдим. Рухсат берсангиз, опажон, ичкарига кирсам. Совуқ ўтиб кетди.

— Кира қолинг, — деди Чаёнқулнинг хотини дарвозани маҳкамлаб Ойсарани ичкарига бошларкан. — Кўзимга таниш кўринаяпсиз. Шамсиддин буғалтирнинг аёлимасмисиз?

— Ҳа, шундай.

— Укам бинойими? Келаверар эди. Келмай қўйди. Нима бўлди? Тан-жони соғми?

— Бироз мазаси қочиб ётиб қолган эди. Ҳалиям ўзига келиши қийин бўляяпти. Шунинг учун ўзим келдим. Акам уйдами? Эримнинг илтимосини у кишига айтай девдим.

— Уйда. — Чаёнқулнинг хотини ошхонасида ивирсиб юрган қизига буюрди: — Латофат, тез дадангни чақир.

Чаёнқул ичкаридан шошилмасдан, ҳаттоки виқор билан чиқиб келди.

— Шунаقا денг, — деди у Ойсаранинг арзи ҳоли муқаддимасини эшитгач. — Шамсиддин ҳалиям балнисада эканда. Аҳволи яхшими?

Ойсара фурсат етганини англаб, бир муддат кўз ёши қилиб олди. Кейин ғамгин оҳангда мақсадга ўтди:

— Энди, Чаёнқул ака, ўзингиздан қолар гап йўқ. Жўрангиз жуда чўкиб қолди. Нашангиздан бирон ҳисса бериб турмасангиз, жўрангизнинг ҳоли жуда хароб бўлади. Уни бир бало қилиб ўзига келтириб олмасак аҳволи оғир. Кундан

кунга сўлиб бораяпти. У ўз оёғида юрса мен келиб юрармидим?

Чаёнқул дарров ўзини соддаликка олди:

— Мени сизга ким айтди наша сотади деб? Менда унақа нарсалар умуман йўқ. Бўлишиям мумкин эмас! Оддий қоровул бўлсам...

Ойсара кўз ёшларини селдай оқизганча ялинишга зўр берди:

— Жон aka, ҳечам қўрқманг, мени сизга жўрангизнинг ўзи юборди, озгина обкемасанг ўлиб қоламан деди. Жўрангиз ҳеч кимга сир айтмаган. Менам айтмайман. Муҳими — жўрангиз оёққа туриб кетса бўлди. Бизга бошқа нарса керакмас! Мана, сизга икки юз эллик сўм пул обкелдим. Раҳмингиз келсин, акажон! Қўлимни қуруқ қайтарманг. Жўрангиз сизни доим мақтайди. «Чаёнқул жўрам — менинг бирдан-бир халоскорим!» дейди. Жон aka, йўқ деманг. Яна бир марта яхшилик қилинг! Жўрангизам сизга ўҳшаб болаларининг бошида соғ-омон юрсин!

Ойсара чўнтағидаги пулни чиқарди. Чўғдек ёниб турган яп-янги ўн сўмликларни кўрган Чаёнқулнинг кўзлари ўйнаб кетди. Юзига илиқ табассум юргурган уй эгаси пулдан кўзини узмай деди:

— Қўймадингиз-қўймадингиз-да, синглим. Кўнглим жуда бўш. Аёлларнинг кўзида ёш кўрсам юрагим эзилиб кетади. Бу сабилнинг бозордаги сабзи-пиёздай очиқ савдоси бўлмагандан кейин соямиздан ҳам қўрқамиз-да, синглим. Нима дедингиз, тўғрими?

— Берсангиз мен учун эмас, жўрангиз учун берасиз. Биласиз, жўрангиз сизни ўлсаям сотмайди.

— Оқ тую кўрдингми — йўқ! Қора тую кўрдингми — йўқ! Келишдикми?

— Келишдик, aka.

— Фақат эҳтиёт бўлинг, дўхтирлар сезиб қолмасин...

Ичкарига, меҳмонхонага бирровгина кириб чиққан Чаёнқул кабутар тухумидек катталиктаги салафан халтачани Ойсаранинг қўлига тутди.

— Уқдингизми, ҳидини чиқара күрмант, синглим. Үзингиз айтгандек, бугинани сиз учун эмас, жўрам учун бераяпман. Эрингиз мард, сахий йигит. Мендан салом айтиб қўйинг...

Иши битганидан хурсанд бўлган Ойсара Чаёнқулга миннатдорчилик билдириб чарчамасди.

У ўзини дарвозагача кузатиб келган Чаёнқулнинг хотини билан илиқ хайрлашиб кўчага чиқди. Икки юз қадамча наридаги муюлишда Самад милиционер бошлаб келган орган ходимлари гуруҳи уни сабрсизлик билан кутиб турарди...

Орадан ярим соат ўтар-ўтмас тезкор орган ходимлари гуруҳи томонидан Ойсара тақдим этган рад этиб бўлмас далиллар асосида Чаёнқул оғуфуруш ими-жимида қўлга олинди.

Тергов, суриштирув ишлари бир ойча давом этгач, Чаёнқул ва унинг шерикларининг иши судга ўtkазилди. Жинонг гуруҳ аъзолари суд қарори билан 15 йилдан 18 йилгача озодликдан маҳрум этилди.

### Рўшинолик

Ортиқали билан Лобархон бир ҳафтадан бери нақ учиб-қўниб юришибди. Қувонмай бўладими ахир! Ўн етти ёшга тўлаётган Меҳриддин ўнинчи синфни, ўн беш ёшга қадам қўяётган Орзигул саккизинчи синфни аъло баҳоларга битирашаётган бўлса!

Эр-хотин ниҳоятда бахтиёр эдилар. Бир сўзлаб, ўн кулардилар. Югуриб чарчамасдилар, ишлаб толиқмасдилар. Чунки аввал Орзигулнинг, икки кундан кейин эса Меҳриддинининг битирув кечаси бўлади. Бундай кунларни улар қанчалар орзу қилишганди. Шунинг учун уч кундан бери Ортиқали ўғлини, Лобархон қизини ёнига олиб битирув кечаси учун маҳсус кийимлар тиқдириш билан овора.

Эр-хотин бундан ўн етти йил бурун болалар уйидан Меҳриддинни бағирларига олиб қанчалар шодланишган бўлсалар, орадан икки йил ўтиб ўзлариям фарзандли бўлишгандарида ҳам шундай ҳолга тушгандилар. Меҳриддиннинг пойқадами қутлуғ келди.

Битириув кечаси Ортиқали билан Лобархон ҳаётидаги энг баҳтли-саодатли лаҳзалар бўлиб қолди.

Давра қизиёттган бир пайтда Орзигул ўз қўли билан рангли бўёқда оқ матога катта қилиб ишлаган ота-онасининг портретини мактаб музейига эсдалик учун топшираёттганида эр-хотиннинг кўзларидан севинч ёшлари отилиб чиқди.

Меҳридин эса ўз битириув кечасида устозлари Ўринбой Аҳмедов шеъри ва Жобиржон Жаҳонов мусиқаси билан тайёрлаб келган «Раҳмат ота-онамга!» деган қўшиғини ilk бор куйлаб берди:

Бағрингизнинг кенглигига  
Тенг кеполмас осмон ҳам.  
Таърифингиз бермоқликка  
Урвоқ эрур достон ҳам!  
Сизлар шундай улугсизки,  
Пурҳикматга тўлиқсизки,  
Нурли меҳр конисизки  
Ҳайратдамиз ростдан ҳам!  
Сизлар менинг дунёйимсиз,  
Бойлигим сиз, жоним сиз.  
Ҳам ҳаётим, ҳамда умрим,  
Томиримда қоним сиз.  
Бахт, иқболим ижодкори,  
Ҳаётимнинг најоткори,  
Орзуларим халоскори  
Шавкатим сиз, шоним сиз!..  
Бетоб бўлсан, биздан бурун  
Азобланиб сўлган сиз.  
Тиним билмай эрта-ю кеч  
Парвоналар бўлган сиз!  
Қадамимиз кузатиблар,  
Хатомизни тузатиблар,  
Ойдин йўлга узатиблар,  
Кувончларга тўлган сиз!..

Қўшиқ тугаши билан гулдурос қарсаклар садосидан зал ларзага келди.

Ортиқали билан Лобархон бугунги кечанинг ёрқин юл-дузига айланган Мәҳриддини маҳкам қучиб олиши...

### Чиқмаган жондан умид

Нормүмин «эртага келиб қолар, индинга келиб қолар» деб Гулсарани бир ҳафта күтди, ўн кун күтди, бир ой күтди. Шу орада онасининг йигирмасини, отасининг қирқиниям ўтказди. Бироқ Гулсаранинг на ўзи келди, на хат-хабари. Сувга тушган тошдек кўздан йўқолди-қолди.

Қанча койисаям, қанча ёмон кўрсаям, нима бўлганда-ям жигарчилик экан-да, синглиси келавермагач Нормүминнинг юрагига ваҳима тушди. Кечки овқат устида хотинига ёрилган эди, Анора ҳам тўлиб юрган экан шекилли, эшитибоқ портлади:

— Бу шўрпешона синглингизнинг сиздан бошқа кими бор йиқилса турғазадиган, йўқолса излайдиган? Кўнглингизга оғир олманг-у, лекин сизнинг ҳам жаҳлингиз ёмон-да! Ўша куни у шўрликка жавоб бериб юборганингиз уят бўлди, ёмон бўлди! Ҳозир қаерларда, қай аҳволда юрган экан, у бечора муштипаргина! Ўйласам юрагим бирам эзилиб кетади, бирам эзилиб кетади, асти қўяверинг! Бир нима дейишга сиздан кўрқиб юрувдим. Яхши ўйлабсиз. Иложини топиб эртагаёқ йўлга тушинг. Ё ўзини, ё бирор хабарини олиб келарсиз...

Нормүмин иккиланиб қолди.

— Катта шаҳарда болалар уйи биттагина змасдир...

Анора бўш келмади:

— Лекин синглингиз битта-ку. Сўраб-суриштириб топарсиз...

Бу фикр Нормүмингаям маъқул тушди. У кечаси йўл тадоригини кўрди. Тонг садарда йўловчи автобусга ўтириди.

Нормүмин Тошкентга стиб борганида кун пешиндан оқкан эди. Излай-излай ўзига керак болалар уйини хуфтон маҳали топди. Сўраб-суриштириди. Аввалига ҳеч нарсани аниқлай олмади. Йўқ, оёқ тираб туриб олганидан кейин синглиснинг бу ерга бундан бир ойларча бурун боласини излаб келганини аниқлади. Болами эса бефарзанд бир оиласга

олти ойлигидәң бериб юборилганидан ҳам хабар топди.

Гулсаранинг йиглаб-сиқтаб боласини фарзандликка олган оилани излаб кетганини эшигтан Нормўмин баттар хавотирга тушиб қолди. Манзилни ёзиб олишга ёзиб олиб, оқшом ҳаерга боришни билмагани учун болалар уйи қорувулининг кичкина ҳужрасида ётиб қолди.

Тонг отиши билан Нормўмин жиянини фарзандликка олган Ортиқали Тешабоевнинг ҳовлисини излаб йўлга тушди. Қоровул чол аниқ чизиб берган экан, бирон соатларда манзилни топиб борди.

Нормўмин битта енгил машина аранг сифадиган йўл ёқасидаги кўк дарвозани қоқди. Зум ўтмай ичкаридан аёл кишининг:

— Ким? — деган зардали овози эшитилди.

Нормўмин нима дейишни билмай:

— Менман, — дея секин йўталиб қўйди.

Ёши элликларга бориб қолган, кизил баҳмал камзул кийган, қийиқ кўзли аёл дарвозанинг кичкина эшигини қия очиб, Нормўминга кўз ташлагач, қовоғини очмай сўради:

— Танимай турибман, сизга ким керак?

Нормўмин шошиб жавоб қайтарди:

— Кечирасиз, опа, ассалому алайкум, мабодо шу ҳовли Ортиқали aka Тешабоевники эмасми?

— Аввал у кишиники эди, ҳозир эса бизники! У кишининг бу ердан кучиб кетганингаям етти йилдан ошди. Шунча йилдан бери энди излаб келдингизми? Қариндошимисиз?

— Йўқ. Мен у кишини танимайман.

— Танимасангиз нимага излаб юрибсиз?

— Кечирасиз, бундан бир ойларча олдин бу ерга бир ёш аёл боласини излаб келиб кетмадими?

— Ўша аёл боланинг онасиман, девди. Нима, сиз отасимисиз?

— Йўқ, тоғасиман.

— Исмингиз ким?

— Нормўмин.

— Синглингизнинг исми ким эди?

— Гулсара.

- Қаердансизлар?
- Бухородан... Мабодо сиз Ортиқали аканинг қаерга күчип кетганини билмайсизми?
- Сиз ўзи қизиқ одам экансиз-ку. Нима, мен сизга спра-вочний бюроми? Ким қаерга кеттган-у, ким қаердан келган-лигининг ҳисобини олиб ўтирадиган.
- Узр, узр, опажон. Вақтингизни олган бўлсан мени ке-чиринг.
- Синглингиз ҳам бўлар-бўлмас гапларни сўрайвериб, бир соат бошимни қотируди. Сизам ундан қолишмас экан-сиз. Бўлди! Мендан бошқа ҳеч нарса сўраманг! Тешабоен күчип кетаётганида қаёққа бораётганини бизга айтмаган! Гап тамом!.. Омон бўлинг.

Аёл эшикни тақа-тақ ёпиб олди.

Нормўминнинг ҳафсаласи пир бўлди. Кун анчагина со-вуқ бўлишига қарамай, баданини муздай тер қоплади. Телпагини ечиб қайта кийди. Рўмолчасини олиб бўйин-ларини артди. Катта кўчага чиқиб, бекатга борди. Ўзига зарур автобусни топиб, автобус вокзалига етиб келгунга қадар кун пешиндан ўтди.

Нормўмин чипта олиб Тошкент—Бухоро автобусига ўтирди. Ўрнига ўтириши билан дили баттар хиралаш-ди. Синглисингиз қаерларда, нима ишлар қилиб юрга-нини ўйлайвериб, боши тарс ёрилиб кетай деди. Гулса-ранинг на тиригини, на ўлигини билолмай мулзам бўлиб изига қайтаётгани учун ғазаби қайнади. Ўйламаган ўйи қолмади.

Нормўмин ярим оқшомда автобусдан шалвираб тушиб қолди.

Эрининг сиёғини кўрган хотин чурқ этмади. Қўлидан сумкасини ола солиб дарвозани ёпди. Нормўмин изидан ке-лаётган хотинига қарамасдан ҳам:

- Яхши ўтирибсизларми, болалар яхшими? — деб қўйди.
- Болалар яхши. Ўзингиз яхши бориб келдингизми, да-даси. Қорнингиз қалай?
- Ташвиш қилма, бир пиёла иссиқ чой бўлса бўлди. Чар-чаб келдим, дам оламан.

Иссиқ чой устида Нормўмин кўрган-билғанларини гапириб берди. Хомуш тортиб қолган хотинининг кўнглини кўтармоқчи бўлди. Бироқ ҳарчанд уринмасин ўзининг кўнглини тинчтолмади. Ҳориб-толиб келган бўлсаям кўзига уйқу келмади. Тун бўйи уҳ тортиб чиқди...

Орадан ўн йилдан кўпроқ вақт ўтди. Бу давр мобайнинда Нормўмин синглисини йўқлаб Тошкентга беш-олти марта бориб келди. Ҳар гал синглисининг ўзи тугул, изиниям тополмай бир аҳволда қайтиб келавергач, Гулсарадан умидини узди. Шундай кунлардан бирида синглисини ўлдига чиқариб бир худойи ҳам қилиб юбормоқчи бўлди. Бироқ бунга Анора кўнмади:

— Дадаси, мени десангиз шошилманг, худо хоҳласа бир кун бўлмаса-бир кун келиб қолар ё дараги чиқар.

Ниҳоят эр-хотин ўйлай-ўйлай «Меҳр кўзда» телекўрсатувига Гулсаранинг расмини илова қилиб, хат ёзиб юбориши.

Шундан сўнгтина Нормўминнинг кўнгли бироз тинчигандек бўлди.

### Жавобсиз қолган савол

Чаёнқулнинг фитна-найрангига учиб, қопқонга тушгач, аввал мол-мулкидан, бора-бора соғлиғидан, эл орасидаги обрў-эътиборидан ҳам айрилган Шамсиддин икки йилга яқин умрини касалхоналарда ётиб ўтказди. Бу дарддан қутулиш қийин кечаркан. Икки йил давомида у на уй-жойини, на болачақасини, на ота-онасини, на ишини ўйлади. Ҳардамхаёллик балосига йўлиқди, ўйлагани, билгани наша бўлди, ароқ-вино бўлди. Чаёнқул оғуфуруш ва унинг шериклари қўлга тушганда ҳам Шамсиддин тинчимади. Ахийри муолажа амаллари кор қила бошлагачгина у ўзига келди.

Ниҳоят шифохонадан уйига қайтган Шамсиддин ҳассасига суюниб зўрга судралиб юрган отасини, тўшакка михланниб ётиб қолган онасини, чўпдай озиб, юз-кўзлари қорайиб кетган хотинини, юзи рангизланган қизини, лаблари ва сёқлари беўхшов ҳолатга тушиб қолган ногирон ўғилчасини кўрган маҳали юраги орқасига тортиб кетди.

Шамсиддин бироз ўзига келиб олиш учун хоналарга бир-бир кириб чиқди. Биронтасида одорли гилам кўрмади. Кўнгли чўкиб меҳмонхонасига ўтди. Бу ердаям аҳвол шу. Мадорсиз ҳолатда эски палосга ўтириб қолди. Бошини чангллади: «Э воҳ! Менга нима бўлди? Наҳотки шунчаликка борган бўлсан? Оиласини бутунлай хароб қилибман-ку!.. Ким эдим-у, ким бўлдим? Менга нима бўлди ўзи?! Шунчалар ҳам хато қилишим мумкинми?.. Бундан чиқди бехосдан қилинган битта хато юзлаб янги хатоларни келтириб чиқариши мумкин экан-да!..

Кимларга зулм қилдим-у, кимларнинг қарғишига қолдим?..

Дарвоҳе, Гулсараппинг гулдай умрига зомин бўлдим. Бахтига чанг солдим. Бу аҳмоқлигим менга қанчага тушди? Мен аҳмоқ бўлмасам, Гулсарага шунчалар ҳам ноҳақлик қиламанми? Биринчи фарзандимни тан олмаганим, уни тирик етим қилганим ҳам кечириб бўлмас хатойим эмасми? Нега мен буларни аввалроқ ўйламадим?..

Бирдан ақлли бўлиб қолдимми? Бу фикрлар миямга қаёқдан келаяпти? Тўқлик нелар дедирмайди, йўқлик нелар едирмайди... Кўзимни ёғ босган экан. Энди кўзим очилаяпти чоғи? Гулсарапни, болалар уйида қолган ўғлимни ўйласам, авваллари ҳеч нарса сезмас эдим. Энди эса юрагим зилиб кетаяпти. Нега?

Аниқ ҳис қиласайман. Мен уларнинг уволига, Гулсараппинг ота-онасининг қарғишига қолдим... Часнқулнинг тузоғигаям шу қарғишлар туфайли тушган бўлсан ажабмас...»

Шамсиддин узоқ вақт шу алфозда ўтирди. Шу ўтиришида хаёлан дунёнинг у четидан кириб, бу четидан чиқди. Охир-оқибат «Ўз гуноҳимни ўзим ювишим керак!» деган қарорга келди-да, тамоман бошқача Шамсиддин бўлиб ўрнидан турди.

Шу куниёқ у қилган барча ножӯя қилғиликлари учун ота-онасидан, хотинидан узр сўради. Айни пайтда ҳаётини буткул қайтадан бошлашга аҳд қилди. Тишини-тишига қўйиб елиб-югуришга, тинмай ишлашга, оиласидаги кемтикликларниң ўрнини тўлдиришга қарор қилди. Энг аввало ота-

онасини касалхонага ётқизди. Қудратилласини шифокорларга күрсатди. Эски иқтисодчи-жисобчи эканлиги қўл келдию, машинасини гаровга қуиб, банкдан кредитта уч яrim минг сўм пул олди. Пулнинг бир қисмини оиласидаги етишмовчиликларга сарфлади. Яна бир қисмига иккита зотдор сигир сошиб олди. Қолган маблағига эса меҳмонхонаси билан ота-онасининг хоналарини таъмирлаб, қайта жиҳозлади.

Олти ойлар ичida Шамсиддиннинг оиласи сал эпақага келгандай бўлди.

Касалхонадан чиққанининг иккинчи йили улар яна бир ўғилли бўлишиди. Юрак ҳовучлаб турган ота-она аввалига чақалоқнинг тўрт мучаси бутлигини кўриб роса севинишиди. Бироқ қувонч узоққа чўзилмади. Орадан икки кун ўтиб боланинг икки оёғиям бир умрга шол бўлиб қолганлиги аниқланди. Буни эшитган Маматқул отанинг ҳам, Шамсиддиннинг ҳам, Ойсаранинг ҳам бўлари бўлди (Оғир аҳволда ётгани учун Рисолат аядан хабарни сир тутишиди). Бу кўргиликни кутмаган Шамсиддиннинг тили боғланиб, дили доғланиб қолаверди.

Гапнинг индаллосини айтганда, у кимга, нима деб даъво қила оларди. Хотинигами? У шўрликда нима гуноҳ? Наша у ёқда турсин, ароқ-винонинг отини атамаса, сигаретага яқин йўламаса. Тоза юриб, тоза турса!

— Болаларим, — деди иккинчи ногирон неварасининг қулогига аzon айтиб, унга Шукрулло дез исм қўйган Маматқул ота, — бало-қазоларга яқинламай, тоза юриб, тоза туринглар! Ҳалол ишлаб, ҳалол енглар. Таъба денглар! Ҳаммаси, худо ходласа, яхши бўлади!

Шамсиддин дардини ичига ютди. Ахир худди шундай гапларни отаси иккинчи невараси ногирон туғилгандаям айтганди.

Устма-уст ногирон ўғиллар дунёга келиши Шамсиддиннинг кўзини мошдек очди. Ойсарамай энди фарзанд кўришга қўрқиб қолди. Шамсиддин ўзини ўзи еди. Ичлари куйиб кетди.

Мана шу Шукрулло олти ёшга тўлганда туман марказий касалхонасининг терапия бўлимида оғир аҳволда ёт-

ган Рисолат ая вафот этди. Шамсиддиннинг юраги тўкилди, қадди букилди.

Рисолат аянинг жаноза намозига тумонат одам йифилди.

Кампирининг ўлими ўзининг касали билан олишиб юрган Маматқул отани анчагина чўктириб қўйди.

Онасини Шамсиддиннинг ўзи қабрга қўйди.

Шамсиддин бошига иш тушгандан кейингина дўстдushmanини таниди. Кимнинг кимлигини билди. Айниқса фамигаям, фуссасигаям шерик бўлган, керак пайтда офирини енгил қилган, онасининг таъзиясида ҳам, худойисида ҳам бел боғлаб астойдил хизмат қилган қайноғаси Олимжондан бениҳоя рози бўлди.

Икки ўғлининг бирин-кетин ногирон туғилганини ўйлайвериб беадоқ изтироблар ичидаги қолган Шамсиддин онасининг йигирмасини ўтказибоқ, Шукруллосини елкасига кўтариб олганча шифохонама-шифохона юрди. Бироқ минг афсуски, уларнинг биронтасидаям ногирон ўғилни оёққа турғиза оладиган мутахассис топилмади.

Ноилож қолган Шамсиддин юз-кўзлари қуйиб қўйган-дек ўзига ўхшаган кўркам ва чиройли, тили бийрон олти ёшли Шукруллосини елкасидан тушириб, яна кароватчаси-га ётқизди. Худди шу маҳал болакай:

— Дадажо-он, — деб қолди изтироб билан: — энди мен сирам юролмайманми, а?

Ўғлидан бу гапни кутмаган Шамсиддин довдираб қолди:

— Бу бўлмағур гапни сенга ким айтди, ўғлим?

— Оёқларимни қайта-қайта ушлаб кўриб, бошини чайқаган мўйловли дўхтир-чи, эсладингизми, ўша шундай дедику! Сиз буни эшитмадингизми?

Шамсиддин кутилмаганда устма-уст шапалоқ еган одам-дек қизарип-бўзарди.

— Йўғ-е, ўғлим, сенга шундай эшитилгандир. Худо хоҳласа, ҳадемай юриб кетасан!

Шукрулло лабларини чўччайтирганча митти қўлчалари-ни жонсиз оёқчаларига чўзди. Сўнг дадасига тик қаради:

— Мени алдаманг-да, дада! Сиз менинг мана бу айтганимга кўнмайдиган оёқларимга бир қаранг! Шунча урин-

сам ұам бу ишәкмаслар қимир этгиси келмайди. Нега ұамма болалар, ұамма одамлар, ұатто кечагина туғилған улоқчалар ұам чопиб-чопиб юра олишади-ю, мен юра олмайман? Нега шундай?

Шамсиддиннинг дами ичига тушиб кетди.

— Юрасан, болам, юрасан! Албатта, юрасан! Улоқчадек чопқиллаб-чопқиллаб юрасан!

— Мени яна алдаяпсиз! Алдагани бола яхши демоқчи-сиз-да, дада... Шундайми? Тұғрисини айтаверинг.

— Йүқ! Нега энди?

— Сиздан бир нарсани сұрамоқчийдим. Майлими?

— Бемалол, ўғлим.

— Эшитинг, дада! Гүзалой опам ұам, Қудратилла акам ұам, менам сиз билан ойимнинг фарзандларимиз-а, шундайми?

Шамсиддиннинг ҳайрати ошди:

— Ҳа, ҳа, шундай, ўғлим.

— Нега бўмаса учаламиз уч хилмиз: Гүзалой опам сопна-соғ, Қудратилла акам соқов, мен эса чўлоқ. Бунинг сабаби нимада, дадажон?

Юрагини ўртаб юборган аламдан нафаси бўғзига тиқилган Шамсиддин гапиролмай мўлттайиб қолди. Анча давом этган сукутдан сўнг зўрга тилга кирди:

— Бу.. буни... сенга ким айтди, болам?

— Ҳув тунов мен билан ўйнагани келган қўшни болалар айтишди. Буни эшитиб акам ұам, менам жуда қаттиқ хафа бўлдик. Акам бошини ёстиққа босиб кў-ўп йифлади. Менам йифладим. Биласизми, дада, улар бизни роса камситишли, калака қилишли. Соқов дейишди, чўлоқ дейишди, ногирон дейишди... Ногиронлигимизнинг айбдори ким, дада? Шуни жуда-жуда билгим келаяти-да! Сиз буни яхши билсангиз керак-а, дадажон! Ахир сиз бизнинг дадамизсиз-ку!

Шамсиддин ҳанг-манг бўлиб қолди... Дили вайрон бўлди. Ўзини тутолмай, кўзларидан потирлаб ёш чиқиб кетди.

Дадасининг бу ҳолатини кўрган Шукрулло ажабланди:

— Нега йифлаяпсиз, дада? Сиз соппа-соғсиз-ку!

Шамсиддин ўғлига қараб «Менинг қалбим ногирон, юрагим ногирон, дилим ногирою» демоқчи бўлди-ю, ўзини зўрга тийди:

— Ўзим, шундай, ўғлим! Бир йиғлагим келди-да. Сен менга эътибор берма. Ўтиб кетади.

— Барибирам саволимга жавоб бермадингиз-ку, дадажон? Акам билан менинг айбимиз нима? Нега акам мендек яхши гапиролмайди-ю, мен эса акамдек оёқларимни ерга босиб юролмайман. Биласизми, дадажон, акажоним бир сўзни эплаб айтольмай дудуқланиб қолганида, ўзиям қаттиқ хижолат бўлади. Буни кўриб менам эзилиб кетаман! Акажонимга раҳмим келади-да! Соқовлиги учун мактабгаям боролмади. Менам боролмасам керак-а, дада, шундайми?.. Дадажон! Сиз ҳамма нарсани ўзим биламан дейсиз-ку. Ҳалиги саволимга жавоб бера қолинг. Ё берган саволим жуда ёмонми ё нотўғрими, дадажон?

Афсуски, норасида гўдакнинг саволига жавоб беришга Шамсиддиннинг кучиям, иродасиям етмади. У саволига жавоб кутиб, кўзлари мўлтирабгина ётган ногирон ўғлига қарай олмай:

— Ҳозир келаман... — деб шивирлаганча хонадан отилиб чиқиб кетди.

Шамсиддин тилимланган юрагида мислсиз оғриқ туйган кўйи қўшни хонага чопиб чиқди ва унсиз йиғлаганча ўзини диванга ташлади.

Аҳён-аҳёнда Шукруллонинг «Дада, дадажо-он!» деган чорлови эшитилиб қоларди. Аммо Шамсиддин ўрнидан турмас, тўғрироғи, туролмасди...

### Нега ташлаб кетдингиз...

Меҳрилдин ўрнидан туриб, қоронғилашаётган хонасининг деразасини очди ва тўртинчи қаватдан кунботар томонга беҳафсала назар ташлади. Кун бўйи ишлаб ҳориган қуёш ётоғига аста бош қўяётган эди. Йигит бу манзарага тикилиб турди-турди-да, ланжлигини тарқатолмай, яна ўзини диванга ўзини ташлади. «Уҳ» тортиб қўйгач эса яна ўйга толди: «Атиги бир балл етмади-я!.. Аксига олиб, бу йил абитуриентлар ҳам роса келишган экан-да менинг баҳтимга!..»

Унинг ўй-хаёlinи дадасининг «Меҳрилди-ин!..» деган жа-рангдор овози бузди. Йигит ўрнидан туриб, қўшни хонада «Кечки янгиликлар»ни томоша қилиб ўтирган дадасининг ёнига борди.

— Ўғлим, — деди Ортиқали ёнига келиб ўтираётган Меҳрилдинга қараб, — шунча ётганинг етар. Сени тушунаман. Лекин ўқишига киролмаслик фожия эмас. Сенга ўхшаганлар сон мингта. Вақти-соати келиб, ниятингта ҳам етарсан. Консерватория қочиб кетмайди... Бугун бозорда Ўринбой шоир билан Жобиржон устозингни кўрувдим. Улар сени кўп сўрашди. Ўглингиз бир телефон қилсин ёки уйимизга ўтсин, муҳим маслаҳатли иш чиқиб қолди дейишиди.

Бу гапни эшлитиб Меҳрилдиннинг куфтонлашган дили ёришди. Дардол хонасига ўтиб, қўл телефонидан Жобир устозини йўқлади. Ўринбой шоир ҳам шу ерда экан. Севиниб кетган Йигит уларнинг олдига учиб борди.

— Ижодкор одам ҳеч қачон тушкунликка тушмаслиги керак, — деб қолди Жобиржон гап орасида шогирдининг кўнглини кўтаришга ҳаракат қилиб. — Тушкунлик ёмон нарса. Шунинг учун бетиним ҳаракатда бўлиш шарт. Ҳаракат бу — ижод! Ижод — бу ҳаракат!.. Хуллас, гап бундай. Жаҳонгир aka деган тадбиркор ён қўшним бор. Шу одам билан бундан иккиси кун бурун уйимизнинг олдиди учрашиб қолдик. У киши: «Мен икки ҳафталардан кейин шаҳардаги «Меҳрибонлик уйи»га озми-кўп совға-салом улашмоқчиман. Байрам бўлгач, совға-саломимизни бир концерт дастури билан топширсак жуда яхши бўлармиди девдим-да! Шунга нима дейсиз, ука?» деб қолди. Нима дердим. «Айни муддао-да!» дедим сизларга ишониб. Нима дейсизлар? Аканинг олдиди уялиб қолмаймизми?

— Икки ҳафтада бир концерт дастурини бемалол тайёрлаймиз, — деди Меҳрилдин. — Ўринбой акам шеърларини, сиз мусиқаларини етказиб берсангизлар, буёғини ўзимиз олиб кетамиз.

Ўринбой шоир янги шеърлар ёзиб беришни бўйнига олди.

Репетициялар гоҳ Меҳрилдиннинг, гоҳ Жобиржоннинг уйида ўтказилиб турилди.

Белгиланган куни соат ўн бирларда Жаҳонгир тадбиркор болаларга совғаларни, Жобиржон эса Ўринбой шоир билан Меҳриддини олиб «Меҳрибонлик уйи»га боришиди.

Келишувга биноан аввал концерт дастури бошланди. Меҳриддин ўзи яқинда тузган «Меҳржон» дастаси чолғучилари кўмагида бир-биридан гўзал ашулаларни тўлқинлашиб куйлашга тушди.

Навбат учала ижодкор томонидан яқинда яратилган «Меҳрибонлик уйларининг болалари» қўшиғига келганда, зал жимиб қолди.

Меҳриддин янги қўшиғини берилиб куйладай кетди:

Софинчлардан қаср қурган қора қўзлар,  
Юрагингиз нотинчланиб нега бўзлар,  
Бу дунёда борми сизбоп юпанч сўзлар,  
Меҳрибонлик уйларининг болалари!..  
Дилимизни ўртар сизнинг кўздаги ёш  
Юрт меҳридир қалбингизда жўшган отаи,  
Хўп билингки, Ватан меҳри сўнмас қуёш,  
Меҳрибонлик уйларининг болалари!..  
Саждагоҳдек буюк она юртимиз бор,  
Бу юрт Сизни ҳеч нарсага қолдирмас зор,  
Арзир минг бор айласангиз сиз ифтихор,  
Меҳрибонлик уйларининг болалари!..  
Шу юрт, шу эл фарзандисиз — бу тенгсиз баҳт,  
Ҳеч шубҳасиз мустаҳкамдир сиздаги аҳд.  
Чунки сизда жўшиб туарар қудратли шаҳд,  
Меҳрибонлик уйларининг болалари!..  
Ушалгуси барча орзу-армонингиз,  
Энг муҳими ойдин йўлда карвонимиз,  
Бахтимизга омон бўлсин сарбонимиз,  
Меҳрибонлик уйларининг болалари!..

Кўшиқ тугаши билан зални «Кам бўлма!.. Умрингдан барака топ!..» деган олқишлилар ва гулдурос қарсаклар тутиб кетди.

Даврада бошловчилик қилаётган директор ўринбосари Сарвиноз Салимовна ўтирганларнинг ва меҳмонларнинг диққатини ўзига қаратди:

— «Меҳрибонлик уйи» мизда ҳам анчагина ёш қаламкашлар бор. Шулардан бири олтинчи синф ўқувчиси Садоқатой Қодировадир. У ҳозир ўзининг «Жавоб беринг, онажон!» деган ва болалар уйига ташлаб кетилган чақалоқлар тилидан ёзган янги шеърини ифодали ўқиб беради.

Зал яна жим бўлиб қолди.

Саҳнага оқ кўйлак, қора кофта кийган ўн бир-ўн икки ёшлардаги попукдек қиз чиқди-да, шеърини ёддан айта бошлиди:

Инга-а, инга-а, инга-ē,  
Не бўлди, она, сизга-ē?  
Аччиқ қилиб кимга-ē?  
Жавр қиласиз менга-ē.  
Ўзи қандай онасиз!!  
Нега мендан тонасиз?  
Қолдингизми чорасиз?  
Жавоб беринг, онажон.  
Бахтингизни олдимми?  
Керак бўлмай қолдимми?  
Сизга ташвиш солдимми?  
Жавоб беринг, онажон.  
Одаммисиз ўзингиз?!  
Панд бердими сўзингиз?  
Қайда эди кўзингиз?  
Жавоб беринг, онажон.  
«Йўқот!» дедими отам?  
Ё ўзга бир муттаҳам?!  
Борми счгувчи ҳакам?  
Жавоб беринг, онажон!  
Ажр бергувчи Оллоҳ,  
Нега гарифман, з воҳ!  
Ё мендами бор гуноҳ?  
Жавоб беринг, онажон!..  
Ўйлайсизми, бу не ҳол?  
Билолмасдан дилим лол.  
Яралдимми беиқбол?  
Жавоб беринг, онажон!

Дедингизми мени гунг?  
Тұлди-ку қалбимга мунг.  
Йиғлайнімү уззу күн?  
Жавоб беринг, онажон!  
Йұқми яшаңға ұақым?!

Болам деб турса ҳалқым!  
Қараб турмассиз, балким,  
Жавоб беринг, онажон!..

Қизалоқ шеърини ниҳоятда ҳаяжонланиб-энтикиб, арманы билан ўқиганы учунми ўтирганларнинг ҳам күнгилла-ри бўшашиб, беихтиёр кўзларига ёш келди.

Қўшиқлар-қўшиқларга, шеърлар-шеърларга уланиб на-  
вбат меҳрибонлик уйининг ҳаваскор қаламкашларидан яна  
бири бўлган саккизинчи синф ўқувчиси Абдухалил Дўстма-  
товга берилиди. Саҳнага оқ кўйлак, қора шим кийган, қора  
галстук тақсан ўн уч-ўн тўрт ёшлардаги жингалак сочли,  
хушбичим ўсмир чиқиб келди. У ўзи ёзган «Боласини таш-  
лаб кетган оналарга» деган шеърини ёддан ўқий кетди:

Нега ташлаб кетдингиз, айтинг?  
Фофил йўлдан ҳалиям қайтинг,  
Айтинг, ахир, айтинг сабабин,  
Жавоб беринг сўроғимизга,  
Фироқ қўшимай фироғимизга!..

Ё сўзимиз оғир ботдими?  
Дийдангизга тошдек қотдими?  
Бизларсиз ҳам ҳаёт тотлимиси?!  
Жавоб беринг она бўлсангиз,  
Сиз шунчалик доно бўлсангиз!..

Сизга фарзанд шунчалар ётми?  
Боласиз ҳам ҳаёт ҳаётми?!

Бола боқиши сизга уятми?  
Жавоб беринг онасиз, ахир,  
Не қиласайлик биз болапақир?!

Юрагимиз бус-бутун ғусса,  
Излайсизми бўйимиз ўсса?  
Онамисиз ўзи, алқисса?!

Жавоб беринг энди сүз сизга,  
Тұғри қараб күзларимизга!  
Сүзни бурмай ҳақ сұзланг фақат,  
Ноңақлилекка бизда йүқ тоқат,  
Балки сизде баҳона қат-қат?!  
Дилимиизда қолмасин алам,  
Ҳақлимисиз демоққа «Болам!»

Жаңонгир тадбиркор шеърдан қаттиқ таъсирланиб кетди шекилли, саңнага отилиб чиқди ва шеър үқиган болани даст күтариб бағрига босгач, пешонасидан үпіб, құлиға соат тақиб қўйди. Зални яна гулдурос қарсаклар тутиб кетди.

«Меҳрибонлик уйи»нинг ёш қаламкашлари үқиган шеърлар негадир ҳаммадан ҳам күпроқ Меҳриддиннинг юрагини ларзага солғанди. Шунинг учун у иккала ёш ижодкорнинг шеърларидан бир нусхадан олди-да, устози Жобиржондан шуларга мусиқа басталаб беришни илтимос қилди. Жобиржон ҳеч иккиланмай ўз розилитини билдириди.

Жаңонгир тадбиркор ёрдамчилари күмагида зални тўлдириб ўтирган болаларга байрам совғалари улашиб чиқди...

### Фавқулодда учрашув

Бўйи чўзилиб, кўзга ўқин бўлиб қолган, ҳусн-жамоли яна-да очилган Гўзалой ўнинчи синфни битирди-ю, ҳужжатларини Тошкент иқтисодиёт университетига топширди. Омади келиб үқишга кирди. Университет ётоқхонасига жойлашиди.

Ҳаёти шу зайлда бир текис кетаётган эди. Қаёқданам бир танишининг шаҳардан четроқдаги уйида турадиган Ойсу-лув дугонасининг туғилган кунини нишонлашга борди-ю, ҳаёти кутимаганда остин-устун бўлиб кетди.

Шанба куни эди. Ётоқхонадаги ҳамхонаси Шаҳлониям эргаштириб олганди. Ойсулувнинг туғилган кунига қайси-дир колледжа ўқийдиган Айвар деган синфдоши ҳам чақирилган экан. Уяни бир шаҳарлик жўрасини бошлаб келибди.

Сустлик билан бошланган, уч қиз ва икки йигитдан иборат ўтириш аста-секин қўр олди. Аввал қадаҳларга шампан виноси қуйилди. Буни кўриб Гўзалойнинг эти жимиirlаб кетди, кўнглига ғулғула тушди.

Ўтиришни Анварнинг таклифи билан ўзини Дилшод деб таништирган, кўзлари ўйнаб турган сўзамол шаҳарлик йигит олиб борди. У биринчи қадаҳ сўзини Гўзалойга берди. Қиз қисиниб-ийманиб дугонасига узоқ умр ва баҳтли ҳаёт тилади. Ҳамма ўрнидан турди. Қадаҳлар жаранглади. Гўзалой ўрнига қайтиб ўтиаркан, ичмаслигини айтиб, қўлидаги қадаҳни дастурхоннинг бир четига аста суриб қўйди. Йигитлар шу ондаёқ қадаҳларини бўшатишди. Ойсулув Гўзалойни қистовга ола бошлади:

— Дугон, энди ёш бола эмассиз-ку? Мен учун ҳеч бўлмаса бир қултумгина ичинг. Бу билан маст бўлиб қолмассиз, ахир.

Гўзалой қизариб-бўзариб, ичида «Бекор келибман!» деб қўйди-да, ноилож қадаҳни қўлига олиб, умрида биринчи ма-ротаба бир қултум шампан ичганди, томоғини куйдириб ўтган газ аралашган аччиқ суюқликдан юзи буришиб кетди. Йигитлар қарсак чалиб, қизни олқишилаб қўйишиди. Бу нарса ўтириш давомида икки-уч марта тақрорланди.

Ўтириш қизиб, ўйин-кулги авжига чиқди. Тунги соат ўн бир яримларда уй згасининг аралашуви билан ўтиришга якун ясалди.

Ойсулув меҳмонларни бекатгача кузатиб қўяркан, йигитларга қизларни ётоқхоналаригача элтиб қўйишини илтимос қилиди-да, қалин кийиниб чиқмагани учун автобус келишиниям кутмай уйига жўнаворди.

Бу ер шаҳардан анчагина четроқда бўлгани учунми, автобус келавермади. У ер-бу ердаги симёғочларда помидордек қизариб турган яккам-дуккам лампочкаларнинг ёғдуси нимжон ва кучсиз, атроф эса қоронғи ва аёзли эди.

Ундан-бундан гаплашиб турган йигитлар ҳам совқотиб, ҳам зерикишди шекилли, қизларга тегажоқлик қилишга ўтишиди. Бу борада, айниқса, Дилшод ўзини жуда бўш қўйиб юборди. У Гўзалойнинг пинжига суқилишга уринаркан, қизнинг:

— Кўйинг, ўзингизни босинг, уят бўлади! — дейишларигаям парво қилмасди.

Аксинча, Дилшод Гўзалойнинг белидан қучиб, юзидан ўпмоқчи бўлди. Жаҳли чиққан Гўзалой йигитни кўкрагидан итариб юборди. Буям Дилшодга кор қилмади: хирапашшадай яна Гўзалойнинг ёнига келиб олди.

Гўзалой тескари ўтирилди.

Анвар эса Шаҳлони аврашга ҳаракат қилар, лекин бунинг уддасидан чиқолмай гарангсиб, сигаретга зўр берарди.

Қизларнинг қўрқувга тўла ёшли кўзлари йўлда эди. Шу орада бир-иккита енгил машина Шаҳлонинг жон алпозда қўл силкишларигаям эътибор бермай зувиллаб ўтиб кетди.

Ўтиришдаёқ Гўзалойнинг тип-тиниқ, лўппи юзига, ақиқдай гунча лабларига, оҳу кўзларига, қоп-қора қайрилма қошларига, ипакдек майнин соchlарига суқланиб қараб-қараб қўяётган, тамшаниб «Бу хилқат тозаям оғатижон экан-ку!» дея хаёлидан ўтказиб қўйган Дилшод тўсатдан қизнинг орқасидан келди ва чапдастлик билан энгашиб унинг юзидан ўпидиб олди. Гўзалой орқасига шашт билан ўтирилди-да, қилган ишидан мамнун бўлиб, ишшайиб турган Дилшоднинг башарасига тарсаки тортиб юборди:

— Беномус, аҳмоқ! Бу нима қилганинг?! Сен мени ким деб ўйлаяпсан?

— Ўл-а, Дилшод! — хахолаб кулиб юборди Анвар. — Ҳолинг шуми, йигитнинг гули! Баттар бўл-э!

Жаҳли қўзиган Дилшод Гўзалойга нафрат билан қараган кўйи аста-секин яқинлаша бошлади:

— Шунга шунчами? Жа ошириб юбормадиларми, ойим-қиз?

— Яқинлашма!

— Хўш, яқинлашсам қўлингиздан нима келади? Ҳолингизни билинг, хонимча. — Дилшод ҳадиксираб турган Гўзалийни чапдастлик билан маҳкам қучоқлаб бағрига тортиди ва юзига юзини қўйди. — Ҳали мен сенга ит бўлиб қолдими? Итлигимни қўриб қўй!

— Шаҳ-ло-о!.. — танг ҳолда қолган Гўзалий жони борича ҳайқирди: — Йўлга чиқ, машина тўхтат, ёрдамга чақир! Бўл тезроқ, ду-го-о-он!..

Довдираб қолган Шаҳло йўлга югурмоқчи бўлган эди, Анвар унинг кўйлагининг этагидан ушлаганча «Қимирлама!» деб ўшқирди.

Шаҳло бир юлқиб кўйлагининг этагидан йигитнинг қўлини узди-да, чайқалиб кетган Анварнинг кўкрагидан зарб билан итариб юборди. Анвар ўмбалоқ ошиб ўриндиқнинг орқасига қулаб тушди.

Шаҳло югуриб кўчага чиқди ва шу томонга тез келаётган машина йўлида туриб олди.

Гўзалой эса Дилшоднинг ўзининг кўкракларида ўйноқлаётган қўлини жон аччиғида тишлаб олди. Дилшод «Вой!» деганча қизни силтаб ташлади. Гўзалой орқаси билан гандира克拉б бориб бошини устунга қаттиқ уриб олди-ю, ерга гуп этиб қулади. Қиз ҳушидан кетган эди.

Айни шу пайт чийиллаб келиб тўхтаган «Тико» ҳайдовчисига Шаҳло ялиниб-ёлворарди:

— Акажон, ёрдам беринг! Тезроқ бўла қолинг! Анув йигитлар дугонамни қийнашайти...

Қоронғида юз-кўзлари аниқ кўринмаса-да, савлатли эканлиги кўриниб турган ҳайдовчи йигит машинадан отилиб тушди-да, ерда ётган Гўзалой устига энгашганча бир нималар деб валдираётган Дилшоднинг елкасидан тортиб ўзига қаратиб олди.

— Кучинг қиз болага етдими? Номард!

Ҳайдовчи йигит Дилшоднинг қорнига бир мушт туширди.

Дилшод «Воҳ» деганча ялпайиб ўтириб қолди. Ўрнидан туриб келаётган Анвар йигитнинг бу зарбини кўриб қолдию, шу ондаёқ қуён бўлди.

Гап нимадалигини тушунди шекилли, халоскор йигит Шаҳлога қараб:

— Машинага чиқинг, — деди.

Сўнг ўзи ҳушсиз Гўзалийни аста кўтариб, орқа ўриндиқча ётқизаркан, қизнинг бошини Шаҳлонинг оёқлари устига қўйди.

Машина оҳиста йўлга тушди.

— Ака, дугонамнинг боши қаттиқ шикастланганга ўхшайди, — деди Шаҳло Гўзалийнинг бошидаги қонни кўриб. — Буни ҳозироқ балнисага обормасак бўлмайди-ёв...

— Албатта, оборамиз, — деди йўлдан кўз узмаган кўйни машина тезлигини оширган ҳайдовчи.

— Кечирасиз, акажон, исмингиз...

— Меҳриддин, сизники-чи?

— Шаҳло.

— Дугонангиз...

— Гўзалой.

— Ярим кечада, шаҳарнинг бир четида, бунинг устига шундай совуқда нима қилиб юрибсизлар, синглим?

— Гўзалойнинг шу маҳаллада турадиган бир дугонасининг туғилган кунига келувдик. Анави йигитлар бизни ётоқхонамизга элтиб қўйишлари керак эди. Бироқ... Айниқса Дишод дегани жуда шилқим экан. Гўзалойга ёпишиб олди. Дугонам ҳам анойилардан эмас-да. Дишоднинг юзига яхшилаб тарсаки тушириди. Шундан сўнг тўполнон бошланди. Яхшиям сиз келиб қолдингиз, ака. Бўлмаса, билмадим, ҳолимиз не кечар эди?

Ҳа, бу бизга таниш Меҳриддинжон эди.

Омади чопиб, шу йили у консерваторияга ўқишга кирди. Айни чоғда йигит оёқ-бели оғриб шифохонада ётган онасига отасининг Ургут туманидаги бир яқин танишидан бўрсиқнинг шифобахш ёғини олиб келаётган эди.

Меҳриддин узоқ йўлдан ҳориб келаётганига қарамай, Гўзалойни шу атрофдаги касалхонанинг жарроҳлик бўлимига ётқизди. Шаҳло дугонасининг ёнида қолди.

Бу билан ҳам кифояланмаган йигит Гўзалойни даволаш учун зарур бўлган дориларни тунги дорихонадан ўз пулига келтириб берди. Унинг ҳимматини кўрган Шаҳло нима деб миннатдорчилик билдиришни ҳам билмай қолди.

Гўзалой чошгоҳ маҳал ўзига келиб, кўзларини очганида, ёнида йигирма ёшлардаги нотаниш йигит ўтирганини кўрди.

— Қандай, синглим, энди яхшимисиз? — деди йигит илиқ табассум билан.

Гўзалой шунча ўйлаб кўрсаям, бу кўркам йигитни танимади. Аммо унинг қиёфаси жуда-жуда таниш эди. Жудаям таниш. Шунинг учун очиғига кўчди:

— Раҳмат, ака. Лекин... узр ака, сизни танимайроқ турибман. Менга нима бўлди ўзи? Яхши эслолмаяпман. Сиз бу ерда нима қилиб ўтирибсиз? Ё врачмисиз, ака?

Худди шу маҳал хонага узун бўйли, озғин, ўрта ёшлардаги қўнғиз мўйлов врач билан таранг юзидан қон томиб турган ҳамшира кириб келишди.

Меҳридинн уларни салом бериб кутиб олди.

— Бу йигитнинг кимлигини биласизми? — дея дўхтирилик олгандан кейин Гўзалойга қаради. — Сизнинг халоскорингиз шу йигит бўлади. Яхшилаб танишиб олдиларингизми?

— Гўзалой ўзига келиб олсин-чи. Танишиш қочмас. Энди синглиmis согайиб кетгунча бир оёғимиз шу ерда-ку, дўхтирика! — деди Меҳридинн ҳазил-чин аралаш.

Дўхтири жилмайиб қўйди:

— Ҳа, шундай бўлсин.

Гўзалой ҳам ширингина жилмайди.

Дўхтири Гўзалойнинг ёнига ўтиб, ундан ҳол-аҳвол сўради.

— Бироз бошим оғрияпти, — деди Гўзалой бошини ушлаб.

— Кечирасизлар, — дея Меҳридинн эшикка йўналди.

— Узоққа кетиб қолманг, ука. Керак бўлиб қолишингиз мумкин, — деди дўхтири Гўзалойнинг бошидаги жароҳатни кўраётиб.

— Шу ерда бўламан, ака. Сизларга ҳалақит бермайин деяпман-да.

Дўхтири Меҳридинга янги дори-дармонлар рўйхатини берди.

Меҳридинни Гўзалойнинг нимасидир сеҳрлаб қўйгандай эди. Шунинг учун йигит бу қизнинг соғ-саломат оёққа туриб кетишини истаб тинмай елиб-юргурди. Гўзалойга қанча дори-дармон керак бўлса, ҳаммасини олиб берди. Бундан ташқари қизни ҳар куни турли сархил мева-чева ва тансиқ таомлар билан сийлаб турди.

Гўзалой ҳам шу ҳақда ўйлаганида йигитнинг олижаноблигидан ҳайратга тушар ва бу меҳрибонликнинг сабабини ўйлаб ўйига етолмасди.

Бир куни Гўзалой дилини ёрди:

— Сизга минг раҳмат, Меҳриддин aka! Менга қилган шунча хизматларингиз ва ҳимматларингиз учун сизга қанча миннатдорчилик билдирсам, шунча кам. Бироқ мени кўп хижолатта қўйяпсиз-да. Энди бундай қилманг. Хўпми? Ахир сизнинг ҳам оиласангиз, бола-чақсангиз бордир. Ҳамма пулингизни мен учун сарфласангиз, уларга нима дейсиз?

— Сиз ҳечам хижолат бўлманг, Гўзалой. Мен қип-қизил бўйдоқман. Ё мен уйланган, бола-чақали катта ёшдаги одамга ўхшайманми?

Гўзалой кулимсиради:

— Йўғ-е! Уэр. Мен сизга унақа демоқчи эмасдим.

Шу билан уларнинг гапи гапига қовушиб кетди.

— Сўрасам бўладими, Гўзалой, қаерда ўқийсиз?

— Иккисинада ўн普遍итетининг биринчи курсида. Сизчи?

— Консерваториянинг биринчи курсида.

— Санъаткормисиз? Тор чалиб қўшиқ айтасизми?

— Ҳа.

— Қандай яхши!.. Мактабни битирганингизга неча йил бўлди?

— Икки йил.

— Мендан икки ёш катта экансиз. Тошкентликмисиз?

— Ҳа. Сиз-чи?

— Навоийликман.

— Ота-онангиз нима иш қилишади?

— Дадам бухгалтер. Ойим уйда. Сизникилар-чи?

— Менинг дадам ҳам, ойим ҳам бухгалтер бўлиб ишлашган. Ҳозир иккаласиям пенсионер, лекин бекорчиликдан иш яхши деб, ишлашади.

— Демак, соғликлари яхши.

— Худога шукр, шундай. Ойимнинг сал бели, оёқлари оғриган эди. Даволатаялмиз. Тузалиб қолди.

— Қандай яхши. Ҳамиша соғ бўлсинлар.

— Гўзалой, ётганингизни ота-онангизга айтиб, уларни безовта қилиб юрманг. Мана, соғайиб ҳам қолдингиз. Бугун эрталаб врачингиз билан гаплашдим. Яна икки-уч кун-

дан кейин ҳеч нарса күрмагандек бўлиб кетаркансиэ. Ташвиш тортманг. Барча дори-дармонларингизни врачингизга бериб қўйдим. Бироқ хижолат бўлишилик йўқ!.. Кўнглингизга оғир олманг-у, назаримда, сизни менга худонинг ўзи етказганга ўхшайди. Сиздан минг бора узр сўраб, чин сўзимни айтсан... Хуллас, ўша кундан бери ёнингизда парвона бўла-вериб, сизни севиб қолганга ўхшайман.

Гўзалой уялиб юзини болиш остига яширди:

— Акажон, мени хижолатга қўйманг. Сизни ака демоқчи эдим. Эндиғина танишдик-ку...

— Балки сизам бир куни менинг ҳолимга тушарсиз.

Гўзалой ҳаяжонланиб кулди.

— Балки...

Шу пайт эшиқдан Ойсулув билан Шаҳло кириб келишиди. Мехриздин салом-алиқдан сўнг залга чиқди.

Ҳол-аҳвол сўрашиб бўлиши билан Ойсулув Гўзалойга ёпишди:

— Суқимиз тегадиям демайсиз-а! Бу кўзга яқин йигитингизга кўзмунчоқ тақиб қўйдингизми, ишқилиб. Ҳушёр бўлинг. Пана-пастқамда бошқаси илиб кетмасин тағин.

Гўзалойнинг олдида ўзи шундоқ ҳам Ойсулувнинг айби етарли эди. Шунинг учун унинг ҳозирги ҳазилиям Гўзалойга ботмади:

— Сиз мени кўргани келди, десам, кесатгани, устимдан кулгани келган экансиз-да! Ўзингиз бир ҳафта деганда зўрга қорангизни кўрсатиб ўтирибсиз-у. Яна менга нима демоқчисиз? Аслида сиз ёнимга биринчи бўлиб келишингиз керак эди. Ё йўқми? Сиз бўлсангиз, бизни қаёқдаги бўриларга топшириб қўйиб, энди уларнинг чангалидан қутқарган инсоннинг устидан кулиб ўтирибсиз!

Ойсулув дугонасининг гапини яна ҳазилга бурди:

— Шундай йигитнинг менга парвона бўлишини билсан борми, ўша оқшом ўзимнинг бошимни ўзим уриб ёрадим.

— Шунақанги бачкана гапларингизни қўймадингиз-қўймадингиз-да, — орага қўшилди Шаҳло. — Нима қиласиз бўлар-бўлмас гапни вайсаб. Гўзалойга ҳозир тинчлик керак. Раҳмат денг Гўзалойга. У ўша шилқим танишла-

рингизни милицияга ёзиб бермади. Тойиб кетиб йиқишилаб тушдим, деб қўя қолди. Бу яхшиликниам билинг-да. Сизни ўйлаб индамай турибмиз. Бегона бўлганда кўтардингиз ҳолингизни.

Гўзалой кўрпасига ўраниб, тескари қараб ётиб олди. Ойсулув мулзам бўлиб қолди. Сўнг ўзини тутиб олиб, ҳеч нарса бўлмагандай ҳазиллашиб хайрлашмоқчи бўлди:

— Майли, дугонажонлар, сизлар яхши, мен ёмон, сизлар дону, мен сомон. Қайдা юрсак, азизлар, кўришайлик соғомон!..

### «Гуноҳ»

Ўзига парвона бўлиб юрган Меҳриддинга кўпдан бери кўнгли бўлса ҳам Гўзалой буни сир сақлашни эплаб келарди. Вақт ўтган сайин қиз кўзга яқин бу йигитга тамоман ипсиз боғланиб қолаётганини аниқ ҳис эта бошлади. Меҳриддин ҳам бу борада ундан ўтса ўтардики, бироқ қолишмасди. Энтикиб, ҳаяжонланиб учрашганларида эса уларнинг суҳбатлари ҳеч адo бўлмасди. Бир-бирига термулишиб, хайрлашгилари келмай сўзлашаверишарди-сўзлашаверишарди.

Улар бир-бирларига жуда-жуда эътиборли ҳам эдилар. Ҳар байрамда Меҳриддин қизга, албатта, ноёб совға ҳадя этиб чарчамасди. Гўзалойнинг туғилган кунида эса Меҳриддин унга янги русумдаги қимматбаҳо қўл телефонини совға қилди.

Шунда беҳад қувониб кетган Гўзалой:

— Сизга қойилман! Шундай телефоним бўлишини орезу қилиб юрганимни қандай била қолдингиз!.. — дея Меҳриддиннинг юзидан ўпиб олган эди.

Гўзалой гўё Меҳриддинни кўп йиллардан бери биладигандек эди. Ўйлай-ўйлай бунинг сабабини ўзича тусмол қилди: Меҳриддиннинг кўз қарашлари, қомати, юз тузилиши, айниқса қуюқ қалин қошлари, мўйлови дадасининг ёшлик йилларида тушган суратини эслатарди.

Ёзги имтиҳонлар давом этаётган кунларнинг бирида Меҳриддин Гўзалой билан ётоқхона олдида учрашганлари маҳал гап орасида яқинда шаҳар четидаги баҳаво жойдан

далаҳовли сотиб олишганларини айтиб қолди. Йигит далаҳовлини роса таърифлади.

Мөхриддин далаҳовлида оғизга солса зриб кетадиган болдан ширин меваларнинг фарқ пишиб турганини, бравж ўсаётган турфа ранг гулларнинг беқиёс муаттарлигини, танга роҳат бағишловчи сауна ва бассейннинг барча қулайликларини, ёнгинасида анҳор тўлқинланиб оқишини шундай чиройли қилиб гапириб бердикি, Гўзалой маҳлиё бўлди-қолди. Қизнинг ҳозироқ бундай жаннатмонанд гўшага боргиси, таърифи келтирилган барча қулайликлардан баҳраманд бўлгиси келиб кетди.

— Узоқмасми? — деб сўради Гўзалой иштиёқ билан. — У ерда бирон кипи турадими?

— Узоқмас. Бу ердан атиги ўттиз беш-қирқ километрча бор. Бирон ҳафтадан кейин уйдагилар бориб бирор ойча туришади, мева-чеваларни йиғиштиришади. Шунгача қўни-қўшиларимиз қараб туришади. Нима дейсиз? Бугун шанба, эртага дам олиш. Имтиҳонлар ҳам роса чарчатгандир. Хўп десангиз, бугуноқ далаҳовлимизга бориб, бир мириқиб дам оламиз, саунага тушамиз, анҳорда маза қилиб чўмилимиз, — дея ҳазил-чин аралаш гап қилди Мөхриддин.

— Роса боргим келаяпти-ю, бироқ... — эркаланди Гўзалой.

— Нима бироқ?

— Саунага тупшишни, бассейнда чўмилишни билмайманда, қандай бўларкин?

— Ҳеч қийин жойи йўқ. Гап хоҳишда! Хўп десангиз ҳам-маси жойида бўлади.

— Калити ҳозир ўзингиздами?

— Албатта-да. Машинада турибди.

— Кечгача қайтиб келамиз-а?

— Борайлик-чи, кўрамиз-да.

Ҳазилининг чинга айланавтганини кўрган Мөхриддиннинг юраги тўлқинланиб кетди.

Гўзалой ётоқхонасига кириб, кийимларини алмаштириб чиқди. Қиз жойлашиб ўтириб олиши билан яшил «Тико» йўлга тушди.

Меҳридиндик йўлдаги дўконларнинг бири олдида тўхтаб ҳар хил егулик-ичкилик, ноз-неъматлар ва иккаласи учун чўмилиш кийимларини сотиб олиб, машинасининг ортига жойлаштириди.

Улар далаҳовлига яқинлашганларида кун обдон қизиган эди. Атрофни ўраган ям-яшил дарахтлар куй тинглашаётгандай сукут сақлаб, солланиб туришарди. Бир-биридан чиройли қушлар кўкда жуфт-жуфт бўлиб қувлашма-чоқ ўйнашмоқда. Тўлқинланиб оқаётган анҳорнинг ёйиқроқ жойида беш-олтита ўн-ўн икки ёшлардаги болалар бақиришиб-қувлашиб чўмилишмоқда.

Гўзалой кўркам манзарага завқланиб боқаркан:

— Қандай гўзал жойлар экан-а! — деди ҳайратланиб.

— Ҳали бу ҳаммасимас, — деди кўк рангдаги темир дарвозани очиб, машинани ичкаридаги ҳавоза остига қўйишга тайёрланадиган Меҳридин, — ҳовлимиз бундан ҳам ажойиб. Қани, ичкарига марҳамат қилинлар, хоним!

Гўзалой хуш кайфиятда ичкарига кирди. Меҳридин ўзи олиб келгани егулик-ичкиликларини совутгичга, кийимларини эса меҳмонхонасидаги шифонерга жойлаштириб, газга чой қўйиб чиққанида, Гўзалой боғдаги серҳосил мевали дарахтларни, камалакранг сувлари кўкка шовуллаб отилиб тушаётган мармар фавворани, тилларанг узумлари шашқатор осилиб турган ҳавозани, юзида қуёш нури акс этиб жилвалиниб турган бассейнни тўймай томоша қилиб юради.

— Қалай, ёқдими?

— Асти сўраманг! Қувончимни ичимга сифдиролмаяпман! Зўрданам зўр экан! Қойил, Меҳридин ака! Янги-янги қўшиқларингизни энди шу ерда ижод қиласиз-да? Ҳақиқий илҳомбахш жойлар экан! Сизга шундай далаҳовлини олиб берган дадангизнинг ҳам диди зўр экан! Дадангиз билан қанча фахрлансангиз арзиди!

— Бўлмасам-чи!.. Энди хўп десангиз, амалий ишга ўтайлик. Қоринлар ҳам пиёзнинг пўсти бўлиб кетди-ёв! Сиз — меҳмон, мен эса мезбон. Шунинг учун Гўзалой, ҳеч қисинмай айтаверинг. Кўнглингиз нимани тусайди: ошми, жўжа кабобми ёки товуқ шўрвами?

Гүзалой жилмайды:

— Нима, Мәхриддин ака, қозонингиз биттами?

Иккаласининг жарангдор кулгуси ҳовлини тутди.

Бир қозонда товуқ шүрва, иккинчисида ош тайёрлашди. Орадан бир ярим соатлар ўтиб шүрва ноз-неъматларга тұла дастурхонга тортилди.

Мәхриддин совутгичдан бир шиша ароқ билан бир шиша шампан виносини олиб дастурхонга қўйди.

— Шуни очманг, — деди Гүзалой шишанинг тиқинини олаётган Мәхриддинга эркаланиб қараб.

— Нега? — ҳайрон бўлди Мәхриддин.

— Йўлда милиса кўп экан. Тағин улар сизга хиалик қилиб ўтиришмасин.

Мәхриддин хандон отиб кулди:

— Ундоқ бўлса, мен учун ҳам сиз ичасиз-да бугун.

— Умуман ичмайлик демоқчи эдим.

— Йўқ, бунақаси кетмайди. Ахир сиз бу кулбаи хонадонимизга биринчи марта қадам ранжида қиласяпсиз-ку. Бундан ташқари, далаҳовлини нишонлашимиз ҳам керак. Шундай ажойиб кунда мен сизни кўнглимдагидек кутолмасам нима деган одам бўламан? Мәхмонини яхши кутолмаган мезбон мезбонми? Тўғрими?

— Ишқилиб гап топасиз-да!..

Мәхриддин торини олиб, қулоқларини бураб созлагач, муҳаббат ҳақида битта қўшиқ куйлади. Шундан сўнг Гўзалойнинг кайфияти янада кўтарилиб кетдию, эзгу тилаклар айтиб юборганинням, Мәхриддин билан чўқишириб бирин-кетин икки пиёла шампан виносини ичиб юборганинням билмай қолди.

— Бассейнга тушиб бир мазза қилиб келмаймизми? — деб қолди Мәхриддин хуш кайфиятда ўринларидан туришаётгандарига. — Еган-ичганимиз ҳам тезгина ҳазм бўларди шу баҳонада.

— Уяламан-да. Чўмилиш кийимларимни олмагандим.

— Бу томондан ғам еманг, хоним, — Мәхриддин ўзи келтириб қўйган чўмилиш кийимлари солингган халтачани шифонердан олиб Гўзалойга узатди. — Мана буларни сизга

atab olganman, ichida sochiqiam bop. Mana bunisi mеники.  
Сиз шу ерда кийиниб олинг, мен нариги хонага ўтаман.

— Мунча пишиқ бўлмасангиз, — деди Гўзалой ёйилиб кулиб. — Унда сиз дарров чиқа қолинг.

Гўзалой чўмилиш кийимларини кийиб олгач, гоҳ сийнабандли дуркун кўкракларини, гоҳ энсиз, кичкина лозимчалининг олдини қўллари билан тўсганча минг бир истиқола билан бассейнга яқинлашди. Узунлиги ўн, эни уч ярим метрлар келадиган илиқ сувли бассейнда Меҳриддин роҳатланаб, сувни чайқалтириб-чайқалтириб чўмилмоқда эди.

— Уяляпман, бир пас тескари ўгирилиб туринг, — деди Гўзалой ўзига сукланиб қараётган Меҳриддинга. — Сув соvuқмасми?

— Совуқмас-у, лекин ичида балиғи борга ўхшайди. Балиқдан қўрқмайсизми? — гапни ҳазилга бурди Меҳриддин.

— Ҳақиқий балиқдан қўрқмайман-у, бироқ сиздан...

— Қўрқаман демоқчимисиз, — яна хандон отиб кулди Меҳриддин. — Мен наҳангмас-ку, ютиб юборадиган. Туша қолинг энди. Сувниям, бассейнният чанқатвордийиз.

— Ие, булар ҳам чанқайдими?

— Бўлмасам-чи!

— Ундоқ бўлса, тушганим бўлсин.

Меҳриддин тескари ўгирилиб турди. Гўзалой сувга сакраб тушди.

Қиз бассейннинг бир чеккасида кўзлари порлаб турар, шишадек тиниқ сув унинг оппоқ танасини, олмадек бўртиб турган сийналарини кўз-кўзларди. Бу ҳолатта кўзи тушган Меҳриддин ўзини тутиб туролмади. Қулоч отиб сузиб келиб, қизният сузишга унлади. Гўзалой шодон кулганча сузиб қочди. Меҳриддин уни қувди. Бир-бирининг яланғоч танасига тез-тез сукланиб қараб қўяётган йигит билан қиз гоҳ ачомлашиб, гоҳ бир-бирига сув сепишиб кулишарди. Меҳриддин ҳазил-ҳузул билан Гўзалийнинг сув томчилари юваётган қирмизи яноғидан ўпич олиб қочди. Бу ўта ҳаяжонли, ошиқ қалбларни ларзага солувчи эҳтиросли ҳолатлар ана-мана дегунча икки-уч марта ростмана такрорланди. Гўёки ўпичдан уларнинг бир-бирига бўлган муҳаббатлари янада куч олди.

Икки соатлар чамаси чўмилишганидан сўнг қиз билан йигит кийинишиб, яна у-бу нарса еб-ичиб олишга ўтирилар. Ўтириш энди ўзгача тус ола бошлиган эди. Улар бир-бирларига хумор-хумор термулишиб ўтириб, кайфлари ошиб қолганиниям, куннинг намозшомга алмашганиниям сезмай қолишиди. Меҳриддин тор чалиб қўшиқ куйлади, Гўзалой ноз ила рақсга тушди. Улар тун бўйи шу ерда қолиб кетдилар.

...Гўзалой эрталаб ўрнидан ҳолсизланиб турди-ю, ногоҳ ўзининг қаерда, қай аҳволда ётганини кўриб даҳшатта тушди. Оёқларидаги ва кўрпадаги қон доғларига кўзи тушганида эса кўзлари алам ёшига тўлди. Танасидаги оғриқлар юрагига ханжардай суқилди. Сўнг дод солиб йигланча ёнида яланғоч ҳолда мук тушиб ухлаётган Меҳридиннинг елкасига муштлай кетди:

— Қилғиликни қилиб қўйиб, индамай ётишини-чи бу одамнинг!.. Сизни нима бало урди?.. Энди нима қиласман?.. Отам мени тириклайн осади энди!.. Эй худо, мен сизга нима ёмонлик қилувдим? Бу не кўргилик?..

Меҳриддин чўчиб уйғонди. Гўзалойнинг ҳолатига кўзи тушиб довдираб қолди. Гап нимада эканини тушунган заҳоти чала-чулпа кейинди-да, ҳаммомга югурди. Қайтиб келиб, Гўзалойниям мажбуран ҳаммомга элтди, мажбуран ювингирди.

Гўзалой турсаям, ўтирасаям «Ўзимни ўлдираман!» деб фарёд уради. Қизнинг зорланишларини кўриб Меҳриддиннинг юрагиям қон бўлди.

То Гўзалойни ўзининг сўзларига ишонтиргунча йигитнинг она сути оғзидан келди.

Гўзалой сал шаштидан тушгач, Меҳриддин жиддий тарзда деди:

— Бўлар иш бўлди, Гўзал! Оҳ-воҳдан энди фойда йўқ. Сиз бир нарсани яхшилаб тушуниб олинг. Мен буни қасдан қилганим йўқ. Тўғрими? Йигитчилик-итчилик дегани шу бўлса керак. Сўзим — сўз. Айтди-қўйди деманг. Сизга уйланаман!.. Бунгаям ишонмасангиз, шу бугуноқ никоҳдан ўтиб қўйишпимиз ҳам мумкин. Нима қилай, кайф устида... Менинг мақсадим бу эмасди?

Гўзалой кўз ёшларини артди.

— Мақсадингиз нима эди?

— Мақсадим уйингизга совчи юбориш, ота-онангизнинг розилигини олиш, сизга чиройли тўй қилиб уйланиш эди.

— Энди... энди тўйимиз бўлмайдими? — ҳадиксираб сўра-ди қиз.

— Нега бўлмас экан? — кулиб юборди Меҳриддин ва қиз-нинг бурнидан чимчилаб қўйди. — Вой жиннивой-ей. Сиз хоҳласангиз, эртагаёқ уйингизга совчи юбораман.

— Сизнинг ота-онангиз нима дейди? Улар бунга рози-лик беришармикан?

— Мен ота-онамга ишонаман. Менинг хоҳишимга улар ҳечам монелик қилишмайди.

— Шунга сиз қаттиқ ишонасизми?

— Албатта-да. Чунки улар менга сени ўзинг хоҳлаган қизингта уйлантирамиз дейишган. Мен сизни севаман. Бу ҳақиқат. Шунинг учун сиз ҳеч қўрқманг. Ота-онангиз рози бўлса бўлди. Шу куниёқ тўй қиласиз, уйимизнинг ёнидаги катта ресторонда. Бу менинг йигитлик сўзим, Гўзалой! Яна бир гап. Бу кўрпа-тўшакни шундайлигича яхшилаб яшириб олиб қўямиз, керак пайтида кўрсатилади. Тушундингизми?

Бу пишиқ-пухта гапни эшитиб, Гўзалойнинг кўнгли яна-да ёришгандай бўлди.

Гўзалой идиш-товоқларни ювиш учун ташқарига чиқа-ётганида Меҳриддиннинг қўл телефони жиринглади. Йигит митти экранчада дадасининг раҳами чиққанини кўрган за-ҳоти шоша-пиша телефонини қулоғига тутди.

— Ассалому алайкум, дада, эшитаман... Тинчлик, дада. Кеча дачадан бир хабар олай деб келувдим. Чарчаган экан-ман. Ётиб қолдим... Бирон соатларда уйга етиб бораман, худо хоҳласа... Ҳечам хавотир олманг. Ҳаммаси жойида... Хўп, дада...

Гўзалой водопровод жўмраги остига идиш-товоқларни қўйиб юваркан, улар билан қўшиб ўзининг ҳам кутилмаган-да кўнглида пайдо бўлган ғам-ғуссаларини, дард-хавотир-ларини ювиб ташламоқчидек бўларди.

Меҳриддин билан Гўзалой бир ҳолатда далаҳовлидан узоқлашаётгандарида, кун чошгоҳ бўлган, офтоб бутун бор-

лиқни яна кечагидай қыздирмоқда, ўша ўйинқароқ болалар эса бугун ұмал шаталоқ отиб аңдорда чўмилишмоқда эди.

Чуқур ўйга толган Гўзалой буларга беҳис қараб кетаркан, «уф» тортиб қўйди.

Бу хўрсиниқнинг маъносини ўзича тушунган йигит унга далда беришга уринди:

— Ҳафа бўлманг, Гўзалой! Ҳали бу ерларга кўп келамиз. Аңдордаям чўмиламиз, ҳов анови тепаликларгаям чиқамиз. Муҳими, руҳингизни туширманг. Ҳаммаси яхши бўлади.

Улар анча йўлгача ўйга чўмиб, сукут сақлаб боришли.

Шаҳарга кираверишда Меҳриддин Гўзалойга кўз қирини ташлади:

— Бир фикрга келдингизми? Уйингизга қачон совчи юборай?

— Бир қарорга келишим билан сизга айтаман. Маъқулми?

— Яхши. Сиз нима десангиз шу.

— Сиз кутинг, — деди Гўзалой. — Имтиҳонлардан кейин ўйга бориб, улар билан гаплашаман. Натижасини сизга телефонда айтаман.

### Сирли дафтар

Меҳриддин Гўзалойни ётоқхонаси олдида тушириб қолдиргач, ўйга шошли.

Машинасини ўй ёнидаги дарахт тагида қолдирган йигит тўртинчи қаватга кўтарили. Қўнғироқни босди. Аммо ичкаридан ҳеч ким жавоб бермади. Бу тушунарли: дадаси билан ойиси ишга кетишган, синглиси эса университетга кириш учун қўшимча сабоқ олгани кейинги «дом»да турадиган домласиникига.

Эшикни ўз калити билан очиб ўйга кирган Меҳриддин аввал дам олиш ниятида хонасига кириб, диванга чўзилди. Анча ётди. Уйқуси келавермади. Тунги воқеадан унинг тинчини бузганди.

Негадир шу онда севги туйғусининг нозик кечинмалари ҳақида битилган бирон шеърни, тўғрироғи, қўшиқни кўнгли тусамоқда эди. У кўплаб китоблар, газета-журналлар тахлами сақланадиган хонага ўтди.

Меҳриддин ўзига керак шеър излаб, китобларни титкилаётганида муқовасига «Бухгалтерия» деб ёзилган каттагина китоб бехосдан жавсндан тушиб кетди. Китоб ичидан чиққан қалингина сарғиши дафтар Меҳриддиннинг диққатини ўзига тортди. Шо либ дафтарни қўлига олди. Айлантириб кўраётиб, унинг сиртидаги «Кундалигим» деган ёзувга кўзи тушди. Қизиқиш ортиб, дафтарга синчков тикилди. Дафтар униқкан ва муқоваси бироз хира тортган бўлса-да, ичидаги ёзувлари яхши сақланган эди.

Меҳриддин дафтарни очиб, биринчи саҳифасидан ўқий бошлади: «Ушбу кундаликларни ёзиб борувчи Ортиқали Тешабоев». Демак бу дадасининг кундалиги.

Меҳриддиннинг қизиқиши ортиб. Гўё қизиқ бир нарсанни билиб олиб, кейин онаси билан синглисига айтиб бериб роса кулдирадигандай саналар қўйилган саҳифаларни бирин-кетин ўқий бошлади:

#### **«1960 йил 20 июль.**

Бугун мен Тошкент давлат молия институтини битирдим.

#### **1960 йил 1 август.**

Тошкент шаҳар молия бошқармасига ҳисобчи бўлиб ишга жойлашдим.

#### **1960 йил 15 август.**

Бугун мен қанчалар баҳтлиман!.. Ўзим севган қизга, яъни институтда бирга ўқиган курсдошим Лобархонга уйландим.

#### **1973 йил 6 октябрь.**

Бугун мен учун оғир ва мусибатли кун бўлди. Отажоним етмиш тўққиз ёшида вафот этди.

#### **1973 йил 13 октябрь.**

Фам ва кулфат бир келса келаверар экан. Кўз ёшларимни тиёлмаётганим учун ёзишгаям қийналаяпман... Бу не кўргуллик? Отажонимнинг тупроғи совумай туриб етмиш олти ёшида онажоним ҳам бандаликни бажо келтириди.

Нима қилай? Во дориғ! Улар шунча кутишсалар ҳам бизларнинг туғилажак фарзандларимизни кўришолмай армонда кетишли.

#### **1977 йил 1 август.**

Бугун янги «Москвич» сотиб олдим. Севинаяпман-у, бироқ кўнглимда армон ҳам бор. Мен ёшлигимда машинам

бўлишини, унга отажоним билан онажонимни миндириб олиб Самарқанд, Бухоро каби шаҳарларга зиёрат қилди-ришни қанчалар орзу қилган эдим-а! Минг афсуски, ана шу орзуларим ҳам сўнгсиз армонга айланиб қолди...

**1978 йил 19 июнь.**

Бугун шундоққина ён қўшнимиз — Самандар жўрамнинг уйида ўнинчи синф ўқувчиларининг битириш кечаси бўлди. Кечада уларнинг ота-оналари ҳам иштирок этишди. Бу кечага биз ҳам қатнашдик. Тенгдошларимнинг фарзандлари ям мактабни битириб қолишибди-я! Вақтнинг ўтишини қаранг. Биз эса ҳамон бир тирноқقا зор бўлиб яшаётганимизни ўйлаб, юрагим идраб кетди. Яйраб ўтиrolмадим. Дунё кўзимга тор кўриниб кетди.

Ўйлаб қарасам, шу пайтгача иш деб, ташвиш деб юраверган эканман.

Мен учун жуда оғир кечган бу кунда ғам ва гуссанинг, алам ва армоннинг оғир тошини кўтаролмай елкам ўйилиб, бошимни кўтаролмай қолдим.

**1978 йил 1 ноябрь.**

Бугун шаҳар болалар уйидан 1978 йил 19 майда туғилган Мехриздин Тешабоев деган беш ойдан салгина ошган чақалоқни фарзандликка расмийлаштириб олдик.

Айтишларича, боланинг исми-шарифи ёзилган хат болалар уйига ташлаб кетилган чақалоқ йўргагининг ичидан чиқдан.

Боланинг ота-онаси номаълум эмиш.

Энди Мехриздинжоннинг онаси — Лобархон, отаси — ўзим-да!.. Фамилиямиз ҳам тўғри келганини қаранг!

Шу пайтгача тирноқقا зор бўлиб юрганимиз учун Мехриздинжонни жон-жон деб ўз фарзандимиздек қабул қилдик.

Соф бўлсак бутун меҳримизни шу фарзандимизга берамиз!..

Муҳими, фарзандли бўлиб бағримиз тўлиб қолди.

Муҳими, энди уйимиздан чақалоқнинг йифиси, онанинг алласи чиқаяпти.

Дунёда бундан ортиқ баҳт борми...

**Меҳрилдиннинг вужуди титраб, кўзлари ёшга тўлди.**

**Шу ҳолатда беихтиёр кейинги сатрларга ҳам кўз югуртириди:**

**1980 йил 3 ноябрь**

Меҳрилдиннинг қадами қутлуғ келди: ўзимизгаям худо фарзанд берди. Қизимизга Орзигул деб исм қўйдик.

Оллоҳга минг-милён карра шукурки, фарзандимиз иккита бўлди...

Меҳрилдин ўзи ҳақидаги узуқ-юлуқ маълумотларни кўзларига ишонмай қайта-қайта ўқиркан, эси оғиб қолай деди.

«Э!.. Бу қанақаси бўлди? Наҳотки мен ташландиқ бола бўлсам? Бундан чиқди, мен сифиниб юрган одамлар менинг ота-онам эмас, бегоналар экан-да!

Бу менинг бахтимми, бахтсизлигимми?..

Наҳотки менинг асл ота-онам бетайин одамлар бўлишган?

Мен дунёдаги энг меҳрибон инсонларнинг бахти фарзандиман деб машина миниб, ғўлдайиб юрсан, бу яна қанақаси бўлди?

Аслида мен ота-онасининг тайини йўқ ташландиқ бола эканман-да?.. Эҳ! Бу шўр пешонам қурсин менинг!..

Энди нима қиласман? Ойижоним билан дадажонимнинг юзларига қандай қарайман?! Нега булар бу ҳақиқатни мендан яшириб юришибди экан? Балки бу ерда яна бошқа гаплар ҳам бордир?

Балки менинг ота-онам ўлиб кетишгандир? Мен шўри қисган бир етимдирман.

Ким билади? Мени болалар уйига ташлаб кетган шунчаки бир савобталаб аёлдир!..»

Меҳрилдиннинг ўй-хаёли чувалди.

Кундаликни диққат билан ўқишида давом этмоқчи бўлди.

Аммо саволларига жавоб тополмай, беш-үн саҳифага шунчаки кўз югуртириди.

Ниҳоят ўзига тегишли сатрларга кўзи тушганида типирчилаб қолди, саҳифани бошидан бошлаб диққат билан қайтадан ўқишига киришди:

**«1985 йил 25 январь.**

Бугун Чорсу бозорида эски шаҳардаги ҳовлимизни со-тиб олган Зулайҳо опани учратиб қолдим. Опанинг айти-шича, кейинги бир ярим ойнинг ичидаги уларнинг уйига биз-ларни, тӯғрироғи Меҳриддинжонни сўроқлаб аввал бир аёл кепти. Аёлнинг исм-фамилияси Гулсара Тешабоева бўлиб, у Меҳриддинжоннинг туққан онаси экан. Сўзининг ораси-да у ўзини бухороликман, деб таништирибди.

Орадан бир ойча вақт ўтиб, Нормўмин Тешабоев деган яна биттаси кепти.

Бу киши Гулсаранинг акаси, Меҳриддинжоннинг тоғаси экан!..

Ўша ҳовлидан вақтида кўчиб кеттанимиз хўп яхши бўлган экан-да!..

Бўлмаса Меҳриддинжондан айрилиб қолишимиш ҳам мумкин экан.

Суф-е, бундан худонинг ўзи асрасин!..

Меҳриддинжон — бизнинг ўғлизимиз!..

Биз уни ҳеч кимга бермаймиз!..

Ўғлизимиш ўзимиз ўқитиб, ўзимиз уйлантирамиз!..»

Меҳриддин асл отаси тўғрисида ҳам билгиси келиб кун-даликни яна қайта-қайта варақласа-да, бу ҳақда бирор тай-инли гап тополмади. Қайтага юраги саншиб, дили ўртанди. Кўнгли чўкканича, ўйларига эрк берди: «Онам бор экан, тоғам бор экан. Улар мени излашибди.

Бироқ нега улар мени чақалоқлигимда болалар уйига ташлаб кетишади-ю, ўша вақтда эмас, орадан етти йил ўтгандан кейин сўроқлашади? Нега?

Нега мени отам изламаган? Нега?

Менинг бу чалкаш тақдиримининг асл айбдори ким?

Бу саволларимга ким жавоб бера олади?

Ким?..»

Азобли, зиддиятли ўйлар исканжасида қолган Меҳрид-дин бир қарорга келолмай, сариқ дафтарга тикилган кўйи узоқ ўтириб қолди.

## Ҳам ота, ҳам қайна

Гарчанд вафот этганига уч йилдан ошган бўлса-да, ни-магадир кейинги ойлар ичидан отаси тушига қайта-қайта ки-раверди. Шамсиддин аввалига бунга унчалик эътибор бер-мади, аммо бора-бора нимагадир кўнгли ғаш тортиб, хаво-тирлана бошлади. Бироқ бу ҳақда хотинигаям, ёзги таътил-га келган қизигаям тиш ёриб айтмади. «Отам менинг туши-га кирмай, кимнинг тушига киради», деган тасалли билан ишига бориб-келиб юраверди.

Бугун эса яна нимагадир ишда ўтирган маҳали юраги бе-зовталанаверди. Худди бирон нохушлик юз беришини сеза-ётгандай. Кайфияти бузилган Шамсиддин уйга барвақтрок қайтди. Кела солиб одатига кўра анча улғайиб қолган ноги-рон ўғилларининг хонасига кирди, улардан ҳол-аҳвол сўра-ди. Сўнг улар билан бирга ўтириб телевизор томоша қилди.

Телевизорда кейинги пайтлари эл орасида машҳур бўлиб қолган «Меҳр кўзда» кўрсатуви намойиш этилаётган эди.

Телебошловчи кўрсатув залида қўлларида катта-кичик сурат ушлаб ўтирганларга навбати билан сўз берди. Бирор ўғлини, бирор қизини, яна бирори яқин қариндошини изла-ётганини айтиб, уларнинг фотосуратларини кўрсатишиди.

— Яқинда бизнинг ижодий гуруҳимиз жойлардаги ҳам-корларимиз ёрдамида қарийб ўн йилдан бери изланётган кишини топгандай бўлди, — деди жойига қайтиб ўтирган бошловчи ёқимли табассум билан. — Нормўмин ака, мана-ви экранга диққат билан қаранг-чи, мабодо бу аёл сизнинг синглингиз эмасми?

Ислами таниш туюлган Шамсиддин беихтиёр «ярқ» этиб эк-ранга қаради. Худди шу маҳал оператор залда ҳаҷонла-ниб ўтирган бир эркакни йирик планда кўрсатди. Орадан йиллар ўтган бўлса-да, Шамсиддин бир қараашдаёқ таниди: бу Гулсаранинг акаси Нормўмин эди.

Беихтиёр вужуди титраб кетган Шамсиддин телевизор-га яқинроқ сурилиб ўтириди.

Экранда уч-тўрт ёшлиардаги болакайнинг қўлидан маҳ-кам ушлаб олган, пиқ-пиқ йифлаётган... Гулсара кўрин-

ди. Шамсиддин донг қотиб қолди. У ўзига келганида, телевизорда Нормўмин синглиси Гулсара ва уч-тўрт ёшдаги жиянчаси билан йиглаб кўришаётган эди. Бошловчи чеккароқда турган, одмигина кийинган қаримсиқ кишига ишора қилди:

— Нормўмин ака, бу киши куёвингиз Болта ака бўладилар. Марҳамат, танишинг.

Шамсиддин баногоҳ тиззасига «тарс» эткизib бир урдию, кураш майдонидан енгилиб чиқиб кетаётган ношуд полвондек бошини хам қилганча ташқарига отилди. Фарзандлар ҳайрон бўлиб қолаверишди...

Шамсиддин кўчаларни узоқ кезди. Нимагадир гупириб кетган юраги кўксига сифмас, нафас олиши ҳам тобора оғирлашарди.

У яна ва яна Гулсарани, шаҳардаги болалар уйида қолиб кетган биринчи фарзандини эслади. Ўзининг узоқ муддат ароқقا, нашага берилиб кетиши, иккала ўғлининг ногирон туғилиши сабабини эса Гулсаранинг қарғишидан кўрди...

Орадан уч соатга яқин вақт ўтгач, сал ҳовуридан тушган Шамсиддин уйига қайтиб, меҳмонхонага кирганида хотини қизи билан ғижиллашиб ўтирганини кўрди. Уни кўриши билан иккалови ҳам бирдан жимиб қолишиди.

— Нима гап, тинчликми? — деди Шамсиддин қовоқ уйиб ўтирган хотинига жаҳл билан қараб. — Она-бала нимани бўлишолмай ўтирибсизлар?

Гўзалой айбор қиёфада аста ўрнидан турди ва бошини кўтармаган кўйи шипиллаб хонадан чиқиб кетди. Шамсиддин баттар тутақди:

— Ораларингдан қора мушук ўтдими? Намунча қовоқтумшуқ қиласан?

Ранги ўчиб кетган Ойсара нимадир демоқقا чоғланиб бир-икки марта оғиз жуфтлади, аммо тили боғлангандай гапиролмади.

Шамсиддиннинг юраги сиқилиб кетди:

— Гапирсанг-чи бундоқ!

Ниҳоят Ойсара тилга кирди:

— Айтсам тилим, айтмасам дилим куяди, дадаси...

— Бошлагандан кейин айт-да.

Ойсара йиғлаб юборди.

Шамсиддиннинг жони ҳалқумига келди:

— Нега йиғлайсан? Ким қазо қилибди?

Ойсара ўзини йиғидан тўхтата олмай ҳиқиллади:

— Қизингизнинг...

Шу сўзни айтиши билан жувоннинг овози ўчди.

— Қизимга нима бўлибди, бинойидай юрибди-ку!

— ...Бўйида бормиш...

— Нима? Нима дединг?! Бу гапни ўйлаб айтаяпсанми?

Ҳазилингни қўй, хотин!

— Кошки эди, ёлғон бўлса!

Шамсиддин ўкириб юборди:

— Ким экан у, қизимга қўл теккизган аblaҳ! Иблис! Ит!!!

Ким?

— Тошкентлик Мәҳриддин деган ашулачи йигит экан...

Консерваторияда ўқиркан. Лекин уйланаман депти. Совчи юбораман депти...

Кўзи қонга тўлган Шамсиддин:

— Ўлдирман! — деб ҳайқирди. — Топаман! Чолиб ташлайман муртадни!

Ойсара жон ҳолатда кўрпа тагидан бир сурат олиб узатди:

— Манави расми... Худо деб айтайнин-у, сизнинг ёшли-гингизнинг ўзи.

Шамсиддин жаҳл билан суратни хотинининг қўлидан тортиб олди. Шапалоқдай келадиган рангли суратда бир йигит жилмайиб турарди. Аммо... бу нигоҳлар... бу кўз-қошлар... бурун... қалин лаблар... ингичка мўйлов...

Туйқусдан Шамсиддиннинг ичи музлаб кетгандай бўлди: у беихтиёр хотини айтган исмни эслади — Мәҳриддин...

Эрининг суратга тикилганча гаранг аҳволда қотиб қолганини кўрган Ойсара бидирлаб кетди:

— Биринчи кўрганда мен ҳам ажабландим... Сизнинг ўзингиз... Аммо унаقا инсофсиз йигитга ўхшамайди. Бориб ота-онанг билан гаплаш, совчи юбораман дебди. Хабарини дарров сotкамга қўнғироқ қилиб айт, деб тайинлабди. Биз

рози бўлгандан сўнг совчи юбораркан... Қизингиз хабари-  
ни айтса бўлди экан...

Шамсиддин бирдан жони қочган қўлини базур чўзди:

— Бер...

Ойсара гапдан тўхтаб, эрига ҳайрон бўлиб қаради:

— Нимани?

— Номерини... — аранг шивирлади Шамсиддин.

Ойсара Мөҳриддиннинг телефон рақами ёзилган қофоз-  
чани эрига узатди.

Шамсиддин худди сеҳрлангандай қофозга қаради ва  
чўнтағидан қўл телефонини олиб, рақамларни бир-бир тер-  
ди. Сўнг телефонни қулоғига олиб борди. Аввал гудок, кей-  
ин:

— Алё, эшитаман, — деган овоз келди. — Ким бу?

Ҳам ваҳимага тушаётган, ҳам ҳалиям нимадандир умид  
қилаётган Шамсиддин қуруқшаб кетган лабларини аранг  
қимиirlатганча шивирлади:

— Мен Гўзалойнинг отасиман...

— Э, ассалому алайкум...

— Сен... сен кимсан, менга ўзингни таништириш.

— Мен Мөҳриддинман. Ўзингиз яхшимисиз, уйдагилар...

Шамсиддин булбулигўё бўлиб сайраётган йигитнинг га-  
пини бўлди:

— Кимнинг ўғлисан? Отанг, онанг борми?

— Албатта. Ажойиб ота-онам бор!

Шамсиддин сал енгил нафас олгандаи бўлди. Аммо ҳар  
эҳтимолга қарши сўради:

— Эшитишимизча, асраб олинган бола экансан...

Шамсиддин бу гапни эшитган заҳоти жон ҳолатда ўрни-  
дан туриб кетиб, нимадир демоқчи бўлаётган хотинини бир  
ўқрайишда қайтиб жойига ўтқазиб қўйди.

— Ҳа, одамлар ҳамма нарсани билади, деганлари рост  
екан... Яшириб нима қилдим. Сизга қайси бирини айтай...

Мөҳриддин жим бўлиб қолди. Ичи қизиб кетган Шам-  
сиддин беихтиёр бақириб юборди:

— Тушунтириброқ гапирсанг-чи!

— Хўп, амакижон, хозир айтаман. Мени туғиб шаҳар бо-

лалар уйига ташлаб кетган онамнинг оти, эшитишимича, Гулсара Тешабоева экан. Бухоролик эмиш. Ҳали бу онам билан бир мартаям юз кўришганимиз йўқ. Қаердалигиниям билмайман. Ҳақиқий отам кимлигидан-ку, умуман хабарим йўқ. Мени болалар уйидан ҳозирги ота-онам фарзандликка олишган. Лекин улар менга ҳақиқий ота-онамдан ҳам азизроқ... Алё, мени эшитаяпсизми? Нега жим бўлиб қолдингиз... Алё... алё...

Шамсиддин беихтиёр сўкиниши кимга қаратилганини ҳам билмаган ҳолда:

— Падарингта минг лаънат! — деб юборди.

Аввал Шамсиддиннинг қўлидан гўшак сирғалиб тушди. Сўнг ўзи «шилқ» этиб қулади.

Зоро Шамсиддин ҳаммасини тушунганди.

Мана у, умр якуни. Мана ҳисоб-китоб вақти... Мана қилган қабоҷатига, юзсизлигига, виждонсизлигига берилган шафқатсиз жазо...

— Мени худо уриб қўйибди-ку... — ожизона пичирлади Шамсиддин. — Қизимизни худо уриб қўйибди-ку...

Шамсиддин атрофга меровсираб аланглади. Қаршисида ўзига анграйиб қараб турган, ҳеч нарсадан хабари йўқ ғофил хотини. Нариги хонада икки ногирон ўғил. Ундан кейинги хонада эса... қорнида ўзининг туғишган акасидан бўлган ҳомилани кўтариб юрган қизи Гўзалой...

Шамсиддиннинг уйи куйди. У ўзи бир пайтлар ташлаб кетган, ўз пуштикамаридан дунёга келган фарзандига ҳам ота, ҳам қайнота бўлди...

Шамсиддин ўқраб йиғлаб юборди...

*Навоий – Тошкент  
2002-2007 йиллар.*

*Адабий-бадиий нашр*

**МЕНГЛИБОЙ МУРОДОВ**

**ГУНОҲ**

*Roman*

**Муҳаррир  
Абдуқаюм ЙўЛДОШЕВ**

**Дизайнер  
Акбар ИСМОИЛОВ**

**Техник муҳаррир  
Зокиржон АЛИБЕКОВ**

**Мусаҳҳиҳ  
Замира ГУЛМАТОВА**

**Саҳифаловчи  
Faфуржон МАДАЛОВ**

Босишга 30.03.2009 й.да рухсат этилди. Бичими 84x108 1\32.

Босма тобоги 9,5. Шартли босма тобоги 15,96.

Адади 1000 нусха. Буюртма № 64.

Баҳоси келишилган нарҳда.

«Янги аср авлоди» нашриёт-матбаа марказида тайёрланди.

«Ёшлар матбуоти» босмахонасида босилди.

100113. Тошкент, Чилонзор-8, Қатортол кӯчаси, 60.

Мурожаат учун телефонлар:

Нашр бўлими – 368-36-89;

Маркетинг бўлими – 128-78-43

факс — 173-00-14; e-mail: yangiasravlod@mail.ru